

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ
ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИ
БАРЧА БАКАЛАВР ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ УЧУН
МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ. ДИНШУНОСЛИК
ФАНИДАН
МАЪРУЗУЛАР МАТНИ

ТЕРМИЗ – 2013

“Маънавият асослари.Диншунослик” фанидан тайёрланган маърузалар матни “Маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедрасининг 2013 йил августдаги мажлисида 1-сонли баённомаси, Тарих факультети Илмий кенгашининг 2013 йил -августдаги мажлисида 1-сонли қарори, Термиз давлат университети Илмий Кенгашининг 2013 йил -августдаги (1-сонли қарори) билан тасдиқланган ва фойдаланишга тавсия этилган.

Такризчилар:

ф.ф.н.доц. Мустафоев У.
с.ф.н.доц. Расулов Х

Тузувчилар:

Маънавият асослари ва
ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчилари
ўқит. Мажитов М.
ўқит. Мамаражабов Ғ.
Ўқит. Абдуқаюмова Н.

1-МАВЗУ.МАЪНАВИЯТ ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАЪНАВИЯТ, УНИНГ МЕЗОНЛАРИ ВА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙТИКЛАНИШ ҲАҚИДАГИ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ.

РЕЖА:

1. «Маънавият» тушунчасининг моҳияти.
2. Маънавиятнинг асосий категориялари, унинг ривожланиш қонуниятлари.
3. Ислом Каримов томонидан миллий – маънавий тикланиш концепциясининг ишлаб чиқиши ва унинг моҳияти.
4. Мустақиллик йилларида миллий маънавиятнинг тикланиши ва ривожланишида Ислом Каримовнинг хизматлари.

1. «Маънавият» тушунчасининг моҳияти.

Моддий нарсалар одамга жисмоний озик ва қувват берса, маънавият унга руҳий озик ва қудрат бағишлайди. Фақат моддий жиҳатдан таъминланиш билан қифояланиш – онгсиз ва руҳсиз маҳлуқотга хос маънавиятга интилиш эса руҳ ва онг эгаси бўлмиш одамзотгагина хос фазилатдир. Маънавият одамнинг руҳий ва ақлий олами мажмуи каби мураккаб ижтимоий ҳодисадир.

Юқорида айтганимиздек, маънавият жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, уни бир жумлада ифодалаш ниҳоятда мушкул.

Маънавият кўпроқ инсон қалбига, ботиний томонига қаратилганлиги билан ажралиб туради. Шу маънода маънавият инсон қалбидаги илоҳий бир нур саналадики, бу илоҳий нур ҳеч бир жонзотда йўқ.

Президентимиз Ислом Каримовнинг назарий қарашларига, миллий қадриятларимизни, тарихий ва маданий меъросимизни тиклаш борасидаги амалий фаолиятларига таянишимиз, уни ўзимиз учун дастуруламал қилиб олишимиз мақсадга мувофиқ. Юртбошимиз “Туркистон” газетаси муҳбирининг саволарига жавобларида, маънавият ҳам борлик, табиат, жамият каби узлуксиз ҳаракатдаги жараён эканлиги, инсон фикри, тафаккури, ҳис – туйғуси тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули бўлмиш маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгилинишда бўлишини уқтириб: **“Маънавият авваламбор одамни руҳан покланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон – эътиқодини бутун қиладиган виждонини уйғотадиган куч...”** деб таърифлаган эдилар. Бу таърифда инсон фаолиятининг барча маънавий қирралари қамраб олинган бўлиб, биз бундан буён маънавият ҳақида сўз юритганимизда унга методологик асос сифатида таянамиз.

Кейинги пайтларда маънавиятга оид эълон қилинаётган мақолаларда, ўтказилаётган анжуманларда “Маънавият” тушунчасига таъриф бериш, унинг жамият, инсон ва миллат тараққиётидаги ўрнига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, таниқли файласуф А. Жалолов “Мустақиллик масъулияти” асарида **“Маънавият – инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятининг ажралмас таркибий қисми, онги, ақл – заковатининг маҳсули”**, - деб таърифлаган. “Ҳаёт фалсафаси ва фалсафа ҳаёти” мақоласида бу таърифни янада кенгайтириб, мукамалроқ тарзда қуйидагича таърифлайди: **“Маънавият - инсон фаолиятининг руҳий мазмуни бўлиб, кишилар унинг воситасида ўзларини англайдилар, жамиятни, табиатни, уларнинг мавжудлиги ҳамда тараққиёти хусусиятларини ўрганадилар, қонунларини кашф этадилар ва уларга таяниб, ўз турмуш шароитлари, амалий фаолиятлари муаммоларини ҳал этадилар”**.

“Ватан туйғуси” китобининг муаллифлари **“Маънавият – жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча”**, - деб таърифлаганлар.

А. Эркаевнинг фикрича, **“Маънавият – инсоннинг ижтимоий - маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр – мурувват, адолат, тўғрилиқ, софдиллик, виждон, ор – номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний ҳислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштарақлик касб этган мажмуидир”**.

Маънавият муаммоси билан анчадан буён шуғулланиб келаётган олимларимиздан бири М. Имомназаров мазкур масалага бағишлаб иккита китоб чиқарди. Муаллиф биринчи китобида **“Маънавият инсон қалбидаги илоҳий нур ...”**, - деб ёзган бўлса, иккинчи китобида **“Маънавият – инсон қалбида, қўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир, дейилган таъриф дарҳақиқат, сўфиёна рамзий таърифдир, зотан бошқача таъриф бу чексиз моҳиятни чеклаб қўяди”**, - деб ёзади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маънавият – инсоннинг руҳиятини, унинг ўз – ўзини англаши диди, фаросати, адолат билан разилликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан хунукликни, вазминлик билан жохилликни ажрата билиш қобилиятини, ақл – заковатини, юксак мақсад ва ғояларни қўя билиш, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидир, - деб таъриф бериш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Маънавият ҳар доим маърифат билан уйғун ҳолатда ривожланиб боради. Маърифат - билиш, билим, маълумот деган маънони англатади.

2. Маънавиятнинг асосий категориялари, унинг ривожланиш қонуниятлари.

Маънавият ҳам ўзининг бир қатор категорияларига – тушунчаларига ва ривожланиш қонуниятларига эгадир. Унинг тушунчаларига шахснинг ўз – ўзини англаши, билимдонлик, қалби тозаллик, сахийлик, самимийлик, ҳайрихоҳлик, иймонлилик, ҳалоллик, эътиқодлилик, диёнатлилик, поклик, меҳр – шафқатлик, виждонлилик, ростгўйлилик, адолатпарварлик, ота – онага ҳурмат, оилага садоқат, вафодорлик, тўғрилиқ ва бошқалар; миллатнинг вакили сифатида: миллий ўз – ўзини англаш, миллатпарварлик, ватанпарварлик, миллат тақдирига нисбатан масъулиятни, миллий манфаат устуворлигини ҳис этиш, миллий тил, миллий тарих, адабиёт, санъат, урф – одатлар, анъаналар, қадриятлар, давлат тизимига ҳурмат, қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик, вазминлик, ўз касбининг моҳир устаси бўлиш, мамлакат ички ва ташқи фаолиятдан ҳабардор бўлиш ва уни қўллаб – қувватлаш, мамлакат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида фаоллик ва бошқалар қиради.

Маънавият ривожланиши ҳам маълум қонуниятларга таянади. Гарчанд бундай қонуниятлар бир неча йўналиш ва жараёнларни ўз ичига олса ҳам, уларни йирик гуруҳларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга шахс, миллат ёки жамиятнинг ички салоҳияти билан боғлиқ бўлган қонуниятлар қиради.

Иккинчи гуруҳга қонуниятларига шахслар ва миллатларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида содир бўладиган “ўзаро таъсир” ва “ўзаро бойитиш” орқали намоён бўладиган жараёнлар қиради.

Маънавият ана шу ўзаро муносабатлар ва “таъсирлар” асосида ривожланиб боради. Бу жараёнда бир томон иккинчисига ниманидир “беради” ва ниманидир “қабўл” қилади. Шундай қилиб, маънавият ривожланишидаги “таъсир” ва “акс таъсир” қонунияти мавжуд бўлиб, у маънавиятнинг ривожланиб боришини таъминлашга хизмат қилади .

3. Ислом Каримов томонидан миллий – маънавий тикланиш концепциясининг ишлаб чиқиши ва унинг моҳияти.

Ислом Каримов томонидан миллий – маънавий тикланиш концепциясининг ишлаб чиқиши ва унинг моҳияти.

Маънавият жамият тараққиёти миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади, чунки маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу ўз навбатида шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қилади. Бунини чуқур ҳис қилган ва ўз қалбидан ўтказган Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг она заминимизда Демократик жамият қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришни миллий маънавий тикланиш билан уйғун ҳолатда бўлиши кераклигини илмий жихатдан асослаб берди. У ўзининг “Ўзбекистоннинг ўз истиклоли ва тараққиёт йўли” номли асарида мустақилликдан кейин Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавият соҳасидаги стратегик вазифаларини ҳам белгилаб берди.

Ислом Каримов ушбу асарида мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини белгилаб берар экан, “Ўзбекистоннинг янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади”- деб кўрсатади ва қуйидагиларни белгилаб беради, умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меъросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятини эркин намоён қилиши; ватанпарварлик. Ислом Каримов шундай ёзади: “Мустақил Ўзбекистоннинг куч қудрат манбаи-халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат тинчлик аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун

бағишлаш заминимизда тинчлик ва Демократия, фаровонлик, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топиши учун зарур шарт - шароитлар яратишдир.”¹

И. А. Каримов асарида мамлакатимизда миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш давлат сиёсатида устувор вазифа эканлигига эътибор қаратиб қуйидаги концептуал ғояни илгари суради. У шундай ёзади: “Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак дейдиганлар ҳақ бўлмаса керак. маънавият- инсоннинг, халқнинг, жамият, давлатнинг куч қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Президентимиз томонидан илгари сурилган бу концептуал ғоянинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки: **биринчидан** бу билан муаллиф собиқ шўролар даврида маънавиятни ривожлантиришга 3 - даражали омил сифатида қаралишининг ижтимоий –сиёсий; иқтисодий ва маънавий-маърифий инқирозининг ҳам сабабларини кўрсатиб беради. **Иккинчидан** маънавиятни ривожлантирмасдан, шахснинг маънавий -руҳиятини ўзгартирмасдан туриб жамиятда кўзланган мақсадни амалга ошириш мумкин эмаслигига эътиборини қаратган. Президентимизнинг яна бир муҳим концептуал ғояси маънавият шахснинг энг муҳим мезони ва шунинг билан бирга уни камолотга элтувчи, ўз-ўзини англаувчи ва имкониятларини юзага чиқарувчи улкан омил эканлигини илмий асосланганлигидир.

И. А. Каримовнинг миллий- маънавий тикланишга бағишланган концепциясида ватанпарварликнинг шахс маънавиятининг ажралмас қисми эканлигини асослаб бериш алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳақиқатдан ҳам ўз ватанини севмаган унинг ҳар бир қарич ери учун масъуллигини ҳис этмаган ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан қашшоқ ҳисобланади.

Президентимиз мазкур асарида миллий-маънавий тикланиш вазифасини амалга оширишга бағишланган концепцияларни ўзининг бошқа асарларида ижодий ривожлантирган, тараққиётимизнинг янги босқичида юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш эҳтиёжларига мос равишда унинг янги йўналишларини белгилаб берган.

Хусусан, улар “Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида”, “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари”, “Амир Темур -фахримиз, ғуруримиз”, “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин”, “Ўзбекистон ХХИ асрга интилмоқда”, каби асарларида ўз ифодасини топган.

Президентимизнинг асарларида илгари сурилган концептуал ғояларни умумлаштирадиган бўлсак, улар қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади

-маънавий меърос ва диний қадриятларни чуқур ўзлаштириш, миллатимизни ўз-ўзини англашига эришиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини изчиллик билан мустаҳкамлаш;

-мустақиллик шароитида миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантириш ҳамда уни халқимиз дунёқарашига айланишига эришиш;

-таълим тизимини ислох қилиш, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини амалга ошириш асосида баркамол авлодни шакллантириш, соғлом авлод дастурини амалга ошириш асосида жисмоний бақувват, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур ватанпарвар авлодимизни шакллантириш;

-миллий-маънавий салоҳиятимизни жаҳон цивилизациясидаги ўрнини тиклаш ва бугунги кунда маънавият, маърифат, фан, техника, технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш асосида ҳозирги замон умумжаҳон маънавияти тизими ривожланишига ҳисса қўшиш; ёшлар маънавиятининг миллий истиқлол ғоялари билан бойитиб бориш, улар онгида мафқуравий иммунитетни кучайтириш-инсониятни асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий-маънавий салоҳиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш қабилардир. Ислом Каримов миллий мафқуранинг миллий маънавий тикланиш ва мамлакатимизда Демократик жамият қуришдаги аҳамияти ва ролини илмий асослашга катта эътибор қаратади. Миллий-мафкура миллатни бирлаштиради, мафқурасиз одам жамият давлат ўз йўлини йўқотади. Президентимизнинг миллий маънавий амалга оширишга хизмат қилувчи яна бир концептуал ғояси соғлом авлодни тарбиялаш вояга етказиш заруриятини илмий асосланганлигидир. Унинг соғлом авлод концепциясида шахснинг жисмонан, руҳан бақувват бўлиши юксак билим, маънавият, тафаккур ва фидойи ватанпарвар бўлиши каби талабларга жавоб берадиган авлодни назарда тутди. Шунинг учун ҳам у “...фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади”- деган ғояни илгари суради. Миллий-

¹ Каримов И. Ўзбекистон Миллий истиқлол ,иқтисод,сиёсат ва мафкура. Тошкент. Ўзбекистон 1993 й 74-бет

маънавий тикланишимизда ёшларимиз маънавиятини юксак даражада кўтариш, уларнинг ҳозирги замон фан, техника ва технология ютуқларини чуқур ўзлаштиришлари катта омил эканлиги президентимиз томонидан илмий асосланган.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш ва янгиланиш концепцияси жуда катта назарий ва методологик аҳамиятга эга; улар куйидагилардан иборат:

Биринчидан, бу концепция собиқ Шўроларнинг тоталитар тузуми шароитида бой миллий маънавий маданиятимизнинг инкирозга юз тутганлиги ва унинг сабабларини тушунишга;

иккинчидан, собиқ Шўроларнинг ўтказган зўравонлиги, зулми ва жинояткорона хатти - ҳаракатларига қарамасдан, миллий - маънавий меъросимизнинг илдизлари мустаҳкам бўлганлиги учун бу зўравонликларга бардош бериб, ўз салоҳият ва хусусиятларини сақлаб қололганлигини тушуниб етишга худди шунингдек, ана шу омил мустақиллигимиз шароитида куч, қудрат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларимиз учун манба бўлаётганлигини тушуниб етишга;

учунчидан, ҳар бир миллат, у сон жихатдан кичикми ёки каттами ундан қатъий назар мустақиллик уларнинг ҳар бири учун ҳаво ва сувдек зарур эканлигини, фақат мустақиллик миллатни миллий - маънавиятини сақлаб қолишга, уни ривожлантириш ва кейинги авлодга етказиш бахтига муяссар этадиган асосий омил эканлигини тушунишга, бу эса ҳар бир миллатдошимиз ва ватандошимизни мустақилликдек улуғ неъматни сақлаб қолиши учун фадойилик кўрсатиши маънавиятнинг юксак белгиси эканлигини қалбан ҳис қилишга имкон беради;

тўртинчидан, миллий-маънавий тикланишнинг моҳияти, "маънавият" тушунчаси, унинг шахс, миллат камолоти, давлат ва жамият тараққиётидаги ўрнини билиб олишга, уни ривожлантириш учун меъросимизни чуқур ўзлаштириш тинмай изланиш, маърифат, фан, техника ва технология ютуқларини сабот билан ўзлаштириш ҳамда Президентимизнинг бугунги тараққиётимизни таъминлайдиган "куч-билим ва тафаккурда"-деган илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган концептуал ғоясига изчиллик билан амал қилишимиз;

бешинчидан, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва ислохатларни амалга ошириш жараёнида миллий-маънавий тикланишимиз олдида турган вазифалар кўламини билиб олишга ва уни амалга оширишда умуммиллий сафарбарлик ҳаракатини авж олдиришда фидойилик кўрсатиш зарурлиги;

олтинчидан, талаба ёшларнинг миллий-маънавий тикланиш борасида улар олдида турган вазифаларни билиб олишга, миллий ғурур, ифтихор, фадойилик, ватанпарварликни шакллантириш-мустақилликни мустаҳкамлаш ва тараққиётимизнинг асосий шарти эканлигини тушуниб етиш;

еттинчидан, миллий истиқлол ғоясининг маъно ва мазмунини чуқур англашимиз, мутақилликни мустаҳкамлаш жараёнида маънавий янгиланишимиз борасида стратегик вазифаларимизни асосий йўналишлари ва кўламини чуқур билиб олишимиз ҳамда уларни амалга оширишда фидойилик кўрсатишимизнинг аҳамияти тушуниб етишимиз зарурлиги кабилардир.

Президентимиз ишлаб чиққан миллий-маънавий тикланиш концепциясида инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш ҳам асосий ўринни эгаллайди.

4. Мустақиллик йилларида миллий - маънавиятнинг тикланиши ва ривожланишида Ислом Каримовнинг хизматлари.

Президентимизнинг миллий - маънавий тикланишимиз борасидаги қилган хизматлари ҳақида фикр юритганда, уларнинг концептуал ғояларини ишлаб чиқиш билан бир қаторда ана шуларни амалга ошириш борасида қилаётган катта хизматлари ҳақида алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Жумладан, 1994 йилдаёқ республикамызда "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказини тузиш тўғрисида фармон чиқарганлари, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ҳақида ғамхўрлик кўрсатаётганликларини айтиш жоиз. Мустақиллик йилларида маънавий меъросимиз раҳнаомлари номлари тикланди, улар таваллуд топган кунлар нишонланмоқда, асарлари чоп этилди ва этилмоқда. Чунончи, Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги; Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллиги кенг нишонланди. 1998 йилда Имом ал-Бухорий ҳазратларининг 1225 йилликлари, Аҳмад ал- Фарғонийнинг 1200 йиллиги нишонланишида бош - қош бўлганликларини таъкидлаш лозим.

Мустақиллик йиллари Қуръони Карим ўзбек тилига таржима қилиниб кўп нусхада чоп этилди. Имом ал-Бухорийнинг тўрт жилдлик ҳадислари чоп этиш тугалланди. Хожа Аҳмад Яссавийнинг "Хикматлар" тўплами чоп этилди. Кўплаб Қуръони Карим шарҳлари оид китоблар

ҳам чоп этилганлигини ва улардан халқимиз баҳраманд бўлаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мустақиллик йиллари Ийди Рамазон ва Курбон Ҳайит кунлари диний кадриятларимизнинг байрами сифатида нишонланмоқда. Наврўз умумхалқ байрами сифатида халқимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди. Ҳар йили 3000 дан ортиқ ватандошларимиз муборак ҳаж сафарларини адо этмоқдалар. Мустақиллик йиллари масжид ва мадрасалар таъмирланди.

Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзоларнинг номи қайта тикланди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди, Мирзо Улуғбекнинг эса 600 йиллиги кенг нишонланди ва шу муносабат билан юртимизда бекиёс маънавий - маърифий ишлар амалга оширилди.

Миллий – маънавий тикланишимиз борасида Президентимиз томонидан амалга оширилган миҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган ишлар қаторига яна қуйидагиларни қўшиш лозим бўлади:

а) миллий – маънавий тикланишимизнинг илмий назарий концепциясини ишлаб чиқилганлиги ва истиқболда маънавий тараққиётимизнинг ХХИ асрдаги вазифаларини белгилаб берганлиги;

б) миллий – маънавий тикланишнинг мамлакатимизнинг тоталитаризмдан Демократик жамиятга ўтиш шароитидаги ўзиги хос хусусиятларини илмий асослаб берганлиги ва унинг фақат миллий, ижтимоий – маънавий тафаккуримизда эмас, шунинг билан бирга умумижтимоий – фалсафий тафаккур тараққиётида янги йўналиш бошлаб берганлигини ҳам таъкидлаш лозим бўлади .

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Мустамлака, Мустақиллик, миллий - маънавий, тикланиш, назария, меърос, маънавият, кадриятлар, баркамол авлод, тарихий хотира, ўзликни англаш, соғлом авлод, байрам, вазифа, йўналиш, тараққиёт.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Маънавият тушунчасининг моҳиятини изоҳлаб беринг?
2. Маънавиятнинг шахс миллат жамият ҳаётидаги ўрни нимада ?
- 3.Миллий-маънавий тикланиш деганда нимани тушунасиз?
- 4.Ислом Каримовнинг миллий-маънавий концепциясини ишлаб чиққанлигини нималарда кўрсатиб бера оласиз?
- 5.Ислом Каримов ишлаб чиққан миллий-маънавий тикланиш концепциясининг қандай назарий ва амалий аҳамияти бор?
6. Мустақиллик йилларида миллий - маънавий тикланишимизда Ислом Каримовнинг хизматлари нималардан иборат?

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Шарқ, 1998.
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк кежакка ишончдир. Т.: Ўзбекистон, 2000.
5. Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч .Т.: “Маънавият” 2009.
6. Каримов И. А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари” Т., 2009.
7. Каримов И. А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Т., Ўзбекистон, 2009.
8. Жалолов А. Мустақиллик маъсулияти Т.: Ўзбекистон, 1996.
9. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар Т.: Шарқ, 1998.
- 10.Мустақиллик: изоҳлик илмий - оммабоб луғат Т.: Шарқ, 1998.
11. Маънавият асослари. Маърузалар матни. Т. 2000.
12. Умаров Э. Маънавият асослари. Т.: Маънавият, 2008.

2-МАВЗУ МАЪНАВИЯТНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ . МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, УЛАРНИНГ УЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ ҲАМДА ИНСОН КАМОЛОТИДАГИ АҲАМИЯТИ. МАЪНАВИЯТ, ИҚТИСОД ВА УЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ .

РЕЖА:

1. Маънавият ва маданият уларнинг ўзаро муносабати.
2. Маънавий меърос-маънавият ривожланишининг асоси.
3. Қадрият тушунчаси ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни.
4. Маданият ва маърифат, мафкура тушунчалари уларнинг жамият, инсон ҳаётида тутган ўрни.
5. Маънавият, иқтисодиёт ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

1. Маънавият ва маданият уларнинг ўзаро муносабати.

Маънавият ва маданият бир-бирига яқин тушунчалардир. Аммо улар битта нарсас эмас, бири иккинчисидан фарқ қилади. Шунинг билан бирга улар бир-бирини тўлдириб туради.

Маданият тушунчасини изоҳлашга бағишланган кўп илмий адабиётлар мавжуд. Маданият тушунчасига берилган таърифлар сони 260 тадан ошиб кетган. Муаллифлар бу тушунчага ҳар бири ўз нуқтаи назаридан ёндашадилар. Бунга сабаб, маданиятнинг кўп қиррали, мурраккаб, маънавий ижтимоий ҳодиса эканлиги, унинг инсон ва жамият ҳаётининг барча қирраларини қамраб олганлигидир. Маданиятга берилган таърифларда муаллифларнинг фикрларини умумлаштирувчи томонлар мавжуд. Шу жумладан, уларни умумлаштирадиган бўлсак, **маданият - бу кишилар фаолиятининг жамият иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаёти соҳасида яратган, ўзларининг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарган моддий ва маънавий бойликлар тизимини билдиради.** Кўринадики, маданият инсоннинг моддий ва маънавий бойликларни яратиш ва ўзлаштиришдаги фаолиятини ифодалайди. У инсон ақл-идроки, истеъдоди ва меҳнати маҳсулидир. Юқорида айтилганидек, маданият жуда мурраккаб кўп қиррали маънавий -ижтимоий ҳодиса бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг моддий - техник, иқтисодий, ижтимоий - сиёсий ва бошқа соҳаларини, инсон меҳнат фаолиятининг барча самараларини ўзида қамраб олади. Сирасини айтганда, халқ оммаси томонидан яратилган ҳамма моддий ва маданий-маънавий бойликлар маданиятга киради. Маданият дейилганда, меҳнат қуролларини яратиш улардан фойдаланиш, фан-техника ютуқлари ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, кишиларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий кўникмалари, меҳнатни ижтимоий ташкил этиш, саломатликни сақлаш ишини йўлга қўйиш, аҳоли ўртасида билимларнинг ёйилиш даражаси ва маълумот, умумий мажбурий ва олий таълимни амалга ошириш, адабиёт ва санъат асарлари, ижтимоий, фалсафий, диний ғоялар ва шу қабилар назарда тутилади. Маданият одамзот ақл-идрокининг энг юксак чўққиларига бўлган нарсаларнинг ҳаммасини қамраб олади. У инсон фаолиятининг моддий натижаларинигина эмас, шу билан бирга меҳнат жараёнида воқе бўладиган билим бойликлари, тажрибалари, қобилиятлари, ишлаб чиқариш ва касб малакалари, ўзаро муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Жамият моддий ишлаб чиқаришининг икки амалий тури-моддий ва маънавий ишлаб чиқаришга қараб маданият ҳам йирик икки турга моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Моддий маданият деганда меҳнат қуролларини, меҳнат кўникмаларини, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ва моддий ҳаёт учун хизмат қиладиган инсон томонидан яратилган барча моддий бойликларни англаймиз. Моддий маданиятга модий бойликларининг бутун мажмуи уларни ишлаб чиқариш воситалари: ишлаб чиқариш жараёнида яратилган техника, технология, техника иншоотлар, ижтимоий меҳнатни уюштириш шакли, қурилиш ва деҳқончиликни йўлга қўйиш ва бошқалар киради. Шуларга қараб, моддий маданиятни бир қатор турларга бўламиз. Чунончи, ишлаб чиқариш ва техника маданияти, деҳқончилик маданияти, меҳнатни ташкил этиш маданияти, инженерлик маданияти, пазандачилик маданияти ва бошқалар.

Маданиятнинг иккинчи тури - бу маънавий маданиятдир. Маънавий маданиятга инсоннинг ақли ва маънан яратувчанлик фаолиятлари ва уларнинг натижалари киради. Маънавий маданият фан, фалсафа, санъат, адабиёт, ахлоқ, дин, ҳуқуқ, сиёсат, маориф, маърифат ва ҳоказолар йиғиндисидан ташкил топадиган инсоннинг ташқи ва ички маънавияти, руҳияти оламидир.

Маданият-умуминсоний ҳодиса. У барчага баробардир. Масалан, мақомлар, адабиёт, меъморчилик дурдоналари, фан-техника ютуқлари, транспорт ва алоқа воситалари барчасига тегишлидир. Худди шунингдек, маънавий маданият ҳам миллий ва умуминсоний бўлади.

Миллий маънавият, маданият тарихий ҳодиса сифатида бир кунда, бир йилда, балки бир асрда ҳам мукаммал шаклланмайди, Ўрта Осиё халқлари маънавий ва маданият тарихининг

ибтидоси асрлар қаърига сингиб кетган бўлиб, уларнинг бир неча минг йиллик маънавий камолат пиллапояларини босиб ўтганлигини аниқлаш бугун учун анчайин мураккаб муаммо.

Бугунги айрим салтанатлар аҳли қабила-қабила бўлиб яшаган замонларда бизнинг муборак заминимизда илму - фан барқ уриб яшнагани, табиий илмлар, хусусан, тиббиёт, математика, астронимия каби фанлар мадрасаларда ўқитилгани, илмий академиялар ташкил этилиб, мағрибу-машрикка ном таратганини эсласак ва бундан ғурурлансак арзийди.

2. Маънавий меърос-маънавият ривожланишининг асоси.

Маънавий меъросни изоҳлашдан олдин умуман цивилизация, меърос, хусусан, маданий меърос, маънавий меърос, тушунчаларининг нисбати, хусусиятлари фарқларини билиб олишимиз лозим бўлади. Маънавий меърос умуман меъроснинг, хусусан маданий меъроснинг таркибий қисми саналади. Маданий меъросни тушунмасдан маънавий меъросни ҳам тушуниш қийин. Бу тушунчаларда умумийлик бўлса ҳам, улар бирдек эмас, ўзаро қайси бир жиҳатлари, хусусиятлари билан фарқланади. Ҳар бир жамият ва давр маданият типига эга бўлади. Жамият, давр ўзгариши билан унинг маданият типи ва маънавиятида ўзгариш, янгиланиш бўлади, аммо маданий тарққиёт узилиб қолмайди, илгариги маданият, цивилизация йўқ бўлиб кетмайди, балки маданий меърос сифатида сақланиб қолади. **Меърос-инсониятнинг ҳар бир тарихий босқичида яшаган авлодлари томонидан яратилган ва кейингисига етиб келган барча моддий ва маънавий бойликлар мажмудир.** Маданий меърос ҳам меърос доирасига киради, аммо ундан бироз фарқ қилади. Ўтмишдаги барча маданият ёдгорликлари меърос сифатида сақланиб қолиши мумкин, лекин уларни ҳаммаси ҳам маданий қадриятга эга бўлавермайди. Маданий меъросда кишилиكنинг келгуси тараққиётига, маънавий юксалишига хизмат қиладиган, унга ижобий таъсир қиладиган қадрият аҳамиятга эга бўлган хизмат қиладиган, унга ижобий таъсир қиладиган қадрият аҳамиятига эга бўлган томонлар ҳисобга олинади.

Ўтмиш авлодлар яратган маданий ёдгорликларнинг ҳаммаси ҳам маданий меърос бўлавермайди, Чунки ўтмишда қолган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам қадрият аҳамиятга эга бўлмаслиги ҳаммамизга маълум.

Маданий меърос деб, ўтмиш авлоддан кейинги авлодга ворислик асосида қодирилган, замонда барқарорлик синовидан ўтган, сараланган, инсониятнинг ҳозирги ва келгуси тараққиётига хизмат қиладиган моддий ва маънавий маданият мажмуига айтишимиз мумкин.

Маънавий меърос деб, узоқ ва яқин ўтмишдаги, ҳозирги даврдаги маънавий жихатдан ғоят қимматли, ўчмас из қолдирадиган, мангу яшайдиган. бутун ижтимоий манфатига, эҳтиёжига, эзгуликка хизмат қиладиган умуминсоний маънавий бойликларга айтилади. Маънавий меърос маънавий қадрият сифатида намоён бўлиб унга илм - фан, жумладан фалсафа, адабиёт, санъат, ахлоқ, диндаги реал дунёвий таълимотлар хурфикрлик ва бошқалар киради.

Маънавий меърос замонлар ўтиши билан ўз қадрини йўқотмайди. балки сифат жихатдан янги аҳамият касб этади. Маънавий меърос кишилар онгига ички дунёсига, ҳис-туйғусига таъсир этиб, улар онгини бойитади, ахлоқ-одобини эзгулик сари етаклайди.

Манавий меърос бирор халқ миллат унинг вакиллари томонидан яратилиб сўнг умуминсониятнинг маънавий бойлигига меъросига айланиб қолади. Марказий Осиё халқларининг ўтмиш авлодлари қолдирган маънавий меъроси бунга мисол бўла олади. Маънавий меъросимиз жихатидан жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллаймиз. Президентимиз Ислон Каримов қайд этганидек, “Бешавқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тош ёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамланган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, химия, астронимия, меморчилик, дехқончиликка оид 10 минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меъросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин...”¹. Бўларнинг ҳаммаси Турон заминида яшаган аجدодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меъросидирким, энди бу нодир маънавий меъросимизни жиддий ўрганиш, халқимизга етказиш даври келди.

Маданият, маънавий ва маданий меърос, маънавият ривожининг цивилизацияси билан боғланиб кетади. Аммо уларни бир-бири билан аралаштириб юбориш ҳам тўғри бўлмайди. Цивилизациянинг ўзи инсониятнинг маданияти ва маънавияти тараққиёти босқичларида рўй берувчи сифат жихатидан янги босқичи бўлиб, кишилик жамияти тарихида чуқур из қолдиради.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Шарқ 1998 й 2-бет

Цивилизация-маълум бир тарихий босқичда инсониятнинг маданият тараққиётида яратган, эришган, қўлга киритган сифат жихатдан янги, юқори ютуқлари мажмуи.

Цивилизациянинг маданиятдан фарқи шундаки, у ўзига хос бўлган, ўзгалардан тубдан фарқ қиладиган, аммо ўз даври тараққиётида такрорланмас из қолдирадиган фан, маданият, техника, ижтимоий онг, маънавият ва бошқа соҳалардаги юқори кўрсаткич ҳисобланади. Унинг характерли томони шундаки у ўздан олдингисини қабул қилмайди, балки сифат жихатидан янги, унга ўхшамаган ўзгаришларни вужудга келтирувчи жараён ҳисобланади.

Цивилизация ҳар бир халқнинг ёхуд жамиятнинг, тарихий босқичнинг ўзига хос тарихий-маданий ривожланиши, шаклланган қадриятлари, тафаккур тараққиёти ҳисобланади.

Маданият, маънавий меърос, цивилизациялар ютуғи жамият ва инсон маънавиятининг ривожланишида, маънавий баркамол авлодни вояга етказишда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ўтмишда топталган маънавий меъросимизни тиклашга қатъиян киришилди.

3. Қадрият тушунчаси ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни.

Кишилар маънавий оламнинг шаклланиши ва тараққиёти, уларнинг маънавий бойиши учун кадр - қимматга эга бўлган нарсa – ҳодисалар маънавий қадриятлар дейилади. Улар инсон фаолияти, меҳнат, яратувчанлиги, ижодкорлигининг маҳсули ҳисобланади. Масалан, рассом, шоир, файласуф, физик олим санъат асарлари, илмий тадқиқотлар, олам ҳақидаги асарларнинг муаллифлари сифатида маънавий қадриятларни яратувчилардир. Бундай ижодий жараёнда улкан ақлий кучлар сарфланиди, тафаккурнинг эски андозалари бартараф этилади. Олимларнинг фикрлари, шоирларнинг қайноқ кечинмалари, илмий кашфиётлар сирлари предметли – моддий тусга кирар экан, ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳалари ҳам бунга сафарбар этилади. Яратилган буюмлар оддий эмас, балки маданият предметлари, маънавий ишлаб чиқариш предметлари, буюмлари сифатида юзага келади. Уларда билимнинг асослари, инсоний муносабатларнинг тажрибалари гавдаланади, бизнинг онгимизга гўзаллик, эзгулик, ҳақиқат тўғрисидаги тасаввурларни олиб қиради. Уларнинг қадрият категорияси сифатида эъзозланишининг боиси ҳам ана шунда.

Шундай қилиб, маънавий қадриятлар – бўлар кишилар маънавий фаолияти маҳсули, билишнинг мураккаб жараёни натижаси ўлароқ, билим, ҳаёт, қараш, малакалар самарасидир.

Қадриятлар инсоният томонидан фан, техника, ахлоқ, одоб, тафаккур, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда қўлга киритилган ютуқларда намоён бўлади. Қадриятлар миллий, диний, минтақавий ва умуминсоний қадриятларга бўлиниб улар орасида доимий ўзаро муносабат мавжуд.

4. Маънавият ва мафкура, уларнинг жамият, инсон ҳаётида тутган ўрни.

Маънавият ва мафкура бир бирлари билан мустаҳкам боғлангандир. Маънавият инсоннинг руҳияти, ўз - ўзини англаши, юксакликка интилишидаги салоҳияти бўлса, мафкура маълум бир давлат, жамият, миллат, синф ва ижтимоий гуруҳлар ҳуқуқий, фалсафий, бадиий, диний ғоя, назария ва қарашлар тизими ҳисобланади.

Мафкуранинг маънавиятда тутган ўрни шундаки, у инсон, жамият, ёхуд миллат ёки гуруҳларнинг интилишлари, руҳиятлари ва қайфиятларини ўзида мужассамлаштиради. Маънавият сингари мафкуранинг давлат ва жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда каттадир. Президентимиз Илом Каримов таъкидлаганидек, “Мафкура фақат бугун эмас, балки ҳамма замонларда ҳам энг долзарб ва сиёсий- ижтимоий масала, ҳар қандай жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, у нинг ўз муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий куч - қувват берадиган пойдевор бўлиб келган”. Мафкура жамият тараққиётида қуйидаги вазифаларни бажаради: **биринчидан**, давлат ривожланишининг иқтисодий, ижтимоий сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларидаги вазифаларни ўзида мужассамлаштиради; **иккинчидан**, бир давлат, бир мамлакат микёсида барча фуқароларни, турли миллат, элат, синфлар ва ижтимоий гуруҳларни бир ғоя ва мақсад сари бирлаштиришга хизмат қилади; **учинчидан**, давлат олиб борадиган ички ва ташқи сиёсат ғояларини ўзида мужассамлаштириб, уни фуқароларга тарғиб этади; **тўртинчидан**, давлат доирасида яшаётган фуқароларни яратувчилик, бунёдкорлик, ижодкорлик фаолиятларини фаоллаштиради ва уларни жамият мақсадларига йўналтиради; **бешинчидан**, халқнинг орзу умидларини ўзида ифода эттиради, жамиятда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш учун бутун жамият ва фуқароларни ҳаракатга келтиради; **олтинчидан**, мафкура жамиятда маълум сиёсий, иқтисодий ва маънавий маърифий қарашларни шакллантиради.

Мафкуранинг жамият миллат, шахс, ва фуқаро ҳаётидаги ана шундай ролига қарамай, мустақилликнинг дастлабки йилларида республикаимизда умуман мафкурага унинг моҳиятини тушунганлар ҳам, тушунмаганлар ҳам ҳам қарши кураш бошлаб юборган эдилар. Яъни ҳеч қандай

мафкурага эга бўлмаган, мафкуравий бўшлиққа асосланган, ўз ғоясига эга бўлмаган жамият куриш каби қарашларни илгари сура бошладилар. Бу жараён республикамиз президентининг 1993 йил 23 апрелида республиканинг бир гуруҳ адиблари билан учрашувида «Миллий истиқлол мафкураси»ни яратиш вазифасини кун тартибига қўйгунча давом этди. «Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши мумкин. Иккинчидан қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса ўша ерда бегона мафкура ҳукумронлик қилиш тайин» деб таъкидлаган эди ҳурматли президентимиз. Буни ҳар бир инсон чуқур англаши керак. Негаки, жамият аъзоларининг мустаҳкам ва равшан мафкураси ғояси, мақсади бўлмаса инқирозга юз тутади. Инсоният тарихида давлат ва жамиятлар пайдо бўлибдики, улар эгизак ҳолатда мафкуравий қарашлар билан мавжуд бўлган.

Юрбошимиз миллий ғоя, миллий мафкура нималарни ўзида мужасамлаштириши ва қандай талабларга жавоб бериши авлодимизни кераклигини таъкидлаб, қуйидаги дастури аҳамиятга эга молик фикр-мулоҳазаларни билдирган эдилар;

Миллий мафкура, **авваламбор**, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини жамиятимиз олдида қўйилган олий мақсад ва вазифаларни камраб олиши шарт¹.

Иккинчидан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъий назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг даҳлсизлигини умумсафарбарликка даъват этувчи куч эканлиги таъкидладилар.

Учинчидан, миллий ғоя биринчи навбатда ёш ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одабийлик фазилатларини пайванд қилишдек олийжаноб ишларда мададкор бўлиши зарур.

Тўртинчидан, у Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришни ўзимизни улуғ аجدодларимиз боқий меъросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиши, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоя бўлиши керак.

Мафкура - умуммиллатга, умумхалққа, бутун жамиятга таълуқли улкан ғоялар бирлигидир. Аммо унинг илдизлари ҳар бир инсоннинг виждонида, иймонида, ақл идроки ва тафаккурида. Шу боис, ҳақиқий, ҳаётий чуқур, инсоний мафкураси бор халқ, мамлакат ва жамият қудратлидир.

5. Маънавият, иқтисодиёт ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Инсон озиқ-овқат, кийим-кечак, яшаш жойга муҳтож. Ҳайвонат дунёси ҳам озиқ-овқатга муҳтожлик сезади. Инсон ишлаб чиқариш орқали ўз эҳтиёжларини қондиради, ҳайвон эса ҳеч нима ишлаб чиқармайди. Инсонларнинг моддий ишлаб чиқариш жараёнлари ва бу борада юзага келадиган муносабатларини иқтисодиёт фани ўрганади. Абу Али Ибн Сино фанни тасниф қилар экан, иқтисодиётни хўжалик юритиш соҳасидаги амалий фанлар қаторига киритади.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва кишилар, мамлакатлар ўртасидаги алоқалар бозор муносабатларини келтириб чиқарган. Ўрта Осиёда бозор муносабатлари қадим замонлардан бошлаб шаклланган. Тарихий ҳужжатларининг гувоҳ беришича, бундан минг йиллар муқаддам Бухоро ва Хива савдогарлари одамлар кўзини қувнатиб, ҳайрон қолдирган товарлар ва буюмларни Ҳиндистон ва Хитойга, Россия ва ғарбий Оврупа мамлакатларига етказиб борганлар. Ўрта Осиёда бозор муносабатларининг қадимдан ривож топганига “Буюк ипак йўли” яққол мисол бўла олади.

Бозор иқтисоди деган сўз биринчи навбатда мулоқот, гаплашиш келишиш, савдолашиш, икки томонга тўғри келадиган умумий нархни, рақамни, ҳулосани топиш демакдир.

Бозор иқтисодининг асосий шarti ва талаби-мумкин қадар сифатлироқ, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришдир.

Бозор муносабатларининг қонунларини назар-писанд қилмаслик, бузиш иқтисодиётни оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Иқтисодиётнинг ҳам ўз объектив қонун - қоидалари, сир-асрорлари борки, улар билан ҳисоблашмасликнинг ҳеч бир иложи йўқ. Ҳар доим иқтисод ўз йўлидан бораверади, уни тўхтатиш мумкин эмас.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, у қайси йўлдан бориши керак, деган масала олдимизда кўндаланг бўлиб турди. Юртбошимиз Ислон Каримов мустақилликка эришишимизнинг биринчи кунлариданоқ жаҳондаги турли мамлакатларнинг тажрибаларини чуқур ва ҳар

¹ Қаранг Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 203 бет

томонлама ўрганиб, Мустақил Ўзбекистоннинг бундан буёнги тараққиёт йўли бозор иқтисодиёти муносабатлари йўлидан бориш эканлигига қатъий ишонч ҳосил этди.

Бозор муносабатларига ўтиш давр талаби. Биз учун бундан бошқа йўл йўқ. Буни республикамиз аҳли тўғри англаб етди. Аммо кутиб ўтиришга вақт йўқ. Вақт давр ниҳоятда тизгиз.

Бозор муносабатларига ўтишнинг халқимизнинг тарихий тараққиётига, руҳиятига, миллий хусусияти, иқлим шарт-шароитларига мамлакатимизнинг жуғрофий мавқеига асосланган ўзимизга хос ва мос йўлни белгилаб олдик.

Ушбу йилнинг, концепциянинг қоидалари Президентимиз китобларида, мақолаларида ва нутқларида, мамлакат парламенти қабул қилган қонунларда, хусусан Ислом Каримовнинг “Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” асарида ҳар томонлама асосланиб, баён қилиб берилган. Ушбу танланган йўлнинг моҳияти Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов ишлаб чиққан ва илгари сурган беш тамойилда ўз ифодасини топган. Бу тамойиллар фақат бизнинг мамлакатимизда эмас, эндиликда бошқа мамлакатларда ҳам тан олинди.

Бу тамойиллар қуйидагилар:

Биринчидан; иқтисодиёт сиёсатдан устун бўлиши керак ва бунинг учун иқтисодиёт мафкурадан ҳоли бўлиши;

Иккинчидан; давлат асосий ислохотчи бўлиши;

Учинчидан; қонун устуворлиги;

Тўртинчидан; кучли ижтимоий сиёсат;

Бешинчидан; бозор муносабатларига ўтиш босқичма - босқич амалга оширилади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Маданият, маънавий маданият, моддий маданият, меърос, маънавий меърос, ворислик, мафкура, миллий истиқлол ғояси, тараққиёт. Иқтисодиёт, тамойил, маърифат, ислохотчи, кучли ижтимоий сиёсат, қонун, давлат, сиёсат, тадбиркор, бозор иқтисоди, савдолашиш, келишиш, умумий нарх топиш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Маданият нима ? Унинг қандай турларини биласиз?
2. Нима учун маданият умуминсоний ҳодиса ҳисобланади?
3. Маданий ва маънавий меърос нима? Уларнинг фарқи?
4. Мафкура ва маънавият муносабатларини қандай тушунасиз?
5. Миллий истиқлол мафкурасининг мазмуни ва моҳияти?
6. Иқтисод фани нимани ўрганади?
7. Бозор иқтисодиёти деганда нимани тушунасиз?
8. Мустақил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўлини қандай тушунасиз?
9. Нима учун маънавият ва иқтисод ўзаро боғлиқ?

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. Т.: Ўзбекистон, 1994.
2. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.:Шарқ, 1998.
3. Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси хатқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т.:Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И. А. Миллий мафкура-келажак пойдевори. Халқ сўзи, 2000 йил апрель.
5. Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч .Т.: “Маънавият”, 2009.
6. Каримов И. А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Т., 2009.
7. Каримов И. А. Адабиётга эътибор – маънавиятга , келажакка эътибор . Т., Ўзбекистон, 2009.
8. Маънавият юлдузлари. Т., 1999.
9. Абилов У. Миллий ғоя маънавий омиллар Т.:Маънавият, 1999.
10. Маънавият асослари . Маърузалар матни. Т., 2000.

3-МАВЗУ МАЪНАВИЯТНИНГ СИЁСАТ, ҲУҚУҚ ВА ҲОҚИМИЯТДАГИ ЎРНИ. МАЪНАВИЯТДА МИЛЛИЙЛИК ВА УМУМИНСОНИЙЛИК.

РЕЖА:

Маънавият ва сиёсат, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ижтимоий функциялари.

Маънавият ва ҳуқуқ, уларнинг ўзаро муносабатлари.

Ҳоқимият бошқарув тизимида маънавий баркамол шахсларни жалб қилиш давлат тараққиётининг муҳим шарт.

4. Миллий маънавият ва унинг ривожланиш хусусиятлари. Умуминсоний маънавият ва унинг заминлари.

5. Бозор муносабатлари шароитида миллатлараро маданий – маънавий муносабатларнинг кенгайиши ва чуқурлашуви.

1. Маънавият ва сиёсат, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ижтимоий функциялари.

Маънавият тараққиётида давлат томонидан олиб бориладиган сиёсатнинг роли ниҳоятда каттадир. Қайси мамлакатда маънавият ва маърифатни кўтариш, у ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлса, ўша мамлакатда тинчлик барқарорлик вужудга келади, илм-фан, маърифат ва маданият ривожланади. Бу ўз навбатида мамлакат олдида турган турли энг мураккаб муаммоларни ҳал этиш имконини яратади. Давлат ўз фаолиятида маънавият ва маърифат ривожлантиришнинг устувор вазифаси сифатида қарагандагина унинг барқарор тараққий этиши учун имкониятлар кенгайиб боради. Президентимиз И.А.Каримов мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ маънавият ва маърифатни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб унга раҳнамолик қилиб келаётир.

Маънавият ва маърифатни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини яққол мисол қилиб 1994 йил 23 апрелда “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисидаги; 1996 йил 9 сентябрдаги “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида Президентимиз фармонларини; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 июлдаги “Маънавий - маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора тadbирлари тўғрисида” қарори: Республика Олий Мажлис И- чақириқ 9 сессиясида қабул қилинган “Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ва умумий ўрта таълимни ислох қилиш тўғрисида” қабул қилинган қонунни ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин.

Сиёсат- юнонча сўз бўлиб, мазмуни давлат ёки жамоат ишларини англатади. **Сиёсат-катта ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, давлатлар ички ва ташқи муносабатлар соҳасидаги фаолиятни англатади.** Сиёсат-бу муайян давлатлар ҳоқимияти, сиёсий партиялар ва ижтимоий сиёсий ҳаракатлар, жамоат ташкилотларининг мамлакат ички ҳаётида халқаро майдонда халқлар, миллатлар, ижтимоий гуруҳларнинг мақсад ва мафаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятидир.

Сиёсат энг йирик икки йўналишга - ташқи ва ички сиёсатга бўлинади. Ўз навбатида улар ҳам ўзининг бир неча тармоқларига бўлинадилар.

Сиёсат мамлакат ички ҳаётида икки йўналишда олиб борилиши мумкин, уларнинг бири тараққийпарвар, инсонпарвар, адолатли сиёсат бўлса, иккинчиси адолатсиз, реакцион сиёсатдир. Мамлакатда фақат турли гуруҳлар ва ҳаракатлар ҳукмронлиги таъминлашга, меҳнаткашлар, халқ оммасига манфаатларига зид бўлган, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга ва шу асосида тор доирадаги гуруҳлар манфаатларини ҳимоя қилувчи тузимни сақлаб қолишга қаратилган сиёсат - адолатсиз реакцион сиёсатдир. Бу сиёсатнинг жамият ва мамлакат миқёсида ҳукмронлиги инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига, мамлакат моддий ва маънавий бойликларининг талон - тарож қилинишига, мамлакатда зўравонлик, жоҳиллик, текинхўрлик, маънавий ва моддий қашшоқликнинг вужудга келишига олиб келади.

Адолатсиз, реакцион сиёсатга қарама-қарши ўлароқ тараққийпарвар, инсонпарвар, маърифатпарвар сиёсат мамлакат ва унинг халқи манфаатларига хизмат қилади. Бундай сиёсат энг аввало инсон зотини улуғланишини, унинг моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишни, мамлакатда тинчлик, барқарорликни таъминлашни мақсад қилиб олади. Илм, маърифат, маданиятни, техника, технологияни ривожлантириш, фуқароларнинг замонавий билимини

эгаллашларига кенг йўл очиш ва ғамхўрлик қилиш тараққийпарвар, инсонпарвар, маърифатпарвар, сиёсатнинг муҳим йўналишини ташкил этади.

Давлат тараққийпарвар, инсонпарвар, маърифатпарвар сиёсат олиб боришни мақсад қилиб олган ва унга амал қилган бўлса, у албатта ташқи сиёсатда ҳам ўзга халқларнинг ерларини тортиб олиш, уларни асоратга солиш, талончилик қилиш каби тажовузкор сиёсатни эмас, балки барча давлатлар билан тинч тотув яшаш, ўзаро ҳамкорлик қилиш сиёсатини олиб боради. Ташқи сиёсатда бундай йўлни тутган давлатлар қуролланиш учун кетадиган харажатларни мамлакатнинг маънавий ва маърифий ривожланишига сарфлайди.

Маънавият ва маърифатга таянган мамлакатда тинчлик, барқарорлик ҳукмрон бўлади ва у тараққий қилиб бораверади.

Маънавият ва маърифати юксак халқнинг давлати ҳам ҳар томонлама юксалиб бораверади. Ундай давлат, мамлакат ва халқни зўравонлик сиёсати ва қурол ёрдами билан ўзига қаратиши мумкин.

Маънавият ўзининг салоҳияти билан халқ ва мамлакат ҳаётида сиёсатни тўғри, адолатли, инсонпарварлик йўналишида олиб боришда катта аҳамиятга эгадир. Давлатнинг куч-қудрати, унинг баркамоллигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири сиёсатни ана шу йўналишда олиб бориш саналади. Айтиш мумкин, давлат сиёсатини оммага етказиб туришга яқиндан ёрдам беради.

2. Маънавият ва ҳуқуқ, уларнинг ўзаро муносабати.

Маънавият ва ҳуқуқ бир - бири билан боғлиқдир. Жамият, давлат доирасида ҳуқуқ нормаларининг белгиланиши одамларнинг қайси даражада маънавиятга эга бўлишларига боғлиқдир. Мамлакат миқёсида қабўл қилинадиган конституцион қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг даражалари шу мамлакат фуқароларининг маънавияти ва сиёсий маданиятини ифода этади.

Конституцион қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчларини ва давлат сиёсатининг йўналишларининг фуқароларнинг маънавияти ривожланиши даражаларига мос равишда расман белгилаб беради. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридан туриб қонун қабўл қилиш ҳар қандай юксак даражадаги қонун ва норматив ҳужжатлар ва фуқароларнинг маънавий салоҳияти ва сиёсий онги даражасидагина амал қилади. Ундан нарига ўта олмайди.

Агар фуқароларнинг маънавияти ва сиёсий онги қабўл қилинган қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг даражаларидан орқада қоладиган бўлса, у қонунлар ва ҳужжатлар қанчалик фуқаролар манфаатларини ифода этмасин, улар қоғозда қолиб кетаверади.

Мустақил Ўзбекистон давлати Президентимиз И.Каримов раҳбарлигида фуқароларнинг маънавияти, сиёсий ва ҳуқуқий онгини ўстириш соҳасида доимий ғамхўрлик қилиб келмоқда. Буни мустақил Ватанимизнинг биринчи асосий қонуни ҳисобланган Конституциямизда яққол кўришимиз мумкин. Бу Конституцияда мамлакатимизда қурилмоқчи бўлган адолатли-Демократик, қонун устуворлигига асосланган жамият қуришнинг йўналишлари белгилаб берилган. Мустақиллигимизнинг моҳияти ва имкониятидан келиб чиқиб фуқароларимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчларининг нормалари белгилаб қўйилган. Ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини билишлари мумкин. Унга амал қилишлари жамият ҳаёти учун, мамлакатда барқарорликни ва қонунларнинг устуворлигини таъминлашда катта амалий аҳамиятга эга. Конституциямизда миллий хусусиятларимиз ва кадриятларимиздан келиб чиқиб, бир қатор ҳуқуқий нормалар белгиланганки, у халқимиз маънавияти, қалби ва руҳияти қирраларини ўзида ифода этган. Жумладан, «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир» (45-модда), «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар» (46-модда), «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир, ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» (63-модда), «Давлат ва жамият етим болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган ҳайрия фаолиятини рағбатлантиради» (64-модданинг 2-қисми), «Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» (65-модданинг иккинчи қисми).

Кўриниб турибдики, Конституциядан келтирилган ҳар бир моддада давлатимизнинг фуқаролари ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлаш, уларнинг моддий ва маънавий жихатдан ўстириш тўғрисида кўрсатаётган ғамхўрлиги ўз ифодасининг топган. Мамлакатимизда фуқароларимизнинг ҳуқуқий билимларини ошириш тўғрисида изчиллик билан сиёсат олиб борилмоқда. Жумладан, 1996 йил 11-13 сентябрда Тошкентда инсон ҳуқуқларини таъминловчи миллий муассасаларнинг фаолиятига бағишланган халқаро семинар ўтказилди. Бу семинарда

инсон ҳуқуқларини таъминлашдек энг долзарб масала муҳокама этилди. Президентимиз фармони билан инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий Маркази ташкил этилди. Бу давлатимизнинг умуминсоний маънавий қадриятларни таъминлаш йўлидаги дадил қадамидир.

Ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини билишлари, унга амал қилишлари жамият ҳаёти учун, мамлакатда барқарорликни ва қонунларнинг устуворлигини таъминлашда катта амалий аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда маънавиятимизнинг муҳим омили сифатида миллий тилимизнинг ёшларимиз томонидан чуқур ўзлаштирилиши, унинг чинакам давлат мақомини олиши зарурлиги мунтазам таъкидлаб келинмоқда.

Қонунларни билиш, уларга итоат этиш, ўз ҳуқуқларини, эркинликларини ва бурчларини тушуниб етиш ҳар бир фуқаронинг юксак маънавий фазилати. Бу адолатли, Демократик, қонун устуворлигига асосланган янги жамият қуришнинг қафолатидир. Худди шу маънода ёшларимиз, талабаларимиз ҳуқуқий билимларини чуқур ўзлаштиришлари ва сиёсий онглари ривожлантиришлари бугунги кунимизнинг энг долзарб муаммоси ҳисобланади.

3. Ҳокимият бошқарув тизимида маънавий баркамол шахсларни жалб қилиш давлат тараққиётининг муҳим шарти.

Ҳокимият ўз моҳияти ва мақомига кўра раҳбарлик ва ҳукмронлик қилиш муносабатларини ифода этувчи тушунчадир. Ҳокимият алоҳида шахс, гуруҳ, одамлар, ташкилот, сиёсий партия, давлатнинг ижтимоий ҳамкорлигининг, бошқа иштирокчиларига куч ишлатиш ёки куч ишлатмаслик воситалари ва услублари ёрдамида ўз иродасини ўтказиш ва уларни ҳаракатларини бошқаришни англатади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, давлат ҳокимият ва бошқарув идораларини янгитдан ташкил этди. Натижада янги давлат органи – вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлиги бошқаруви вужудга келтирилди. Ҳокимликлар ўз фаолият доирасида Ўзбекистон Республикаси қонунларини, президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг ҳуқуқий ҳужжатларини амалга оширадилар. Республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама этиш, ҳаётга жорий этишда бевосита иштирок этадилар. Шу жумладан, ҳокимликлар давлатнинг маънавият ва маърифат соҳасидаги сиёсатини амалга оширишда ҳам масъулдирлар.

Маънавият ҳокимият тизимида турли табақа, турли тоифадаги аҳолининг умумий манфаатларини ўзида мужассам этиб, уларнинг бир мамлакат фуқароси сифатида умумий эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим омили саналади.

Мустақил Ўзбекистон халқи ўз олдига ҳуқуқий Демократик давлатни барпо этишни мақсад қилиб қўйган. Бу мақсаднинг самарали амалга ошишини давлат бошлиғи ва жойлардаги ҳокимларнинг дунёқараши, оғир пайтларда энг мақбўл ва энг тўғри йўналишни тез англаб олиш қобилияти билан боғлиқ.

Дарҳақиқат, жамият ва инсоният тараққиётида шахснинг роли бениҳоя катта. Раҳбар шахснинг маънавий, ижтимоий – сиёсий баркамоллиги, қандай мақсад ва ғоялар билан яшаётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Шарқ донишмандлари ҳокимият тепасида турган киши доно, ақлли ва сезгир бўлса, бу ўша давлат унинг халқи учун ҳам шунчалик катта бахт дейишган. Буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий “Фозил кишилар шаҳри” номли асарида давлатни бошқарувчи раҳбар шахснинг ўн икки фазилатини санаб ўтади. Унинг фикрига кўра, давлатни фозил кишилар бошқариши лозим. Фозил кишилар кўпайган шаҳарларда осоишталик, фаровонлик бўлади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, мустақиллик даврида давлат раҳбаридан ҳокимият тизимида ишлаётгандардан жуда катта масъулият ва фидоийлик талаб этилишини англаш мумкин. Ҳокимият тизимидаги ҳар бир раҳбар шахс юксак маънавиятли баркамол инсон бўлиши керак. Ҳулоса шуки, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш халқ ишончини қозониш учун ҳокимиятни бошқарув тизимида маънавий баркамол шахсларни жалб қилиш тараққиётимизнинг муҳим шарти ҳисобланади.

4. Миллий маънавият ва унинг ривожланиш хусусиятлари. Умуминсоний маънавият ва унинг заминлари.

Маънавиятни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчиси – миллий маънавият, иккинчиси – минтақавий маънавият, учинчиси – умуминсоний маънавият.

Миллий маънавият – муайян элат, миллатга унинг аجدодларига хос бўлган ғоят қимматли маънавий бойликлардир. **Минтақавий маънавият** - муайян жўғрофий минтақа миллатларига хос улар учун умумий бўлган маънавий бойликлардир. Масалан: Ўрта Осиё

халқларининг маънавияти, шарқ ва ғарб маънавиятидаги муштараклик. Умуминсоний маънавият бутун инсониятга, жaxon халқларига тегишли бўлган маънавий ахлокий бойликлардир.

Миллий маънавият тарихий ҳодиса бўлиб, у бир кунда, бир йилда, балки бир асрда ҳам мукаммал шаклланмайди. Миллий маънавий камолот миллатнинг бутун тарихи давомида юз беради. Бунда у баъзан шиддат билан юксалиб борса баъзан эса маълум даражада таназзулга юз тутиши ҳам мумкин. Миллат мавжуд экан миллий маънавият бўлади. Миллий маънавиятни йўқотиш мумкин эмас. Миллий маънавиятда – миллий ҳис, туйғу, руҳият муҳим ўрин тутди. Миллий маънавиятнинг асосий белги ва ўзаги миллий ахлоқ саналади. Ўрта Осиёга саёҳатга келган Герман Вамбери ўз асарида Олтин Ўрдадаги ўзбекларнинг мусулмонча тарбияланганини, савдо - сотиқда оғир вазминлигини, оқ кўнгиллилик ва самимийлигини, камгаплигини, садокатлилигини, довжораклигини, шинавандалигини, оилавий муносабатларда поклигини, мулоҳазалилигини, андиша билан тўғри сўзлашини, ота - онага ҳурмати ва эътиқоди кучлилигини, биринчи бўлиб ўтирмаслик ва биринчи бўлиб сўзлашмаслигини, муғомбирликни билмаслигини, динга эътиқоди кучли бўлиб, бу жиҳатдан **анатолияли** туркларга ўхшашлигини кўрсатган.

Умуминсоний маънавият - бутун инсониятга, жaxon халқларига тегишли бўлган маънавий бойликлардир. Умуминсоний маънавият узоқ ва яқин ўтмишдаги ҳозирда эса маънавий жиҳатдан жуда қимматли, инсон қалбида ўчмас из қолдирадиган, мангу яшайдиган, инсоният ижтимоий манфаати, эҳтиёжи учун хизмат қиладиган, уларни эзгуликка йўллайдиган маънавий бойликлардир. Умуминсоний маънавий бойликларига эса илм- фан, жумладан фалсафий тафаккур ютуқлари, адабиёт ва санъат асарлари, кашфиёт ва ихтиролар, маънавий маданият дурдоналари, ҳурфикрлилик, умуминсоний ахлокий меъёрлар ва бошқалар киради.

Умуминсоний маънавият ўз ижобий аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди доим қадимий ва навқирон бўлиб тураверади. Улар умумбашарий маънавият деб ҳам юритилади. Инсон озодлиги, саломатлиги, ҳар бир шахснинг яшаш, билим олиш, кексайганда ижтимоий ҳимояланиш имкониятлари каби маънавий масъулият ўз аҳамиятини доим сақлаб қолаверади. Миллий маънавият бўлмаса умуминсоний маънавият йўқ, умуминсоний маънавиятсиз эса ҳозирги замон илғор миллатлари йўқ. Мустақил Ўзбекистон тарққиётида миллий маънавиятимиз бойликлари билан биргаликда умуминсоний маънавият бойликларидан фойдаланиш ва уларни диалектик боғлиқликликда кўриш мақсадга мувофиқдир.

5. Бозор муносабатлари шароитида миллатлараро маданий – маънавий муносабатларнинг кенгайиши ва чуқурлашуви.

Бозор муносабларига ўтиш даврида кўп миллатли давлатлар учун миллий сиёсатни тўғри, аниқ кўзланган мақсад асосида олиб бориш жуда муҳимдир. Бу эса тараққиётнинг жадаллашувига ёрдам беради. Миллатларнинг ва улар маданиятларининг бир – бирига таъсир кўрсатиши кўп миллатли давлатларда яшаётган халқларнинг маънавий – ақлий бойиши учун яхши манба бўлиб хизмат қилиб келган.

Миллатлар ўртасидаги турли муносабатларни уйғунлаштириш собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида янги мустақил миллий давлатлар қарор топаётган даврда, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу масалага зийраклик ва нозиклик билан ёндашишни талаб қиладиган долзарб масалади. Кўп миллатли давлатларда миллий масалани барча миллат ва халқлар манфаатларини ҳисобга олмасдан ҳал этишга уриниш ёмон, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, кўп элатли давлатлар жумласига кирувчи Ўзбекистон Республикаси учун ҳам миллатлараро муносабат жуда муҳимдир. Бу ҳудудда асосий миллат – ўзбеклар билан бир қаторда ўз маданияти, анъаналари ва маънавиятига эга бўлган юздан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қиладилар. уларнинг мамлакат аҳолиси умумий таркибидаги улуши 20 фоиздан ошқни ташкил этади. Бозор муносабатларига ўтиш даврининг дастлабки босқичларида Демократик ва сиёсий ислохотларни боришини умумий баҳолаб, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар масаласига алоҳида , эҳтиёткорлик билан ёндашилмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган этник озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат концепцияси Ўзбекистон Конституциясида яққол белгилаб берилган. Унда айтилганидек, “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф – одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”. Ҳозир Республикада 80 дан ортиқ миллий-маданий марказ мавжуд.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Миллий маънавият, минтақавий маънавият, умуминсоний маънавият, миллий тарбия ва унинг асосий йўналишлари, умуминсоний маънавий бойликлар, сиёсий онги, миллий тарбия, миллий маданий марказлар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Сиёсат ва унинг йўналишларини қандай тушунасиш?
2. Маънавият ва ҳуқуқ, уларнинг ўзаро боғлиқлиги нималарда кўринади?
3. Ҳуқуқий, Демократик давлатнинг асосий белгилари нималарда деб биласиз?
4. Ўзбекистон Конституциясида халқимиз маънавияти ва руҳияти қирраларини акс эттирувчи мисоллар келтиринг.
5. Маънавият қандай гуруҳларга бўлинади?
6. Ўзбек халқи миллий маънавиятининг ўзига хос жиҳатларини изоҳланг.
7. Ўзбекистондаги миллий – маънавий сиёсатнинг моҳияти.
8. Қандай миллий маданий марказларни биласиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т., Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И. А., Иқтисодиёни эркинлаштириш - фаровонлик пойдевори. Ўзбекистон овози, 2000 йил 22 июль.
4. Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2009.
5. Каримов И. А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Т., 2009.
6. Каримов И. А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Т., Ўзбекистон, 2009.
5. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. Т., Шарқ, 1999.
6. Жумабоев Й. Ж. Тадбиркорлик ва маънавий камолат. Иқтисод ва ҳисобот, № 6, 1996.
7. Азизхўжаев А. «Давлатчилик ва маънавият» Т., Шарқ, 1997.
8. Мустақиллик, изоҳли, илмий-оммабоп луғат. Т., Шарқ, 1998.

4-МАВЗУ ҚАДИМГИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАЪНАВИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ. ИСЛОМ ДИНИДА МАЪНАВИЯТ ВА ШАХС МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИНИНГ ТАЛҚИНИ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРИДА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАСАЛАЛАРИ.

РЕЖА:

1. Қадимги Марказий Осиё халқлари маънавиятининг шаклланиш жараёнлари.
2. Ислом динида маънавият ва шахс маънавий қиёфасининг талқини.
3. Ўрта Осиё фалсафий тафаккурида маънавият ва маърифат масалалари.

1. Қадимги Марказий Осиё халқлари маънавиятининг шаклланиш жараёнлари.

Марказий Осиё халқлари миллий маънавияти такомил босқичлари бу ўлка халқлари маданий тараққиёт жараёни билан бевосита боғлиқ. Халқимиз маданий тараққиёти ўта мураккаб тарихий ходисалар мажмуини ташкил этиб, ўз ичига бир неча минг йилликларни қамраб олади. Ана шу мураккаб ва кўп минг йиллик маънавий тақомилимиз жараёнидан асосий бўғинларни ажратиб олишимиз лозим. Бусиз миллий маънавиятимиз ривожланиши босқичлари ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Кўпгина тадқиқотчиларнинг, шу жумладан М. Имомназаровнинг бу борадаги фикрини қўллаб унга қўшилиб миллий маънавиятимизнинг неча минг йиллик тарихини уч йирик даврга (балким тўрт даврга) ажратиб кўздан кечиришни кўп жиҳатдан мақбўл билдик:

1. Исломгача миллий маънавиятимиз тараққиёти.
2. Ислом минтақа маданияти тақомилида миллий маънавиятимизнинг ўрни ва мавқеи.
3. Янги давр жаҳон маданияти ва миллий маънавиятимиз тақомили масалалари.

Бу даврлар ўз ичига олган тарихий даврлар муддатига кўра асло тенг эмас. **Биринчи давр** бир неча минг йилларни қамраб олса, **иккинчи давр** 11-12 асрни (1000-1200 йилни) ўз ичига олади. **Учинчи давр** эса бизнинг ўлкамиз-Туркистон учун деярли 100-150 йилни ташкил этади.

Исломгача бўлган миллий маънавиятимиз ва унинг тақомиллашиши ҳақидаги энг муҳим манбалар гуруҳини тўртга бўлиш мумкин. 1. Зардуштийликнинг “Авесто” китоби ва туркий

битиклар (ёзувлар). 2. Қадимги Шумер, Бобил, Ашшур, қадимги Миср, Юнон, Ҳинд, Хитой манбалари ва Эрон шаҳаншоҳларидан қолган турли иншоотлар. 3. Археологик ёдгорликлар. 4. Халқ оғзаки ва ёзма адабиёт намуналари, урф-одат ва маросимлар, ўйинлар, байрамла ва бошқалар.

Бизнинг энг қадимий аجدодларимиз маънавият ва маърифати ҳақидаги маълумотлар асрлардан асрларга ўтиб ҳозиргача сақланиб келаётир. Ўрта Осиё халқларининг қадимий миф, афсоналари турли мавзуларда бўлган. Чунончи космогоник мифлар, ҳайвонлар ва қушлар ҳақидаги мифлар, ҳудолар ва афсонавий қаҳрамонлар ҳақидаги мифлар бўлиб, уларда яхшилик, бахт-саодат, қуёш нури ва иссиқлик, ёмонлик, бахтсизлик зулмат ва дахшатли совуққа қарама-қарши қўйилган. Шу асосда бахт ўлкаси ва бахтсизлик ўлкаси деган мифлар юзага келган. Яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги кураш мифалогик образлар Митра, Анахита, Каюмарс, Йима (Жамшид), Эликбек ва бошқалар образида мужассамлаштирилган. Бўлар ҳақидаги мифлар биз кейинги масалада кўриб ўтадиган зардуштийликнинг "Авесто" китобига ҳам кирган.

Митра- Қуёш худоси. У кишиларга нур, иссиқлик, бахт-саодат бахш этади. Шу билан бирга у яхши қуролланган бўлиб, душманларга қарши дахшат солади, кишиларни офатдан қутқаради. Митра битмас-туганмас кучга эга бўлган паҳлавон сифатида тасвирланади. У душманга қарши шафқатсизлик билан жанг қилади ва уни махв этади. Митра-ўтда қуймас, сувда чўкмас, ўқ ўтмас қаҳрамон. Қадим Ўрта Осиё аҳолиси яратган оғзаки адабиёт ва ёдгорликлар орасида қаҳрамонлик эпоси катта ва муҳим ўрин тутди. Уларда халқимизнинг чет эл бос қинчиларига қарши ватанпарварлик кураши асосий ўринни эгаллаган. Чунончи Тўмарис, Широқ, Зарина, Рустам, Сиёвуш, ҳақидаги халқ оғзаки эпосларида ватанпарвар ва фидокор баҳодирларнинг монументал образлари яратилган. "Тўмарис" эпосида Ўрта Осиё аҳолисининг чет эл босқинчиларига, хусусан эрамиздан аввалги ВИ асрда бу ўлкага бостириб кирган Эрон аҳмонийлари шоҳи Кирга қарши массагет қабилаларининг қаҳрамонона кураши акс этган. Кир қўшини тор-мор этилиб, унинг ўзи э.а. 529 йилда жанг майдонида ўлтирилади, калласи танасидан жудо этилиб, қон билан тўлдирилган мешга солинади. "Широқ" эпоси ҳам Ўрта Осиё халқларининг чет эл босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашини акс эттиради. Ватанпарварлик ва жасорат, ватани ва ўз халқи бахт-саодати йўлида фидоийлик қилишга шай, тайёр туриш каби юксак маънавийлик Сак қабиласининг чўпони Широқ тимсолида гавдаланган.

Қадимий туркий тилда яратилган ёзма ёдгорликлардан бизгача Ўрхун-Енисей ва уйғур тилидаги ёдгорликлар сақланиб қолган. Ўрхун-Енисей ёдгорликлари В-ВІІІІ асрларга мансуб бўлиб, улардан кул-тагин, билка-қоон, тунюкук қабр тошларига ўйиб ёзилган тезислар айниқса аҳамиятлидир.

Марказий Осиёда маънавият билан бирга маърифат ҳам ривожланган. Маърифат ривожининг исботи сифатида бу ўлка халқларининг ёзувини курсатиш мумкин. Эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида оромий, грек ёзувлари, форсий миҳхат мавжуд бўлган.

Қадим Ўрта Осиёда астрономия, геометрия, геодезия, математика, физика, медицина фанлари ривож топган. Бизга қадар сақланиб қолган сўғд календари ва Беруний асарларидаги маълумотлар бу ўлкада, айниқса астрономия фани ривожланганидан дарак беради.

Ўрта Осиё халқлари жуда қадим замонлар даёқ суғориш иншоотлари қурганлар, каналлар очганлар, чиғир ва қорис усули билан сувсиз ерларга сув чиқарганлар. Албатта бўлар кишилардан маълум тажриба ва билимни талаб этган.

Бизгача етиб келган маълумотларга асосланиб, Марказий Осиё қадимий маданияти, маънавият ва маърифат ўчоқларидан бири бўлган деган хулоса чиқара оламиз.

2. Ислом динида маънавият ва шахс маънавий қиёфасининг талқини.

Ислом дини (арабча "аслама") - ҳудода ўзини топшириш, итоат, бўйсунуш шундан "муслим" - бўйсинувчи, (итоаткор) - дунёда энг кенг тарқалган уч диннинг, яъни жаҳон динларининг (буддавийлик, христианлик ва ислом) бири. Ер юзидаги 6 миллиардга яқин аҳолидан деярли бир ярим миллиарддан ортиқроғи унга эътиқод қилади. Ислом динининг илк ва асосий тарғиботчиси Мухаммаддир (с.а.в) (570, Макка - 632, Мадина). Ўз тарғиботини у 609-610 йилларда Маккада бошлаган ва қаршиликка учраган, 622 йилда Мадинага кўчган. Араб тилида "Кўчиш", "хижрат" дейилади ва шундан хижрий йил ҳисоби бошланади. Ислом дини, аввал бошиданоқ, инсонни ўқиб-ўрганишга, илм воситаси билан дунёни англаб етишга даъват қилади. Қуръонда "илм" сўзидан чиққан "алима" (билмоқ) сўзи 750 мартаба учрайди.

Ислом дини кибрни қоралайди, қабилачилик ҳурофотларига кескин қарши чиқади, ирқий биродарлик ўрнига инсоний биродарлик жамоаси-"умма" тушунчасини киритади. Бу нарса инсониятнинг маънавий такомилида муҳим бурилиш нуқтаси бўлди. Илоҳиётда ислом дини уч элементдан иборат-иймон, ислом ва эҳсондан иборат деб эътироф этилган Иймон талаблари 7та

ақидани -Аллоҳга, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охират кунига, тақдирнинг илоҳийлигига ва ўлгандан кейин тирилишига ишониш талабларини ўз ичига олади. Ислом талабларига, яъни дин асослари-аркон ад-дин деб ном олган 5 та амалий маросимчилик талаблари-калима келтириш-намоз ўқиш-рўза тутиш закот бериш ва имконият топилса хаж қилиш талаблари киради.

Ислом кишилар онги ва турмушига таъсир этиши, улар ҳаётидан мустаҳкам ўрин олишини таъминловчи диний маросимчилик-рўза ҳайити, қурбонлик ва қурбон ҳайити, мавлид, шўро ва бошқалар шаклланган. Бундан ташқари маҳаллий халқларга исломгача мавжуд бўлган урф -одат жумладан кинна солдириш, фол очириш, дам солдириш, муқаддас жойларга авлиёларга сиғиниш каби одатлар ҳам ислом маросимлигига мосланиб кетган. Исломда ахлоқий-ҳуқуқий қонун қоидалар мажмуи шариат 11-12 асрларда тугал шаклланган. Шариат қонун қоидалари Қуръон ва Сунна асосида ишлаб чиқилган. Унда мусулмонларнинг ижтимоий-иқтисодий, диний ҳуқуқий ва ахлоқий ҳаётини тартибга солиб турувчи қонун қоидалар белгилаб берилган. Бундай тартиб қоидалар жуда кўп китобларда тартиб билан жамланган.

Қуръони карим, ҳадислар ва шариат кўрсатмалари инсон маънавий-маърифий камолатининг асоси бўлган ахлоқ-одоб тарбиясининг барча қирраларини ўз ичига олган. Сирасини айтганда, ҳадислар маънавий-ахлоқий тарбияга оид бўлган фикрларнинг мукаммал тўпламидир. Қуръони карим, ҳадисларни, шариат кўрсатмаларини ўрганар эканмиз, уларда ахлоқий камолат, ҳаллолик ва поклик, иймон ва виждон билан боғлиқ бўлган бирорта ҳам масала эътибордан четда қолмаганини кўрамиз. Айниқса, ислом ҳаром ва ҳалол масаласига мусулмонлар эътиборини қаратади. Шариатда Аллоҳ томонидан қилинишга рухсат этилган амаллар, ишлар ҳалол дейилади. Ҳаром эса аксинча, қилинишга рухсат этилмаган ишлар ва амаллардир. Одатда, халқимиз ҳалол ва ҳаромни ейладиган ва ичиладиган нарсаларга ишлатиб келган. Шариатда ижозат этилган ҳамма нарсалар, ишлар ва амаллар эса ҳаромдир. Аллоҳ ҳаром этилган ишларни қилувчиларга бу дунёда ёки қиёмат кунда жазосини албатта бериши айтилади.

Мустақил Ўзбекистонда ўзининг ички ва ташқи сиёсатида ислом дини қобиғида ифода этилган умуминсоний қадриятларга жиддий ўрин ажратади; ислом дини халқимизнинг моддий ва маънавий ҳаётининг шаклланишида, юртимизнинг жаҳон маданиятининг йирик масканига айланишида муҳим аҳамият касб этгани таъкидланмоқда.

Абўлғози Баҳодирхоннинг "Шажарайи турк" асарида ёзилишича, ҳазрати Нух икки юз эллик ёшга етганда худои таоло уни пайғамбар қилиб юборади. Нух алайҳиссалом етти юз йил халқни мусулмонликка даъват қилади. Фақат саксон киши иймон келтиради. Бундан аччиқланган Нух алайҳиссалом иймон келтирмаганларни дуобанд қилади. Жаброилга дейдики: "Худои таоло сенинг дуонингни қабул қилди. Ер юзидаги халқни сувга ғарқ қилмоқчи бўлди. Кема ясагин деб амр қилди".

Жаброил алайҳиссалом Нух алайҳиссаломга кемани қандай ясашни ўргатади. Нух алайҳиссалом иймон келтириб, мусулмон бўлган кишилар билан кема ясайди. Шундан кейин ердан сув чиқади, осмондан ёмғир ёғади-тўфон бўлади. Нух алайҳиссалом қушлар ва ҳайвонларнинг ҳар хилидан бир жуфтдан олиб иймон келтирган кишилар билан кемага минади. Ер юзидаги барча тирик жонзот сувга ғарқ бўлади. Олти ой ўн кун деганда худои таолонинг амри билан тўфон қайтади. Кемадагилар саломат қолиб жуди деган тоғда кемадан қуруқликка ўтадилар. Шу ерда улар бемор бўладилар, Нух пайғамбарнинг уч ўғлу, уч келини тузалади, бошқалар вафот этади. Шундан кейин Нух пайғамбар ўғилларига: "Одам фарзандларидан фақат учалангиз қолдингиз. Энди учалангиз уч юртда турунг", деб уларни уч томонга юборади. Ёфас алахиссалом отасининг амри билан жуди тоғидан жўнаб кетиб, Итил ва Ёйиқ дарёларнинг ёқасини макон тутди. Шу ерда яна 250 йил яшайди. Авлоди кўпаяди. Вафоти олдида тўнғич ўғли гуркни қолдириб бошқа ўғилларига шундай васият қилади. "Гуркни ўзларингга подшоҳ билинлар, сўзидан чиқманлар". Ўғиллар ота васиятига содиқ бўлиб қолади, Гуркни подшоҳ қиладилар. Гурк одобли ақлли киши эди. Ота меърос мамлакатни кезиб чиқади. Иссиқкўл бўйларини хушлаб қолиб, шу ерда яшайди. Хиргоҳ уйни, яъни чодир ўтовни тўқишни ихтиро қилади.

Нух алайҳиссалом замонидан то Аланчахон замонигача бўлган давр турк элининг биринчи мусулмонлик даври эди. Турк эли иккинчи марта Ўғузхон замонида мусулмонликка қайтди. Ўғузхон Аланчахоннинг эвараси эди. Бобоси Муғулхон отаси Норахон мусулмон эмасдилар.

Ўғузхон туғилгач, уч кечаю кундўзонасини эммайди. Ҳар қанча онасининг тушига кириб: "Эй она мусулмон бўлинг. Агар бўлмасангиз, ўлсам ўламанки, сизни эммайман", дерди. Онаси ўғлининг раъйига қараб, тангрининг бирлигига иймон келтиради. Шундан кейин Ўғузхон онасини

эмади. Онаси кўрган тушини ва мусулмон бўлганини бировга айтмайди. Чунки, Қорахон замонида мусулмончилик ва мусулмонлар қаттиқ таъқиб этиларди. Бу даврларда чакалоқ бир ёшга тўлмагунча исм кўйилмас эди. Ўғузхон бир ёшга тўлганда отаси Қорахон юртга тўй бериб, бекларига шундай дейди: "Ўғлимиз бир ёшга етди. Энди унга не от кўярсизлар?" Беклар жавоб бермасдан, бир яшар Ўғузхон тилга кириб, бундай дейди: "Менинг отим Ўғўзтурур". Тўйга келган барча катта кичик ёшу қари бундан танг қоладилар. Ўғузхон ўзи тарбия қилиб, вояга етказган Қипчоққа кўп эл ва навкарлар бериб, можор, бошқирд элларни итоатда ушлашини буюриб, Дон, Гетил ва Ёйиқ дарёлари хавзаларини юрт қилиб белгилаб, уни ўша ёкка йўллайди. Бу жойларнинг Дашти Қипчоқ дейилишининг боиси ҳам шундадир.

Ер юзини Нух алайҳиссалом авлоди ва аҳолиси томонидан эгаллаши билан, уларнинг зурриёди ҳамда хешларининг ҳар бири ўртасида ибратли тартиблар, эътиборга лойиқ қоидалар кўрина бошлайди.

Тангри таоло улар дилини илҳом билан бойитади, токи улар мамлакатни бошқариш бўйича расм-русумлар бунёд этдилар.

Маълумки, ислом динининг моҳияти ва қудрати ҳам шундаки, бу таълимотни қурол кучи билан эмас, мантиқ, исбот кучи билан, намуна кўрсатиш йўли билан тарғиб ва ташвиқ этилади. Айтиш мумкинки, Қуръони Карим Муҳаммад алайҳиссаломга нозил қилина бошлаган милоди 610 йиллардаёқ туронликларнинг аксарият қисми ислом динини қабул қилишига руҳан ва қалбан тайёр эдилар. Албатта ислом динини қабул қилишга улар ҳозир эмасдилар.

Ислом шундай илоҳий ва қудратли динки, у ихтиёрий қабул қилинади, уни қурол ишлатиб, мажбуран қабул қилдиришга ҳожат ҳам йўқ. Ана шу борада, тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича Амир Қутайба, Ибн Муслим тезлик қилиб қўйган ҳолатлар ҳам бўлган. Самарқандда мусулмонлар билан оташпарастлар ўртасида қон тўқилган. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, Амир Қутайба аскарларни ўтпарастлик таълимотини тарғиб қилувчи китобларни, ёқишган. Абу Райҳон Беруний "Осорул ал-боқия" ларида худди шу ҳолатни эслатиб ўтган.

Қадимда юнон, румо ва бошқа қавмларда кўп худолилиқ мавжуд бўлгани ҳолда туркларда тангри бирлиги ишончи вужудга келган. Шу билан бирга тангри кўп деб ҳисоблашган. Аслида яъни ислом таълимотига кўра, Аллоҳ маконга ҳожати йўқ энг буюк зотдир.

Демак, Марказий Осиё халқларида илм-маърифат ва маданиятнинг ривожланишида исломнинг ижобий рол ўйнаганини эътироф этишимиз лозим. Марказий Осиёда исломнинг дастлабки элатлар ҳаётига кириб келган давридан бошлаб ташкил этилган мактаб, мадраса ва диний дорилфунунлар диний мақсадда тузилган бўлишига қарамай савод ва билимга йўл очган. Ўрта асрларда шаклланиб ижод этган саводли киши олим, шоир, маърифатпарвар, мутафаккирларнинг ҳаёти ва фаолиятида исломнинг ижобий роли бор десак хато қилмаймиз".

Исломда муқаддаслаштирилган кунлардан бири жума кунидир. Ислом кенг тарқалган мамлакатларда жума дам олиш куни деб эълон қилинган. Шу куни такводор мусулмонлар ўз кунларини тоат-ибодат билан ўказадилар. Унинг муқаддаслаштирилиши сабабини руҳонийларга қуйидагича изоҳлайдилар. Аллоҳ оламни яратишни жума куни бошлаган. Муҳаммад(с.а.в) ҳам Али ҳам жума куни туғилганлар. Муҳаммад (с.а.в) 622 йилда Маккадан Мадинага жума куни ҳижрат қилган.

3. Ўрта Осиё фалсафий тафаккурида маънавият ва маърифат масалалари.

Шарқ халқлари тафаккурини асрлар давомида нурафшон этиб, маънавиятимиз ва маърифатимизга чуқур таъсир ўтказган тасаввуф (сўфизм) таълимоти ВИИИ аср ўрталарида пайдо бўлган. Дастлаб у зоҳидилик (таркидунёчилик) ҳаракати кўринишида бўлиб Боғдод, Басра, Кўфа, Дамашқ шаҳарларида кенг ёйилган.

Асли тасаввуф сўзи "Сўфий" сўзидан "Сўфий" сўзи эса арабча "сўф" сўзидан ясалган. Дастлабки даврларда сўфийлик йўлини тутган. кишилар, бошқа оддий кишилардан ажралиб туриши учун жундан тикилган чакмон ёки пўстин кийиб юришини одат қилганлар. Шунинг учун уларни жун чакмон кийиб юрувчилар яъни сўфийлар деб атаганлар. Сўфий бошқа одамлардан ўзини пок ғарибона турмуш кечириши, доимий тоат ибодатда бўлиши ва фақат илоҳий руҳга қўшилишини мақсад қилиб қўйиши билан тубдан фарқ қилади. Сўфий учун на дунёдан на охиратдан таъма бўлмаслиги керак. Ягона истак бу Аллоҳнинг дийдорига етишдан иборат.

Тасаввуф-сўфийлик инсонни ўрганар экан, аввало, кишининг кўнглига, дилига таянади, кўнгилни, қалбни тарбиялашга кўнгил кишисини вояга етказишга интилади, чунки, Аллоҳ фақат кишининг покиза қалбадагина жилва қилади. Тасаввуфда инсондаги жамики худбинликлар, иллатлар, разолат дунёсига ҳирс қўйиш жисм эҳтиёжи ва нафс таъмасидан келиб чиқади, деб

ўргатилади. Комил инсон бўлиш учун аввало, жисм ва нафс эҳтиёжи ва таъмасини енгиш керак. Дунёга, бойликка меҳр қўйиш кишини нафсига қул қилиб қўяди. Дарвеш, сўфий нафсни рад этади. Нафс барча фалокатлар сабабчиси, инсонни тубанлаштирувчи нарса. Инсонни фалокат ботқоғидан, тубанлик жаридан қутқариб, уни поклашнинг бирдан-бир йўли нафснинг эҳтиёжини енгишдир. Бунинг учун дунё муҳаббатидан воз кечиш ва Аллоҳ муҳаббатига қўнғил боғлаш даркор. Сўфийликда буни дунё моҳиятини ва ўзлигини, инсонийликни англаш йўли деб қаралган. Ўзлигини англаган киши эса дунё ва унинг бойликлари ўткинчи эканлигини англайди. Хожа Баҳоуддин айтадилар: «Ўз нафсининг ёмонлигини таниш ўзлигини танишдир».

Демак, тасаввуф илми – инсон ҳақидаги илмдир. У инсон қалбига сайқал бериш илми. Биз бу илмдан 70 йил довомида беҳабар эдик. Инчунун, биз неча замонлар инсондан беҳабар қолдик ва не замонлар қалбимиздан файз кетди. Ўтмишдаги Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандийлар юртимиз ва халқимизнинг файзи камоли эдилар. Истиқлол туфайли шу нур, шу файз бизга қайтди.

Шуни ифтихор билан қайд этишимиз лозимки тасаввуф таълимоти тараққиётида Туркистон фарзандларининг бекиёс ўрни бўлган. Хожа Ҳаким ат-Термизий, Шайх Абу Мансур ал-Матурудий ас-Самарқандий, Хожа Абдуҳолиқ ғиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Али Ромитаний, Абу Али ал-Фармадий, Юсуф Ҳамадоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби сиймолар илоҳий маърифат йўлининг раҳномалари бўлдилар. Улар яратган таълимот ва илгари сурган маънавий – ахлоқий ғоялар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Чунончи, Аҳмад Яссавий хикматларида илгари сурилган ахлоқий панд-насихатлардан молпарастликни фош этиш, кишиларнинг инсофли диёнатли, иймонли бўлишга чақиришда фойдаланиш ўринли. Яссавий инсон ҳаётидаги катта кураш-нафсни таслим этишга хизмат қиладиган кураш деб ҳисоблаган. Нафсга мағлуб шох-қул, нафсдан устунликка эришган ғариб-шоҳдир, деб айтади. Нафс инсон учун катта ёвдир. Шу ёвнинг бошини янчган, уни енгган, нафсга таслим бўлмаган кишининг гурури ва инсоний кадр-қиммати ҳеч ким паймол қила олмайди, деб билган.

Мавороннаҳр тасаввуф таълимотида хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканлигини қайд этишимиз лозим. Нақшбандия таълимоти хайратланарли даражада ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий маъно, моҳиятга ҳаётий мазмунга эга.

Нақшбандия маънавий- ахлоқий таълимотида хурфикрликка кенг ўрин берилган. Бу сулукдагилар меҳнат қилиш илм олиш ўз меҳнат эвазига ҳалол яшаш, ноз неъматларни қўпчилик билан баҳам қўриш фақирона ҳаёт кечириш, ҳаммага яхшиликни раво қўришни афзал билганлар.

Тасаввуф тариқатлари ҳақида сўзлаганда Нажмиддин Кубро асос солган кубровия ҳақида ҳам тўхтаб ўтишни маслаҳат берами. Биз Нажмиддин Кубро сиймосида фақат тариқат бошчисини эмас, балки ўз ватанини, халқини дилдан севган инсонни ҳам қўраимиз. 1221 йилда боскинчи мўғил галалари қадами Хоразмга етиб боради

Тасаввуф тахминан уч асосий оқимга бўлинади:

1. Тўлиқ ёки экстаздаги сўфийлар оқими Мансур ҳаллож, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румийлар бу оқимнинг йирик вакиллариининг фикрларига, биргина борлик, Воҳид бошланғич ягона ҳақиқат, биргина моҳият борки, у ҳам бўлса ҳақ, яъни ҳудодир.

2. Эклектик оқим. Имом Ғаззолий, хўжа Аҳмад Яссавий, бу оқимнинг кўзга кўринган намоёндалари ҳисобланадилар. Бўлар тасаввуфни худо билан келиштиришга, бирлаштиришга уринганлар.

3. Нақшбандия оқими. Бу асл моҳиятига кура, аскетизмга, яъни таркидунёчиликка зид бўлган оқимдир. Марказий Осиё яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган, ўз даврига нисбатан илғор оқим бўлмиш Нақшбанд (1318-1389) номи билан боғлиқдир. Баҳоуддин 1318 йилда Бухоро яқинидаги Касри Хиндуён қишлоғида туғилади.

Сўнгра хазрати Нақшбанд шарофати билан бу қишлоқ "Касри Орифон" номини олган.

Маълумки Шариат, тариқат ҳақиқат, инсонни камолотга етказувчи мақомлардир. Шариат ҳукмлари Аллоҳ таоло тамонидан фарз, пайғамбар алайҳиссаломдан суннат қилиб берилган. Ул ҳукмларни бажариш ўзини мусулмонман деб билган ҳар бир шахс учун шарт. Шариат ҳукмларига тўла-тўқис амал қилмаган одам тариқатни мутлақо тушунмайди. Тариқатга ўтиш учун эса шариат биринчи зинапоя ҳисобланади.

Уламолар қуйидагича киёс қилганлар: шариат ёнғокнинг пўчоғи бўлса, тариқат пўчоқ ичидаги мағиз. Дарҳақиқат, мағиз пўстлоғсиз ва пўчоғсиз ҳосил бўлмас.

Шариат- ер, тариқат мазкур ерда унга дарахт, ҳақиқат эса шу дарахтнинг мевасидир, деб таъриф берган машойиқлар.

Исломий шариат мана шу эҳтиёжни қондириши ва мана шу мақсадни амалга ошириши учун келган. У бирор қобилиятнинг ишсиз қолишини, ёки бирор қизиқишнинг сўнишини, бирор туйғунинг йўқолишини хоҳламайди. У сизни тарки дунё қилиб, ҳаётингизни ғор, унгур, мозорларда ўтказишингизни, нафсингизни ўлдириб, уни мусибат ва машаққатлар билан қийналишингизни ҳамда уни ҳаёт зийнати, лаззати, неъматларидан маҳрум қилишингизни талаб этмайди. Асло-зеро шариатга асос солган Аллоҳ, дунёни исон учун яратиб бера туриб, қандай қилиб уни ҳароб, вайрон бўлишига рози бўлади? Аллоҳ таоло инсонга ҳеч нарсага асқотмайдиган фойдасиз қобилият берган эмас.

Шунингдек, еру, осмонлардаги нарсаларни бекордан-бекорга яратган эмас. Аллоҳ инсоннинг мана шу бир маромда кетаётган, тадбирли тартибда давом этаётган коинот корхонасидаги ҳар бир нарсадан фақат ўзига ва ўзгача зарар келмайдиган йўл билан фойдаланишини ва ундаги турли хил воситаларни истеъмол қилишни хоҳлайди. Қуръони карим, ҳадислар ва шариат кўрсатмалари инсон маънавий – марифий камолотининг асоси бўлган ахлоқ одоб тарбиясининг барча муаммоларини ўз ичига олган. Сирасини айтганда ҳадислар ахлоқий тарбияга оид бўлган фикрларнинг мукаммал тўпламидир. Қуръони карим ҳадисларни, шариат кўрсатмаларини ўрганар эканмиз, уларда ахлоқий камолат ҳалоллик ва поклик, иймон ва виждон билан боғлиқ бўлган бирорта ҳам масала эътибордан четда қолмаганлигини кўрамиз. Айниқса, ислом ҳалол ва ҳаром масаласига мусулмонлар диққатини қаратади. Шариатда Аллоҳ томонидан қилинишга руҳсат этилган амаллар ишлар ҳалол дейилади. Ҳаром эса унинг акси-қилинишга руҳсат этилмаган ишлар ва амаллардир.

Шариатнинг қонун-қоидаларини ҳам фақат мана шу мақсаддагина тўзган. Шундай қилиб, шариатда инсонга фойдали нарсалар ҳалол, зарарли нарсалар эса ҳаром бўлган. Исломий шариатнинг асоси шундан иборатки, инсон ўзининг эҳтиёжларини қондириш, мақсадларини амалга ошириш ва шахсий манфаати учун хоҳлаганча ҳаракат қилишга ҳаққи бор. Лекин айтилган замонда мана шу ҳуқуқдан ўзгаларнинг ҳуқуқини қасддан ёки билмай поймол этиш йўли билан фойдаланмаслик керак. Улар билан ҳамкорликда ҳаракат қилиши лозим.

Инсон ҳеч қачон бирор ишнинг ёки бирор нарсанинг фойдали ёки зарарли эканини била олмайди. Шунинг учун ҳам коинотнинг барча сиридан воқиф ҳар нарсадан хабардор Аллоҳ, инсон ҳаёти учун мукаммал қонунни тузиб берган.

Тариқат-арабча сўз бўлиб "усул", "йўл", "маслак", "сўфийлик йўли" маъноларини англатган. Тариқат аҳли сўфийлардир. Тариқат аҳли, яъни сўфийлар эса уч насада: дам, кадам, қарамда ўзгаларга ибрат бўлишлари лозим. Яъни кераксиз гаплардан тийилмоқ-дам, беҳуда ишларга қадам қўймаслик, кадам фойдали ишлар, яъни охиратга фойдаси тегадиган ишларни қилиш - қарам ҳисобланади.

Азиз Насафийнинг "Мақсадул-аско" асарида ёзилишича, Муҳаммад алайҳиссаломнинг хосу ҳамманинг амал қилиши лозим бўлган ишларни буюрганлиги шариатдир. Тариқат эса пайғамбар алайҳиссаломнинг Аллоҳ, таолонинг қудрати ила бунёд этилган нималарга ва нима реалларнинг кўрганларидир.

Фикр билан тасаввур орасидаги фарқни ушбу мисолдан билиб олишингиз мумкин: олдингизга бир одам келса, унга икки тарафдан назар қиласиз: Бир тарафдан унинг ташқи қиёфасига-баданига, аъзоларининг тўлалигига; кўрлик соқовлик каби камчиликларнинг бор-йўқлигига назар ташлайсиз. Иккинчи тарафдан эса, унинг ахлоқий, одатини, ҳислатини, илмини, ақлини, маънавиятини билмоқчи бўласиз. Шунингдек биров билан дўст бўлмоқчи бўлсангиз, унинг иккала тарафи-ташқи қиёфаси ҳам, ички маънавияти ҳам яхши бўлишини хоҳлайсиз. Шунингдек, ислом назарида ҳам шариат ҳукмларига ички ва ташқи тарафдан тўла эргашган кишининг ҳаёти гўзал бўлади. Юзаки амал яхши бўлиб, ички олам бузук бўлган киши руҳидан ажраган жасад кабидир.

Ички маънавиятлари камолга етгану, ташқи олами кўзда тутилгандек яхши бўлмаган киши ўзи яхшию, лекин юзи хунук, кўзи кўр, оёғи чўлоқ одам кабидир.

Мана шу мисол орқали фикр билан тасаввур орасидаги фарқни билиб олишингиз энгиллашади. Лекин охириги вақтларда руй берган илм ва ахлоқнинг тубанлашиб, инқирозга учраши дилларни тилка-пора қилиб, кўзларни ёшлатмоқда. Ушбу инқироз натижасида чидаб бўлмас даражада бузуқликлар, номаъқулчиликлар пайдо бўлди. Тасаввуфнинг соф бўлоғи бўлганди. Тасаввуф номини Қуръон ва суннатда умуман бўлмаган, бир қанча эътиқод ва маслак сифатида татбиқ қилдилар.

Кейин бу эътиқоддагилар ўзларини исломдан торта бошладилар ва тасаввуф билан шариатни бир-бирига мутлақо алоқаси бўлмаган, бегона икки нарса, сўфий одам эса шариатнинг қонуни ва ҳукмларига риоя қилиши шарт эмас, деган уйдирмаларни тарқатишди.

Сўфий одамга Аллоҳ ва пайғамбар алайҳиссалом баён қилган иқтисодий, ижтимоий, ахлоқий, ҳуқуқий вазифалар, ҳалол-ҳаромни ажратиш ҳукмларидан бирортасига зид иш қилиши намоз, рўза закот, ҳаж каби ибодатлардан озод бўлиши мутлақо мумкин эмас.

Аниқроқ қилиб айтганда, сўфийлар мусулмонлар ичида қалб софлиги учун фидойи, тоат-ибодат, тақводорликка кўпроқ эътибор берганлиги билан ҳурматга сазовор бўлган (Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф) Тариқат шайхлари Қуръони карим таълимоти, пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини ёйиш яъни пайғамбар суннатларини қайта тирилтириш уларга амал қилиш, шунингдек хурофот ва бидъатга қарши курашмоқ ўзларининг асосий мақсаду вазифалари деб билганлар. Муҳаммад алайҳиссаломга эргашмаган у киши даъват этган маслакни қабул этмаган киши узини исломий сўфий деб номлаши мумкин эмас. Зеро, исломда бундай тасаввуфнинг хиди ҳам йўқ. Исломий тасаввуф-Аллоҳ ва пайғамбарни яхши кўриш, бор вужудини уларга бағишлашдир. Бу муҳаббат ва бағишлов мусулмоннинг пайғамбар алайҳиссалом келтирган ҳукмларидан қилча ҳам чиқмаслигини тақозо этади. Демак, ҳолис исломий тасаввуф шариатдан бошқа алоҳида нарса эмас, балки шариатнинг ҳукмини ғоятда самимийлик, софдиллик ва ихлос билан адо этишдир.

Ўрта Осиё табиий илмий тафаккурининг ривожининг бошланиши буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний ва Мусо Муҳаммад ал-Хоразмийларнинг номи билан боғлиқдир. 1998 йилда Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. У машҳур фалаккиётшунос олим. Унинг асосий асарлари “Фалакдан бўладиган сабаблар”, “Астролябия фани усуллари”, “Осмон ҳаракатлари ва юлдузлар илми” ва бошқа саналар.

Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий шарқнинг буюк мутафаккир қомусий олимидир. Унинг илми нужум, геодезия, жуғрофия, риёзиёт соҳасидаги хизматлари беқиёсдир. Хоразмий “Синд Ҳинд”, “Зижи Хоразмий”, Қуёш соати ҳақида рисола, “Ернинг шакли ҳақида китоб”, “Муסיқа бўйича рисола”, “Тарих ҳақида” ва бошқа асарларнинг муаллифи.

Шарқ фалсафий ахлоқий фикри ривожини Абу-Наср Фаробийсиз тасаввур қилиш қийин. У Шарқ Аристотели деган унвонга сазовор бўлган. У яратган асарларнинг умумий сони 160 та бўлиб уни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

а) қадимги юнон файласуфлари ва табиатшунослари-Аристотель Платон, Галент ва бошқаларнинг илмий меъросларини таржима қилиш, шарҳлаш ва ўрганишга бағишланган асарлар.

б) Ўрта аср фанининг табиий, ижтимоий фалсафий соҳаларига оид рисола.

Жумладан “Аристотельнинг метофизика” асарига изоҳ, “Аристотельнинг этика китобига шарҳ”, “Масалалар манбаи”, “Муסיқа ҳақида сўз”. “Фозил одамлар шахри” ва бошқалар.

Фаробий ҳаётнинг олий мақсади бахт-саодатга эришувдан иборат, кишилар бунга оламни ўрганиш, касб-хунар ва илмиларни ўзлаштириш-маърифатли бўлиш орқали эришади деб қарайди.

Хоразмлик буюк олим Абу Райҳон Беруний (973-1048) жаҳон фани тарихида энг машҳур сиймолар қаторидан жой олган, ўз давридаги деярли ҳамма фанларга катта ҳисса қўшган, машҳур қомусий илм соҳиби, йирик табиатшунос ва файласуфдир. У ўз умри давомида 150 дан ортиқ асарлар яратган. Шулардан энг машҳурлари “Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар”, “Маъсуд қонуни”, “Ҳиндистон”, “Геодезия”, Минералогия”, “Сайдана” ва бошқалардир. Гарчи Беруний фалсафий-ахлоқий масалаларга оид махсус асар ёзмаган бўлсада, аммо кўпгина асарларида бу масала ҳақида фикрлар баён этган.

Жаҳон маданияти ва маърифатига катта ҳисса қўшган, Шарқ ва Европада “Шайх-ур раис-олимлар бошлиғи” унвонига эга бўлган аллома Абу Али Ибн Сино (980-1037) нинг меъроси биз учун бебаҳо ҳазинадир. У ўз умри давомида 450 дан ортиқ асарлар яратган. Унинг “Тиб қонунлари” номли 5 жилддан иборат китоби асрлар давомида Шарқ ва Европада медицина бўйича асосий қўлланма бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

ИХ-ХИИ маънавияти ва маърифати ривожидида кўринган шоири Юсуф Хос Ҳожиб ҳам катта ўрин тутди. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг ягона достони бўлмиш “Қутадғу билиг” (“Бахтга элтувчи билим”) билан машҳурдир. Бу асар 1069 йилда ёзилган бўлиб, уни шоир Қашқар ҳокими Сулаймон Арслон қорахонга бағишлаган. Шу асар учун унга Хос Ҳожиб, яъни буюк хоннинг махсус маслахатчиси унвони берилган. Достон қахрамонлари - ҳоким Кунтуғди адолат рамзи, вазир Ойтўлди бахт рамзи сифатида, вазирнинг ўғли Ўғдулмиш ақл рамзи сифатида тасвирланади.

ИХ-ХИИ асрлар давомида Марказий Осиёда илм, фан, маърифат, маънавият юқори даражада ривожланди.

ХВИ-ХИХ асрларда Ўрта Осиё халқлари маънавий - маърифий тафаккур тараққиёти икки йўналишда борди. Биринчи Ўрта Осиёнинг ўзида бўй берди. Иккинчиси Хиндистонда Бобурийлар давридаги Ўрта Осиёлик мутафаккирларнинг ижодида намоён бўлади.

ХВИИ асрнинг иккинчи ярми ва ХВИИИ асрнинг бошларида Ўрта Осиёда маънавий-маърифий қараш ривожини Бобораҳим Машраб (1653-1711) номи билан чамбарчас боғлиқ. Машраб ўша вақтда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тарқалган тасаввуфнинг қаландарлик оқимида эътиқод қилиб, ўзининг исёнкорона шеърлари билан жамиятдаги адолатсизликка қарши кураш олиб боришга ҳаракат қилган. Ўз ғазалларида ахлоқий, маънавий покликка эришиш, ҳаётдаги салбий иллатларга қарши курашни куйлайди.

У ўзи яшаётган давр хоқимларидан адолатни кутади. Ҳатто уларга мурожаат қилиб, халқ тўғрисида ғамхўрлик қилишни, уларнинг арз-додига қулоқ солишни сўрайди.

Машраб кишиларни бойликка ҳирс қўймасликка, ўзгаларга яхшилик қилишга, саҳийликка, ҳалол бўлишга, ўз меҳнати эвазига яшаш, нафсни тийишга чақиради.

Машраб ўз ижодида хулқ-одоб масалаларига катта эътибор бериб, одамларни ярамас хатти ҳаракатлардан, тақаббурлик ва ёлғон сўзлашдан сақланишга ундайди. Унинг маънавий - ахлоқий дунёқарашини фарзанднинг ота-онани ҳурмат қилиши уларни юксакликка кўтариш ғояси муҳим ўрин тутди. Хусусан, фарзанддан отанинг рози бўлиши лозимлиги, акс ҳолда ёмон оқибатларга олиб келиши ҳақида ёзади. Машраб ижодидаги бундай ғояларнинг мустақил Ўзбекистон ёшларини маънавий камолга етказишида аҳамияти катта.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Афсона, ривоят, эртак, достон, монийлик, маздакизм, ислом, мусулмон, иймон, сўфий, тасаввуф, диний ақидапарастлик ва террорчилик.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ўрта Осиё халқларининг қандай афсона, ривоят ва достонларини биласиз? Улардаги маънавий жиҳатларини изоҳланг.
2. Моний ва Маздак таълимотларидаги маънавият масалаларини изоҳланг.
3. Ислом дини ҳақида нималарни биласиз?
4. Қуръон ва ҳадислар қандай китоблар?
5. Тасаввуф қандай диний таълимот?
6. Тасаввуф инсон учун энг катта ёв деб нимани тушунади?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт привард мақсадимиз. Т., Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2009.
3. Каримов И. А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Т., 2009.
4. Каримов И. А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Т., Ўзбекистон, 2009.
5. Авесто.-Санъат №3, 11, 1993.
6. Қуръони Карим Т., Чўлпон, 1992.
7. Ал-Бухорий. Ҳадис. 1-4 китоблар. Т., 1993-1998 йиллар
8. Комилов Н. Тасаввуф. Т., 1997.
9. Хўжа Аҳмад Яссавий. Хикматлар. Т., 1991.
10. Мансур Олим ўғли. Ислом дини мустамлакачилари. Т.: Мулоқот, 1994, 1-2 сон.
11. Каримов Т.М. Шариат ва унинг социал бирлиги. Т., 1992.
12. Диншунослик асослари. Т.: Ўзбекистон, 1995.
13. Бертельс Е.Э. Суфизм и сўфийская литература. М., 1985.
14. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. Т.: Ёзувчи, 1996.
15. Искандаров Б. Тасаввуф фалсафаси. Т., 1995.
16. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т.: Ўзбекистон, 1995.

5- МАВЗУ АМИР ТЕМИР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ. ЖАДИДЧИЛАРНИНГ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҲАРАКАТЛАРИ ВА УНИНГ ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИНИ КЎТАРИШДА ТУТГАН ЎРНИ.

РЕЖА:

1. Амир Темури буюк давлат арбоби, юксак маънавият эгаси ва маърифат ҳомийси.
2. "Темури тузуклари" да маънавият масалалари.
3. Темурийлар даврида маънавият ва маърифат ривожиди.
4. Жадиदчилик ҳаракатининг мазмуни ва унинг умумхалқ маънавиятини кўтаришдаги роли.
5. Жадидчиларининг амалий ҳаракатлари ва тарихий тақдирлари ҳақида.

1.Амир Темури буюк давлат арбоби, юксак маънавият эгаси ва маърифат ҳомийси.

ХИВ асрнинг иккинчи ярми ва XV аср Втанимиз тарихида воқеаларга ниҳоятда бой тарихий давр ҳисобланади. Чунки, бу даврда муғуллар ҳукмронлиги ва феодал тарқоқлик тугатилиб, босқинчиларнинг вайронагарчиликларни ва бир ярим асрлик зулмлари оқибатида иқтисодий маданий-маърифий турғунлик ҳолатига тушиб қолган мамлакатимиз ўз мустақиллигини тиклашга киришди. Бу даврда Амир Темурнинг ягона байроғи остида марказлашган кучли мустақил феодал давлат ташкил топди.

Амир Темури ушбу даврда Мовароуннаҳр ва Хоразмга тазйик ўтказаятган Тўхтамишхонга қарши қушин тортди. Урал ва Кавказда бўлган икки шиддатли жангда Амир Темури ғалаба қозониб Олтин Ўрда тазйикида яшаятган Россияни қад ростлашига ёрдам берди.

Амир Темури - буюк шахс, кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, талантили меъмор, нотик, руҳшунос шу билан бирга эл-юртини, халқини севган ва уни жаҳонга машҳур қилган инсон. Амир Темурнинг тарихи кўп жилдлик китоблар ёзишга арзийди.

Мустақилликка эришгунимизча буни қилиш имконига эга бўлмадик, чунки коммунистик ғоя бунга йўл бермади. Амир Темурнинг ўзи таҳқирланди, тухмату маломатларга қолди.

Шукурлар бўлсинки, мустақиллик туфайли кўп минг йиллик бой тарихимизни, шу жумладан улўғ бобомиз Амир Темурни суриштириш ва ўрганиш имконига эга бўлдик.

Амир Темури 1336 йилнинг 9 апрелида Шахрисабзнинг Хожа илғор қишлоғида таваллуд топди.

Темурнинг ёшлиги ва йигитлик йиллари мамлакат огир ижтимоий сиёсий бўрон исканжасига тушиб қолган бир даврда кечди.

Узоқ ва машаққатли курашлардан сўнг Амир Темури ўз рақибларини енгиб ҳоқимиятни қўлга олди. Майда, тарқоқ феодалликларни бирлаштириб марказлашган давлат бунёд этди, мамлакатда иқтисодий ва маданий ўзгаришлар қилди. Амир Темурнинг тарих олдидаги хизмати бениҳоя катта.

Биринчидан, у мамлакатни юқорида айтганимиздек қучайиб кетган феодал тарқоқликка барҳам бериб, эл-юртни ўз туғи остига бирлаштира олди, марказлашган йирик феодал давлатга асос солди. Бу билан ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратиб берди. Бугун "Темури ва темурийлар давлати", "темурийлар маданияти", "Улўғбек ва Самарқанд асронмия мактаби", "Навоий" ва "Бобур" каби қутлўғ сўзларни нафақат ўзбекнинг, балки жаҳон халқлари саҳифаларида учратар эканмиз бу гапларнинг заминида Амир Темурнинг улкан хизматлари ётади.

Иккинчидан, Амир Темури, ўзи билибми-билмасданми, лекин бир қатор халқлар ва юртларга мустамлакачилар зулмидан озод бўлишга ёрдам берди. Масалан, ўша даврнинг энг қудратли ҳукмдоридан ҳисобланган Боязид Йилдирымни тор-мор келтириб Болқон ярим ороли ва Европа халқларига озодлик бағишлади; Олтин ўрда хони Тўхтамишни икки марта тор-мор этиб, Россияни муғуллар ҳукмронлигидан қутилишини қарийиб 300 йилга тезлаштирди.

Амир Темури замонида ёзилган асарларни қунт билан ўқисак, ўргансак, унинг кўп яхши сифатлари: тўғрилиқ, муруватлиқ, эл-юртга меҳр-муҳббати ва бошқа ҳислатларини билиб оламиз. Амир Темурнинг "Темури тузуклари", Низомиддин Шомий, Шарофутдин Али Яздийларнинг "Зафарнома"лари, Ибн Арабшоҳнинг "Темури ҳақидаги хабарларида тақдир ажойиботлари" ва бошқа асарларда келтирилган соҳибқироннинг ибратли панд-насихатлари ва ўғитларидан ҳам унинг қимлигини билиб олса бўлади. Бўлар эл-юрт ва фуқаронинг ташвишини ўйлайдиган марифатпарварлик, меҳр-муруват қўшничиликка риоя қилиш ва ниҳоят, мардлик ва қаҳрамонлик ҳақидаги ҳаётий ўғитлардир.

Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари бекиёс. Амир Темури ва унинг авлодлари саъй-ҳаракатлари билан қурилган мадрасалар, масжидлар, саройлар, бозорлар,

кўприклар, йўллар, бекатлар, карвонсаройлар, қалъалар, қазилган каналлар ва бошқа иншоотларнинг сон-саногии йўқ.

Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Бибихоним жомеъ масжиди, Гўри Амир, Аҳмад Яссавий, Занги Ота мақбаралари, Оқсарой ва Шоҳи Зинда меъморий мўъжизалари, Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд сингари ўнлаб гўзал сарой-боғлар ва шу каби бошқа иншоотлар шулар жумласига киради.

Тарихчи Шарофуддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур "Ободончиликка ярайдиган бирон қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди".

Тарих бу кўхна дунёда жуда кўп жаҳонгирларни кўрган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган.

Унинг "Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт келтирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим", деган сўзлари бунёдкорлик, яратувчилик фаолиятининг тасдиғидир.

"Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг" деганда Амир Темур аввало ўз халқига, келажак авлодларига мурожаат қилган, десак янглишмаймиз.

Ҳар қандай жамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни теран англаган соҳибқирон ҳокимиятга келиши билан чиқарган дастлабки фармонларини мадрасалар барпо этиш, илм толибларига нафақалар тайинлаш билан боғлаган. Қайси бир шаҳарга ташриф буюрмасин Амир Темур аввало ўша ерлик олиму фозиллар билан учрашар, улар билан суҳбат қураар, турли мавзуларда баҳслашар эди.

Тарих, тиббиёт, математика, астрономия, меъморчилик соҳаларида юксак салоҳиятга эга Амир Темур учун бу табиий ҳол эди. Мазкур фазилат соҳибқироннинг набираси Мирзо Улуғбекка ўтгани шубҳасиз.

Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби бўлиш билан бир қаторда буюк олим даражасига етишида бобоси Амир Темурнинг таъсири бениҳоя катта бўлган. У Улуғбекдаги ноёб истеъдодни бошданок пайқаб, сафарларда ҳам ёнига олиб юриб, дунёнинг машҳур олимлари тарбиясидан баҳраманд этган.

Амир Темур маънавиятини белгиловчи бош мезон унинг бутун умр бўйи амал қилган "Куч - адолатда" деган шиоридир. Бу шиорда Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг бутун мазмуни мужассамлашган.

2."Темур тузуклари" да маънавият масалалари.

Амир Темурнинг маънавий ва маърифий қарашлари унинг ўз фарзандлари, набиралари, тахт ворисларига қолдирган ўғитлари - "Темур тузуклари" да мужассамлашган. Бу бебаҳо асарда подшолар, ҳокимлар ва вазирларнинг ҳақи-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, сипоҳларга муносабат, илм-фан намоёндалари, дин пешволарига, устозларга, яхшилик қилган кишиларга муносабат каби ҳаётий маънавий-ахлоқий қонун-қоидалар ўз ифодасини топган.

Тузуклардан қуйидаги мисолларни келтирамиз.

Х Х Х

Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

Х Х Х

Золимлардан мазлумлар ҳақини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим.

Х Х Х

Кимки бировни молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширсинлар. Агар кимда ким тиш синдирса, кўзини кўр қилса, қулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зино ишлар қилса, девондаги шариат қозисига олиб бориб топширсинлар.

Қуйидаги тузукларда Амир Темурнинг кечиримли ҳислатлари намоён бўлган. Буни у бошқалардан ҳам талаб қилган. Жумладан Амир Темур бу тўғрида шундай дейди:

Х Х Х

Менга ёмонлик қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тавба-газарру қилиб келгач, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан. Шубҳаю қўрқув бўлса, унут бўларди"

XXX

Менга хасад қилиб, ўлдиришга қасд қилган кишиларга шунчалик совға-инъомлар бериб, муруввату эҳсон кўрсатдимки, бу яхшиликларни кўриб, хижолат терига ғарқ бўлдилар. Ҳамиша менинг розилигимни олиб иш тутган дўстларим олдимга паноҳ тилаб келганларида, уларни ўзимнинг тахту давлатимга шерик қилиб, ҳеч қачон улардан мол-мулк ва тирикчилик ашёларини аямадим.

Амир Темурнинг умр бўйи ободончилик, қурилиш ишларига катта аҳамият берганлиги, камбағалпарварлигини унинг қуйидаги ўғитларидан ҳам билиш мумкин:

XXX

Кимки бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз курса ё бирор боғ кўқартирса, ёхуд бирор ҳароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринча йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, учинчи йили қонун - қоидага мувофиқ хирож йиғсинлар.

Амир Темурнинг қуйидаги сўзлари асрлар оша халқимизнинг асл фарзандларини эл-юрт, ватан ҳақида қайғуришга чорлаб келди.

XXX

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин.

3. Темурийлар даврида маънавият ва маърифат ривож.

Темур ва темурийлар даври; умуман Шарқ, хусусан Марказий Осиё-илм-фан, маданият, маънавият, адабиёт ва санъат ривожига муҳим босқич, янги тарихий давр, туб бурилишдир. Бу даврдаги маънавий ва маърифат ҳаётидаги кўтарилиш ва юксалишнинг манбаи, бошланиши ИХ-ХИИ асрларга бориб тақалади. ХИВ асрнинг иккинчи ярми ва ХВ асрда Марказий Осиёнинг маданий-маънавий ва маърифий камолоти ИХ-ХИИ аср маданияти, маънавияти ва маърифати давомидир. Марказий Осиё халқларидан етишиб чиққан буюк тафаккур эгаларининг бутун бир авлоди худди шу даврда шаклланди ва ижод этди. Бутун дунёга номлари машҳур тарихчилар Шарофиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий олимлар- Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий; ғайсафус шоирлар- Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Лутфий, Саккокий, Атоий; Мусаввирлар- Камолiddин Бехзод, Қосим Али, Мирак наққош; хаттотлар- Султон Али Машҳадий, Султон Муҳаммад хандан Муҳаммад бин Нур ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳаммаси ўша давр ва ўзларигача бўлган инсоният маънавияти, маърифати ва маданияти ютуғининг барча соҳаларини мукаммал билиб ва ўзлаштириб олган, ўзлари танлаган соҳаларнинг ҳали ҳеч ким томонидан забт этилмаган чўққиларини эгаллаган улуғ сиймолар, қомусий илм, ақл эгалари бўлганлар.

Камолiddин Бехзод ва унинг шогирдлари ижодида юксак босқичга кўтарилган мусаввирлик санъати Шарқ уйғониш даврининг ютуқларидан биридир. Бехзод ўзининг такрорланмас ижоди, гўзал миниатюра санъати ва ажойиб маҳорати билан нафақат Шарқда, балки бутун дунёда ҳам ўчмас из қолдиргандир. “Иккинчи Моний”, “Шарқ Рафъали” деб юксак даражада эъзозланган Бехзод машҳур сўз санъаткорлари - Жомий, Ҳусайн Байқаро, Шайбонийхон ва бошқаларнинг сиймоларини яратган юксак маънавият эгасидир.

Темурийлар даври илм-фан, маданият, маърифат ривожига Мирзо Улуғбек (1394-1449) нинг номи билан чамбарчас боғланиб кетган. У давлат арбоби, фан, маърифат ҳомийси, буюк олим ва мунажжим.

У ўзи бунёд эттирган расадхона ва илм-маърифат марказига турли соҳаларда иш олиб боровчи 100 дан ортиқ илм аҳллари тўплаб, кенг жаҳдада илмий кузатиш ишларини олиб борган. Бўлар Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Мавлоно Аҳмад, Муҳаммад Ҳавофий, Абўл Али Биржондий, Мирим Чалабий, Муиниддин Коший каби замонанинг забардаст олимлари бўлган.

Мирзо Улуғбек Самарқандда “Самарқанд академияси”-“Улуғбек академияси”га асос солган эди. “Зижи Кўрагоний” (“Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали”) ва “Тўрт улус тарихи” номли асарларнинг муаллифидир.

Тарихчи олим Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича “Улуғбек геометрия борасида Евклидга, астрономия соҳасида Птоломейга ўхшарди”.

Мирзо Улуғбек фан ҳомийси бўлиш билан бирга, мамлакатда маърифат ривожига ҳам катта аҳамият берган алломадир. У Мавороуннахрда бир эмас уч мадраса қурдирди. Бўлардан бири Самарқандда (1417-1420); иккинчиси Бухорода (1417) ва учинчиси Ғиждувонда (1433)дир. Ҳатто, Бухородаги мадраса пештокига ҳадисдан: “Илм олиш учун ҳар бир мўмин ва муслима учун фарздир”,-деб ёздириб қўйди.

Улуғбек кўпроқ буюк олим, илм-фан, маърифат ҳомийси бўлгани учун ҳам янада кадрлироқдир. У геометрия математика астраномия, тарих, адабиёт, мантиқ, мусиқа илмларини билган. Қуръон, ҳадис ва фақх илмларидан ҳам яхши ҳабардор бўлган алломадир. XV асрда аниқ фанларнинг, хусусан астраномиянинг ривожига Улуғбекнинг хизматлари бекиёсдир. Унинг даҳоси бугун ҳам инсониятга хизмат қилмоқда. Темурийлар даври маънавияти, ва маърифати ривожига ўзларининг онгли ҳаёти ва фаолиятини инсоннинг бахт - саодати, халқлар асосийшталлиги, ободонлик ишлари, илм-фан, адабиёт ва санъат ривожига бағишлаган икки буюк мутафаккир Абдурахмон Жомий (1414-1492) ва Мир Алишер Навоий (1441-1501) лар нинг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Абдурахмон Жомий Ўрта Осиё халқлари маънавий оламида, бадий тафаккур осмонида ёрқин нур сочиб, ўчмас из қолдирган мутафаккирлардан биридир. Абдурахмон Жомий темурийлар даври дунёқараши, мафкураси бўлмиш нақшбандийликка ихлос қўйган, уни қабўл қилган, ўзи шу йўл дан борган ва унинг ғояларини тарғиб этган. Нақшбандийлик адолатни, ўз меҳнати асосида бунёд этилган ҳалол луқмани маъқуллаган, дабдабали ҳаётни рад этган, ғирром йўллар билан мол-мулк тўплашни қоралаган. Бу таълимот инсонпарварлик, ростгўйлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, маънавий, поклик, камтарлик, самимийлик каби чин инсоний фазилатларни улуғлаган. Унинг “Дил ба ёру, даст ба қор” - “Кўнгил Аллоҳдаю, қўл меҳнатда” шиори Жомий ва Навоий каби мутафаккирларни ўзига жалб этган. Шу сабабли бу икки улуғ сиймо, сўз санъаткорлари нақшбандийчилик йўлини қабўл қилганлар ва ўз ижодларида унинг ғояларини тараннум этганлар.

Ўзбек халқининг буюк фарзанди, мутафаккир, давлат арбоби, ўзбек адабиёти ва тилининг асосчиси Алишер Навоий Ўрта Осиёнинг маънавий ва маърифий фикр тараққиётида алоҳида ўрин тутди. У адабиёт, санъатнинг турли соҳаларига оид қирқдан ортиқ асар яратди. “Чор девон”, “Ҳамса”, “Махбубўл-Қулуб”, “Муҳокаматул-луғатайн”, “Маҷолисун-нафоис”, “Лисонут-тайр” ва бошқалар шулар жумласидандир.

Навоий ўз асарларида зolim, мустабид, нодон, маишатпараст шоҳ ва ҳукмдорларни қоралаб, уларга қарши инсонпарвар, одил, адолатли ҳукмдор образини қўяди.

Одами эрсанг демагил одами,

Оники йўқ халқ ғамидин ғами,-байти

Навоий маънавияти ва инсонпарварлигининг марказий нуқтаси десак, ҳеч янглишмаймиз. Навоий бутун умри бўйича инсонпарварликни, одамийликни куйлаб, уни улуғлаб ўтган. Кишилар ғамида бўлиш, яхшилик қилиш, муруват кўрсатиш бу буюк зот ҳаётининг мазмуни бўлган. Унинг қабрида мана бу сўзлар битиб қўйилган: “Шоҳи ғарибон”, яъни ғариблар, ёлғизлар, факирлар шоҳи.

Навоий саҳоват ва муруватда беназир инсон бўлган. Ўзининг жойлардаги ер-сувлари, мол-мулкларидан келган даромадларини тўлалигича ҳайрия ишларига сарфлаган.

Темурийлар даври илм-фан, маърифат, маънавият ва маданият жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Бунда улуғ бобомиз, давлат арбоби, беназирдир. Буни ҳаммамиз, айниқса Сиз талаба ёшлар тўғри англамоғингиз лозим, улуғ зот ила фахрланишимиз барчамизнинг бурчимиз.

4.Жадидчилик ҳаракатининг мазмуни ва унинг умумхалқ маънавиятини кўтаришдаги роли.

Россияда Октябр тўнтаришидан кейин совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бошқа жумҳуриятларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам, албатта маданий, маърифий тараққиёт бўлди, табиий ижтимоий фанлар анчагина ўсди, миллий зиёлилар сафи кенгайди, иқтисодда ижтимоий, сиёсий ҳаётда ижобий ўзгаришлар бўлди. Бундан кўз юмиш мумкин эмас. Лекин Ўзбекистон мустақиллигига қадар етмиш тўрт йил ичида маданий-маърифий тараққиётимиз имкониятларидан тўла фойдалана олмадик. Марказ томонидан юргизилган давлат сиёсати туфайли миллий онгимиз, миллий тилимиз, тарихимиз, урф-одатларимиз ривожланишига йўл бермайдиган ғовлар пайдо бўлди. Агар Чор Россияси бизнинг маънавиятимизни турғунликда, қолоқликда тутишига уринган бўлса, большевиклар маҳаллий халқларни ўз миллий маданиятидан буткул бегоналаштириш сиёсатини тутдилар. Ўзбек халқининг маданияти ва маънавиятига, миллий онги ривожланишига тўсқинлик қилиш собиқ Совет жамияти даврида чоризм замонидагидан кўра кучайса-кучайдию, аммо қамаймади. Шўро давлати миллий чекка ўлка халқларини эзиш, бойликларини талаш мақсадида чоризм мустамлакачилик сиёсатини ошқора давом эттирди. Шўро тузими миллий бирдамлик, миллий туйғу ривожланиши ва юксалишига миллатчилик деб қаради.

Шўро замонида халқимизнинг минг йиллик тарихи, эътиқоди рад этилди, ўрнига “шахсга сиғиниш” балоси рўбаро бўлди.

Инсонларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини таъминлашга кўмаклашадиган муқаддас китоб Куръони Карим, Ҳадиси шариф, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Шайх Нажмиддин Кубро, Аз-Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари уламою фузалоларнинг мўътабар асарлари халқдан яширилди, уларга ўт қўйилди, сувларга оқизилди. Қарамлик ва мутелик йилларида содир бўлган бу дахшатли воқеа ва ҳодисалар ўзбек халқининг миллий манавияти муайян даражада таназзулга учрашига сабаб бўлди. Шўро ҳукумати ва тузуми курила бошлаган дастлабки йиллардаёқ, аввало бутун зиёлилар ва хатто эски ўзбек ёзувини биладиган кишилар ҳам қамоқларга жўнатилди. Кейинчалик эса уйда араб алифбоси ёзувидаги китоб ва қўлёзмаларни сақлаган одамлар қаттиқ тазйиқ остига олинди, хуллас, ўзбек халқининг илғор қисми -зиёлиларга маърифат ҳомийларига жуда катта зарба берилди. Бу қатогонлик хатти -ҳаракати ўтган 70 йил давомида у ёки бу даражада доимий ва узвий равишда давом этди.

Тил - ҳар бир халқ бир миллатнинг миллий ўзлигини намоён қилишда муҳим воситадир. Собиқ совет ҳукумати ҳукмронлик қилган 70 йилдан кўпроқ вақт давомида миллий чекка халқлар, жумладан ўзбекларнинг миллий тили, тарихи ва маданияти ривожланишига тўсқинлик қилиши учун ишлатилмаган ҳийлаю найранг қолмади. Шахсга сиғиниш йилларида миллатларнинг бири-бирига қўшилиб ягона совет халқига айланиш ҳақида назариялар пайдо бўлди. “Миллий тиллар йўқолади, ягона тил бўлади”, деб “башорат” қилинди”. Бундай сохта назария Сталин томонидан ўртага ташланган эди. 1930 йилдан бошлаб, қарийиб 60 йил давомида собиқ марказ миллатлар ва миллий тилларни қўшиб юбориш сиёсатини зўр бериб ҳаётга жорий этишга уринди. Байналминаллик байроғи остида миллий тиллар ривожланиши чеклаб қўйилди. Ўзбек тилига нисбатан қилинган ижтимоий адолатсизлик, айниқса, дахшатли тус олди. Бу нарса давлат сиёсати даражасига кўтарилиб амалга оширилди. Унинг луғат таркибига русча байналминал сўзлар синфий равишда тикиштирилди. Натижада оғзаки ва ёзма нутқимиз ортиқ даражада бузилди.

Мустабид тузум сиёсати талаби ва зўравонлиги асосида маънавийтимизнинг муҳим қирраси имломиз кетма-кет уч марта ўзгартирилди. 1929 йилда араб алифбосидан лотин алифбосига ўтилди. Орадан ўн икки йил ўтгач, кирилл алифбоси қабул қилинди. Шу тариқа халқимиз ўзининг 1000-1200 йиллик кўҳна тарихидан, ўтмишидан, маънавий меъросидан маҳрум бўлди. Ота-боболаримиздан қолган китоблар, асосан араб ва форс тилларида ёзилган. Имланинг ўзгартирилиши натижасида ўша китобларни ўқий олмай диган бўлиб қолдик. Яқин ўтмишимизнинг риёкор сиёсати натижасида мўғил босқини келтирилган йўқотишдан ҳам кўра каттароқ маънавий фалокатга учрадик. Бу тарихимизни, маданиятимизни, миллий маънавий меъросимизни йўқотишга уринишнинг янгича йўли эди.

Инсофу-диёнатни йўқотган коммунистик мафкура яловбардорлари, араб ва лотин алифбосини йўқотиб мақсадларига эришиб бўлгач, ўзбек халқи “инқилобгача” саводсиз эди, ёзуви ҳам, мактаби ҳам, китоби ҳам, олиму уламолари ҳам бўлган эмас, тили ривожланмаган деган сафсатани бутун дунёга ёйдилар. Бу халқимиз шаънига ағдарилган ғирт туҳматдир. Бу ўлкадан етишиб чиққан илм-фан, маданият, маънавият намоёндаларини илгари Сизлар билан кўриб ўтганмиз... Ўлкамиз қадимдан маънавият ва маърифат юксак даражада ривожланган ҳудуд бўлганлиги билан фахрланишимиз лозим.

5. Жаҳидчиларининг амалий ҳаракатлари ва тарихий тақдирлари ҳақида.

Жаҳидчилик аслида маърифатпарварлик ҳаракатининг кўринишидир. Шунинг учун биз бу ўринда масала баёнини маърифат ва маърифатпарварлик тушунчалари ва унинг аҳамиятини изоҳлашдан бошлашни лозим топдик.

Маърифатнинг луғавий маъноси билиш, таниш, билим, демакдир. Бошқача айтганда маърифат билмоқ, кишиларнинг онг билимини маданиятини оширишга қаратилган таълим - тарбия жараёнидир. Маърифат сўзининг кўпликдаги маъноси маорифдир. Маърифат атама сифатида - табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли-туман билимлар, маълумотлар мажмуасини билдиради. Маърифатли дегани-билимли, муайян соҳада маълумоти бор, демакдир. Фанлар чуқур ва кенг ривожланиб бораётган ҳозирги даврда билим ва илмга интилган ҳар бир киши, талаба, фан намоёндаси илмнинг, яъни маърифатнинг маълум соҳасинигина эгаллашга эриша олади. Масалан, кимёнинг маълум соҳасини, худди шунингдек математика, физика, биология, медицина ва бошқаларнинг ҳам маълум йўналишларини эгаллайдилар.

Маърифатни ҳаётга сингдириш маориф тизими орқали амалга оширилади. Демак маърифат-билим ва маданиятнинг қўшма мазмуни бўлиб, маориф эса ана шу мазмунни қуроли, воситасидир.

Жамиятда маърифат, яъни билим маърифатпарварлар орқали ёйилади. Маърифатпарвар-маърифат учун курашувчи; илм, билим чироғини ёқувчи; маърифат ҳомийси ва тарафдори демакдир.

Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчи жамиятга бир тарихий даврдан иккинчи тарихий даврга ўтиши маърифатпарварликдан бошланади. Маърифатпарварлар одатда давр учун, жамиятнинг, мамлакатнинг, халқнинг бугуни ва келажаги учун муҳим ғояларни илгари сурадилар, шу ғояларни амалга ошириш учун кураш олиб борадилар.

Туркистон маърифатчиликлари мактаби бой ўтмиш ва улкан меъросга эга. Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Абдулқодир Шакурӣ, Ашурали Зоҳирӣ, Саидрасул Саидазизӣ, Исҳоқхон Иброт ва Аҳмад Донишлар XIX аср охирида фаолият бошлаб, мамлакатни, халқни миллий зулм ва қолоқликдан ҳалос этишнинг ягона йўли маърифатда деб билдилар. Бу фидойи зотлар мустабид тузум ва жаҳолатга, маънавий қуллик ва зулм зўравонликка қарши бор кучлари билан кураш олиб бордилар. Бу маърифатпарвар боболаримиз дунё кезиб, дунё халқларининг илму урфони, маданияти билан танишиб, мустамлака ўлкани, унинг кишанларини илм чироғи билангина озодлик сари бошламоқ, парчаламоқ мумкин эканини чуқур ҳис этидилар. Шу сабабли ҳам энг аввало юртимизда мактаб-маориф ишларини ривожлантиришда ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан азму шижоат намунасини кўрсатдилар.

Кўринадики, жадидчилик, маърифатчилик ҳам миллатни маърифатли қилиш, маънавиятини юксалтириш мақсадларида юзага келган буюк тарихий аҳамиятдир.

Жадидчилик-янгилаш, янги усул маъносини англатади. У янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усуллари, йўллари тарафдорларининг умумий номи.

Жадидчиликнинг асосий ғоя ва мақсадлари: Туркистонни ўрта асрчилик, феодал қолоқлик, хурофатлардан озод қилиш, “Усули қадим” ни инкор этган ҳолда ўлкани, халқни, миллатни замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқиш, миллий давлат бунёд этиш, конституцион, парламент ва президент идора усулидаги озод ва фаровон жамият қуриш, туркий тилларга давлат тили мақомини бериш, миллий қўшин тузиш ва бошқалардан иборат.

Туркистонда жадидчилик миллий-озодлик кураши жараёнида юзага келган, ўзбек халқи тарихида янги саҳифани оча бошлаган ижтимоий ҳаракат бўлганлиги билан ажралиб туради. Уларнинг дунёқарашида ватанпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик, тараққийпарварлик каби ғоялар етакчилик қилган. Ўлкани мустамлака зулмидан озод қилишни жадидлар ҳамма нарсдан устун қўйдилар. Жадид зиёлилари эрк, истиқлолга эришиш учун миллий онгни ўстириш зарурлигини пайқадилар. Шу орқали миллий уйғониш ясамоқчи бўлдилар. Буни эса таълим ва тарбияда-маърифатда деб билдилар. Мана шунинг учун ҳам жадидлар янгича таълим ва тарбия тизимини қарор топтириш йўлида ҳормай-толмай ишладилар.

XIX аср охири ва XX аср бошларида бу ҳаракатнинг тарихий аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Бу даврларда жамиятнинг маънавий инқирози чуқурлашган бўлиб, миллий маданиятни кўтармай, умуминсоний кадриятлардан баҳраманд бўлмай маърифат, тарбиявий ишларни кенг йўлга қўйган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиётга имконият яратиб бўлмас эди. Жадидлар, яъни маърифатчилар миллатнинг маънавий камолоти йўлида ўзининг бутун кучи ва истеъдодини сафарбар этишга тайёр бўлган фидойилар эди.

Жадидлар миллатни қолоқлик, хурофот ботқоғидан олиб чиқиш учун ҳаракат қилар эканлар, бунда шариатга қатъий риоя қилиш орқали мактаб ва мадрасаларда таълим бериш тизимини дунёвий илмларни бериш асосида ислоҳ қилиш ғоясини илгари сурганлар ва бу борада ўзлари амалий ҳаракат намунасини кўрсатганлар.

Хуллас, жадидчилик XIX аср охири ва XX аср бошларида миллий уйғониш ва миллий юксалишида катта рол ўйнаган.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

«Темур тузуклари», «Куч адолатда», «Зижи Кўрагоний», «Тўрт улус тарихи», «Ҳамса», «Лисонут-тайр», «Ҳафт авран» (Етти тахт), жадид, жадидчилик, маърифат, маърифатпарварлик, янги мактаб, мустамлакачилик, қарамлик, тобелик, мустамлакачилик сиёсати, зўронлик, руслаштириш сиёсати, қарамлик ва мутелик.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. **Нима учун Амир Темурни буюк давлат арбоби ва саркарда деймиз?**
2. Амир Темурнинг юксак маънавият эгаси эканлигини изоҳланг.

3. «Темур тузуклари» асаридаги адолат, тўғрилиқ, ҳалоллик, дўстларга садоқат, ватанпарварлик тўғрисидаги фикрлардан мисоллар келтиринг.
4. Мирзо Улуғбекнинг илм-фан ва маърифат ривожига қўшган ҳиссаси нималардан иборат?
5. Улуғбек Академиясида фаолият кўрсатган олимлардан кимларни биласиз?
6. Нима учун Алишер Навоийни «Сўз мулкининг султони» деб атаймиз? (мисоллар билан исботланг).
7. «Жадид» сўзининг маъноси нима ?
8. Жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиш сабабларини тушунтиринг.
9. Жадидчилик ҳаракатининг намояндаларидан кимларни ва уларнинг қандай асарларини биласиз?
10. Маҳмудхўжа Бехбудий ким бўлган?
11. Мунавварқори фаолиятини изоҳлаб беринг. Абдулла Авлоний ҳақида нималарни биласиз?
12. Маърифатпарварлик ғояларини илгари сурган қандай шоир ва ёзувчиларни ҳамда уларнинг қайси асарларини биласиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Амир Темур-фаҳримиз, ғуруримиз. Халқ сўзи, 1996, 25 октябрь.
2. Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч .Т.: Маънавият, 2009.
3. Каримов И. А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Т., 2009.
4. Каримов И. А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор . Т., Ўзбекистон, 2009.
5. Темур тузуклари. Академик Б.Аҳмедов таҳрири остида. Т., 1991.
6. Амир Темур ўғитлари. Т.: Наврўз, 1992.
7. Мўминов И. М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли.Т.: Фан, 1963.
8. Аҳмедов Б. Буюк Темур. Т., 1996.
9. Аҳмедов Б. Амир Темур ва Шарқнинг уйғониш даври. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1996, 9 май.
10. Турсунов И.Й. Амир Темур - маърифат ҳомийси. Халқ таълими, 1996, 2сон.
11. Ўзбекистон : қарамлик ва мустақиллик йилларида. Т.: Ўқитувчи , 1996.

6-МАВЗУ МУСТАМЛАКАЧИЛИК ВА ҚАРАМЛИК ШАРОИТИДА МАЪНАВИЯТ. МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ, КОМИЛ ИНСОН ТУШУНЧАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ШАРҚОНА ТАЪРИФИ.

РЕЖА:

1. Халқни миллий маънавий - маърифий заминлардан маҳрум қилиш мустамлакачилик сиёсатининг асосий мақсадидир.
2. Қарамлик шароитида ўзбек халқининг она тили, эътиқоди, миллий меъроси, ғурури, қадриятларидан маҳрум этилиши .
3. Ислон Каримов маънавий баркамол инсонни тарбиялаш замон талаби эканлиги тўғрисида.
4. Маънавий баркамол инсон тушунчаси, унинг моҳияти.
5. Комил инсон ва унинг шарқона фазилатлари.

1.Халқни миллий маънавий-маърифий заминлардан маҳрум қилиш мустамлакачилик сиёсатининг асосий мақсадидир.

Тарихдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар аввало уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади. Босиб олинган мамлакат халқлари маданий-маънавий тараққиётини бўғиб қўйиш истилочи, босқинчи мамлакатлар томонидан мустамлакачилик тартибларини сақлаб туриш ва мустаҳкамлашнинг азалий, тарих синовидан ўтган анъанавий йўлларида бири бўлиб ҳисобланади. Истилочи мамлакат итоат қилдирилган халқларни бора-бора ўзига сингдириб юборишни, бунинг учун ўз мафкураси ва ғояларини уларга мажбуран жорий этиш, маданиятига шикаст етказиш, миллий тили, миллий урф-одатлари ва миллий қадриятлари ривожига йўл бермасликни ўз сиёсатининг асосий мақсади деб билади. Хитой донишманди Конфуций бундан 2700 йил олдин ўз императорига шундай маслаҳат берган экан: “Ҳоконим, агар бирор мамлакатни босиб олиб, у ерда узок ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, даставвал ўша ерда яшаётган халқни ўз тарихий маданиятидан маҳрум этинг, маънавий қашшоқлик ҳолатига учраган халқ уюшмайди, ички низолар гирдобига ўралади, сизга қаршилик

кўрсата олмайди. Бундай ҳолга келган халқни, мамлакатни идора қилиш қийин бўлмайди”. Маданият ва маънавиятни барбод этиш, миллий тил, урф-одатлар камолотига йўл бермаслик итоат эттирилган халқни жиловда ушлаб туришнинг энг зарур ва нозик йўлларида бири эканлигини истилочи ва босқинчилар доимо жуда яхши билган. Шунинг учун ҳам мустамлакачи ва босқинчилар Хитой донишманди айтган гапларни олдиндан режалаштириб қўйишади.

Маданият, маънавият ва маърифат зарбага учраб, халқнинг, мамлакатнинг маънавияти ва маърифати барбод бўлаверса, одамлар ўз-ўзидан эътиқодсиз бўлиб кетади. Ундай ўлкада, мамлакатда омманинг оломонлашуви, сиёсий манқуртлик, бепарволик бошланади. Охир-оқибатда миллий ғурур, ифтихор, миллий кадриятлар аста-секин заифлаша бошлайди. Ана шундай ўлкани, мамлакатни, унинг халқини мустамлакачилик кишанларда ушлаб туриш, итоаткор кулга айлантатириш мумкин.

Босиб олинган мамлакатда илм-фан, маънавият, маданият истилочи мамлакатга нисбатан бир неча бор устун бўлса, ундай жойларда мустамлакачилик тартибини сақлаб туриш осон кечмайди. Бизнинг ўлка эса босқинчи чор Россиясига нисбатан маънавий-маърифий ва маданий тараққиёт жиҳатидагина анча устун турарди. Чор ҳукумати олимлар маслаҳатига амал қилиб, бизнинг ўлкада қандай қилиб бўлмасин, ўзларининг халқдан устунликларини исботлашга ва шу тариқа “узил-кесил” ғалабага эришишга астойдил киришдилар.

Ўтмишдаги босқинчилар сингари чор босқинчилари ҳам бу соҳадаги амалий ишни Туркистон халқини бир неча минг йиллик тарихи, маданияти, урф-одатларидан маҳрум қилиш, руҳан, маънан майиб мажруҳ қилишдан бошладилар. Бу чуқур ўйлаб, узоқни кўзлаб ва режалаштириб қўйилган машъум сиёсат эди. Бу сиёсатнинг замирида чор ҳукуматининг манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва Туркистон халқларини, шу жумладан ўзбек халқини миллий ўзлигини англашдан буткул маҳрум қилиб ўтмишини унутган, ватанпарварлик туйғусидан жудо бўлган, истиқболини кўролмайдиган одамлар гуруҳига айлантатириш муддаоси турган.

Маънавият ва маърифатдан маҳрум халқ миллий жиҳатдан ўзини англаб ололмайди, тақдирга тан бериб яшашни ўзига эп кўради. Чор амалдорлари бунга яхши англаган ҳолда ўз мустамлака асоратига солган Туркистон халқларини маънавият, маърифат ва маданиятдан бебаҳра қолдириш масаласига алоҳида аҳамият бердилар. Бу йўлда ҳеч таб тортмай инсофу диёнатни, раҳм шафқатни бутунлай унутдилар.

Чор Россиясининг Туркистондаги сиёсати миллий туйғуни паймол этишга, миллий кадриятларни топташга, буткул йўқотиб юборишга қаратилган эди. Чоризм бу ўлкада саводсизлик, билимсизлик ҳолатини вужудга келтириш ва уни мустаҳкамлашдан манфаатдор эди.

Чоризм мустамлакачилик сиёсатини шарқда қон ва қилич билан жорий қилган генераллардан бири М.Д.Скобелев: “Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини тилини, санъатини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназулга учрайди”, - деб “башорат” қилган эди. Унинг ана шу “доно” кўрсатмаси Туркистондаги маънавият, маърифат ва маданиятга нисбатан амалга оширилган жаҳолат ва ёвузликлар учун қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Чор ҳукуматининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатининг туб моҳиятида қандай мақсад ва муддао ётганлигини халқимизнинг билимли маданиятли, зийрак, оқилу доно фарзандлари аллақачон тушуниб етган эдилар. Чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсатини фош этган, халқни эрк озодликка, билим ва маданиятга чорлаган, миллий кадриятларимизни қўллаб - қувватлаган, шу йўлда жафо чекиб ҳалок бўлган буюк қалб эгаси Абдурауф Фитрат ўзининг “Туркистонда руслар” рисоласида: “Кўрдим, кездим, эшитдим, ўқидим. Мамлакатлар орасида Туркистонимиз каби бахтсиз бир мамлакат йўқдир... Рус капиталистлари билан рус попларининг содиқ ишончли қоровуллари бўлган эски Русия ҳукумати эллик йил орасида Туркистондаги турк болаларининг фойдаларига бирор иш кўрдими, кўрмоқчи бўлдими. Мана шу саволга-“Йўқ!”дан бошқа бир жавобимиз йўқдир. Юртимиз 51 йил идораси аскарий остида тургани учун биз Оврупонинг маданий миллатлари билан кўришолмадик, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий фикрларидан истифода қилолмадик. Бизнинг кўзларимизни очирмаслик фикри учун фикри очик татар қариндошларимизнинг даҳи Туркистондан ер олмоқ ва Туркистонда мактаб очмоқлари ман этилди.

Шундай қилиб, чор ҳукуматининг Туркистон халқларига нисбатан тутган мустамлакачилик сиёсати ва халқлар ўртасидаги ҳар қандай давлат куртакларини йўқ қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий- маданий тараққиётини бўғиш, уларга эркинлик бермаслик, миллий кадриятларини ерга уриш, камситиш, миллий ғурурларини, маънавиятини паймол этиш кўркемда ушлашдан иборат эди.

2.Карамлик шаронтида ўзбек халқининг она тили, эътиқоди, миллий меъроси, ғурури, кадриятларидан маҳрум этилиши.

Россияда Октябрь тўнтаришидан кейин, бошқа жумхуриятларда бўлганидек Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Ўзбекистонда ҳам маданий маърифий тараққиёт бўлди, табиий ва ижтимоий фанлар анчагина ўсди, миллий зиёлилар сафи кенгайди, иқтисодда, ижтимоий - сиёсий ҳаётда ижобий ўзгаришлар бўлди. Лекин Ўзбекистон мустақиллигига қадар бўлган 74 йил ичида маданий - маърифий тараққиётларимиз имкониятларидан тўла фойдалана олмадик. Марказ томонидан юргизилган давлат сиёсати туфайли миллий онгимиз, миллий тилимиз, тарихимиз, урф-одатларимиз ривожланишига йўл бермайдиган ғовлар пайдо бўлди. Ўзбек халқининг маданияти ва маънавиятига, миллий онги ривожланишига тўсқинлик қилиш собиқ совет жамияти даврида чоризм замонидан кўра кучайди. Шўъро замонида халқимизнинг минг йиллик тарихи, эътиқоди рад этилди, ўрнига “шахсга сиғиниш” балоси рўбаро бўлди.

Миллий маънавий кадриятлардан бири миллий урф- одатлар, анъаналар, диний тарбиявий маросимлар, халқ байрам ва сайиллари қабилага қилинган ҳужум ўзбек халқи бошига тушган оғир дард бўлди. Юқорида қайд этганимиздек 30-йилларнинг ўрталарига бориб миллий маънавиятимизни тўлиқ синдириб ташлашга қаратилган сиёсат амалга оширила бошланди. Асл зиё эгалари отиб ташланди.

Ўзбекистонда барча динларнинг, биринчи навбатда ислом динининг кўзга кўринган йирик вакиллари бирин - кетин қамалди, сургун қилинди, ими жимида- отиб ташланди. Чорак кам бир аср давомида диний – маънавий тарбияга ўрин берилмади. Диний ахлоқ ва маданиятнинг зарари ҳақида айтилмаган гап қолмади.

Даҳшатлиси шу бўлдики, ислом динини “фош этиш” мақсадида азиз -авлиёларнинг мазорларига ўт қўйилди, мақбаралари остин – устун қилинди. Коммунистлар, раҳбар ходимлар ота-оналари, яқин кишилари жанозасига боришдан қўрқиб қолишди. Юрак отиб борганлар патиядан ўчирилиб, ишдан олинди.

Тил- ҳар бир халқ ва миллатнинг миллий ўзлигини намоён қилишда муҳим воситадир. Жаъмики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади... Она тили – бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар! Шахс маънавий камолотининг зарур шартларидан бири ўз она тилини билишидир. Тил билмайдиган одам халқнинг дилини ҳам билмайди. Бирон – бир сабаб туфайли миллий тил йўқолса миллат бора-бора йўқолиб кетади, миллий ўзига хослигини йўқотади.¹ Шундай бўлгач, бирон - бир миллий тилнинг йўқолиши ўша халқнинг муқаррар равишда ҳалок бўлишига олиб келади.

Мустабид тузум сиёсати талаби ва зўравонлиги асосида маънавиятимизнинг муҳим қирраси имломиз кетма – кет уч марта ўзгартирилди. 1929 йилда араб алифбосидан лотин алифбосига ўтилди. Орадан 12 йил ўтгач, кирил алифбои қабул қилинди. Шу тариқа халқимиз ўзининг 1000-1200 йиллик кўҳна тарихидан, ўтмишидан, маънавий меъросидан маҳрум бўлди. Ота-боболаримиздан қолган китоблар, асосан араб ва форс тилларида ёзилган. Имлонинг ўзгартирилиши натижасида ўша китобларни ўқий олмайдиган бўлиб қолдик. Яқин ўтмишимизнинг риёкор сиёсати натижасида мўғил босқини келтирган йўқотишдан ҳам кўра каттароқ маънавий фалокатга учрадик. Бу тарихимизни, маданиятимизни, миллий маънавий меъросимизни йўқотишга урунишнинг янгича йўли эди.

3. Ислом Каримов маънавий баркамол инсонни тарбиялаш замон талаби эканлиги тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ҳар бир нутқи ва маърузалари, мақола ва асарларида юксак маънавият келажак пойдевори эканлигини қайта – қайта таъкидламоқда. “Зеро, -деб уқтиради Ислом Каримов, - биз жамиятимиз тараққиётининг фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билан эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, Демократик ва инсонпарварлик тамойилларини кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз этиши билан баҳолаймиз”².

¹ Ислом Каримов . Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 23-бет.

² Каримов И. Келажакни жасратли одамлар қуради. “Халқ сўзи” газетаси , 1999 йил , 17- феврал.

Маънавий тарбия соҳасида кўзбўямачиликка йўл қўйиш ниҳоятда хатарли. Маънавий жамият ҳаётининг шундай бир нозик аҳамиятли соҳасики, бу борада ҳўжакўрсинга иш қилиш иқтисодий ва сиёсий соҳаларда қутилмаган турли инқирозларни келтириб чиқариши мумкин. Айниқса, бу соҳада ўзи бўларчилик ва лўттибозликка йўл қўйиб бўлмайди. Кишиларда, хусусан ёшларда янги маънавийнинг шаклланиши анча мураккаб ва машаққатли жараён ҳисобланади. Буни амалга ошириш учун кенг қўламли маданий , тарихий, маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш керак бўлади. Эски тузум шароитида таркиб топган маънавий инқирозга барҳам бериш, янгича тафаккурга эга бўлган инсонни шакллантириш мураккаб, муайян даврни талаб қилувчи, аста-секин амалга оширадиган жараён бўлганлиги сабабли тарихнинг бурилиш даврларида жамият ҳаётида маънавий бўшлиқ ҳолатлари ҳам юзага келиши табиийдир. Бу бўшлиқ жамият учун иқтисодий, сиёсий инқирозга нисбатан анча хатарлироқ кечади. Бунга кейинги вақтларда юз берган мудҳиш воқеалар яққол мисол бўла олади. Шу сабабли тарихий бурилиш даврларида объектив тарзда юзага келадиган бундай ҳолатларни чуқур англаб, уларга тўғри муносабатда бўлиш лозим. Мамлакатимиз раҳбарияти буни тўғри англаб, бундай ҳолатларнинг қалқиб юзага чиқишининг олдини фақат одамларимиз, авваламбор ёшларимизнинг иймон - эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларнинг ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш орқалигина олиш мумкинлигини, мустақиллик тафаккури , маънавийни шакллантириш, мақсад, вазифа, воситалари йўллари излаб топиш, ҳаётга жорий этиш орқали ҳал этиш мумкинлигини таъкидлаб келмоқда³. Зотан ёш мустақил мамлакатимизнинг келажаги учун маънавияти юксак, баркамол инсонлар зарур. Шунинг учун ҳам юртбошимиз “Юксак маънавият – келажак пойдевори” деган ҳикматли шиорни янада баландроқ кўтардики, юксак маънавият мустақилликни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш учун муҳим ва зарурий тамойиллардан бири бўлиб қолди.

Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Русубликаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз” номли маърузаларида қуйидаги фикрларига эътиборни қаратмоқ лозим: “Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади – иймон эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавийни шакллантиришдир. Яъни, мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо меъроси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялашдан иборат”⁴. Бунда биз маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг: “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё момот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган ўғитига амал қилишимиз зарур.

4. Маънавий баркамол инсон тушунчаси, унинг моҳияти.

Маънавий баркамол инсон – комил инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Айни вақтда маънавий баркамол инсон тушунчаси соғлом авлод тушунчаси билан ҳам боғланиб кетади. Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида-алоҳида ишлатилса-да, моҳиятан уларнинг ҳаммаси инсон ахлоқи ва одобини, уларда шаклланган барча ижобий ҳислатларни, уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларидан тортиб, токи оилага, ота – онага ва бошқаларга муносабатларининг барча қирраларини қамраб олади.

Президентимиз эркин фуқаро, озод шахс, баркамол инсон ҳақида гапириб, қуйидаги тўрт жиҳатга эътиборни қаратди , яъни ҳар бир фуқаро :

- ўз ҳақ- ҳуқуқини танийдиган бўлсин , бунинг учун курашсин ;
- ўз кучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, имкониятларини ишга солиб , самарасини кўрсин;
- атрофида содир бўлаётган воқеа - ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олсин;
- шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб , фаолият юритсин⁵.

Бўлар баркамол инсон фазилатлари ҳақидаги аниқ ва тўлиқ таърифдир.

Маънавий- маърифий баркамолликнинг қирраларидан бири миллий ифтиҳордир. Миллий ғурур бу миллий ифтиҳордир. Миллий ғурур ўз халқининг бир нача минг йиллар давомида яратиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари , тарихий меъроси, урф – одатлари , анъаналари, одоб – ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти, барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз ҳурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлиш, авайлаб -асрашдир.

Ўз халқининг тарихини, миллий қадриятларини, тилини, истиқбол манфаатларини билмаган, қадрламаган, миллий мансублигини унутган, ўз миллатининг истиқболи учун қайғурмайдиган,

⁴ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан , эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 25-бет.

⁵ Ўзбекистон XXI асрга интилоқда . Тошкент , “Ўзбекистон” , 2000 й. 232-233 бетлар.

курашмайдиган кишиларда миллий ғурур ҳам, миллат билан фахрланиш ҳам, миллатарварлик ҳам бўлмайди. Бундай кишиларни маънавий баркамол инсон дея олмаймиз.

5. Комил инсон ва унинг шарқона фазилатлари.

Комил инсон тушунчаси маънавий баркамол инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Маънавий баркамолликка эришмай комил инсондаражасига етиш мумкин эмас. Демак, маънавий баркамолликка интилиш - бу комил инсон даражасига эришиш учун интилишдир. Комилликка инсон бутун умри давомида эришиб боради. Учала тушунча: соғлом авлод, маънавий баркамол, комил инсон-даражама-даража чуқур маъно касб этади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, комил инсон бўлишнинг аниқ чеки ва чегараси йўқ. Бизнинг кўхна тарихимизда юзага келган, халқ, мамлакат тарихида катта маънавий - ахлоқий тарбия ролини ўйнаган тасаввуф комил инсон назарияси ҳақидаги, уни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақидаги таълимот ва амалиёт саналади.

Комил инсон биз учун идеалдир. У барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи мутлоқ руҳга туташ, файзу каромати сероб, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим тўла покиза зот. Комил инсон одамзод орзу қилган жамики эзгу ҳислатларнинг ифодачиси.

Комил инсон ҳақида тасаввуф адабиётида кўп асарлар битилган. Ана шундай кишилардан бири ХИИИ асрда яшаган Азизиддин Насафий бўлиб, “Инсонни комил” номли рисоласида комил инсонга таъриф бериб шундай ёзади: “Билгилки, комил инсон деб шарият ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарсга камолатга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф”. Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, риё, ва бадкирдорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан яшаб, эзгу ишларга тайёр туради.

Комилликнинг белгиси ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга фойда келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комил бўлади.

Комил баркамол инсонни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақида мусулмон Шарқи ахлоқи тарихида инсон ҳаёти учун дастуруламал, қўлланма вазифасини ўтаган кўп пандномалар, халқ китоблари мавжуд бўлган. Шулардан баъзиларини санаб ўтамиз. Чунончи, Кайковуснинг “Қобуснома”, Саъдийнинг “Ғулистон”, “Бўстон”, Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Алишер Навоийнинг “Маҳбубул-қулуб”, Хусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи муҳсиний” ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Бу асарларнинг кўпчилигида одил шоҳ ва адолат, ҳалоллик, софлик, поклик, тўғрилиқ, ростгўйлик, инсонпарварлик, маърифатли бўлиш каби инсоннинг шарқона фазилатлари берилган.

Комил инсон ва эътиқодилиқ, ҳалоллик ва покликнинг олий тимсоли. Биз ҳаммамиз шунга интилиб яшамоғимиз лозим. Мустақил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида иймонли бўлиш, ҳалоллик ва поклик, виждонли ва диёнатли бўлиш нечоғлиқ зарур эканлиги ҳаммамизга аён. Мана шунинг учун ҳам Президентимиз маънавий баркамол инсон тарбиясида ёшларимизни элини, ватанини севувчи комил инсон қилиб тарбиялаш ишига алоҳида аҳамият бериб келаётир. Президентимизнинг қуйидаги таърифида комил инсоннинг асосий хусусиятлари ҳар томонлама чуқур ва теранлик билан баён қилиб берилганлиги диққатга сазовордир: “Комил инсон деганда, -деб ёзади Ислоҳ Каримов,- биз аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳуқ атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз”.

Юқоридагиларни ҳозирги мустақил ҳаётимиз, турмуш тарзимиз, кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг интилишлари билан боғлаб комил инсон чизгиларига қуйидаги ҳислат ва фазилатлар киришини умумий тарзда баён этишимиз мумкин:

Комил инсоннинг умумий ҳислатлари: ёқимлилиқ, кўркемлиқ, жошибадорлиқ, салобатлилиқ, ҳурматга сазоворлиқ, шоироналиқ, улугъсифатлиқ, ўзига ҳослиқ, етуклиқ, жиддийлиқ, маданиятлиқ, тарбияланганлиқ ва бошқалар;

Комил инсоннинг ахлоқий фазилатлари: инсонпарварлиқ, дўстлиқ, ғамхўрлиқ, жонкуярлиқ, самимийлиқ, одамийлиқ, болажонлиқ, иймонлилиқ, фидокорлиқ, ҳушмуомалалиқ, боадаблиқ, илтифотлилиқ, кечиримлиқ, меҳмондўстлиқ, ҳалоллиқ, тўғрилиқ, диёнатлилиқ, ҳаромдан ҳазар этиш, меҳнатсеварлиқ, ватанпарварлиқ ва ҳоказолар;

Ишбилармонлиқ ҳислатлари: ишчанлиқ, тиришқоклиқ, серҳаракатлилиқ, масъулиятлилиқ, инсофлилиқ, ҳалоллиқ, малакалиқ, эпчилиқ, уздабуронлиқ, саранжом-саришталиқ, тадбиркорлиқ, аниқлиқ, тежамкорлиқ, баркамоллиқ, таъмасизлиқ, таваккаллиқ ва бошқалар;

Зукколик, идроклилик фазилатлари: зеҳнлилик, баъманилик, хотиржамлик, соғлом фикрлилик, донишмандлик, сезгирлик, заковатлилик, топқирлик, нотиклик, танқидийлик, дадиллик, омилкорлик, саводхонлик, қизиқувчанлик, ишқибозлик кабилар;

Собитлик ҳислатлари: фаоллик, қатъиятлик, тезкорлик, жўшқинлик, саботлилик, бир сўзда туришлик, барқарорлик, ботирлик, довюраклик, интизомлилик, жиддийлик, нафси тийишлик, ўзини йўқотмаслик, совуққонлик, ўзига талабчанлик, камсуқимлик, ўзини-ўзи идора эта билиш ва бошқалар;

Эҳтирослилик ҳислатлари: кўтаринкилик, тантанаворлик, кулиб турувчанлик, ҳазинлик, келажакка ишонч, эзгулик, олийжаноблик, ифбатлилик, оташинлик, нозик табиатлилик, ҳаёлилик, хижолатпазлик, ва хоказолар.

Бизнингча, айти шу ҳислат ва фазилатларни ёшларимиз онгига сингдира борилиши уларни баркамол, соғлом ва комил инсон руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Мустамлакачилик, қарамлик, тобелик, мустамлакачилик сиёсати, зўронлик, руслаштириш сиёсати, қарамлик ва мутелик, мустақиллик ва маънавият, маънавий баркамол авлод, комил инсон, соғлом авлод, тўғрилиқ, ҳалоллик, поклик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, маърифатли инсон, мустақиллик тафаккури, миллий ифтихор, миллий ғурур, миллатпарварлик.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Нима учун мустамлакачилар халқни тарихидан, маънавиятидан маҳрум қилишга интилиш сабабларини изоҳланг.
2. Чор Россиясининг Ўрта Осиёда олиб борган мустамлакачилик сиёсатининг оқибатлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Шўролар даврида ислом динига, диний қадриятларга қандай муносабат кўрсатилган?
4. Маънавий баркамол инсонни, комил инсонни, соғлом авлодни тарбиялаш нима учун замон талаби ҳисобланади?
5. Ислон Каримовнинг маънавий баркамол инсонни тарбиялаш тўғрисидаги ғоялари?
6. Маънавий баркамол инсон деганда нимани тушунасиш?
7. Соғлом авлоднинг қирраларини изоҳланг.
8. Комил инсон деганда қандай инсонни тушунасиш?
9. Комил инсон ҳақида Шарқ мутафаккирлари фикрларидан намуналар келтиринг.
10. Соғлом авлод Давлат дастури ҳақида нималарни биласиз?
11. Шўролар даврида тарихимизга, маданиятимизга, маданиятимизга, бой маънавий меъросимизга қандай муносабат кўрсатилган?
12. Руслаштириш сиёсатининг моҳияти ва оқибатларини тушунтиринг.
13. Мустақиллик учун, маънавий қадриятларимизни тиклаш учун халқимиз олиб борган кураш ҳақида нималарни биласиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислохотлар йўлидир. Т., Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ, 1998.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2009.
4. Каримов И. А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Т., 2009.
5. Каримов И. А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор.Т., Ўзбекистон, 2009.
6. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. Т., 1996.
7. Абдулла Авлоний. Асарлар. Икки жилд. Т., 1996.
8. Абдулла Қодирий. Тўла асарлар тўплами. 1-жилд. Т., 1996.
9. Ватан саодати. Т., Шарқ, 1998.
10. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т., Ўзбекистон, 1996.
11. Маънавият юлдузлари. Т., 1998.
12. Ўзбекистон: қарамлик ва мустақиллик йўлларида. Т., Ўқитувчи, 1996.
13. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т., Шарқ, 1998.

7-МАВЗУ: ВАТАНПАРВАРЛИК, ИНСОНПАРВАРЛИК ЎЗ МИЛЛАТИГА САДОҚАТ ШАХС МАЪНАВИЯТИ МУҲИМ МЕЗОНЛАРИ. ИЙМОН, ДИЁНАТ, АДОЛАТ, МЕҲР

- ШАФҚАТ, ЭЪТИҚОД, ПОКЛИК, ХАЛОЛЛИК ВА ВАФОДОРЛИК ШАХС МАЪНАВИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ.

РЕЖА:

1. Ватанпарварлик инсонпарварлик тушунчалари уларнинг моҳияти.
2. Билимдонлик, дўстликка садоқатлилик, ростгўйлик, адолатпарварлик-маънавий фазилат.
3. Иймон, диёнат, адолат, меҳр-шафқат, эътиқод, поклик, ҳалоллик ва вафодорлик ота – онага иззат-ҳурмат, оилага садоқат ва ғамхўрлик-шахсининг олийжаноб фазилатлари.

1. Ватанпарварлик инсонпарварлик тушунчалари уларнинг моҳияти.

Ватанпарварлик ҳақида сўз юритиш дан аввал Ватан тушунчасига изоҳ бериш мақсадга мувофиқ. Ватан аслида арабча сўз бўлиб, она юрт маъносини англатади, шу маънода олиб қарайдиган бўлсак Ўзбекистон-ўзбек халқининг Ватани-муқаддас саждагоҳидир:

Дунё бўлди чаманиманим
Ўзбекистон Ватаним маним.

Ватан- бу инсон ва унинг авлод аجدодлари киндик қони тўқилган муқаддас даргоҳдир. Ватан-бу аجدодлар маскани эл юрт, халқ вояга етган, унинг тили, тарихи, маданияти, урф одатлари, қадриятлари чинакамга ишланиб, камол топиб борадиги заминдир.

Ватан деганда ҳамиша ўзимиз туғилиб ўсган, кўз очиб кўрган, таълим тарбия олиб вояга етган, неча-неча аجدодларимиз яшаб ўтган, уларнинг ақл- идроки, меҳнати сарф қилинган юрт кўз олдимиз га келади.

Ватан она каби азиз ва муқаддасдир. Ватан инсонга бахт иқбол берадиган заминдир. А.Авлоний айтганидек: “Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамалкатини шул кишининг Ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган жойини жонидан ортиқ суяр... Биз Туркистонликлар ўз Ватанимизни жонимиздан ортиқ суйганимиз каби араблар Арбистонларини, қумлик иссиқ чўлларини, эскимослар Шимол тарафлар, энг совуқ қор ва музлик ерларни ва бошқа ерларни зиёда суярлар. Агар суймаслар эди, хавоси яхши Туронлик осон ерларга ўз Ватанларини ташлаб ҳижрат қилурлар эди”.

Ватан- бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажғидир. Ватан- муқаддас қадрият. Тараққиёт Ватандан бошланади. У инсоннинг киндик қони тўқилган жой, инсонни ижтимоий етимликдан асровчи мазил, маънавий камолот ва фуқоролик майдони, ҳаёт мактаби, фаровонлик ва бахт – саодат ўчоғидир.

Инсон учун на давлат, на тожу тахт, ҳеч бир нарса Ватанга, эл-юрт меҳрига тенг келолмайди. Ватандан жудолик-инсон учун катта бахтсизликдир.

Инсон истаган жойда бир парча нонгақорнини тўйғазиши мумкин. Лекин Ватаннинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Ватанда яшаш ҳақиқий бахтдир

Мустақиллик туфайли биз ўзимизнинг ҳақиқий ватанимизни топдик. Бу мустақиллиكنинг бизга берган энг олий неъматидир. Ватани мустақил халқнинг ўзи ҳам мустақил бўлади. Юрти озод ва эркин одамнинг эрки ўз қўлида бўлади.

Миллий мустақиллик - халқимизда айниқса ўсиб келаётган ёш баркамол авлодимизни ватанпарварлик туйғуларининг тикланишида муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирда ватанпарварлик ўзининг қандай қирралари билан намоён бўлаётир. Ватанпарварлиكنинг моҳияти нималарда, қандай амалий ишлар фаолиятида намоён бўлади. умуман ватанпарварлик нима, уни қандай тушунмоқ керак, у ҳақда донишмандлар нима деганлар. Қуйида ана шулар ҳақида баҳс юритмоқчимиз. Аввало, ҳозирги ўзбек ватанпарварлиги ота-боболаримиз яратувчанлик ишининг восита давомидир. Саодатли, бахтли, келажғи буюк Ўзбекистонга ҳозир ҳар дақиқада улуш қўшмоқ, ватанга муҳаббат, ватанпарварлиكنинг асл кўринишидир. Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, унинг ери, суви, эли билан чамбарчас боғлиқ эканлигимизни теран англаш, уни ардоқлаш ҳам ватанпарварлиكنинг бир кўриниши, қирраси.

Ватанпарварлиكنинг энг олий туйғу сифатида ўтмиш мутафаккирлари алоҳида қайд этганлар ва ўзлари ҳам унга содиқ қолганлар. Энди ана шу қайдлардан баъзиларини эслаб ўтамыз.

Цицерон (Румо нотиғи ва файласуфи). Бизга ота-оналар, болалар, яқин хеш-ақробалар қимматлидир, лекин муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз биргина “Ватан” деган сўзда мужасамлашган. Ватанга нафи теггудек бўлса, қайси виждонли одам у учун жонини беришга иккиланар экан!

Гегель (немис файласуф). Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати Ватан йўлида қурбон бўлишга ҳозир эканликларида акс этади.

Байрон (инглиз шоири). Кимки ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди.

Белинский (рус танқидчиси). Кимки ўз Ватанига даҳлдор бўлмаса, у инсониятга ҳам даҳлдор эмас.

Гюго (француз адаби). Ўз Ватанига доғ- тушуриш уни сотиш деган сўз.

Ватан туйғуси бўлган кишидагина ватанпарварлик жўш уради. Президентимиз И А Каримов айтганидек: “Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни, инсон ўзлигини англаган, насл-насабини билгани сари юрагида ватанга бўлган муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанчалик чуқур бўлса, туғилиб ўсган Ватанга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади”.

Ватанпарварлик деганда эса яна қуйидагиларни англаш жоиз:

-ўз халқини, тарихини яхши билиш ва у билан фахрланиш:

-қадимий обидалар, мислсиз иморатлар, аждодлар яратган моддий ва маънавий меъросларни кўз қорачиғидай асраш ва авлодларга тақдим этиш:

-халқимизнинг, аждодларимизнинг гўзал ва маъноли урф-одатлар, расм-русм ва удумларни қадрлай билиш, уларни давом эттириш:

-ажойиб ватандошлар - аждодлар номи билан, уларни улуғ ишлари, ижодлари билан фахрланиш, уларни ишларини давом эттириш, уларга муносиб ворис бўлиш:

-шундай ажойиб халққа, юртга, унинг бой тили ва маданиятига мансублиги билан фахрланиш:

-турон заминни ҳимоя қилиб, томирдан оҳирги қони қолгунча душманга қарши курашган баҳодирларни, аёвсиз жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларни ёд этиш:

-асримизнинг 20-50 йиллари ва нихоят 80- йилларида халқимиз, миллатимизга қарши уюштирилган қатағонларда қамок ва сургин аъзобларни бошдан кечирган ва ҳалок бўлган минглаб миллатмиз гулларини унутмаслик:

-бу азиз ва гўзал ватанимизда юксак эътиқод билан яшаш унга ҳамиша садоқатли бўлишдир

Ватанпарварлик ҳаммамизнинг ўз ишимизга масъулият билан қараш, ватаннинг бойликларини кўз қорачиғидай асраш, бойликларига бойлик қўшишга ўз улушимизни қўшиш уни фан чўққилари сари интилиш ва бошқалардир.

Ватанпарварлик бир сўз билан айтганда ўз ижобий ишларимиз, бунёдкорлик ҳаракатларимиз билан унинг куч-қудратига, гуллаб яшнашига имкон даражасида ҳисса қўшиш:

-она юртимизда тинчлик, барқарорликни ва осойишталикни сақлашга интилиш ватанпарварликнинг белгисидир.

-ватанпарварлик-халқаро муносабатлари ватан, миллат манфаатларини биринчи ўринга қўйишдир.

Ватанпарварлик тушунчаси инсонпарварлик тушунчаси билан уйғундир. Ватанпарварлик учун интилиш, ватанпарварлик учун курашнинг заминида инсонпарварлик ётади.

Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятнинг ажралмас фазилатидир. У пурмаъно ва сермазмун тушунчадир. Инсонпарварлик инсон, халқнинг ажралмас ҳислати тарзида кўзга ташланади. Қуръони Карим инсонпарварлик ғоялари асосига қурилган. Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари ғояларга бой ҳикматлар мажмуасидир. Инсонпарварлик кишиларнинг бир-бирига ҳурматида, қадр-қимматида, меҳр шафқатида, диёнатда, ўзаро кўмаклашувида ҳамдардликда, бошқалар қайғусига шерик бўлиб, қувончидан ва бахтидан севинишда, халқ бахти ва ютуқларидан фахрланишда кўринади. Ўзбек халқи доимо у инсоният дардини қуйлаб келган. Ал-Ҳоразмий, Ал-Беруни, Ибн Сино, аз-Замаҳшарий, Паҳлавон Маҳмуд, А Навоий, Оғаҳий, асарлардаги ғоялар - инсонпарварлик руҳи билан ажарлиб туради. Хусусан, Навоий ижодида инсонпарварлик алоҳида аҳамият касб этади. Унингча, ватанга, халққа садоқат энг аввал унинг тақдири устида ғамхўрликдан иборатдир. Инсонга нисбатан бепаволик, унинг тақдири ва бахту саодати устидаги ғам емаслик тарафли инсон учун тамомила ётдир.

Президентимиз ва Ўзбекистон давлатининг энг улуғвор ва инсонпарварлик ғояларидан бири-ички ва ташқи тинчлик сиёсатидир. Инсон туғилган экан, у яшаши керак. Яшаш учун тинчлик зарур, демак, давлатимизнинг тинчлик сиёсати инсонпарварлик сиёсати мазмуни билан йўғрилган. Ўз миллатига садоқатли бўлиш миллатпарварлик билан ҳамоҳанг тушунчадир. Миллатпарварлик у ҳар бир инсон учун юксак бурч саналади. Ўз миллатини севмаган ўзини ҳам, ватанини ҳам сева олмайди. Миллатпарварлик ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қўйиш камситиш каби (миллатчилик ва шовинизм) жирканч ҳаракатлардан тубдан фарқ қилувчи туйғудир. Миллатпарварлик ўз миллатининг бирлигини мустаҳкамлаш, ўз тили, урф-одатлари, анъаналарини ривожлантириш, қадриятлар ва меъросларини кўз қорачиғидай асраш ўз миллатини келажаги учун хизмат қилувчи ақл заковат салоҳиятни ривожлантириш ва миллий тарбияни амалга ошириш

йўлида фидойи бўлишдир. Миллий ўзликни англашни муҳим омили бўлган миллатпарварлик туйғусини шакллантиришда яқин ўтмишда миллатимиз манфаатларини кўзлаб миллатпарварликнинг ёрқин намунасини кўрсатган миллатимизнинг содиқ фарзандлари амалга оширган ишларни ташвиқот қилиш катта аҳамиятга эга. Бугун Ф. Хўжаев, А. Икромов, А. Қодиров, У. Носир, А. Фитрат, И. Мўминов, Ҳ. Абдуллаев, Ш. Рашидов кабиларни номлари миллатпарварликни ўзида ёрқин мужассам этганлигини ёшларга тушунтиришимиз лозим. Миллатимизнинг мустақиллиги учун жон фидо этдилар. Улардан бирлари миллатимиз шарафини ҳимоя қилибгина қолмай, уни жаҳон узра кўз-кўз қилишда ўзларини аямадилар. Яна бирлари эса она заминда миллатимиз орасида улкан кадрлар етишиб чиқишига жонбозлик кўрсатди. Бошқа бирлари эса юртимиздан ташиб кетилган ҳом ашёни ўрнини тўлғазиш учун марказдан кўпроқ техника, технология фан ютуқларини, маблағларини олиб келиш йўлида фаолият кўрсатди. Бугун Мустақил Ўзбекистонни жаҳонда ўз муносиб ўрнини топиши, миллатимизнинг кадр-қимматини жойига қўйиш она заминда яшаётган барча миллат ва элатлар вакиллари билан барқарор ривожланиш йўлида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон республикаси президенти И. А. Каримов номи миллатпарварликнинг ёрқин ифодаси сифатида халқимиз қалбидан чуқур ўрин олган.

Билимдонлик, дўстликка садоқатлилик, ростгўйлик, адолатпарварлик - маънавий фазилят.

3. Иймон, диёнат, адолат, меҳр-шафқат, эътиқод поклик, ҳалоллик ва вафодорлик ота - онага иззат-ҳурмат, оилага садоқат ва ғамхўрлик-шахснинг олийжаноб фазилятлари.

Мазкур масала ечими кўп қиррали. Қўйилган масалани ҳар ким ўз маънавий дунёси ўлчами билан ўлчаб, шунга яраша ҳатти - ҳаракат қилади. Инсоннинг чин маънодаги инсонлиги - унинг иймони, диёнати, меҳр - оқибати, поклиги ва ҳалоллиги, камтарлиги ва бошқалар билан ўлчанади. Инсонийлик эса фақат иймонли инсонлардагина бўлади. Биз бу ўринда ҳамма кишилар учун умумий тарзда тегишли бўлган масалалар устида баҳоли қудрат фикр юритамиз. Агар биз иймон тушунчасининг моҳиятини тўғри англаб тушуниб олсак, иймонни изоҳловчиси бўлган диёнат, меҳр оқибат, поклик ва ҳалоллик камтарликнинг ҳам моҳиятини билиб оламиз. Фақат иймонли кишиларгина поклик ва ҳалоллик диёнат, эзгулик, меҳр - оқибат йўлида бўладилар. Шунинг учун ҳам мазкур масалада иймон тушунчасини, унинг моҳиятини кенг қамровли асосда баён қилишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Маънавий - ахлоқий фазилят сифатида эса иймон фақат одамзотгагина хос руҳий ҳодиса жумласига қиради. Инсон, одамзотдан ташқари ҳеч бир маҳлуқотда иймоннинг ўрни йўқ. Бинобарин, одамзот жамики бошқа жонзотлардан бирон бир нарсага ишониб, уни муқаддас деб билиши, яъни иймон келтириши билан ажралиб туради. Иймон киши маънавиятининг, ахлоқнинг ўқ илдизи, пойдевори, негизидир. Иймондан маҳрум кимсанинг ақли нечоғли ўткир, иродаси нақадар чўнг бўлмасин ва шулар туфайли ўзлигидан қанчалик мағрурланмасин, у чинакам инсонлар қаторига киритилмаган, киритилмайди ҳам. Зеро, иймонсиз одам на Аллоҳдан қўрқади ва бандаларидан уялади, у нафсининг итоаткор қули бўлиб, ҳар қандай разолат ва паскашликлардан қайтмайди, Аллоҳ ҳаммамизни шундай асрасин. Бунинг учун иймон йўлини тутишимиз лозим.

Ҳамма динларда иймонга алоҳида эътибор берилади. Иймон барча динларни устуни саналади. Чунончи зардуштийлик иймони уч таянчига: ният-фикрнинг софлигига, сўзнинг собитлигига, амалларнинг инсонийлигига суянади.

Ислом таълимотига кўра, иймон моҳиятини Қуръони Каримнинг қуйидаги сураси очиб беради: “Аманту биллаҳи ва малаикатиҳи ва кутубиҳи ва росулиҳи вал явмал охири ва қодари хайриҳи ва шарриҳи миналлошҳи таоло вал баъси баъдал мавт ҳаққун. Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ”. Мазкур суранинг маъноси эса тахминан шундай: “Чин кўнглим ила иймон келтирдим: Аллоҳи таолога ва унинг фаришталарига ва унинг китобларига ва унинг китобларига ва унинг пайғамбарларига ҳам бу дунё йўқ бўлиб охират куни бўлмоғига ва қадарга, яъни яхши ва ёмон ишлар ҳар қайсиси илоҳи таолодан бўлмоқлигига ва ўлгандан сўнг қабрдан тирилиб ва бўларнинг ҳаммаси ҳақиқат эканига. Дилим бирла гувоҳлик берурман, албатта Аллоҳдан ўзга ҳеч маъбуд йўқдир. Яна гувоҳлик бераман, албатта Муҳаммад Аллоҳи таолонинг бандаси ва барча бандаларига дин аҳкомларини ўргатмоқ учун юборган пайғамбаридур”.

Ҳозирги кунда Ер юзида диний иймоннинг бир талай турлари бўлиб, жаҳон аҳллари аро кенг таралгани тўрттадир: буддавий иймон, иудавий иймон, исовий иймон, ислоимий иймон. Бу иймон турлари мазмун жиҳатдан фарқлансада, аммо моҳиятан бирдир. У ҳам бўлса, бирон-бир нарса ва ғояни бениҳоя шарифу муқаддас, азизу мукаррам билиб, кундалик фаолият ва хулқ-

атворда ана шу эътиқодан келиб чиқиб, хатти-ҳаракат қилишдан иборатдир. Бинобарин, жамики иймон тури киши амалий фаолият ва хулқ-атвори дастури сифатида намоён бўлади.

Диний иймон билан бирга инсон тажрибаси, билими туфайли юзага келган дунёвий иймон ҳам бор. Дунёвий иймон мазмунини олам ва одам ҳақида сўнги икки ярим минг йил мобайнида кашф этилган илмий-фалсафий билимлар, меҳнат аҳлининг тўплаган ҳаёт тажрибаси, ижтимоий хотираси, турли-туман удумлар, урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналар ва улар замиридаги билимлар ташкил этади. Дунёвий иймоннинг ўзаги одамийликдан иборат бўлиб, унинг таркибига қирадиган унсурлар, қирралар, жиҳатлар ғоят турли тумандир. Одамийлик деганда халқимиз узок тарихи давомида турли синовлардан ўтиб сайқал топиб келаётган ва фақатгина ижобий фазилатлар тарзида эъзозланадиган ахлоқий қадриятларни тушунсак бўлади.

Иймонли бўлишнинг яна бир белгиси одамнинг диёнатли, виждонли бўлишидир. Диёнат ва виждон бир-бирига яқин тушунча. Диёнат ва виждон одамлардаги инсоф туйғусига ҳамоҳангдир. Диёнат ва виждон кишининг кундалик фаолияти, қилмиши, феъл атвори учун аввало ўзи олдида, қолаверса оила, жамоат, жамият ва ватан олдида маънавий маъсулият ҳис этишидир. Виждонли, диёнатли киши ноҳақ адолатсиз ишлардан ғзабга келади, уларга қаршилик билдиради: ўз фаолиятининг яхши томонларидан қаноатланиб хурсанд бўлса, ёмон томонларидан норози бўлиб, руҳан эзилади, виждон азобидан оғирроқ жазо йўқ. Шунинг учун халқимиздан виждон азоби гўр азоби деган мақол бор. Бу мақолнинг тагида чуқур маъно ётади.

Меҳр-шафқатлилик ҳам иймоннинг белгиларидан биридир. Юқоридагилар каби меҳр-шафқат ҳам халқимизга хос хусусият саналади. Меҳр-шафқат одатда етим-есир, қаровсиз қолган қариялар, ғарибларга, ногиронларга нисбатан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш туйғуси, десак бўлади. Бизнинг мустақил Республикамиз раҳбарияти ота-боболаримиз удумини давом эттириб, бозор муносабатларига ўтиш шароитида ота-онасиз, қаровсиз қолган болалар ва ҳеч кими йўқ қариялар, шунингдек ногиронларга нисбатан юксак меҳр-шафқатлилик намунасини кўрсатаётир.

Ҳалолликнинг янада кенгроқ маънодаги жиҳатлари бу турмушдаги ҳалоллик, ўзаро муомала-муносабатдаги ҳалоллик, жамоа орасидаги ҳалоллик, савдо-сотиқдаги ҳалоллик, дўстлар ўртасидаги ҳалоллик ва шу қабилардир. Юраги, қалби пок ва тоза, ҳалол йўлдан юрган инсонлар ҳамиша хотиржам бўлади, кўнгли равшан, доимо сиҳат-саломат юради. Хоразмлик қомусий олим, буюк аллома Маҳмуд аз-Замахшарий бу ҳақда шундай деб насиҳат қилади: “Ҳалол ва покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнат- ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир”.

Ҳаёт, асосан оиладан бошланади. Ўзбек халқида “қуш уясида кўрганини қилади”, деган нақл бор. Демак, ота-она пок ва ҳалол бўлса, фарзанди ҳам шу руҳда камол топади. Фарзанддаги яхши феъл ва амаллар ҳалол лўқмадан дидир.

Хулоса шуки, поклик ва ҳалоллик иймонли бўлишнинг асосий шартидир. Инсондаги яхши ёки ёмон иллатларнинг унинг иймонига, яъни поклиги ва ҳалоллигига боғлиқ. Инсон иймонининг поклигига доимо шайтон раҳна солиб, уни йўлдан адаштирмоқчи, ношаръий йўлларга солмоқчи, ҳалоллик, поклик йўлидан урмоқчи бўлиб қалбида ғулғула уйғотишга ҳаракат қилади. Шунини яхши эсда сақлашимиз керакки, поклик ва ҳалоллик ёнида доимо уни шу йўлдан оздирмоқчи бўлган шайтоний васваса ҳамроҳ бўлиб юради. Озгина иймон йўлидан тойилишга мойиллик бўлса, ўша ерда дарров шайтоний ҳиссиёт бош кўтаради. Шунинг учун доимо иймон, поклик ва ҳалоллик йўлида хушёр туришимиз керак. Бу айниқса, бозор муносабатларига ўтиш даврида ниҳоятда зарур.

Камтарлик-инсон ички маънавий дунёсининг намоён бўлишидир. Агар инсоннинг қонида, қалбида юмшоқлик, саховат, одоб-андиша, шарм-ҳаё, ор-номус, орият бўлмаса минг ҳаракат қилмасин, барибир, одамларга кўзига камтар бўлиб кўрина олмайди.

Хуллас, ҳар биримизни иймон, поклик ва ҳалоллик, ор-номус, шар-ҳаё, камтарлик, кўйингки инсонни безовчи гўзал хулқ-одоб, ахлоқ тарк этмасин.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Ватан, ватанпарварлик, ватан туйғуси, инсонпарварлик, миллатпарварлик, миллий ўзликни англаш, иймон, диний иймон, дунёвий иймон, иймонлилик, иймонсизлик, инсонийлик, диёнат, адолат, меҳр-шафқат, эътиқод, поклик, ҳалоллик, ва вафодорлик, шарм-ҳаё, номус, камтарлик.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. **Ватан деганда нимани тушунасиз?**
2. Ватанпарварлик ҳақида ўтмиш мутафаккирлари айтган қандай фикрларни биласиз?

3. Нима учун инсонпарварлик ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас қисми деб фахрланамиз?
4. Мустақил Ўзбекистоннинг инсонпарварлик сиёсати нималарда кўринади?
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсонпарварлик ғоялари баён қилинган моддалардан мисоллар келтиринг.
6. Иймон деганда нимани тушунаси?
7. Диний ва дунёвий иймон деганда нимани тушунаси?
8. Инсонийликнинг муҳим шартлари нималардан иборат?
9. Нима учун поклик ва ҳалоллик иймонли бўлишнинг асосий шarti саналади?
10. Инсоннинг камтарлик фазилатлари нималарда деб биласиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Ҳалоллик ва фидоийлик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Т., Ўзбекистон, 1994.
2. Каримов И. А. Адолат, Ватан ва халқ манфаатлари ҳар нарсадан улуғ. Халқ сўзи, 1998 йил 11 ноябрь.
3. Каримов И. А. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин. Халқ сўзи, 1998 йил 14 ноябрь.
4. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т., Ўзбекистон, 2000.
5. Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2009.
6. Каримов И. А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Т., 2009.
7. Каримов И. А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Т., Ўзбекистон, 2009.
8. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т., Ўзбекистон, 1996 й.
9. Саъдуллаев Д. Иймондан айрилган бахтли бўлмас. Мулоқот, №2

8-МАВЗУ МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ, МИЛЛАТЛАРАРО ТУТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲУҚУҚИЙ САВОДҲОНЛИК, ДАВЛАТ ТИЗИМИГА ҲУРМАТ, ФУҚАРОЛИК БУРЧИГА САДОҚАТ - ШАХС МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИГИ МЕЗОНЛАРИ. ШАХС МАЪНАВИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОИЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ. ЭНГ БУЮК ЖАСОРАТ – МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТДИР.

РЕЖА:

1. Миллий ўз-ўзини англаш, унинг моҳияти.
2. Ҳуқуқий саводхонлик-маънавий етуклик мезони.
3. Демократиянинг маънавий ва маърифий жиҳатлари.
4. Шахс маънавиятини шакллантиришда ота – она маъсулияти.
5. Адабиёт ва санъат – шахс маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг муҳим
6. Маънавий жасорат тушунчаси.

1 Миллий ўз-ўзини англаш, унинг моҳияти.

Ўз ўзини чуқур англаб етган, кўзи очилган, ақли расо, ғоявий-сиёсий жаҳатдан уйғонган ва жипслашган халқ ва миллатни, ўтмишда бўлганидек, мустамлакачилик кишанларида ушлаб туриш, тили, маданияти, кадриятларини аёқ ости қилиш, бойликларини талаб кетиш, ҳуқуқларини поймол этиш, давлат мустақиллигидан жудо қилиш асло мумкин эмас.

Ўз-ўзини англаш бу халқнинг, миллатнинг ўтмиш тарихий тараққиёт йўлини, ота-боболари, насл-насаби, авлоду-аждодларининг ким бўлганлиги ва уларнинг жаҳон илм - фани ва маданияти тараққиётига қўшган буюк ҳиссаларини билиб олишдир. Миллий ўзликни англаш-миллат яшаётган Ватаннинг порлоқ истиқболини таъминлаш учун қандай имкониятлар ва қулайликларга эга эканлигини чуқур англаб етиш, улар билан чексиз фахрланиш, мавжуд имкониятларни юзага чиқариш, реал воқеликка айлантириш учун ўзини сафарбар этиш, барча имкониятлар, куч ғайратини ишга солиш демакдир. Миллат мавжуд бўлиши учун тил, ҳудуд ва маънавият асосий шарт бўлгани каби миллий ўзликни англаш ҳам асосий зарурий шарт ҳисобланади. Ўзликни англаш ўз моҳиятига кўра миллат ва элатлар учун хос бўлган маънавият хусусиятларини ифода этиб, ўз функциясига кўра миллий манфаатларни ҳимоя қилади.

Шундай қилиб, ҳар бир миллат ва элатнинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларини ифодаловчи этник бирлик, тил, урф-одатлар, анъаналар, кадриятларга мансублигини, манфаатлар ва эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишга миллий ўзликни

англаш,-деб аталади. Миллий ўзликни англаш миллат бирлигининг мустаҳкамлигини, миллат манфаатларининг, шахс, маҳаллийчилик манфаатларидан устун туришини англаш даражаси билан боғлиқдир.

Миллий ўзликни англаш миллатнинг тил, урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар, ҳудуд ягоналиги, маънавиятдаги ўзига хослигидан иборат белгилари каби миллатнинг мустақил белгиси ҳисобланади. Миллий ўзликни англаш миллатнинг мустақил белгиси эканлиги-миллий манфаатлар, эҳтиёжлар умумийлигини ҳимоя қилиш ва миллий тараққиётга эришиш ва унинг жаҳон тараққиётидаги ўрнини мустаҳкамлаш заруратини англаш билан белгиланади.

Миллий ўзликни англаш омилининг қудрати қуйидаги шароитларда кўпроқ намоён бўлади:

Биринчидан, агар миллий ўзликни англаш ривожланган бўлса, юқорида қайд этганимиздек, миллатнинг манфаатларига, айниқса шаъни, кадр қиммати, обрў-эътибори, ғурури паймол этилишига қаратилган ҳаракатлар юзага келган шароитларда миллатнинг барча вакиллари бирлашиб кетадилар, ҳатто миллатнинг ичида ўзаро муҳолифатда бўлган томонлар ҳам миллатнинг шаъни, ғурури, обрў-эътиборини ҳимоя қилиш манфаати йўлида бирлашадилар.

Иккинчидан, миллий ўзликни англаш Рухий, ҳис-ҳаяжон, эҳтирос омилидир. Мазкур ҳолат ташқаридан қараганда сезилмайди. Уни миллатнинг хатти - ҳаракатларида, интилишларида ва мақсадларини амалга оширишларидаги салоҳияти орқали билиб олиш мумкин бўлади.

Рухий ҳис - ҳаяжон ва эҳтиросларнинг “портлаши” миллатнинг ҳаракатери, хусусиятлари, миллий ғояларни яратувчи, унинг тарққиётида олдинги сафда турувчи зиёлиларнинг салоҳиятига боғлиқ.

Хуллас, миллий ўзлакни англашни ўстириш йўлида мустақилкни мустаҳкамлашга фидойи бўла оладиган, жонқуёр,-Ислом Каримов сўзлари билан айтганда, “Биз фидойий ватанпарварларни тарбиялаймиз”, “Элим деб юртим деб яшовчи, шу йўлда ҳатто жонини ҳам аямайдиган”, “Ўзидан сўнг озод ва обод Ватан қолдирадиган” фарзандларни тарбиялашимиз замон ва мустақиллик талаби. Бунда юртимизда яшаётган ҳар бир киши миллатидан қатъий назар масъул бўлмоғи лозим. Ёшларимиз тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас кадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш, уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб, ғурур ва ифтихор билан яшашига эришиш маънавий тарбия ишимизнинг марказида турмоғи лозим.

2. Ҳуқуқий саводхонлик-маънавий етуклик мезони.

Ҳар қандай мустақил давлатда халқнинг эркин яшаши, фаровон турмуш қуриши, хоҳиш иродасининг амалга оширилиши, эзгу мақсад ниятлари ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланиши лозим.

Шу қафолат ватан тараққиётини, давлат мустақиллигини, халқнинг жипслигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни, мустақилликнинг барқарорлигини таъминлашга шарт-шароит яратади. Юқорида айтилган қафолат республикамиз конституциясида ўз ифодасини топган. Бу ҳақда президентимиз И. Каримов Олий Мажлиснинг Биринчи чақириқ ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқида: “Давлатимиз, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро келажагининг қафолатини Конституция беради. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурчлари конституцияда белгиланган, тегишли қонунлар билан мустаҳкамланган. Мақсадимиз эркин, Демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли жамият барпо этиш, ҳеч бир инсонни камситмаслик, эътиқодини ҳурмат қилиш, эркинлигини таъминлаш”, -деб кўрсатган эди.

Олдимизга қўйган юксак мақсадларга эришиш учун бугунги Ўзбекистонда эркин ва фаровон фикрлай оладиган, унинг ҳаётида фаол иштирок эта биладиган, ўз сўзини айтишга қодир, ўз вазифа ва бурчларини тўғри англаб етган фуқаролар зарур. Бундай фуқарони тарбиялаш замон, тараққиётимиз талаби. Бунга қандай эришиш мумкин?

Демократик ҳуқуқий давлатнинг бунёдкорлари ҳуқуқий маданияти, тарбиясини тўғри йўлга қўйиш билан мақсадимизга эриша оламиз. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, Сиз каби ёшлар комусимиз ва бошқа қонунларни ўрганиб олишлари зарур. Конституцияни билмаган, пухта ўрганмаган киши ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмайди. Ҳуқуқини билмаган одамнинг ҳаёти охир оқибатда фожиа тус олиши мумкин. Бунинг яққол мисоли Президентимизнинг юқорида қайд этганимиз нутқида ҳам кўришимиз мумкин: “Мадомики мақсадимиз аниқ экан, инсон ҳуқуқлари умумхалқ муҳокамасида қабул қилинган Конституция ҳимоясида экан,-деб нутқини давом эттирган эди юртбошимиз, -авлодларимиз, фарзандларимиз келажагига ҳавф соладиган, миллат шаънига доғ туширадиган хатти-ҳаракатлар қаердан пайдо бўляпти?” Бу ўринда Президентимиз бундай қалтис хатти-ҳаракатларга қўл урган кимсаларнинг қонунни билмаслиги, билса ҳам унга

менсимасдан қараши, ҳурмат қилмасилигида эканини, уларда ҳуқуқий маданиятнинг йўқлиги, етишмаслигини айтмоқчи.

Кўпинча кишилар ҳуқуқ, қонун, бурч, адлия каби атамаларни, баъзан тасодифан қонунбузарлик қилиб қонун олдида жавобгарлик ҳолатига тушиб қолганларидагина эслайдилар. Нега қонунга рўпара бўлдинг, деб сўралганда “Бундай бўлишидан хабарим йўқ эди”-деб кўзини милтиллашиб, адвокатдан нажот кутиб турадилар. Шунинг яхши англашимиз керакки, қонунни билмаслик ҳеч қачон енгиллаштирамайди. Биз қонунга менсимаслик билан қарасак, уни ўрганмасак, ҳурмат қилмасак шунда ноқулай аҳволга тушиб қоламиз. Қонунни билиш, ҳурмат қилиш жинойятдан, жиной оламдан йироқ юришнинг бирдан-бир йўлидир. Қонунга ҳурмат инсон маданияти ва маънавияти бўлиб қолганда, бундай жамиятни бошқариш ҳам адолатни қарор топтириш ҳам осон бўлади.

Мана шунинг учун ҳам ҳуқуқий саводхонликни юқори даражага кўтариш тарбия борасидаги асосий ишларимиздан бири бўлиб қолмоғи керак. Ҳуқуқий маданиятни, саводхонликни ривожлантирмай туриб қонунни менсимайдиган бузғинчилар, ўғри ва юлғичлар, товламачилар, лаганбардорлар, ахлоқ-одобсизликлар, қўрқоқлар, котилликлар каби салбий ҳолатларнинг олидини олиш, тугатиш анчайин мушкул иш. Бундай қонунбузарлардан аввало одамларни, жамиятни ҳимоя қилиш зарур. Юртбошимиз Ислом Каримов сўзлари билан айтганда: “...давлат давлатлигини қилмоқчи бўлса, фуқарони ўз паноҳига олиши зарур...”

Давлат ҳар бир фуқаросини ҳимоя этиши, унга ҳуқуқий ёрдам бериши керак. Қонун олдида барча баробар. Мамлакат қонунларига жаъми фуқаро-ёшидан, миллатидан, ирқи, динидан қатъи назар-барча баробар бўйсунмоғи фарз”. Яна Ислом Каримов сўзлари билан айтганда, қонун қоғозда келиб кетса, жамият асло равақ топмайди, қонун амалда бўлиши лозим.

Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш адолатли давлатнинг маънавий ва маърифий вазифаси. Бизнинг вазифамиз эса фуқаролар манфаатини кўзловчи қонунларга тўлиқ риоя этишдан иборат.

3. Демократиянинг маънавий ва маърифий жиҳатлари.

Демократия-”Халқ ҳокимияти” демакдир. Демократия кишилиқ тарихида инсоннинг онгли ҳаёти бошланган даврдан бошлаб, унинг эрк-иродасини, ҳоҳиш истагини белгилайдиган мезон бўлиб келмоқда. Инсоният жамияти тараққиётининг ҳар бир янги даврида Демократия ҳам янгидан-янги мазмун, моҳият ва шаклқасб эта борган.

Демократия жамият тараққиёти, унинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатларини, аҳоли умумий дунёқарашини ўзида акс эттиради. Демократия тушунчаси негизида аҳолининг озодлик, ҳурриятга эришиши эркин яшаши, ҳақиқат ва адолат сингари мазмун ётади. Буюк бобомиз Амир Темурнинг “Куч адолатда” деган сўзи негизида ҳуқуқий Демократик давлатнинг ҳам, фуқаролик жамиятининг ҳам айрим белгилари, ғоят инсонпарварлик мазмуни ва инсоннинг яшаш ҳуқуқи, унинг барча эркинликлари мужассамлашган. Юқорида айтилган фикрлар ҳозирги замон Демократик ҳаракатлар илғор тажрибасининг ўқ илдизини, бош йўналишини ташкил этади. Қадимги Шарқ давлатчилигида инсон эрки ҳақ-ҳуқуқлари кўп жиҳатдан ҳимоя қилинган, ҳамда ўз даврининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, инсон озодлиги ва ҳатти-ҳаракатлари эркинлиги таъмин этилган эди. Бўлар айни Демократик жамиятининг муҳим ва асосий белгиларидан ҳисобланади.

Энди биз бутунлай янги тарихий шароитда яшаймиз. Бундай шароитда Демократияни шунчаки “Озодлик”, “Эркинлик”, “Халқ ҳокимияти” сифатида содда равишда тушунмаслигимиз керак. Демократиянинг ҳар бир элементи янгича чуқур мазмун билан бойиб борапти. Чунончи, Демократиянинг маданияти, маърифати одамлар ўртасидаги муносабатларидан тортиб дунёвий муаммоларни ҳал этишгача бўлган низо, мурося ва яқдиллик, унинг иқтисод, сиёсат ва фикрлар хилма-хиллиги шароитидаги вазифаларини ҳам қамраб олмоқда. Одамлар онги ва тафаккури кенгайгани сари, уларнинг Демократияга муносабатлари ҳам ўзгармоқда.

Демократик жамиятни барпо этишнинг тамойилари, дунё тан олган, эътироф этган, барча учун умумий бўлган ўз йўриқлари мавжуд. Бўларга қуйидагилар қиради: Бевосита фуқаронинг ўз ҳоҳиш-иродасини эркин ифодалаш ҳуқуқига эгаллиги, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунуши, барча фуқароларнинг миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъий назар тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ва бошқалар. Бўлар деярли барча мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам қатъий белгилаб қўйилган Демократиянинг тартиб қоидаларидир.

Демократияни ҳаётга жорий қилишда мамлакат халқининг миллий эҳтиёжлари, турмуш тарзи, ахлоқий мезонларидан келиб чиқиб ёндашиш керак бўлади. Ана шу нуқтаи назардан келиб

чиқадиган бўлсак, ҳамма халқлар учун Демократияни бирдай жорий қилишнинг бир хил қолипи бўлиши мумкин эмас. Мана шундан Демократиянинг ғарб ва шарқоналиги ҳақидаги қарашлар юзага чиққан. Бу ҳақда Республикамиз Президенти И.А. Каримов “Шарқда Демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда Демократик жараёнлар узвий равишда аста - секин тараккий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят ноҳуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади.”

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларда Туркия, Олмония, Франция, Англия каби мамлакатлар бизга ўз тараккийёт дастурлари ва моделларини тавсия этдилар. Тўғри бу мамлакатларда Демократиянинг ибратли ва ўрганишга арзирли тажрибалари мавжуд.

Бироқ давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов бу тақлифларга ўзининг аниқ муносабатини билдирди. Бу масалага ҳар бир **миллатнинг турмуш тарзи, руҳиятидан келиб чиқиб ёндашиш зарурлигини айтди**. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, Демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўрона кўчириш асло самара бермайди. Бундай йўл чалқаш ва хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ғарб Демократиясини тўғридан-тўғри шарқ мамлакатларида жорий этиш мумкин эмас. Унга тақлид қилиш қутилмаган фожиаларга олиб келиши мумкин. Эркинликка ортиқча йўл бериш давлат ва бошқарув апартининг бўшашиб кетиши, ҳокимият жиловининг ўз ҳоҳишига қўйилиши минг-минглаб хонадонлар бошига оғир кулфатлар келтириши билан яқунланишини кўрсатувчи мисоллар кўп.

Ғарб Демократиясида очикдан-очик муносабат, кескин инқилобий ҳаракат устунлик қилади. Шарқ Демократиясида эса аксинча андишалилик, босиқлик: ғарбда ота-онасини сенсираш, шарқда ўзидан катталарга, оқсоқолга ҳурмат билан қараш, босиқлик билан иш тутиш анъаналари мавжуд. Баъзи одамлар Ўзбекистонда ҳуқуқий Демократик жамиятни шакллантириш фақат қоғозда, шунчаки оғзаки гап, амалда фуқароларнинг барча имкониятлари чекланаётир, деб даво килмоқдалар. Бу гапни айтганлар нуқул Ўзбекистонни Америка, Олмония, Франция, Англия ва бошқа бир қатор мамлакатлардаги аҳвол билан солиштиришга уринадилар. Бу ўринда бир нарсага эътибор беришимиз талаб этилади. Юқорида қайд этилган мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар борасида тўпланган тажрибалар, амалга оширилган ишлар 200 йил ва ундан ортиқ йиллар давомида оғир кураш ва синов йўлларида ўтиш орқали вужудга келган. Мустақил Ўзбекистонда тарихан қисқа вақт мобайнида, кечаги кундан бугунги кунга ўтган куннинг ўзида ғарб давлатларидек, кенг миқёсли тадбирларни амалга оширишни талаб қилиш ақлга сиғмайдиган ҳолат. Одамлар дунё қараши, фикрлаш тарзи ва онги даражасини бир йил ёки бир кунда ўзгартириш мумкин эмас.

Демократия- онгли фикрлаш, ҳар қандай эҳтирослардан ҳоли, ақл идрокка таянган муносабат. Демократия-юксак маънавият ва ички маданиятни ошкор этиш имконияти: Демократияни англаш шахснинг барча учун бирдай бўлган қонунларга тула риоя этиш; аниқ тартиб интизомларга таяниб яшаш салоҳияти; Демократия бизга инсон ҳақ ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини ҳимоя қиладиган барчанинг қонунларга бўйсуниб яшашини ўргатади ва талаб этади. Аксинча, бўлган жамиятда бош-бошдоқлик, парокандалик авж олади ва оқибатда бундай жамият ҳалокатга учрайди. Шунинг учун ҳам президентимиз мамлакатимизнинг сиёсий ва давлат қурилишидаги хусусиятларини кўрсатиб борар экан, “сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, жамиятда Демократия, фикр ва виждон эркинлиги тамойилларини, гуманизм ғоялари ва умуминсоний қадриятларни қарор топтириш” ни муҳим вазифа сифатида белгилаб берди.

Мустақиллик туфайли эркинлик, Демократия нималиги ва ўзлигимизни кашф этдик. То маънавий камолга етмагунча, то хатти-ҳаракатларимиз, муносабатларимиз ақлу-идрок ва умумманфаат доираси билан чегараланмагунча Демократияни мазмуни ҳам қўлами ҳам қутганимиз даражаси бўлмайди. Бу бевосита фуқаролар онги, дунёқарашини тубдан ўзгартириш, яқин ўтмишдан қолган лоқайдлик ва боқимандалик кайфиятларини йўқотиш, шу асосда давлатимиз, ватанимиз истикболи учун куйиниш туйғуларини кучайтириш каби мураккаб ва узок муддатли жараён билан боғлиқ.

13. Шахс маънавиятини шакллантиришда ота – она маъсулияти.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни Конституцияда фарзандларнинг жамият, оила, ота – оналари олдидаги инсоний бурчлари ва маъсулиятлари нималардан иборатлиги миллий қадриятларимиздаги асосий ғоя ва қоидаларга асосланиб белгилаб берилган. Унинг 66-моддасида қайд қилинишича вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота – оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Ота – онани ҳурмат қилишнинг улуғворлиги ҳақидаги баъзи ибратли фикрларни ҳадислардан келтириб ўтамыз. “Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота – онасини зиёрат қилса Аллоҳ таоло унга жаннатдан иккита эшик очади. Агар улардан биттасини зиёрат қилса унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола ота-онасининг қайси бирини хафа қилса, уни рози қилмагунча Аллоҳ таоло ундан рози бўлмайди”; “Ким ота – онасини рози қилса унга тубо (жаннатдаги дарахт) насиб бўлиб, Аллоҳ таоло унинг умрини зиёда қилади”; “Уч тоифа кишиларнинг дуоиси ҳеч шубҳасиз, Аллоҳ таоло қошида макбулдир: мазлум кишининг дуоиси, мусофирнинг дуоиси ва ота-онанинг дуоиси”; “Ота-оналарнинг кексайган вақтида ҳар иккисининг ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин, ва яна хор бўлсин”; “Ота-онага итоат қилиш-тангрига итоат қилишдир. Уни олдида ганоҳ қилиш, тангри олдида гуноҳ қилиш билан баробардир” ва бошқалар.

Фарзанд тарбияси куйидаги босқичларда амалга оширилишини ҳар бир ота-она яхши билиши фойдадан холи бўлмайди. Биринчиси-насл тарбияси, яъни бола тарбияси-бола туғилмасидан 3-4 йил олдин бошланиши керак. Яъни бўлғуси ота-онанинг соғлиғи, фарзанд тарбиялашга масъуллигини ҳисобга олиш лозим бўлади. Бу- бола, фарзанд кўришни истаган ота-онанинг бўлажак фарзандлари тақдирига масъулият билан қараб, ўзларининг саломатликларини яхшилашларини назарда тутди. Иккинчи босқичи- ҳомиладорлик давридаги парвариш. Бу масала ўта муҳим, ўта аҳамиятли бўлиб-бизда бу энг қолоқ соҳа бўлиб келмоқда. Ривожланган мамлакатларда ҳомиладорлик даври туғилажак инсон тақдиринг 60% ни белгилаши кўзда тутилади. Бу даврдаги чора –тадбирлар аксарият ота-оналар тамонидан амалга оширилади. Учинчи давр- бола туғилгандан то 6-7 ёшгача бўлган давр. Шу даврга келиб, бола маънавиятининг асосий куртаклари шаклланиб бўлади. Сўнг ана шу маънавий куртакларни парваришлаш ва янада ривожлантириш даври бошланади.

Шундай қилиб, оила-жамиятнинг асосий бўғини. Оилада сингдирилган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик ҳақида берилган тушунча, тасаввур боланинг мурғак қалбида бир умр муҳирланиб қолади. Оила мустаҳкам, тинч, фаравон, соғлом бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келади. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий – ахлоқий аҳамияти, кадр-қимматини англаб етмасдан, оилага миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндошмасдан туриб, халқчил мафкура ярата олмаймиз”.

5.Адабиёт ва санъат – шахс маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг муҳим воситалари.

Адабиёт ва санъат асарларини кучи унинг халқчил ва тушунарлилигида, кишилар ички-руҳий дунёсига, эмоционал таъсир кўрсата олишидадир. Маънавий баркамол авлодни тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг ана шу хусусиятини ҳисобга олиш муҳимдир.

Маънавий тарбияда ўзбек халқининг бой маънавий меросидан кенг фойдаланиш унинг таъсирчанлиги, самарадорлигини оширишда муҳим омил бўла олади. Ёшларимиз маънавий тарбиясида Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Аҳмад Яссавий, Лутфий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Машраб, Мукумий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби классик шоир ва ёзувчиларимиз асарларидан фойдаланишимиз улар қалбини, руҳий дунёсини маънавий бойитишда катта аҳамиятга эгадир. Уларнинг бизга қолдирган бой бадий маънавий меъроси ўзининг чуқур фалсафий мазмуни, ахлоқий йўналиши билан ажралиб туради.

Театр санъати бошқа санъат турлари каби образли-бадий табиати билан инсон қалбига эмоционал таъсир кўрсатиш, унинг руҳий дунёсига, чуқур кириб бориш, шу орқали маънавий дунёсини бойитиш хусусиятига эга. Мустақилликни мустаҳкамлаш, кишиларни юксак маънавийлик руҳида тарбиялашда театр санъатидан унумли фойдаланиш замон талаби. Афсуски ёшларимизнинг театр, кино санъати ёки санъатнинг бошқа турларига бўлган қизиқиши унчалик етарли даражада эмаслиги кишини ажаблантиради. Театр воқелигимиз, кишиларимиз турмуши, интилиши, қизиқиши, хатти- ҳаракатларини ҳаяжон билан акс эттирадиган майдондир. У бир вақтнинг ўзида ҳам сўз, ҳам мусиқа, ҳам хатти- ҳаракат орқали инсон қалбига таъсир этиш хусусиятига эгалиги билан ажралиб туради. Шунинг учун театр ва кино санъатининг бу хусусиятидан маънавий тарбияда фойдаланиш катта самара бериши шубҳасиз.

Президентимиз И.А.Каримовнинг маънавият ҳақида сўз борадиган барча асарларида, хусусан, "Юксак маънавият — енгилмас куч", *"Энг асосий мезон — ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришда"* деб номланган китобларида маънавий жасорат тўғрисида атрофлича гапирилади. Хусусан, *"маънавий жасорат, аввало, ўз юртига бўлган муҳаббат ва садоқатда, унинг тақдири учун фидойилик*

кўрсатиб яшаида намоён бўлади"⁶ деган сўзлар орқали маънавий жасорат соғлом, бақувват маънавият учун курашда, айниқса, мафкуравий курашда яққол намоён бўлиши таъкидланди.

Ўз юрти, унинг келажаги, элининг маънавияти, хусусан, унинг иймон-этикоди, илмий салоҳиятини ўйлаб иш қилган аждодларимизнинг кўпи ўз фаолиятларини мураккаб мафкуравий шароитда амалга оширганлар ва шунинг учун ҳам улар жасорат кўрсатган инсонлар қаторида тилга олинади. Маънавий жасоратни тушуниб етиш инсон ҳаётининг муҳим қирраси эканлигини, ўз аҳамиятига, кадр-қимматига кўра моддий асосидан кам эмаслигини англашни тақозо этади. Бу асосларнинг ўзаро муносабати масаласига кескин ёндашув, *"одамнинг руҳий дунёсини менсимаслик, уни иккиламчи ўринга қўйиш охир-оқибатда жамият ҳаётида инқирозга олиб келиши муқаррар эканини тарих кўп мартаба исботлаган"*.

Руҳиятнинг қандай яратувчи, фаол куч эканлигини *"Юксак маънавият — энгилмас куч"* асарида И.А.Каримов номини зикр этган қадимги юнон файласуфи **Платон** яхши тушунтириб берган. Биз бу ерда масалага ёндашувнинг ўша даврдаги сиёсий-ижтимоий вазият, ҳукмрон мафкура билан таққослангани, унинг муайян ижтимоий гуруҳ қарашларини ифода қилишини назарда тутган, унинг идеализмини ёқлашдан йироқ бўлган ҳолда, буюк мутафаккирнинг ғоя, руҳга хос бўлган хусусиятларини кўрсатиши, унинг куч-қудратини намоёйиш этишга бўлган интилишини эса олишни ўринли деб биламиз.

Платоннинг таъкидлашича, фалсафий таълимотлар ичида энг олийси бахт-саодат ғояси тўғрисидаги таълимотдир. Буюк мутафаккир "Филеб" асарида инсоний бахтнинг шартлари сифатида қуйидагиларни кўрсатади: 1) ақлнинг мавжудлиги, 2) тўғри фикрга эга бўлиш, 3) зарур билимлар, санъат турларини эгаллаш, 4) гўзалликдан лаззатланиш ва шу қабилар.

Платон идеал давлат қурилишининг негизида адолат ётиши зарур деб билади. Адолат ҳар бир фуқароннинг жамиятдаги ўз ўрнини топишига, алоҳида мақомга эга бўлишга имкон беради. Адолат кишиларни бирдамликка чақиради, давлатни яхлит ҳолатда ушлаб туришга, жамиятдаги барча ҳодисаларнинг уйғунликда бўлишига хизмат қилади. Идеал давлат ўз-ўзини қура олади ва ҳимояланиш қобилиятига эга, у барча фуқароларнинг моддий эҳтиёжларини қондира оладиган тизим шаклида мавжуд ва, айни пайтда, маънавият ва ижоднинг ривожланишига имкон беради.

Антик даврда Платоннинг маънавият тўғрисидаги ғояларини қабул қилиб, уни ривожлантирган мутафаккир Аристотелдир. У фалсафани хусусий-илмий билимлардан ажратиб, унинг тадқиқот аредмети ва методларини аниқлади, фалсафага барча билимларнинг *синтези*, *қомуси* сифатидаги муносабатни шаклландирди ҳамда уни *маънавиятнинг ўзак элементи* сифатида асослади. Аристотел фалсафий таълимотида инсон, унинг тафаккури, маънавиятига катта эътибор қаратди. Платон, Аристотел таълимотлари ва, умуман, антик дунё фалсафаси ва фани шу давр маънавиятини юксак чўққига кўтарди. Унда илгари сурилган инсонпарварлик ғоялари кейинги давр маънавий юксалиши учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида Уйғониш даврида Имом Бухорий, Мотуридий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Ибн Рушд каби улкан ақл соҳиблари, маънавий жасорат кўрсатган буюк алломалар етишиб чиқди.

Боғдоддаги "Байт ул-ҳикма" ("Билимлар уйи") ва Хоразм Маъмун академияси фаолияти дастлабки илмий муассасалар сифатида эътиборга молик. Тарихдан маълум бўлишича, аббосий ҳукмдорлардан Хорун ар-Рашид (786-809) ва Маъмун (813-833) давларида халифалик маркази бўлган Боғдодда илм-маърифатга жуда катта эътибор берилган бошланди. Дастлаб Хорун ар-Рашид даврида бошқа халқларнинг маданий, илмий-фалсафий ютуқларини араб тилига таржима қилиш билан шуғулланадиган "Байт ул-ҳикма" ташкил қилиниб, кейинчалик унинг фаолияти халифа Маъмун даврида давом эттирилди.

Ана шу давларда илм-фан, фалсафа ва адабиёт ривожини учун қулай шарт-шароитнинг мавжудлиги қисқа бир муддат ичида мазкур ўлка маданиятини жаҳоннинг энг илғор қисмига айлантирди. Агар Ғарб тадқиқотчилари (Сартон, АҚШ) жаҳон фани ва маданияти тараққиётининг IX асри биринчи ярмини Мусо ал-Хоразмий даври деб айтган бўлса, XII аср биринчи ярмини эса ҳақли равишда Беруний даври дея баҳолаган эди.

Заминимизда етишиб чиққан буюк алломаларимизнинг ибратли ҳаёти ва илмий фаолияти, муҳим кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳдини ҳайратга солмоқда. Хусусан, Ал-Хоразмийнинг математикада янги йўналиш — алгебрани яратиши илмий билимлар ривожидида муҳим ўрин эгаллаганини яхши биламиз.

⁶ Каримов И.А. Энг асосий мезон — ҳаёт ҳақиқати акс эттириш. — Г. Ўзбекистон. 2009, 15-16-бетлар.

Шундай мутафаккирларимиздан бири, миллий тарихимизнинг ёрқин юлдузи, Абу Райҳон Беруний(973)дир. Табиий ва ижтимоий фанларнинг кўпгина соҳаларига оид 150 дан ортиқ асар ёзиб қолдирган қомусий олим 17 ёшидан оқ Катта мустақил равишда осмон жисмларининг ҳолати ва ҳаракатини кузатган. 21 ёшида *эклиптика текислигининг экватор сари оғишлик ҳажмини* ўлчаб берди. Биринчи бўлиб *глобусни* ихтиро этди.

Мусулмон оламида Платон ва Аристотел фалсафасининг буюк гарғиботчиси, шарҳловчиси ва кўпгина мустақил фалсафий асарларнинг муаллифи сифатида ном қолдирган Абу Наср Муҳаммад Форобий бўлиб, фалсафа, мантиқ илмларини янги фикр- мулоҳазалари, ғоялари, хулосалари билан бойитди. Абу Наср Муҳаммад Форобий 160 га яқин асар ёзган. Унинг асарларидан "Ихсо ал-улум", "Ҳикмат асослари", "Аристотел логикасига талқинлар", "Катта мусиқа китоби", "Фозил одамлар шаҳри", "Мантиққа кириш" ва бошқалар маълум.

Аристотелнинг асарларини чуқур билганлиги, қомусий ақли ва илм-фан тараққиётига катта ҳисса қўшганлиги учун Форобий "Муаллими соний" - "Иккинчи муаллим", "Шарқ Аристотели" деган унвонларга эришган.

Ал-Хоразмий, Беруний, Форобий, Ибн Сино ва бошқа кўплаб аجدодларимиз миллий маънавиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган алломалар сифатида халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқининг буюк аجدодлари фаолияти ва меросида маънавий жасоратнинг ифодаланиши ҳозирги гш авлод учун жуда ҳам аҳамиятлидир. Биз бунга муносиб фарзанд бўлиб, уларнинг ишларини давом эттирадиган етук, баркамол, маънавияти бой ёш авлод бўлиб, келгуси авлодга ўрнатилган бўлишимиз керак.

Шу маънода Президентимиз И.А.Каримовнинг "Ёш авлодга биз озод ва обод Ватанни мерос қолдирмоғимиз керакки, улар боболарининг улуғ ниятлари ва ишларини давом эттирсинлар. Ёшларнинг маънавий уйғоқлиги ғафлатдан асровчи асосий омиллардан биридир", - деган ибратомуз сўзлари бугунги кунда ўзбек халқи кўнглидаги фикрлар десак муболаға бўлмас.

Ибн Сино тиббиёт соҳасида тўнтариш ясади, деб бемалол айтишимиз мумкин. Унинг илмнинг турли соҳаларга оид кашфиётлари ҳозирга қадар ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Ўз даврининг етук олими Абулқосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий (1075-1144) Хоразмнинг Замахшар (қўҳна Урганч) қишлоғида туғилган. Замахшарий тилшунос, луғатшунос, тафсир ва ҳадис илми билимдони сифатида ном чиқарган. Замахшарий, шунингдек, илм-фаннинг турли соҳалари, айниқса, араб тили ва адабиёти, фикҳ, хаттотлик санъатини ҳам мукаммал эгаллаган қомусий олим ҳисобланади. Замахшарий тил, луғат соҳасида машҳур олим Мудор Исфажонийнинг шогирдидир. Олим кейинчалик ўз илмини ошириш мақсадида Бухорога боради. Бухорода шайхулислом Абумансур Наср Ҳорисий, Абу Саъд Шаққоний ва Абулхаттот ибн Абулбатр каби олимлардан сабоқ олади. Сўнгра маълум муддат хоразмшоҳлар хизматида котиблик билан шуғулланади.

Буюк ватандошимиз Замахшарий араб грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз, жуғрофия, тафсир, ҳадис ва фикҳ илмига оид 50га яқин асарлар яратган. Уларнинг аксарияти бизгача етиб келган⁷.

Заминимизда етишиб чиққан буюк мутафаккир ва алломала- римизнинг ислом маданиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссалари қам бекиёсдир. Хусусан, мусулмон оламида "Муҳаддислар сулғони" деган ном билан шуҳрат қозонган Имом Бухорийнинг "Ал жомеъ ас-саҳиҳ" китоби ислом дунёсида Куръони қаримдан кейинги иккинчи муқаддас манба деб ҳисобланади.

Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг "Суннани Термизий" асарида инсоф ва адолат, инсонпарварликни тарғиб этувчи ғояларни учратамиз. Уларнинг бугунги кунда ҳам ахлоқий-маънавий масалаларни ҳал этишдаги аҳамияти каттадир.

Ўз тадқиқотлари ва хайрли амаллари учун Имом Мотуридий ислом оламида "Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи " деган юксак шарафга муяссар бўлган. У илгари сурган ғоялар ислом ҷинининг асосини инсонийлик, эзгулик, тўғрилиқ ташкил этишини кўрсатади.

Бурхониддин Марғинонийнинг "Ҳидоя" ("Тўғри йўл") асари ислом ғоялари неғизда яратилган ҳуқуқий манба деб этироф этилган. Юқорида қайд этиб ўтилган мутафаккирлар ва аллома- ларнингжаҳон фани, маданиятига қўшган ҳиссаларини маънавий жасорат деб таърифласак хато қилмаган бўламиз.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Бутун умр оддий ва камтарона, чекин эзгу ғоялар йўлида тинимсиз курашиб яшаган бу зотнинг фалсафий-сиёсий қарашларида инсоният учун ибрат

⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-том. Тошкент. 2002. 657-бет.

жихатлар кўп. Жумладан, унинг турли муаммо ва зиддиятларни куч шилатмасдан, тинч йўл билан ҳал ҳилишга оид фикрлари дунё давлатлари орасидаги муносабатларда, ижтимоий ҳамкорлик масаласида бугун ҳам ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотмасдан келмоқда»(162—163 - бетлар).

Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби даҳолар эса маънавий жасорат рамзидирлар.

Уч минг йиллик давлатчилик тарихида аجدодларимизнинг она юрт озодлиги ва Ватан мустақиллиги учун курашларда бир қатор сиймоларнинг алоҳида ўрни мавжуд. Шундай улуғ сиймоларда бири Нажмиддин Кубро ал-Хивакӣ (1145-1221) Ўрта Осиёда юзага келган кубровийлик тариқатининг асосчиси, олим ва шоир, ўз юртининг фидойи ватанпарвар кишиси бўлган. Унинг "Одоб уз- зокирин", "Рисолаи илал Ҳойим", "Фавойиқ ул-жамоил ва фавотиҳ ул-жамоил" номли араб ва форс тилларида ёзилган асарлари, рубоийларида ушбу шахснинг таълимоти ўзига хос тарзда баён этилади. Инсонга меҳр-муҳаббат, мурувват, ҳалолик, меҳнат севарлик, ватанпарварлик, садоқат каби умуминсоний қадриятлар Нажмиддин Кубро таълимотининг ахлоқий мезонларини ташкил этган. Нажмиддин Кубро ўз даврининг кўзга кўринган, обрўли алломаларидан бири ҳисобланар эди.

Нажмиддин Кубро шахсан ўзи қаҳрамонларча жанг қилиб, ўлими олдида мўғул навқарига ташланиб, Президентимиз И.Каримов таъбири билан айтганда, кўлида "байроқ тутиб" жон беради.

Халқ оммаси ушбу улуғ зотни иззат-икром билан дафн этди. Нажмиддин Кубронинг шарафли номи, унинг қаҳрамонларча кураши эл оғзида қолиб, асрлар давомида унинг жасорати тилларда дoston бўлган.

Она юртимиз тарихидаги улуғ зотлардан бири, мўғул босқинчиларига қарши 11 йил давомида мардонавор курашган, Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилган Жалолиддин Мангубердидир. Жалолиддин оғир бир пайтда, яъни салтанат уруш домига тортилган, мамлакатнинг катта қисми мўғуллар томонидан истило этилган, қўшин яқсон этилиб, саркардаларнинг бир қисми хонлик йўлига ўтган, султон мамлакатни тақдир ҳукмига ҳавола этган, ўзаро таҳлика ва саросима ҳукм сурган бир вақтда тарих сахнасида пайдо бўлди. У Ватан ва халқ эрки учун мўғулларга қарши 11 йил муттасил кураш ёлиб борди. 14 мартаба мўғулларга қарши от суриб, унинг 13 тасида ғолиб бўлишга муваффақ бўлди.

Ўрта аср тарихчилари ўз асарларида Жалолиддин Мангубердини ҳамини мард ва жасур саркарда сифатида таърифлашган. Жалолиддин Мангубердининг шахсан билган унингдўсти, тарихчи ан-Насавий Султон Жалолиддин ҳақида шундай деб ёзган эди: .. Удовжоракликда тенги йўқ, шерлар ичида арслон, отликлар ичида энг жасури эди... қисқа сўзли, ҳеч қачон сўкинмаган, ёмон сўзларни ўзига эп кўрмаган, жуда жиддий, атрофдагилар олдида ўзини сипо тутар, ҳеч қачон кулмас, фақатгина табассум қилиб кўяр эди холос. Уадолатни севган, пекин замон зайли уни ўзгартиришга мажбур қилган. Ўз фуқароларини дардини внгиллаштиришга ҳаракат қилган, шуни хоҳлаган, лекин таназул даври бўлганлиги боис ҳам зўравонликка йўл берган. Ўзини улғайишарини истамаган". Жалолиддин Мангуберди сингари буюк саркарда ва ватанпарвар шахс сиймоси фақат истиқлол туфайли тарих зарварақларида ўзининг ҳақиқий ўрнини топди.

Мамлакатимиз тарихида чуқур из қолдирган буюк сиймолардан бири Соҳибқирон Амир Темур ҳисобланади. Амир Темур шахси хусусида сўз кетганда, аввало, Ресубликамиз Президент И.Каримовнинг Соҳибқирон хусусидаги қуйидаги сўзларини ёд этишимиз масала моҳиятини мукамал даражада ёритишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади: *"Соҳибқирон Амир Темур ҳақида алоҳида тўхталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида узидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, шиу фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди".*

Мустақиллик туфайли Амир Темур давлати тарихи, унинг фаолияти тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан ўрганила бошланди. Юртимизда ушбу буюк сиймога етарли даражада эҳтиром ва ҳурмат кўрсатилиб, 1996 йил мамлакатимизда "Амир Темур йили" деб эълон қилинди. Амир Темурнинг 660 йиллиги юртимизда ва жаҳонда кенг миқёсда тантана этилди.

Маърифат, аждодларимиз наздида, барча замонларда ҳам инсоний камолот мезони саналган. Улуғ Алишер Навоийнинг комил инсон ғояси рамзлар, тимсоллар асосида ифодаланган "Лисон ут-тайр" достонида камолот манзилларидан бири маърифат водийси деб номлангани, машҳур Сўфи Оллоёнинг "Уёлма маърифатни ўрганурдин..." дея бонг ургани бунинг тасдиғидир. Бироқ ўтган XX аср аввалига келиб, тарихий шароит тақозосига кўра, маърифат тушунчаси ўзгача моҳият касб этди. Энди у инсон камолоти баробарида, миллатнинг ўзлигини англаши, мутараққий миллатлар

даражасига интилиши зарурати сингари маъноларни ҳам ўзида мужассам эта бошлади. Бу жихатдан ўтган XX аср ва биз яшаётган

XXI юзйиллик ўртасида ажиб бир мутаносиблик кузатилади. Президент Ислон Каримов асарларида ана шу ҳақиқатга алоҳида урғу берилиши бежиз эмас. Юртбошимизнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарини шу жихатдан ўрганиш муҳим ҳулосалар чиқариш имконини беради.

Маънавият ва жамиятнинг янгиланиши — тараққиётнинг муҳим шартини. "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлан- ганидек, "...бугунги мураккаб ва ишддатли замонда жаҳонда ўз ўрнини топишга интиладиган ҳар қандай халқ ва миллат умумбашарий тараққиёт ютуқларини ҳар томонлама чуқур ва пухта эгаллаши ишрт ". Бунинг учун эса дунёвий илм-фан ютуқларини эгалламоқ ва ҳаётга татбиқ қилмоқ зарур. Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур ", деган сўзларини келтирар экан, Юртбошимиз шундай ҳулосага келади: "Чиндан ҳам, агарки ҳозирги вақтда дунёвий илм-фан ва технологияларни чуқур ўзлаштирмасак, фақат тарихимиз, олис аجدодларимизнинг кашфиётлари билан мақтаниб, уларга маҳлиё бўлиб яшайдиган бўлсак, ана шу ноёб меросни асраб-авайлаб, янада бойитиб, унга ўз ҳиссамизни қўшмасак, замон билан ҳамқадам бўлиб юрмасак, бизнинг жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллашимиз қийин бўлади ".

Абдулла Қодирий ижодий фаолиятининг бошланиши 1910 йилларнинг ўрталарига тўғри келади. "Садои Туркистон" газетасининг 1914 йил 1 апрель сонидида Абдулла Қодирий имзоси билан "Янги масжид ва мактаб" сарлавҳали хабар босилади. Бу бўлажак адибнинг матбуотдаги дастлабки чиқиши эди. Орадан кўп ўтмай, унинг "Тўй", "Аҳволимиз", "Миллатимга", "Фикр айлагил" каби шеърлари, "Бахтсиз куёв" драмиси, "Жувонбоз" ҳикояси чоп этилади. Абдулла Қодирий ижодининг дастлабки намуналаридан бўлган бу асарлар миллатпарварлик, маърифатпарварлик руҳида ёзилган бўлиб, жадидчилик ғоялари билан суғорилгандир. Муаллиф уларда халқнинг забун ҳолатидан куйиниб сўзлайди, миллатни уйғотишга даъват этади, фикрлашга чорлайди. Абдулла Қодирийнинг "Улоқца" ҳикояси аввалги асарлари билан тенглаштириб бўлмайдиган даражада юқори бўлиб, XX аср тонгидаги ўзбек реалистик адабиётининг чўққиси, реалистик ҳикоянинг энг яхши намунаси ҳисобланади.

Чўлпоннинг адабий ижоди 1913-14 йилларда Андижоннинг ижтимоий ва маданий ҳаёти ҳақида хабарлар ёзиш билан бошланган. 1914 йил Тошкентда М.Абдурашидхонов ва У.Хўжаев билан танилиш Чўлпоннинг миллий уйғониш ҳаракати намояндаси сифатида шаклланишида муҳим омил бўлган. Чўлпон "Садои Туркистон" газетасида дастлабки "Туркистонли қардошларимизга" шеъри, "Қурбони жаҳолат", "Дўхтир Муҳаммадёр" ҳикоялари ва "Адабиёт надир?" мақоласини эълон қилиб, шу давр адабиёти намояндалари сафидан ўрин эгаллаган. Туркистон аҳолисининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий қолоқлик шароитида яшаётганининг асосий сабабини Россиянинг мустамлакачилик сиёсатида кўрган Чўлпон, бошқа жадидлар қатори, ўз асарлари билан халқнинг маданий на маърифий савиясини кўтаришга киришган.

Ўзбекистон мустақил республика деб эълон қилинган, Чўлпоннинг ўзбек адабиёти ва маданиятини ривожлантириш, халқ оммасини истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси юксак баҳоланди. Чўлпонга Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти (1991) ва "Мустақиллик" ордени (1999) берилди. 1997 йил Чўлпоннинг 100 йиллиги кенг нишонланиб, Андижонда Чўлпон уй-музеи ташкил этилди, Тиллар педагогика институтини ва лицей **Чўлпон** номи билан аталди.

Чўлпон шахси ҳақида ран кетганда Президентимизнинг "...беназир сиймоларнинг мавжудлиги, — тақроран айтишга тўғри келади, — ўзига хос бир феномен, яъни ўта ноёб ҳодисадир. Бу эса нафақат бугунги, айни пайтда эртанги авлодларимизни ҳам маънавий бойлигига айланиб, халқимизга ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайдиган руҳий куч-қувват ва мадад бериши муқаррар "— деган фикрларини айнан таъкидлаш лозим.

Юртбошимиз И.А.Каримов айтганларидек *"...Юзлабмаърифат- парвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, эл-улус манфаати, юртимизни тараққий монмутууи мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди "*. Шундай инсонлардан бири ҳассос шоир Усмон Носирдир. У XX асрнинг 30-йиллари бошларида ўзбек шеъриятига чакмоқ каби кириб келди. Шоир ижодининг дастлабки кезлариданоқ ҳаётда рўй бераётган муҳим воқеа-ҳодисаларни лирик қаҳрамоннинг ҳиссиёт ва кечинмалари орқали ифодалашга, янги тарихий давр қаҳрамонини топишга интилди.

Республикаимиз Президенти ўз китобида халқнинг маънавий жасоратли фарзандлари тўғрисида гапирар экан, таниқли ижодкор Зулфиянинг ижоди ва шахсиятига жуда юксак баҳо бериб: *"Нафақат ўз шеърлари, балки бутун ҳаёти билан узбек аёлининг маънавий қиёфасини намоён этган атоқли шоирамиз Зулфияхонимни ҳам мен...фидойи инсонлар қаторига қўшган бўлардим"*, — дейди. Ҳосилнинг сифати меваги дарахтга қанчалик боғлиқ бўлса, ижодкорнинг битганлари унинг шахсиятига шунчалик боғлиқдир. Шу маънода, Зулфия шеърляти шоиранинг шахсиятига хос жиҳатларни намоён этиши билан, айниқса, ажралиб туради. Унинг нозик чизгилар, гўзал ташбиҳлар билан бир вақтда *"инсонруҳиятини гажиб таълай оладиган"* айрилиқдан туғилган тийиқсиз изтироб, ғакцирнинг нотантилигига пўртанавор исён акс этган лирикаси шоира табиатининг инжа ўринишларидир, дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов: *"Озод Шарафиддинов ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўзининг ҳаққоний сўзи, ирода ва матонати билан юртдошаримизга, авваламбор, ёитаримизга ибрат бўлаётган, том маънодаги маърифатпарвар инсондир"* деб юксак баҳо беришлари бежиз эмас, албатта. Чунки Озод Шарафиддинов билимдон адабиётшунос, чин маънодаги маънавият фидойиси, қақиқатгўй инсон сифатида халқимизнинг эҳтиромини қозонди.

Озод Шарафиддинов адабий жараёнга фаол аралашган зукко мунаққид, улкан қаҳқоршунос, назмни нафис ҳис қиладиган шеършунос. Аммо бу олим ижодини Абдулҳамид Чўлпон ҳаёти ва ижодига оид тадқиқотларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Озод Шарафиддиновга баҳо берган Абдулла Қаҳқор: *"Унда ҳақиқат руҳи, демократии руҳ, эркинлик руҳи кучли"*, деган бир мулоҳазани айтади. Зеро, озодлик, эркинлик, эрка интилиш руҳи, фикр-мулоҳаза-ларини эркин баён этиш жасорати инсон зотида ўз-ўзидан иайдо бўлмайди. Президентимизтаъкидлаган *"маънавий жасорат"*га куч-қувватни, Қаҳқор айтган *"эркинлик руҳи"*ни Озод Шарафиддинов мумтоз адабий шахсиятлардан, жумладан, Чўлпондан олгандир. Озод Шарафиддинов маърифатпарвар жадид адиблари ижоди таъқиқ-ланган мустабид тузум шароитида ҳам жасорат кўрсатиб, ҳақ гапларни айтиш учун ўзида куч топа олди.

Шарқ оламида, хусусан, ватанимиз Ўзбекистонда жамоа бўлиб, яшаш, одамларни бир бири га яқинлаштирувчи, бир-бирини қўллаб-қувватлаб ҳаёт кечириш учун замин яратувчи туйғу бўлиб, жамият тараққиётида ғоят муҳим аҳамият касб этган. Инсоннинг, халқ, миллатнинг тафаккури, маънавий қарашлари, турмуш тарзи жамоат таъсирида шаклланган ва тараққий этган. Шарқхалқпар ва юртимиз аҳдига хос бўлган меҳр-мурувват, оқибат, саховат каби маънавийтимизнинг юксак кўринишлари ҳақида гапирганда, уларнинг ижтимоий-фалсафий заминига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Зеро, *"Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди"*. Унинг шаклланиши ва тараққиётида ўтмиш мутафаккирларининг фалсафий, ижтимоий-сиёсий, диний, ахлоқий таълимотларининг таъсири беқиёсдир.

Оламда энг буюк жасорат бу маънавий жасоратдир. Тарихда юрагида ана шундай жасорат ҳисси ниҳоятда кучли бўлган инсонлар ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, эл-юрт учун, Ватан учун ибратли ишларни амалга оширгани маълум. Бундай беназир зотлар барча халқлар ва миллатлар орасида кўплаб топилиши-маънавий жасорат туйғуси бутун башариятга хос хусусият эканидан далолат беради. Масалан, буюк юнон файласуфи Плотоннинг устози Сократнинг ишларини давом эттириб, ўз мулки эвазига Афина яқинида академия ташкил этгани, Бағдоддаги *"Байтул-ҳикма"* ва Хоразм Маъмун академиясида фаолият юритган олимларнинг тенгсиз кашфиётлари, ўрта асрларда ғарб олимлари Николай Коперник, Жордано Бруно, Галилео Галилейларнинг фан йўлидаги жасоратлари, XX асрда Ҳиндистон миллий озодлик курашининг етакчиси Маҳатма Ганди, ўзбек халқининг ғурурлари Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, жадид боболаримизнинг жасоратлари замирида маънавий жасорат намунаси мужассам бўлган.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Ўз-ўзини англаш, миллий ўзлиқни англаш, миллатлараро тотувлик, Демократия, ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий маданият, Демократиянинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий жиҳатлари, ҳуқуқий Демократик давлат, Демократик жамият, меҳнат, адолат, оила жамиятнинг асосий бўғини.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Миллий ўзлиқни англашнинг моҳиятини изоҳланг.
2. Миллат ва миллий ўзлиқни англаш муносабатларини қандай тушунасиз?

3. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатни изоҳланг.
4. Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик жамиятимизга нима учун керак?
5. Демократия тушунчасининг мазмуни ва моҳиятини изоҳланг.
6. Шарқ ва ғарб Демократиясининг муштарак томонлари ва фарқларини тушунтириб беринг.
7. Мустақил Ўзбекистонда Демократик жараёнларнинг қарор топиши ҳақидаги фикрларингиз.
8. Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи нимада деб биласиз?
9. Ўзбек оиласининг маънавий-ахлоқий жиҳатлари ҳақида нималарни биласиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Туркистон-умумий уйимиз. Т., Ўзбекистон, 1995 й.
2. Каримов И. А. Ўзбекистонда Демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Т., Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И. А. Баркамол авлод орзуси. Т., Шарқ, 1999.
4. Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2009.
5. Каримов И. А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Т., 2009.
6. Каримов И. А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Т., Ўзбекистон, 2009.
7. Абдурахмонов Ф. Мустақиллик ва миллий манфаатлар. Т., Фан, 1994.
8. Хўжамуродов И. Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англаш. Т., 1991.
9. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т., Ўзбекистон, 1996.
10. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. Т., Шарқ, 1999.
11. Отамуродов С. Миллий ўзликни англаш; миллий ғурур; -Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т.

9-Мавзу. “Диншунослик” фанига кириш.

РЕЖА:

1. “Диншунослик” фанини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари.
2. Диннинг пайдо бўлиш масаласи.
3. Диншунослик фанини ўқитишнинг сабаблари.

Дин инсониятнинг узоқ ижтимоий-тарихий ва маданий ривожланиш жараёнида пайдо бўлган маънавий бойликларидан биридир. Унда инсониятнинг асрлар давомида тўпланган ижтимоий, маънавий, илмий, бадиий, сиёсий, ҳуллас инсон ва жамият, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар жараёнида пайдо бўлган ранг-баранг тажрибалари ўз аксини топади. Демак, инсон ўзини онгли мавжудот сифатида идрок этганидан бери сеҳрли кучларга ва диний қарашларга ишониб келади.

Собиқ СССР даврида ўқув юртларида “Илмий атеизм” деган фан ўқитилган. Унинг мақсади диннинг “халқ учун афюн” эканлигини исботлаш, иложи борича кишилар онги ва турмуш тарзидан диний тушунчаларни сиқиб чиқариш эди. Бундай тазйиқ кишилар маънавиятига акс таъсир этмай қолмади. Натижада марксизм-ленинизмнинг ўзи “дин”га сажда қилинадиган таълимотга, догмага айланди. Энг қайғулисидининг қарши кураш қилинган тарбиялаш, тараққиёт, илм-фан, маданият, цивилизация номи билан амалга оширилди. Динни ушбу қадриятларга қарама-қарши қўйиш охир натижада инсон маънавий дунёсини сийқалаштиришга, кишиларни шу кун ташвишлари билангина яшашга, тарихий-маданий меросни менсимасликка, уни рад этишга олиб келди.

Маданият ва цивилизация тарихи кишилик жамияти тараққиётини динсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини кўрсатади. Биз ҳар бир киши албатта диндор бўлган ва диндор бўлиши шарт деган фикрни илгари сурмоқчи эмасмиз. Аммо умумий ижтимоий-тарихий жараёнлар, кишилик жамиятининг ривожланиши мудом дин таъсирида бўлган ёки дин ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми сифатида маданият ва цивилизацияни йўналтириб, бойитиб гоҳо улар билан тўқнашиб, кишиликни янги-янги кашфиётларга, изланишларга ундаган. Ҳатто динда инквизиция, мутаассиблик авж олган даврлар ҳам кишиларга ақлу идрокни кадрлаш, моддий дунёни, борлиқни янада чуқурроқ тадқиқ этишга, ҳурфикрлиликни авайлаб-асрашга ўргатди. Диний мутаассиблик билан рационал онг ўртасида кураш бўлмаганида илм, фан, техника, цивилизация – инсон тафаккури, ақлу идрокига ишонч бу даражада ошмасди.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида дин ва диний эътиқодларга янгича муносабат шаклланди.

Биринчидан, динга аجدодларимизнинг улкан ҳаётий ва маънавий тажрибаларини уйғунлаштирган тарихий-маданий мерос сифатида қараладиган бўлди.

Иккинчидан, динни илм-фанга, инсон ақлу идрокига қарши турувчи ҳодиса деб эмас, балки ён-атрофни, оламни, дунёни идрок этишнинг ўзига хос усули деб тушуниш юзга келди.

Учинчидан, динни маънавий, маданий ҳаётнинг, ижтимоий онгнинг бир қўриниши сифатида нафақат ижобий шу билан бирга баҳс талаб мавзуларни ҳам ўз ичига оладиган ҳодиса деб қараш шаклланмоқда.

Тўртинчидан, динда кишилар маънавиятини, руҳий дунёсини бойитадиган, асрлар давомида шаклланган ижтимоий-тарбиявий тажрибалар тўпланган, ушбу меросдан фойдаланиш комил инсон тарбияси учун муҳимдир деган фикр қарор топмоқда.

Бешинчидан, Ўзбекистон фикрлар ва илмий ёндашишлар плюрализмини (хилма-хиллигини) қўллаб-қувватловчи, инсон ҳуқуқларини қадрловчи демократик жамият қуришга интилаётган экан, диний эътиқод ва фикрлар ҳам ижтимоий тараққиётимизнинг бир томони, уларсиз фуқаролараро тотувликни, консенсусни тасаввур қилиш қийин деган қараш қарор топмоқда. Буларнинг барчаси дин ва диний эътиқод масалаларига оид фанларни ҳам янгича ўқитиш масаласини кун тартибига қўйди.

Диншунослик ижтимоий фанлар туркумига киради. У фалсафа, психология, тарих, маданиятшунослик, этнография, археология, педагогика, социология, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик каби бир қатор фанлар билан боғлиқдир. Лекин у ўз тадқиқот объекти, мақсади ва вазифалари, нуктаи назари билан бошқа фанлардан фарқ қилади.

Диншунослик дин ва диний эътиқодларни кенг ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий онгнинг ифодаси, инсоннинг ён-атрофни, оламни билишга интилишининг бир қўриниши сифатида қарайди. Демак, диншуносликнинг тадқиқот объекти диний муносабатлар, диний онг ва диний тажрибадир.

Диншунослик фанининг мақсади:

- а) диний тажриба, диний муносабат ва диний онгнинг келиб чиқиш ва шаклланиш жараёнларини, қонуниятларини;
- в) дин ва диний эътиқодларнинг ижтимоий-тарихий ва маданий-маънавий ҳаётдаги ўрни, аҳамиятини;
- с) диннинг шахс камолотига, унинг ижтимоий, маънавий, руҳий, бадиий, дунёқарашларини шакллантириш имкониятларини тадқиқ этишдир.

Диншунослик фанининг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўқувчиларда диннинг келиб чиқиши, таълимот сифатида шаклланиши ва тарқалиши ҳақида объектив илмий қарашларни ҳосил қилиш;
- диний тажрибаларни ўрганиш ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини очиқ бериш;
- диний муносабатларнинг жамият тараққиётига таъсирини аниқлаш;
- диний онгнинг инсон тафаккури, ақлу идроки билан муносабатларини кузатиш;
- диний эътиқоднинг шахс психологияси, маънавияти ва турмуш тарзига, комил инсоннинг шаклланишига ижобий таъсир этиш жиҳатларини ўрганиш ва ҳақозо.

Ушбу мақсад ва вазифалар бир-бирларига боғлиқ, улар тадқиқотчи англаган ёндашувларнинг хусусиятларини ифода этади.

Шуни эсда тутиш керакки, “Диншунослик” диний таълимотларни ўргансада, лекин илоҳиётшуносликнинг ўрнига даъвогар эмас. Диншунослик динни киши онгининг объектив борлиққа муносабати, ушбу борликни эмпирик (тажриба асосида), абстракт (мавҳумлаштириш орқали) ва интуитив (ҳиссий) билишларнинг натижаси деб билади. Шунинг учун “Диншунослик”нинг асосий тадқиқот усули илоҳиётшуносликка хос бўлган трансценденталь (ақлу идрокдан ташқари) эмас, балки тажрибага, реал борлиққа асосланган илмий билишдир. Шу нуктаи назардан ҳам “Диншунослик” илм соҳасидир. Шу ўринда илмий изланишлардаги диннинг келиб чиқиши ҳақидаги асосий таълимотлар ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Ер юзида дастлабки одамлар (преантроплар) бундан 5-6 миллион, илк диний тушунчалар эса 40 минг йил (Марказий Осиёда 10 минг йил) аввал пайдо бўлган. Демак, диний тасаввурлар маълум бир ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнида юзга келган. Бироқ диннинг келиб чиқиши ҳақида турли, гоҳо қарама-қарши фикрлар мавжуд. Биринчиси, диннинг келиб чиқиши жуда оддий. У кишининг ғайритабиий кучларга ишониши ва табиат кучлари олдидаги ожизлигидан, нодонлигидан келиб чиққан деган тушунчадир.

Агар нафақат одамларда ва ҳайвонларда, шу билан бирга ён-атрофдаги барча нарсаларда жон бор деб уларни асрашга, авайлашга ишонган ибтидоий одамларни «нодон» десак оммавий қирғин қуроли - атом бомбасини яратган XX аср одамларини «оқил» деб аташ тўғрими?

Иккинчиси, диний қарашлар маълум бир ижтимоий-иқтисодий муносабатлар натижасида юзага келган, деган фикрдир. Материализм тарафдорлари ушбу қарашни илгари сураб эканлар, динни ижтимоий онг шаклларида бири, иқтисодий базис натижаси деб қарайдилар. Бизнингча, бу бир ёқламаликдир. Иқтисодий омиллар киши онгига қандай таъсир қилса, онг, шу қатори дин ҳам, иқтисодий ҳаётга шундай таъсир кўрсатади. Бундан ташқари диний тушунчалар иқтисодий базис билан ўлчанганида эди, ҳар бир дин кўриниши ўз даврининг иқтисодий муносабатларини ифода этган ва у билан бирга тарих сахнасидан тушиб қолган бўларди. Ҳар бир янги иқтисодий муносабатлар эса янги диний тушунчаларни ва динни шакллантирган бўларди.

Учинчиси, диний тушунчалар маълум бир доирада, «харизматик йўлбошчилар»нинг ғоялари таъсирида юзага келади, деган фикрдир. Масалан, ушбу нуқтаи-назарни таниқли социолог Макс Вебер илгари суради. Айрим шахсларнинг диний қарашларнинг шаклланишида катта роль ўйнашини инкор қилмаган ҳолда шунини айтиш зарурки, диний тушунчаларда нафақат айрим шахслар, шу билан бирга айрим элат, миллат, халққа оид қарашлар, урф-одатлар ҳам ўз аксини топади.

Тўртинчиси, диний тушунчалар «ахлоқий бурчларнинг таъсири» (И.Кант) ва мавҳумлик олдига қўрқув (Б.Рассел)дан келиб чиқади, деган қарашидир.

Бешинчиси, таниқли теолог ва олим А.Мень эса дин «инсондан ташқарида, инсоннинг у (яъни, ўша инсондан ташқаридаги) билан алоқаси» натижаси деб исботлашга ҳаракат қилади. Хуллас, диний тушунчаларнинг келиб чиқиши ҳақидаги фикрлар ҳар хил, баъзан эса улар бир-бирларига зиддир.

Ўзбекистонлик олимлар ҳам илк диний тушунчаларнинг келиб чиқишига оид турли нуқтаи-назарларни илгари сурадилар. Масалан, файласуф олим Исо Жаббаровнинг фикрига кўра, кишиларнинг табиат кучлари олдига оғизлиги диний тушунчаларнинг келиб чиқишига асос бўлган. Ф.Набиев ва У.Шокировлар «диний онг, диний тасаввурлар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузумининг характериға мувофиқ равишда келиб чиққан ва ривожланган» деб ҳисоблайдилар. У.Жўраев ва Й.Саиджоновлар диннинг пайдо бўлиш сабабини «табиат кучлари ва ҳодисаларнинг одамлар устидан ҳукмронлиги, уларнинг бу кучлар табиатини ва ҳодисалар сабабларини билмасликлари, бунинг оқибатида уларнинг бу кучлар, ҳодисалардан қўрқувга, даҳшатга тушиб қолганликларида» кўрадилар. Фикрлар ва ёндошишларнинг ҳар хиллигига қарамай, диний тушунчаларнинг келиб чиқиши инсоннинг табиат ва жамият билан муносабатларининг натижасидир. Унинг негизида энг аввало инсон томонидан борлиқни идрок этишга, билишга интилиш ётади.

Маълумки, илм-фанда, тажрибага асосланган эмпирик билиш ва мушоҳадаларга асосланган абстракт билиш мавжуд. Анри Бергсон ва А.Мень ўз тадқиқотларида билишнинг учинчи кўриниши-интуитив билиш ҳам мавжудлигини таъкидлаб, дин, диний эътиқодни эмпирик ва абстракт билишлардан кўра нарсанинг ички моҳиятига чуқурроқ етадиган интуитив билиш билан боғлайдилар. (Қаранг. Мень. А. Истоки религии. –Брюссель, 1991. – С.55-61) Бироқ билишнинг ушбу кўринишларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ёки бирини тан олиб, бошқаларини рад этиш мумкин эмас. Интуитив билиш объектив борлиқни идрок этиш жараёнида туғиладиган чуқур руҳий кечинмалар негизида шаклланади. Демак, диний тушунчаларнинг келиб чиқиши эмпирик, абстракт ва интуитив билишлар билан боғлиқдир.

Илк одамлар ҳали том маънодаги диний тасаввурларга эга эмас эдилар. Бу тушунчалар уларнинг ҳаётий тажрибалари ва онги доирасида эди. Тарихий манбалар кўрсатадики, илк одамларнинг тушунчалари, турмуш тарзи, ҳаракатлари ўзлари келиб чиққан табиатникидан, жонзодларникидан ва одамсимон маймунларникидан кам фарқ қилган. Шунинг учун уларнинг илк диний тушунчалари ҳам ўта соддадир. Бироқ бу тушунчалар ўз даври талаблари даражасида бўлгани учун уларни муҳим, инсониятнинг маданий ривожланишига қадам қўйган илк босқичларида яратилган, келгуси диний тафаккурни, онни келтириб чиқаришга, маънавий тараққиётга замин ясаган қадриятлар сифатида баҳолаш лозим.

Диний тушунчалар негизида ижтимоий муносабатлар ҳам ётади. Ушбу муносабатлар, баъзи адабиётларда кўрсатилганидек, иқтисодий муносабатлардангина иборат эмас. Уларда оилавий, уруғ-аймоқчилик, сиёсий ва кишилараро муносабатларнинг илдизларини ҳам учратиш мумкин. Демак, диний тушунчаларнинг келиб чиқишига кенг ижтимоий муносабатлар таъсир қилган.

Дин билан кишининг рухий, психологик ҳолати чамбарчас боғлиқ. Илм-фан кишининг ички рухий кечинмалари, айниқса бирор қайғули ҳодисадан сўнг, динга, ғайритабиий кучларга ишонишини келтириб чиқарганини кўплаб мисоллар билан тасдиқлайди. Айниқса диннинг киши оғир рухий кечинмаларини енгиллаштиришга, дилини овунтиришга ёрдам беришини унутиб бўлмайди. Деярли барча динлар кишини фоний дунё ташвишларидан, беором чоп-чоплардан қутқаришни ваъда этади, унинг дилига ором беради, нотинч қалбига сокинлик бахш этади. Ижтимоий ҳаёт ғалваларга тўла пайтда диндан муқимлик, ором изловчилар сони кўпаяди, бу эса диннинг психологик илдизи инсон руҳига чуқур кириб борганидан далолат беради.

Илк диний тушунчаларнинг вужудга келишига ибтидоий-иқтисодий муносабатлар, кишиларнинг меҳнат тарзи каби омиллар ҳам таъсир қилган. Ов қилиш, экин экиш, майдонларни суғориш, озиқ-овқат топиш ва жамлаш, ҳайвонларни қўлга ўргатиш ва улар кучидан фойдаланиш кабилар кишиларни ён-атрофда сеҳрли куч бор, деб ишонишига олиб келган.

Шундай қилиб, илк диний тушунчалар маълум бир ижтимоий-тарихий ва маданий ривожланиш босқичида, кишиларнинг оламни, ён-атрофини билишга интилишлари, ички рухий кечинмалари, ижтимоий-иқтисодий муносабатлари таъсири натижасида пайдо бўлган.

Ҳозир дин билан илмий билишни бир-бирига яқинлаштиришга оид баъзи бир ҳаракатлар бўлмоқда. Масалан, А. Бергсоннинг интуитив билиши, З. Фрейд ва К.Юнгларнинг психоанализи инсон психикасида, руҳиятида пайдо бўладиган турли “қаромат”, “башорат”, “ у дунё билан мулоқот қилиш” каби ҳали илм-фанга тўла аён бўлмаган ҳолларни англашга яқинлаштиради. Машҳур инглиз файласуфи ва тарихчиси А.Тойнби цивилизацияларнинг пайдо бўлиши ва емирилишини “инь” ва “ян” каби диний концепциялардан келиб чиқиб талқин этади. Бироқ диннинг келиб чиқиши ҳақидаги бош масалада илм-фан билан илоҳиётшунослик ўртасидаги жиддий фарқ сақланиб қолмоқда.

Илк диний тушунчаларни классификация қилишда ҳам ҳар хил, баъзан эса ҳеч қандай концепцияга асосланмаган ёндошишлар мавжуд. Ҳатто баъзи ўқув қўлланмаларида улар 5-6 та кўринишда берилади ҳолос. Бу эса илк диний тушунчаларнинг нафақат етарли ўрганилмаганидан, шу билан бирга уларни классификация қилишда маълум бир илмий ёндошишлар ишлаб чиқилмаганидан далолат беради.

Яна бир муҳим масала шундаки, биз диндаги ижобий, шахс маънавияти ва тарбияси билан боғлиқ жиҳатларни тадқиқ этган ҳолда ундаги мутаассибликка, догмага айланган ёндашишлар мавжудлигини қайд этишимиз зарур. Баъзи асарларда, ўқув қўлланмаларида ушбу масала эсдан чиқарилади ёки атайин ёритилмайди. Натижада динга бир ёқлама қараш шаклланади. Шунинг учун биз диндаги ижобий-конструктив ва тарбиявий томонларни ўрганган ҳолда унга бир ёқлама ёндашиш натижасида салбий ҳоллар ҳам пайдо бўлишини унутмаслигимиз керак. Бундан деярли XX аср олдин Цицерон айтган “Дин-худолар культидир” деган фикр барча даврлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Жамият ва инсон тараққиётига хизмат қилувчи, инсонни шарафловчи, ўз тафаккури қудратига ишонтирувчи илм, фан, маданият, ақлу идрок, тафаккур, “культ”лари ҳам борлигини унутолмаймиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз олдида ҳукукий, демократик давлат куришни асосий вазифа қилиб қўйди ва жамиятнинг адолатли, ҳукукий асослари Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилди. Инсон ҳукуқи ва эркининг ажралмас қисми –бу виждон эркинлиги бўлиб, Конституциямизнинг 31-моддасида: “Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳукукига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” дейилган.

Асосий қонунимизнинг бошқа моддаларида диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг давлатдан ажратилганлиги, мактаб ва маориф, таълим ишлари давлатнинг тўлиқ назоратида эканлиги алоҳида таъкидланган. 1991 йил 14 июнда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” қонун қабул қилиниб, ҳали шўро ҳокимияти мавжуд бўлган шароитда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятини қафолатлаш ва изга солиб туриш ҳолатларнинг ҳамма муаммолари ўзининг тўла ифодасини топмаган эди. Айниқса диний экстремизм, ваҳҳобийлик, ҳизб-ут-таҳрир, акромийлар каби зўравонликка асосланган оқимларнинг республикага кириб келиши бу қонунга кўпгина ўзгартиришлар киритишни тақозо этар эди. Бу 1998 йилда амалга оширилди.

Президент И.А. Каримов ёзганидек, “халқни маънавий мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз

мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш биргаликда етилган маънавий инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар ўғити бирга сингади”.

Ўзбекистонда маънавий ҳаётнинг асосини мустаҳкамлашда динга ва диний қадриятларга муносабат муҳим ўрин эгаллайди. Конституциянинг умумий руҳи ва республика раҳбариятининг фикрларига кўра, маънавийнинг асосини фан, билим асосларини эгаллаш ташкил этади. Динга жамиятнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан покланишнинг бир воситаси деб қаралмоқда.

“Диншунослик” фанининг барча олий ўқув юртларида ўқитилиши: биринчидан, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунни амалга ошириш учун қафолат яратади; иккинчидан, бир диннинг бошқа дин, бир эътиқод эгаларининг бошқа эътиқод эгаларига нисбатан имтиёзли бўлишининг олди олинади; учинчидан, “дин ва диний қадриятларнинг маънавий маданиятда ўз ўрнини эгаллаши таъминланади; тўртинчидан, диннинг сиёсатлашмасдан тўла софлиги сақланади; бешинчидан, ёшларнинг диндорликни диний мутаассибликдан фарқлаб олишга олиб келадики, бу ўз-ўзидан диний партиялар, ҳаракатлар тузиш беҳуда, зарарли эканлигини, бундай ҳаракатлар динда қораланишини билиб оладилар.

Динга фақат тарихий, ижтимоий ва этник ҳодиса сифатидагина эмас, балки энг аввало маънавий ҳодиса деб қараб, у одамнинг жамиятдаги ўрни яъни унинг жамоалашган одамга айланиши эҳтиёжидан келиб чиққанлигига эътиборни қаратиш керак. Илм-фан, фалсафа, одамнинг инсоний хислатларни сингдиришининг маънавий-руҳий омили бўлган имон масаласи турибдики, одамзот динга ишонч асосида ўз ички оламини поклашга, ҳавойи нафсини жиловлашга интилади.

Хурфирликка хос, дастлабки ғоялар Марказий Осиёда деизм, пантеизм, муътазамийлар вакиллари, юртимизда яшаган буюк алломалар Форобий, Беруний, Ибн, Сино, Умар Ҳайём ва бошқаларнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида илгари сурилган.

Табиат ва жамиятдаги ҳодисалар моҳиятига кўра жуда мураккабдир. Табиий ва ижтимоий фанларда буюк муваффақиятларга эришилган ҳозирги даврда ҳам ҳали билиб олинмаган, англаб етилмаган, инсоннинг ақл-заковати ҳали илғаб ололмаган ёки етиб бормаган сирли жараён ва ҳодисалар жуда кўп. Бу жараён ва ҳодисалар доимо ўзгариб туради ва бинобарин уларни англаб етишга бўлган ҳаракат ҳам кучайиб бораверади.

Ўрта Осиё минтақасида диннинг эволюцияси ва сақланиш сабабларини билиб олиш айниқса ёш авлод, учун турли мутахассисликларни эгаллаётганлар учун айниқса муҳимдир. Диншунослик фани эса шунда муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Жўраев У., Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи -Т.: Шарқ, 1998.
3. Мень А. История религии. –Брюссель, 1991.
4. Токарев С.А. Ранние формы религии.- М.: Политиздат, 1990.
5. Жабборов Исо. Жаҳолатдан-маърифатга –Т.: Ўқитувчи, 1979.
6. Диншунослик асослари. –Т.: Университет, 1995.
7. Диншунослик. Маърузалар матни. -Т.: 2003.

10 – МАВЗУ . ДИННИНГ ИБТИДОЙ ШАКЛЛАРИ РЕЖА

1. Диний онг асосларининг шаклланиши.

2. Тотемизм

3. Анимизм

4. Шаманизм

5. Фетишизм

6. Ибтидоий мифология ва неолит давридаги диний тасаввурлар

Диний онг асосларининг шаклланиши. Илмий адабиётларда келтирилишича, «ибтидоий одамнинг жисмоний, физиологик, асаб-эндокрин, биологик, психологик ва бошқа соҳалари ўзига хос хусусиятларга эга эди. Бу унинг ҳаёти ва фаолияти, феъл-атвориғагина эмас, балки унинг фикрлаш даражаси, кучли ҳаяжонланиши, тасаввур этиши, ҳақиқий ёки сохта мантикий қонуниятларни кашф этишига таъсир кўрсатди. У ибтидоий бўлса-да, ақлли, фикр юритувчи, маълум мушоҳадага қобилиятли, конкрет ҳолатда фикр юрита оладиган, доимий фаолиятида вужудга келган амалий тажрибаларга эга бўлган одам эди. Бундай таҳлил нимага асосланган? Билим миқдорининг ниҳоятда озлиги ва унинг доимий такомиллашиб бориши, олдинда турган ҳаётдан кўрқув ва уни енгишга бўлган интилиш, амалий тажрибанинг узлуксиз ортиб бориши, табиат кучларига мутлақ тобелик ва ундан қутулишга тиришиш, атроф-муҳит инжиқликлари ва уларни енгиш ва ҳ.к. – буларнинг барчаси шунга олиб бордики, унинг илк қадамидан нафақат мантикий талабчанлик, балки ҳиссий-ижтимоий, ҳаёлий-фантастик муносабатлар келиб чиқди. Гап «онгли ёввойи» ёки «абстракт фикрловчи киши» тўғрисида бораётгани йўқ, айтиб ўтиш керакки, қонун-қоидаларидан чиқмаган ҳолда, қолаверса, 20-50 кишидан иборат бўлган кичик қабила, меҳнат фаолияти жараёни (ов, озиқа излаш, қурол ясаш, турар жойни жиҳозлаш ва ҳ.к.), доимий ижтимоий муносабатлар, оилавий уруғдошлик алоқалари ва ходисалар жараёнида (никоҳ алоқалари, туғилиш ва ўлим) ушбу жамоанинг руҳонийлари, ғайритабиий кучлар ва воқеийлик ўртасидаги ғайриоддий алоқалар тўғрисида ибтидоий тасаввурлар мустаҳкамланиб борган. Реал ҳаёт билан бир қаторда ўзга дунё мавжудлиги, марҳумлар тириклар ҳаётига таъсир эта олиши тўғрисидаги ғоялар юзага келди».

Диний адабиётлар, хусусан Авесто, Таврот, Инжил, шунингдек, Қуръони каримда ҳам инсоннинг яратилиши, унинг ер юзидаги илк ҳаёти ўзига хос тарзда талқин қилинади. Уларнинг барчасида дунё ва инсониятнинг ягона Яратувчи (Авестода – Ахура-Мазда, Тавротда – Яхве, Инжилда – Ота Худо, Қуръонда – Аллоҳ) томонидан яратилгани бир овоздан таъкидланади. Одамзоднинг диний тасаввурлари пайдо бўлишига келсак, Худо дастлабки инсон – Одамни яратгач, унга маълум йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берди ва бу кўрсатмалар ўз навбатида дин деб аталди. Диний таълимотга кўра, инсон бошдан мукаммал ҳолда яратилган, шунга ўхшаш дин ҳам унга мукаммал ҳолда берилган. Эволюционизм таълимотига кўра, инсоннинг пайдо бўлиши ҳам, диннинг шаклланиши ҳам босқичма-босқич, соддадан мураккабга қараб ривожланиб борган. Умуман олганда, барча илмий адабиётларда диннинг пайдо бўлиши борасида билдирилган фикрлар илмий фаразлардан иборат бўлиб, ушбу масаланинг диний адабиётлардаги талқини эса ҳар бир инсоннинг диний эътиқодига боғлиқ.

Инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ бўлган муҳим ишлар, жумладан, туғилиш, озиқа топиш, ов қилиш, ўз хавфсизлигини таъминлаш, дафн маросими қабила турли диний тасаввур ва эътиқодлар билан боғлиқ бўлганлигини кўради.

Дафн маросимлари. Қадимги дунё тарихидан маълумки, одамзод яратилганидан буён ўз қариндошларини кўмишда махсус маросимлар, маълум тайёргарлик удумларига амал қилиб келади. Масалан, Қадимги Мисрда фиръавнлар жасади қизил минерал бўёқ билан копланар, ёнига кундалик эҳтиёж буюмлари, зеб-зийнатлар каби турли-туман асбоб-анжомлар қўйилар эди. Бу ҳам ўз навбатида қавмларини дафн этаётган жамоанинг охират мавжуд эканлиги ҳақида муайян тасаввурга эга бўлганлигидан далолат беради.

Ов қилиш. Шу пайтга қадар олиб борилган археологик изланишлар давомида ер юзининг турли жойларидаги ғорларда ибтидоий одам томонидан чизилган расмлар топилган. Ғорлардаги суратларнинг кўпчилигида ов қилиш жараёни, одам ва ҳайвонларнинг тасвирлари, ҳайвон терисини кийган одамлар, ярим одам ва ярим ҳайвон қиёфасидаги мавжудотлар тасвирланган. Демак, ибтидоий одам ўзи ва ҳайвонлар ўртасида табиий ва ғайритабиий алоқалар мавжудлиги ҳақида тасаввурга эга бўлган ва айтиб ўтиш керакки, марҳум аجدодларининг руҳлари сеҳрли усуллар билан ҳайвонлар ҳулқига таъсир этиш имкониятига эга деб билган. Бу тасаввурлар тириклар билан

марҳумлар ўртасидаги воситачилар: сеҳргарлар ва шаманлар фаолиятининг шаклланишига туртки бўлди. Ибтидоий одам ҳаёти ҳақидаги фаразларга кўра унинг ҳаётида келиб чиққан диний тасаввурлар қуйидаги ибтидоий дин шаклларида намоён бўлган:

Тотемизм. «Тотем» сўзи Шимолий Америкада яшайдиган Ожибва қабиласи тилида «унинг уруғи» маъносини англатади ва моҳиятан «одамнинг ҳайвонот ёки ўсимликнинг муайян турларига қариндошлик алоқаси бор» деб эътиқод қилиш, эҳтимол, маълум бир жамоанинг аввалда асосий озиқа манбаини ташкил қилган ҳайвон ёки ўсимликка нисбатан эътибор кейинчалик вужудга келган қабила диний тасаввурларининг асосий шаклларида бирига айланган бўлиши мумкин. Уруғдош гуруҳлар ўзларини умумий белгилари ва тотемлари бўлган ҳайвон ёки ўсимликдан келиб чиққан деб билар эдилар. Тотемларга бундай эътиқод узоқ ўтмишга тегишлидир, уларнинг мавжуд бўлганлигини фақат қадимги ривоятларгина тасдиқлайди. Масалан, ҳозиргача Австралия аборигенлари орасида бу хусусда афсоналар сақланиб қолган.

Уруғдош жамиятнинг шаклланиш жараёнида тотемизм муҳим роль ўйнади, айниқса, қариндош гуруҳларнинг бошқалардан ажралишига, «ўзимизники», яъни «бир тотемга тегишли» деган аниқ таассурот пайдо бўлишига сабаб бўлди. Тотемизм таъсирида пайдо бўлган урф-одатлар ва меъёрлар асрлар давомида қатъий равишда қўлланилди. Айни тотемга хос бўлмаган бегоналар бу жамоа урф-одати ва меъёрларидан четда ҳисобланган. Тотемизмнинг бундай ижтимоий роли, табиийки, тотемистик кўринишларнинг эволюцион характериға ҳам таъсир кучини ўтказмай қолмади. Вақт ўтиши билан қариндошлик тизимининг мустаҳкамланиб бориши жараёнида биринчи даражали тотем тартиби ҳақида тасаввур илгари сурилди. Зооантропоморф кўриниши билан аралашган ҳолда одам билан унинг тотеми қариндошлиги орасида оилавий муносабатлар, яъни одам вафот этгач, унинг ўз тотемига айланиши ёки аксинча, қайта инсон шаклига келиши ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўлди. Булар ҳаммаси ўтган ота-боболар руҳларига сиғинишнинг, умуман кучайишига ва илоҳий кучларга, бир томондан, ишончнинг ошишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан, *тотемга* бўлган муносабатларнинг ўзгариши, мисол учун *тотемни* озиқа сифатида истеъмол қилишнинг тақиқланишига олиб келди. *Табу* (тақиқлаш) тизими пайдо бўлди. Бунда энг муҳими *тотемни* овқат сифатида истеъмол қилишни тақиқлаш эди. Фақат баъзи диний маросимларда руҳонийлар ёхуд қабила бошлиқларигагина *тотемни* ейишга руҳсат этиларди. Шундай қилиб, тотемизм уруғчилик жамоасида диний кўринишларнинг тарихий асоси бўлиб қолди.

Инсоният таракқиётининг дастлабки босқичларида тотемизмнинг асосий вазифалари, юқорида айтиб ўтилганидек, бирлаштирувчилик, тартибга солувчилик эди. Тотемизм диний шаклларнинг дастлабкиси саналса-да, ҳозирда ҳам кўплаб халқларнинг урф-одатларида, эътиқодларида унинг унсурлари сақланиб қолган (масалан, Ҳиндистонда сигир, Австралияда кенгуру, қирғизларда ок буғу афсонавий бахт келтирувчи ҳайвон сифатида улуғланади).

Анимизм (лотин тилида «анима» – «руҳ», «жон» маъноларини англатади). Анимизм – руҳлар мавжудлигига ишонч, табиат кучларини илоҳийлаштириш, ҳайвонот, ўсимлик ва жонсиз jismlарда руҳ, онг ва табиий қудрат борлиги ҳақидаги таълимотни илгари сурувчи илк диний шакллардан бири. Илк анимистик тасаввурлар қадим ўтмишда, эҳтимол, тотемистик қарашлар пайдо бўлгунича, оилавий жамоаларнинг шакллангунича вужудга келгандир.

Анимизмнинг тотемизмдан фарқли жиҳатлари бор. Албатта, тотемизм маълум бир оилавий гуруҳнинг ички истеъмолига, уни бошқалардан фарқлаш мақсадиға йўналтирилган бўлса, анимистик тасаввурлар кенг ва умумий характерға эға. Улар ҳаммага тушунарли ва маъқул бўлган. Шу билан бирға у табиатнинг қудратли кучларини – осмон ва ер, қуёш ва ой, ёмғир ва шамол, момақалди роқ ва чакмоқ қабиларни илоҳийлаштириб, уларда руҳ мавжуд деб билар эди. Табиийки, ибтидоий одамлар нафақат табиатнинг буюк мавжудликларини, балки рельефнинг айрим алоҳида қисмлари – тоғлар ва дарёлар, адир ва ўрмонлар қаби одам эътиборини тортувчи нарса ва jismlарға ҳам илоҳий муносабатда бўлар эдилар. Ҳаттоки, кўп йиллик дарахт, каттароқ харсанг тош, жарликларға ўхшаш нарсалар ҳам ибтидоий одамлар тасаввурида жонли, тафаккурли, сезувчан ва ҳаракат қилувчи, шунингдек, яхшилик ёки ёмонлик келтириши мумкин деб тушуниланган. Шундай бўлгач, ҳар қандай воқеа-ҳодисаларға эътибор билан муносабатда бўлиш тақозо этиланган, қурбонликлар қилинган, руҳлар ҳақиға дуо қилиб, маросимлар уюштирилган.

Анимизм замонавий динларнинг барчасида асосий ақидавий қисмни ташкил этади. Жумладан, жаҳон динлари саналмиш буддизм, христианлик ва исломда ҳам руҳлар ҳақидаги таълимот мавжуд.

Шаманизм («шаман» сўзининг тунгус тилидаги маъноси – «сеҳргар»). Сеҳргарлик (афсун, магия) реал натижалар олиш учун илоҳий кучларға таъсир этиш мақсадида амалға ошириладиган

ритуаллар – урф-одатлар мажмуасидир. У тотемизм ва анимизм билан бир вақтда пайдо бўлиб, унга кўра унинг воситасида кишилар ўз *тотемлари*, ота-боболарининг руҳлари билан ҳаёлан боғланишни амалга ошириб келганлар. Шаманизм қадим ўтмишда пайдо бўлиб, минглаб йиллар давомида сақланиб келган ва табиийки, мунтазам ривожланиб борган. Одатда, афсунгарлик урф-одатлари билан махсус одамлар – шаманлар, афсунгарлар шуғулланганлар. Улар орасида, айниқса, аёллар кўп ўринни эгаллаганлар. Бу шаманлар, афсунгарлар жазавали ва асабий кишилар бўлиб, одамлар уларнинг руҳлар билан мулоқотда бўла олишларига, уларга жамоанинг орзу-ниятларини руҳларга етказиш, уларнинг иродасини талқин қилиш қобилиятига эга эканлигига чуқур ишонганлар. Шаманлар, одатда, маълум ҳаракатлар: овоз чиқариш, ашула айтиш, рақсга тушиш, сакраш йўли билан ногоралар ва қўнғироқлар овозлари остида жазавга тушиб, ўзини йўқотиш, жазаванинг юқори нуқтасига етиш билан афсунгарлик қилишган. Томошабинлар ҳам баъзан ўзларини йўқотар даражага етиб, маросим иштирокчисига айланиб қолишар эди. Маросим охирида шаман ҳеч нарсани эшитмай, кўрмай қолар, унинг руҳлар дунёси билан мулоқоти худди шу ҳолатда амалга ошади деб ҳисобланарди. Умуман олганда, турли диний маросимларни ўз ичига олган афсунгарлик жамиятнинг ҳақиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳаётда амалга оширилган. Илоҳий кучлар дунёси билан бундай боғланиш йўли ҳаётда номаълум, олдиндан билиб бўлмайдиган шароитлардан келиб чиққан. Шунинг баробарида афсунгарлик одамларнинг фикрлаш қобилиятининг ўсиб бориши, онгининг мустаҳкамланишида катта роль ўйнади, диний онгининг шаклланиш жараёнида муҳим ўрин тутди. Афсунгарлик фикр юритиш ривожланган сари одамга ўз-ўзидан бўладиган, фақатгина мақсадли йўналишдаги ҳаракатлар натижасида олинадиган эмас, балки илоҳий кучлар афсуни билан боғлиқ бўлган шароитлардан келиб чиқадиган кўриниш деб ҳисобланган. Натижада кўпгина аниқ ҳодисалар, ҳаттоки алоҳида буюмлар сеҳрли куч эгаси сифатида қабул қилина бошланди.

Сеҳргарлик маросимлари икки усул: якка ҳолда ёки жамоа бўлиб амалга оширилар эди. Афсунгарлик мақсадга кўра қуйидагиларга бўлинади: 1) зарар келтирувчи – ёвуз афсунгарлик. Бундан кимгадир зарар етказиш ният қилинади; 2) ҳарбий афсунгарлик. Бундай афсунгарлик душманга қарши қўлланилади (масалан, қурол-аслаҳаларни сеҳрлаш); 3) севги афсунгарлиги, бошқача айтганда, «иссиқ» ёки «совуқ» қилиш; 4) тиббий афсунгарлик. Даволашда ишлатилади; 5) об-ҳаво афсунгарлиги. Бу сеҳргарлик туридан ёмғир чақириш ёки шунга ўхшаш об-ҳавони ўзгартириш мақсадларида фойдаланилган.

Сеҳргарлик ҳозирда ҳам мавжуд динларда, турли халқлар урф-одатларида сақланиб қолган.

Фетишизм («фетиш» сўзи фр. *фэтиче* – «бут», «санам», «тумор» маъносидаги сўзни англатади). Моҳияти табиатдаги жонсиз предметларга сиғинишдир. Унга кўра алоҳида буюмларда кишини ўз мақсадига эриштириш, маълум воқеа-ҳодисаларни ўзгартириш қудрати мавжуд. Фетиш ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир этиш кучига эга.

Фетишизм ёғоч, лой ва бошқа материаллардан ясалган буюмларнинг пайдо бўлиши билан бир пайтда шаклланган. Бутларда ва туморларда жамоалар ғайритабиий дунёдан келадиган илоҳий қудратнинг тимсолини кўрдилар.

Бундай *фетишга* одатда афсунгарлар, шаманлар эга эдилар. Улар афсунгарлик йўли билан буюмларга таъсир кўрсатганлар. Ибтидоий одамларнинг дастлабки диний таассуротлари умумий мажмуасининг шаклланиш жараёнида фетишизм якунловчи босқич бўлиб қолди. Ҳақиқатан, аجدодларни ва табиатни жонлантириш билан боғлиқ бўлган анимизм, турли *тотемлар* ҳамда ўлиб кетган авлодлар шахсига боғлиқ тотемизм орқали ибтидоий одамлар онгида реал буюмлар билан бирга илоҳий ва ҳаёлот дунёси борлиги ҳақидаги тушунча пайдо бўлди. Натижада уларнинг онгида афсонавий фикр юритиш қобилияти мустаҳкамланди. Ва ниҳоят, *фетишларнинг* пайдо бўлиши шуни кўрсатадики, афсонавий қудрат фақатгина вақт ва бўшлиқда кўчиб юриш хусусиятига эга бўлиб қолмасдан, балки воқеий дунёдаги буюмларда ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, уруғчилик жамиятининг ташкил топиш жараёнида ибтидоий одамларнинг онгида дастлабки диний кўринишларнинг кенг, аниқ, тартибли мажмуаси ишлаб чиқилди. Демакки, диний тасаввурлар одам ҳаётининг бўлинмас, ҳаттоки асосий қисми бўлиб қолди. Жамият ва табиат қонунларини, албатта, ўша дунё кучлари бошқаради. Шунинг учун жамоа яхши яшайман деса, озиқалар билан таъминланган, кимнингдир томонидан химояланган бўлишни истаса, биринчи вазифаси у ўша ғайритабиий кучларни жуда ҳам ҳурмат қилиши керак эди. Дунё ҳақидаги бу тасаввурлар вақт ўтиши билан такомиллашиб борди ва инсоният ҳаётида узок вақт ўз таъсирини ўтказиб келди.

Фетишизмнинг унсурлари ҳозирги даврда ҳам халқларнинг урф-одат ва эътиқодларида сақланиб қолган. Турли ҳайкаллар, суратлар, тумор, кўзмунчоқ ва ҳар хил рамзлар бунга ёрқин мисолдир.

Ибтидоий мифология. Ибтидоий одамнинг тасаввури ва эътиқодлари мажмуаси, уларнинг реал ҳаётдаги қийинчиликлари, муаммолари ва ютуқлари оғзаки ижодда акс этган. Бу нарса одамларнинг онгида қолиб, турли афсоналарнинг яратилишига сабаб бўлган. Ибтидоий мифологияни ташкил этган ижод доимо одамларнинг маънавий ҳаёти, ибодати, ҳиссиётлари ва диний тасаввурлари билан чамбарчас боғлиқ эди. Буни тушуниш осон: агар ибтидоий одамнинг маънавий ҳаёти асосини тотемларга, марҳум аجدодларга ибодат қилиш, улар билан сирли қариндошлик ташкил қилса, мифологиянинг марказида зооантропоморфик аجدодлар ёки ҳар хил мўъжизавий кучга эга бўлган илоҳийлаштирилган қаҳрамонлар турарди. «Маданий қаҳрамон»ларнинг исмлари афсоналарда бирон-бир ихтиро ёки янгиликда мужассам бўлган. Масалан, оловни топиш, оила ва никоҳлар шаклини ўрнатиш, меҳнат ва ов қуролларини яшаш ҳамда бошқа жасоратларга оид ақидаларни ташкил қилиш. Космогоник сюжетлар ибтидоий мифологияда катта ўрин эгаллаган, яъни ер ва осмон, куёш ва ой, ўсимлик ва ҳайвонот, ниҳоят, одамнинг яратилиши тўғрисидаги ривоятлар, афсоналарда диний тасаввурларнинг таъсири яққол ифодаланган. Рухларнинг янги шаклга кириш сеҳрли хусусияти, яъни ўз қиёфасини ўзгартириш қобилятини, бир вақтнинг ўзида одам ва ҳайвон шаклига кира олишини *монстрлик* деб ҳисоблашарди.

Ибтидоий мифологияда ҳаёт ва ўлим, табиат ва маданият, аёл ва эркак орасидаги муҳим алоқалар тасвирланган эди. Мифологиянинг бундай қарама-қаршиликларини таҳлил қилиш инсон тарихининг қадимги босқичини қайта тиклаш учун муҳим манба ҳисобланади. Хусусан, бу таҳлил ибтидоий жамоалар тараққиётида диний тасаввурларнинг ролини аниқлашга имкон яратади.

Неолит давридаги диний тасаввурлар. Неолит революцияси одамларнинг турмуш тарзини тубдан ўзгартирди. Одам аста-секин ўсимликларни ўстириш, озиқа захираларини ҳосил этишни ўрганди, бу эса одамни ўтроқ ҳаёт кечиришга мажбур этди. Ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатди ҳамда улар бераётган маҳсулот: гўшт, сут ва теридан фойдаланишни ўрганди. Овқат пиширишни ўрганди, идишлар яшаш учун янги муҳим материалларни ўзлаштирди. У овқат ва ичимликлар сақлаш учун мўлжалланган идишлар, уй қуриш учун фойдаланиладиган лойни тайёрлашга ўрганди. Неолит даври юқори палеолитдан шуниси билан фаркланадики, унда одамзод тош буюмларни силликлаш ва сайқал беришни ўрганди ва шу фарқ мазкур даврга ном берди (*неолит* – янги тош даври, янги тош ишлаш, янги усуллар даври).

Неолит даврида деҳқонлар янгича ишлаб чиқариш усулларини топдилар, зич ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшай бошладилар. Душмандан ҳамда ёввойи ҳайвонлардан ҳимояланган қишлоқлар кенгайиб, атрофларида кичик қишлоқчалар ўрнашар эди. Аҳолининг кескин кўпайиши янги ерларни ўзлаштиришга эҳтиёж туғдирса, ҳаёт тарзининг ўзгариши диний тасаввурлар ривожланишига янги имкониятлар яратди.

Деҳқончиликнинг мунтазам тирикчилик ташвишлари: ҳосилни, йиғим-теримни кутиш, аниқ вақтни белгилаш, йил фасллариининг цикллари билиш кабиларнинг ҳаммаси деҳқоннинг осмону ерга, куёшу ойга, ёмғиру шамолга янги қизиқиши пайдо бўлишига сабаб бўлди, янги руҳлар қудратига ишонч сезиларли ва кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Ўз навбатида, илтижо ва қурбонлик руҳларга атала бошланди. Аммо табиий имкониятлар тўғрисидаги тасаввурлар кескин ўзгарди. Натижада қадимги руҳлар – анимистик сифиниш объекти аста-секин ўта қудратли худоларга айландилар. Улар учун меҳроб ҳамда черковлар ташкил этилиб, бундай жойда, одатда, деҳқонлар жамоасидан махсус ажратилган алоҳида хизматкорлар – келажакдаги қўллар кечаю кундуз хизмат қилар эдилар. Қадимги тотемистик тасаввурлар ҳам ўзгарди, деҳқонлар ҳаёти ов натижасига боғлиқ бўлмагани боис, ҳайвонлар қадрлана бошлади, аммо тотемистик тасаввурлар авлодлар хотирасида сақланиб қолаверди. Бу эса зооморфик ташқи қиёфани бирон-бир сифиниладиган илоҳиётда акс этишига олиб келди. Аксар илоҳиётларнинг кўриниши ҳайвон, қуш, балиқларнинг ё боши, ё танаси шаклида бўлар эди. Бу мифологик қаҳрамонларнинг юқорида айтиб ўтилган илоҳиётга қариндошлиги сақланиб қолган.

Фетишизмнинг сокин характери ўзгарди, илоҳиётларнинг қудратли бутлари меҳроблар ёки черковлар ёнига ўрнатилган йирик ҳайкаллар шаклига айланди.

Баъзан бутлар ўрнига рамзий ҳайкалчалар, турли шаклдаги тошлардан фойдаланилди. Фетишизмнинг ривожланишида бу ҳайкал ва қурилмалар ибодатхоналарнинг рамзи бўлиб хизмат қилди.

Афсун ҳам ўзгарди. Афсунгарларнинг душманларга зиён етказиш ва омадли ов билан таъминлаш, рухлар ёрдамида ўз мақсадига етишишнинг ибтидоий усуллари ўрнига янги, пухта ўйланган илоҳлар билан алоқа маросимлари, бошқа диний маросимлар, ибодат ва қурбонлик қилиш тартиблари юзага келди. Табиийки, булар асосида қадимги афсунлар ётар эди. Аммо бир қанча янгиликлар: фол ва башорат юзага келди, булар афсунга яқин бўлган ҳамда унга асосланган афсун усуллари бўлса-да, мақсад бошқа эди: бунда истакни амалга ошириш эмас, балки уни билиш кўзда тутилади. Фолбинликнинг илк шакллари неолит давридан илгари ҳам амалда бўлган. Аммо тизим сифатида неолит даврида яқунланди. Неолит давридаги дехқонлар қудратли тангридан қўрққан ҳолда унинг яхши ният муносабатларига жуда қизиқар эдилар. Бунинг учун табиат кучлари илоҳиётларига ёки илоҳийлаштирилган аجدодларга ибодат қилишар эди. Улар ҳаёлан қурбонликлар ва ибодатлар илоҳиётлар кўнглига йўл топади, бизга ёрдам келади деб ишонар эдилар, аммо буни билса бўладими? Мана шу ерда фол очишга эҳтиёж туғилар эди. Ҳар бир жамоа учун хос бўлган ибтидоий шаклдаги афсун маросимларидан фаркли ўлароқ, фолбинлик юқори савиядаги маданиятни талаб этарди. Маросимларни олиб боровчи фолбин кийими шартли белгилар тизимига риоя қилиши шарт эди. Бу шартли белгилар сиғинилаётган илоҳиётининг қониққанлигини ҳамда уларнинг илтижоларига аниқ жавоб беришга тайёрлигини англатарди. Белгилар тизими ҳар хил: элементар қуръа ташлашдан то мураккаб чизик, ёруғ нукта ва чизикларнинг қўшилишигача бўлар эди.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Диннинг қандай ибтидоий шакллари биласиз?
2. Диннинг пайдо бўлиши ҳақида тадқиқотчилар қандай фикрлар билдиришган?
3. Фетишизм нима?
4. Анимизм қандай эътиқодга асосланади?
5. Шаманизм деганда нимани тушунасиз?

Адабиётлар

1. Леви-Брюль Л. Первобытное мышление. М., 1930.
2. Мифологический словарь. М., 1990.
3. Мифы народов мира. В 2-х томах. М., 1991.
4. Основы религиоведения. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. Под общ. ред. И.Н. Яблокова. М., 1995.
5. Религиозные верования. Свод этнографических понятий и терминов. М., 1993.
6. Религиозные традиции мира. В 2-томах. М., 1996.
7. Тайлор Э. Первобытная культура. М., 1989.
8. Традиционные и синкретические религии Африки. М., 1986.
9. Фрейд З. Тотем и табу. Тбилиси, 1991.
10. Фрэзер Дж.Дж. Золотая ветвь: исследование магии и религии. М., 1986.

11 -Мавзу. Миллий динлар.

Режа:

1. **Яхудийлик** динининг вужудга келиши ва таълимоти. Муқаддас манбалари ва маросимлари.
2. **Веда динлари. Брахманийлик. Ҳиндуйлик.**
3. **Жайнизм ва синкхийлик.**
4. **Даосизм ва конфуцийчилик – Хитой миллий динлари.**
5. **Синтоийлик – япон миллий дини.**

Динларни миллий ва жаҳон динларига классификация қилиш тадқиқотчилар томонидан кенг қабул қилинган. Бу ўринда динларнинг жуғрофий тарқалиши асосий белги қилиб олинади. Бироқ бу ёндашув шартлидир. Масалан, зардуштийлик Марказий Осиё, Озарбайжон, Байкал ва Волга бўйлари, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Мўғулистон, ҳатто Хитойнинг айрим ҳудудларида тарқалган бўлишига қарамай, у жаҳон дини ҳисобланмайди. Бундан ташқари Африка халқлари орасида христиан –мусулмон, яхудий-мусулмон каби аралаш дин тарафдорлари ҳам борки, ўқув қўлланмаларида улар тилга ҳам олинмайди. Синкретик (аралаш) динлар жуда кенг тарқалган бўлсада, улар динлар тарихини ва диний эътиқодлардаги ўзгаришларни ўрганишда муҳимдир. Албатта, динларни классификациялаш, уларни нафақат жуғрофий, шу билан бирга

ғоявий тарқалишининг ижтимоий, рухий-маънавий асосларини, муаммоларини махсус тадқиқ этиш лозим. Бироқ ушбу муаммоларни ўқув қўлланмаси мавзусининг чекланганлиги сабабли, биз муҳокама этиш имконига эга эмасмиз. Шунинг учун мавзу охирида ушбу муаммоларни тилга олган адабиётларни келтириш билан чекланамиз.

Энг қадимий миллий динлардан бири яхудийликдир. Яхудийлик дини мил. авв. 2000 йилларнинг охирларида Фаластинда вужудга келган. У яккахудоликни тарғиб қилганлиги билан аҳамиятлидир. Яхудийлик кўпдан - кўп қоидаларга амал қилишни талаб этганлиги ва яхудийларни бошқаларга нисбатан устун қўйганлиги сабабли жаҳон дини даражасига кўтарила олмади.

Яхудийлик Мусо дини деб ҳам аталади. Мусо пайғамбар (мил.авв.1666-1546) Авраам Имронинг ўғли бўлиб, унинг шажараси Иброҳим пайғамбарга бориб такалади. Мусо қандай қилиб яхудийлик дини пайғамбарига айланган деган савол туғилади.

Маълумки, яхудийлик динининг номи қабиланинг илк бошлиғи Яхудо (Иуда) номидан келиб чиққан ва кейинчалик бу қabila яхудийлар деб юритила бошланган. Иуда -»шукур» деган маънони беради.

Мусо Яхвенинг ердаги элчиси ҳисобланган. Яхве қадимги ибронийларнинг худоларидан бирининг исми бўлиб, у аввал бош худо, кейинчалик қабиланинг якка-ю ягона худоси бўлган. Яхудийларнинг муқаддас китобида шундай талқин этилади:

Исроил (Яхудий) халқи Ибромдан (Олий Отадан) тарқаган бўлиб, “исроил” сўзи Ибромнинг невараси Яқубнинг иккинчи номидир. У “худо билан курашган” деган маънони англатади. Худо Ибром билан аҳдлашган ва уни Иброҳим (кўпчиликнинг отаси) бўласан деб атаган. Худо Яхве Исроил халқи билан икки томонлама шартнома -»аҳд» орқали боғланган бўлиб, шунга кўра, яхудийлар ўзларини «худо томонидан танлаб олинган мумтоз халқмиз» дейишади. Худо Иброҳим ва унинг авлодларига Миср дарёсидан Ефрат дарёсигача бўлган худудларни абадий мулк қилиб берган. Шунинг учун яхудийлар бугунги кунгача бу ерлар бизга «ваъда қилинган ердир» деган эътиқодга амал қилиб келмоқдалар. Тавротда ёзилишича, худо Иброҳим, Исҳоқ, Яқуб пайғамбарларга Каньонни (Фаластиннинг эски номи, Яхудийча Ханаан) ваъда қилган. Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Хомга ҳам қарашли ерлар бўлган. Иброҳим вафот этгач, унинг мол-мулки ўғли Исҳоққа қолади. Исҳоқнинг ўғли Яқубнинг 12 фарзанди бўлиб, ота учун энг суюқлиси Юсуф бўлган. Ака-укалари уни ёмон кўрганликлари учун савдогарларга сотиб юборишади, отасига эса йиртқич хайвонлар еб қўйди, деб айтишади. Юсуф туш таъбирини яхши билганлиги ва ҳисоб-китобда тенги йўқлиги туфайли фиръавннинг яқин одамига айланади. Яхудийлар юртида очарчилик бошланиб, кўпчилиги Мисрга бориб қолади. Лекин Юсуф ўлгач, яхудийлар таъкиб остига олиниб, ҳатто уларнинг янги туғилган чақалокларини ўлдира бошлайдилар, уларни қийин аҳволдан қутилтирадиган халоскор керак эди. Бундай халоскор Мусо бўлиб, худо уни яхудийларга нажот йўлини кўрсатиш учун юборган ва у яхудийларни Мисрдан олиб чиқиб кетган.

Оллоҳнинг Таврот китобидаги номи “Яхве” деб аталишини биласизми? Яхве Мусога Сино тоғида 10 та васиятни тақдим этган. Мусо Яхвенинг сўзи ҳисобланмиш муқаддас китоблар мазмунини яхудийларга ёябошлаган. 10 та васият қуйидагилардан иборат бўлиб, у яхудийлик динининг асосий таълимоти ҳисобланади:

- - бошқа худоларга ишонмаслик;
- - бошқа худолар бутхоналарини бузиб ташлаш;
- - қуйма худолар ясамаслик;
- - ота-онани эъзозлаб, ҳурматини жойига қўйиш;
- - қотиллик қилмаслик;
- - бошқа миллат вакиллари билан никоҳга кирмаслик;
- - ўғирлик қилмаслик;
- - ёлғон гувоҳлик бермаслик;
- бировнинг мол- мулкига хиёнат қилмаслик.

Яхудийликда илоҳий халоскор, миллий қаҳрамон ҳақида ақидалар ҳам мавжуд бўлиб, улар вақти келиб яхудийларни чет элликлар зулмидан халос этади. Яхудийликда яна келгуси ҳақида ҳам таълимот бор бўлиб, унинг асосида мустақил яхудий давлатини тиклаш ғояси ётади. Мусо Яхвенинг сўзи ҳисобланмиш муқаддас китоблар мазмунини ва ундаги таълимотни яхудийлар орасида ёябошлайди. Биринчи марта Яхве Иброҳим билан аҳднома тузган бўлса, иккинчи марта Мусога васият қолдириш билан яхудий халқини танлаганлигини билдиради.

Яхудийларнинг мукаддас китоби –“Библия”нинг Қадимги Аҳд қисми ва “Талмуд”дир. Қадимги Аҳд 39 та китобдан иборат бўлиб, унинг дастлабки бештаси “Мусонинг беш китоби” дейилади: «борлик», «чиқиш», «ловий», «сонлар» ва «иккинчи қонун»-яъни диний қонунлар китобидир. «Талмуд» эса «Таврот»да ўз аксини топмаган қоида ва тартиблар, ақидалар акс этган китоб бўлиб, унда диний маросимлар, урф-одатлар ифодаланган.

Яхудийлик таълимотига кўра, худо Яхве бутун оламнинг яратувчиси бўлиб, оламни яратишни якшанба куни бошлаб, 6 кунда яъни шанбада тугатади, шунинг учун яхудийлар шанбани энг улуғ кун ҳисоблашиб дам олишади, турли ибодатларни амалга оширишади. Яхудийлар ўзларини худо танлаган халқ деб билишади ва қилган гуноҳларини худо вақт-соати келиб кечиради, деб ҳисоблашади. Уларнинг сионистик қарашлари ана шу ғояни амалга оширишга қаратилгандир.

Сионизм –Қуддус яқинидаги Сион (Синай) тепаликларидан бирининг номидан олинган бўлиб, шу тепаликда Мусога илоҳий китоблар нозил қилинган. Сионизм дастлаб яхудийларнинг жаҳон миқёсида таъкиб қилинишига қарши тузилган ҳаракат бўлиб, 1897 йили Швейцариянинг Базель шаҳрида яхудийларнинг 1-Жаҳон конгресси чақирилиб, унда сиёсий оқим-таълимот сифатида ташкил топган.

Тарихга назар ташласак, мил. авв. 63 йилда Рим империяси яхудий давлатини босиб олган эди. Шундан сўнг яхудийлар бутун дунё бўйлаб тарқалиб кетдилар. Улар қаерга бормасинлар, маҳаллий аҳолининг тили ва маданиятини ўзлаштириб олдилар, шу билан бирга ўзларининг дини, маданияти, урф-одатларини сақлаб қолдилар. Яхудийлар кўчиб борган мамлакатларнинг аксарияти улар ҳуқуқларини чекловчи қонунлар қабул қилганлар. Сионизмнинг мақсади дастлаб бутун дунёдаги яхудийларни бир жойга тўплаб, ягона Исроил давлатини барпо этишдан иборат эди. Лекин у кейинчалик яхудийларнинг миллатчилик, шовинистик мафкураси бўлиб қолди.

Яхудийлар ўзларини «олий миллат», худо томонидан танланган нуфузли халқ деган миллатчилик кайфиятини кучайтириб, сионизмга озуқа бермоқдалар. Сионистлар эса яхудийлар масаласи абадий, ҳар қандай синфлардан юқори туради, деб даъво қилиб, сионизмни жаҳон яхудий халқининг миллий –озодлик ҳаракати деб эълон қилдилар.

Жаҳон ҳамжамяти яхудийларнинг илтимосларини инобатга олиб, БМТ Бош Ассамблеясининг 1947 йилги қарорига биноан Фаластинда Исроил давлатини тузишга рухсат берди. 1948 йил 14 майда Исроил давлати ташкил топди, яхудийлик унинг расмий давлат дини деб эълон қилинди, сионизм эса давлат мафкурасига айланди. Сионизм ташкилотининг маркази АҚШда бўлиб, у бугунги кунда жуда катта кучга эга.

Яхудийликда жуда кўп урф-одатлар, маросимлар, байрамлар, тақиқ ва буйруқлар мавжуд. Унга кўра, ҳар бир яхудий 365 та тақиқни ва 248 та буйруқни ёд билиши шарт. Уларда кундалик турмуш тарзи яъни ейиладиган овқатдан тортиб кийимларгача, кун бўйи қилинадиган юмушлар ҳам белгилаб қўйилган. Қисқаси, яхудийлар бирор қадамини дуосиз боса олмайди. Янги туғилган ўғил бола 8 кунлигида хатна қилинади, болаларга 5-6 ёшидан оқ диний таълим берилади, аёл киши эрининг итоаткори ва шунинг учун у шукур қилиши керак, деб ҳисобланилади.

Яхудийлар туя, чўчка, куён, от, эшак гўштларини емайдилар, улар ейдиган ҳайвон гўштида қон доғи бўлмаслиги керак, шунинг учун ҳам ҳайвонлар махсус қассоблар томонидан сўйилади.

Яхудий эркакларининг кийимлари узун, бир хил матодан тикилган бўлиши, боши ҳатто уйқусида ҳам бирор нарса билан беркитилган бўлмоғи лозим. Ҳафтанинг шанба куни қатъий равишда дам олиш куни деб белгиланган, бу куни ҳеч қандай иш қилинмайди, овқат пиширилмайди, олов ёқилмайди, ҳатто пулга қўл текизилмайди.

Яхудийларнинг бир неча байрамлари бўлиб, булар пасха, ўрим-йиғим байрами, янги йил, гуноҳларини кечиришни сўраш куни, алоҳида чайлаларда яшайдиган етти кунлик куз байрами, «Библия» тарихига бағишланган баҳор байрами кабиларни кенг нишонлайдилар. Бу байрамлар одатда 10 кун давом этади.

Хўш, яхудийлар қандай қилиб Ўрта Осиёга келиб қолишган? Баъзи маълумотларга қараганда, яхудийлар оссурия қувғинлари натижасида мил. авв. ВИИ-ВИ асрларда Эронга кўчиб кела бошлаганлар. Аҳмонийлар Ўрта Осиёни босиб олган даврда яхудийлар Эрон орқали бизнинг ўлкамизга кўчиб келиб турли шаҳарларга жойлаша бошлаганлар. Яхудийлар қаерга кўчиб бормасин яхудийлик дини ва унинг мукаддас китоби - «Таврот»ни ўз эътиқодининг асоси қилиб олганлар. Гарчи улар Бухоро яхудийлари деб аталсада, кўпроқ Самарқанд, Каттақўрғон, Шаҳрисабз, Кармана ва бошқа шаҳарларда маҳаллий аҳолидан четроқда тинч ҳаёт кечиришни

афзал кўрганлар. Кейинчалик улар Тошкент, Андижон, Қўқон ва бошқа шаҳарларга ҳам тарқалганлар. Ҳозирги пайтда уларнинг аксарияти Исроил ва яҳудийлар жам бўлиб яшайдиган бошқа мамлакатларга кўчиб кетишган.

Веда динлари милоддан аввалги 1 минг йилликда Ҳиндистон аҳолисининг кўпчилиги эътиқод қилган дин бўлиб, унда дастлаб табиат ҳодисалари илоҳийлаштирилган. Ведалар-илоҳий билим ёки муқаддас билим маъносини билдиради. Бу динда худолар дастлаб табиат кучлари ва ҳодисалари инсон кифоасига ўхшатиб тасвирланган. Унда турли даврларда ёзилган бир неча китоблар бўлиб, улар ибодат, маросимлар, фалсафий таълимотлар, тарихий ахборотларни ўз ичига олган, лекин бошқа динлардан фарқли ўлароқ улар ниҳоясига етказилмаган ва кейинчалик уларга қўшимчалар киритиш имконияти сақлаб қолинган.

Ведаларда 33 та, баъзи манбаларда 333 та ёки 3339 та афсонавий худолар тилга олинади. Бу худоларнинг энг машҳурлари - Агни-олов худоси, Индра-ёмғир ва момақалдиноқ, Сурья-қуёш, Варуна-осмон, Сом-ой ва кайф берадиган ичимликлар, Вритра – қурғоқчилик худоси қабилардир. Бу динда худоларга қурбонлик қилиш, сиғиниш асосий ибодат ҳисобланиб, худоларга овқат, ҳайвонлар, махсус ичимликлар (сому) эҳсон қилиш ва бошқа расм-русумлар бажарилади. Унда дастлаб алоҳида руҳонийлар ва ибодатхоналар бўлмаган. Кейинчалик қоҳинлар ва уларнинг юқори табақалари- брахманлар келиб чиқди. «Ригведа»ведаларнинг 4 та муқаддас китобидан бири бўлиб, унда 1028 та мадҳия шеърӣ услубда ёзилган. Уларда худоларга мурожаат қилинади, диний маросимлар, осмон жисмлари, табиат ва жамиятда бўй берадиган воқеалар тасвирланади, ибтидоий одамлар мадҳ этилади.

Брахмонлик ведалар дини маросимларининг ўта мураккаблашиб кетиши ва аҳолининг уларни бажариши қийинлашганлиги оқибатида келиб чиқди. Ведалар китобида зикр этилган ҳинд олий табақалари “брахма” деб аталиб, улар асосан қоҳинлик вазифасини адо этишган. Ведалар таълимоти ислоҳ қилиниб, янгича қонун ва қоидалар ишлаб чиқилди, улар брахмонлик динига асос қилиб олинди. Брахмонликда Ведалар динидаги кўпгина худоларнинг ўрнига учта худо : Брахма, Шива, Вишну қабул қилинган. Брахма-қоинотни яратувчиси, унга жон ато этувчи, Шива-табиатни вайрон этувчи яъни ёвуз, Вишну-табиатни сақловчи, мурувватли деб тушунилади.

Кўпчилик Ҳиндистонда сигир ҳозиргача муқаддас деб эъзозланишини, қўчаларда, одамлар яшайдиган жойларда ва ҳатто бозорларда бемалол юришини, хоҳласа қўкат ва меваларни еб қўйишини билади. Бу брахмонликдан қолган бўлиб, бу динда сигир билан бирга маймун, айрим ўсимликлар ҳам муқаддас саналган.

Брахмонлик таълимоти жамиятни ижтимоий табақага бўлишга-кастачиликка асосланади. Унда 4 та каста (табақа) бўлиб, брахмонлар энг юқори ҳисобланиб, худонинг тилидан яратилган ва худолар номидан гапириш ҳуқуқига эгадир. Иккинчиси-қшатрийлар. Улар худонинг қўлидан яратилган бўлиб, подшоҳлар, князлар, жангчилар шу табақага киради. Учтинчиси-вайшилар бўлиб, улар худонинг сонидан яратилган, унга савдогарлар, хунармандлар киради ва ниҳоят шудралар худонинг оғидан яратилган деган ривоятлар мавжуд. Оддий халқ шудра табақасига кирган. Уларнинг аҳоли оғирлигига ўзлари, ниятлари, ҳислатлари, ёмон ҳатти-ҳаракатлари, ахлоқи сабабчи деб белгиланган. Бу диндаги кастачилик мил. авв. В асрда яшаган Ҳиндистон ҳукмдори Ману қонунларида мустаҳкамланган. В-В асрларда пайдо бўлган буддавийлик брахмонликка қарши кураш олиб борди ва аста-секин у ҳиндуийликка айланиб кетди.

Ҳиндуийлик қадимги ведалар ва брахмонлик асосида мил. авв. В асрда вужудга келган. Бу диний тасаввурлар, урф-одатлар, диний маросимлар ва ҳаётӣ тартиботлар йиғиндисидан иборат бўлиб, у брахмонликдаги каста таълимотини инкор этган. Алоҳида диний эътиқод сифатида ўрта асрларда ҳукмрон мафкурага айланган.

Ҳиндуийлик брахмонлик билан буддавийлик ўртасидаги кураш оқибатида вужудга келган бўлиб, кўп худоникка асосланган. У брахмонликдаги 3 та худони тан олади. Бу диннинг таълимотига кўра, оламни Брахма яратган. Ҳиндуийлик таълимотига кўра, олам маълум давр ичида яшайди. Оламнинг ҳар бир яшаш даври 4 миллиард 320 миллион йилга тенг деб ҳисобланади. Бу вақт ичида юксак тараққиёт сўниб, емирилиш содир бўлади, деб тасаввур қилинади. Ҳозирда Брахмага сиғиниш йўқ, ҳиндлар асосан Вишну ва Шивага сиғинадилар.

Ҳиндуийлик дини талабларига кўра, мурда кўмилмайди, қуйдирилади. Мурда Ганг дарёси ёқасида қуйдирилса у жаннатга тушади. Кишилар дарё сувидан идишларига солиб ўзлари билан олиб келиб, марҳумнинг кўмиш маросимида иштирок этишга улгурмаган қариндош-уруғларига улашиб ичирадилар. Унинг яна кўпгина маросимлари борки, Ҳиндистонда яшаб турган аҳолининг шу динга эътиқод қиладиган 83 фоизи бунӣ яхши билади. Бу дин бошқа динлар билан

мураса қилиб, улардан ўзларига зарур деб ҳисобланган томонларини олиши билан ажралиб туради. 4 та кастадан биттасига мансуб киши ҳиндуийликка кира олади.

Жайнизм - мил. авв. VI асрда Ҳиндистонда вужудга келган. Асосчиси кшатрия кастасидан чиққан афсонавий Вардхамана Махавирадир. (у жинна ҳам дейилган ва жайнизм шундан келиб чиққан). Бу таълимот 24 устоз-пайғамбар орқали етиб келган бўлиб, энг сўнггиси-жиннадир («ғолиб» дегани) Жинна барча тўсиқларни енган шахс сифатида танилган. Жинна тарафдорлари ўзларининг афсонавий пайғамбарига худога сиғингандек сиғинишган.

Жайнизм фалсафий оқим сифатида мил. авв. III-II асрларда шаклланган. Бу фалсафанинг асосий манбаи «Жайнасутра» (жайна афоризмлар)дир.

Жайнизм тарафдорлари оламни илоҳий куч яратган –деган фикрни рад этиб, олам абадий, ўз-ўзидан мавжуд деб ҳисоблаганлар. Улар олам икки хил-жонли ва жонсиз моддиятдан иборат дейдилар.

Бу дин кастачилик тузумига қарши эди. Жайнизмда моддий дунё ёвузликлардан иборатлиги ва одам ана шулардан холос бўлиши учун курашмоғи кераклиги таълимот даражасига кўтарилган. Лекин бунга фақат тақводорлик билан ҳаёт кечириш орқалигина эришилади.

Жайнизмда иккита асосий йўналиш мавжуд. Биринчиси- дигамбарлар - ҳаётнинг барча лаззатларидан, ҳатто никоҳга киришдан ҳам воз кечувчилардир, улар оддий хашоратларга ҳам зиён етказмайдилар. Иккинчиси - шветамбар бўлиб, улар эски қонун ва ақидаларни тиклаб, уларга қонун тусини бериш, ҳаётнинг ҳамма лаззатларидан ҳам воз кечмаганларга бўлинадилар. Бу диннинг талаблари ғоятда қаттиқ бўлганлиги учун у Ҳиндистонда кенг тарқалмай қолган.

Синкхййлик - Ҳиндистонда XVI асрда вужудга келган энг ёш динлардандир. «Синкх» сўзи “шоғирд” деган маънони билдиради. Унинг асосчиси Панжобда 1469 йилда туғилган Нанак исмли шахс бўлиб, бу диннинг вужудга келишига 2 та сабаб бор. Биринчиси - Ҳиндистонда узок вақт инсонларнинг шаъни ва ҳуқуқини камситиб келган кастачиликка ва иккинчиси - мусулмонларнинг мамлакатга бостириб кириши бўлган. Бу динга кейинчалик деҳқонлар ҳам қўшилади ва диний жамоа ҳарбий-демократик ташкилот тусини олади. Синкхййликдаги асосий ғоя диний табақаланишни тугатиш, ҳаммани ягона динга бирлаштиришдир.

Синкхййлик ҳаракати XVII асрда Панжобда кучли давлатни тузиш билан якунланди. Бу давлат инглизлар босиб олгунгача, яъни 1859 йилгача яшади.

Синкхййлик таълимоти «Грантх Соҳиб» («Жаноб китоб»)да баён этилган бўлиб, у асосан устознинг ҳаёти ҳақидаги лавҳалардан иборат. Унинг таълимотига кўра, худо ягона ва абадий, худога ишониш ва уни севиш айни пайтда одамларга меҳр-муҳаббатни ҳам ифодалайди. Бу эса ўз навбатида кастачиликни, инсоннинг жамиятдаги мавқеи ва унинг диний эътиқодини ҳисобга олмайди, худо олдида бой ҳам, бечора ҳам, бошқа динларга эътиқод қилувчилар ҳам тенгдир. Худо ҳар бир одамнинг қалбида бўлмоғи лозим. «Ҳар бир синкхййнинг ҳаётдаги асосий мақсади,-деб таълим беради бу дин,-худони тўла англаб етишидир». Бу динда ўзини худога бахшида этиш, унинг дунёвий ҳаётдан юз ўгиришини билдирмайди, аксинча бу дин фаоллик билан ҳаёт кечиришни қўллаб - қувватлайди, унинг асосида меҳнат ётиши керак деб ҳисоблайди.

Синкхййликда инсон тақдири ҳақидаги ақида мавжуд бўлиб, унинг тақдири ҳаётлигида қандай ишлар қилганлигига боғлиқ. Инсонда 5 та қусур мавжуд, -деб таълим беради бу дин. Булар нафрат, кибр-ҳаво, очкўзлик, ҳаёт неъматларига ўчлик ва унга бутунлай боғланиб қолишдир.

Юқорида айтганимиздек, синкхййликда кастачилик қораланади. Шунинг учун бу диннинг ибодатхоналари 4 томондан қирадиган қилиб қурилган бўлиб, унинг эшиклари 4 та каста учун ҳам очикдир, деган маънони билдиради. Жамоага қабул қилиш онглилик ва ихтиёрийлик асосига қурилган, жамоа аъзолари бир қанча расм-русумларни бажаришлари, чунончи, ханжар, темир билакузук тақиб олишлари, калта чарм шалвар кийиб юришлари, соч-соқолини олдимасликлари талаб этилади. Ҳозирги пайтда Ҳиндистондаги 17 миллион одам унга эътиқод қилади, мамлакатда ҳиндуийлик ислом ва христианликдан сўнг 4-ўринда туради.

Даосизм. Мил. авв. IV-III асрларда Хитойда пайдо бўлган. Даосизм аслида фалсафий таълимот бўлиб, у мил. авв. III асрда дин сифатида тўла шаклланди. Хитой донишманди Лао-Цзининг қаламига мансуб “Дао-Дэцзин” китобида бу диннинг фалсафий принциплари баён қилинган.

“Дао”-йўл дегани бўлиб, у осмон худоси рамзига яқин бўлган. Одамлар шу йўл билангина дунёнинг турли-туманлигини билиб олади. Бу диннинг таълимотига кўра, бахтиёр бўлишни

истаган ҳар бир одам фақат шу йўлдан бориши, даони тан олиши ва у билан бирлашиб кетиши лозим. Даосизм фаолиятсизликни тарғиб қилган.

Даосизм динида 3 худо –Шан-Ди, Лао-Цзи ҳамда дунёнинг яратувчиси Пант-ГУ бошчилигидаги худолар пантеони шаклланган. «Дао» диний мазмун касб этган йўлгина бўлиб қолмай, аини пайтда у ҳаёт тарзи, усули, принциплари ҳамдир. Лао-Цзи таълимотида диалектик қарашлар билан бирга фаолиятсизлик, ҳаракатсизлик, хотиржамлик кабилар муҳим ўрин тутди. У подшо ҳокимиятини жуда юқори қўйган. Унинг фикрича, дао улуг, осмон улуг, ер улуг, подшо улуг.

Шан-Ди осмон худоси, олий рух, қудрат ва осмон ўғиллари бўлган императорларнинг отаси бўлган. Бу дин ўз ибодатхоналари, муқаддас китоблари ва руҳонийларига эга.

В асрга келиб даосизм диний таълимотга, маросимлари расмийлаштирилиб давлат динига айлантирилган. Унга эътиқод қилганларнинг дунё қарашлари турлича бўлиб, улар ичида дунёдан юз ўгирган зоҳидлар ҳам, олий ҳузур-ҳаловатга эришмоқчи бўлганлар ҳам бор. Кейинчалик бу дин ҳукмдор синфнинг манфаатига бўйсундирилди ва юқори табақага хизмат қила бошлади. Шунинг учун у ўзининг илғор маърифий аҳамиятини йўқотиб борди ва тарки дунёчиликни тарғиб қила бошлади. Шу сабабли унинг тарафдорлари камайиб кетди.

Конфуцийлик мил. авв. 551-479 йилларда яшаган хитой мутаффакири, файласуфи ва педагоги Кун-Цзи (Конфуций) таълимоти асосида вужудга келган. Унинг фалсафий қарашлари “Лун-юи” («Сухбатлар ва мулоҳазалар») номли китобда баён этилган. Милоднинг бошларида ушбу фалсафий таълимот асосида конфуцийчилик дини вужудга келди ва Хань сулоласи ҳукмронлиги даврида давлат динига айлантирилди.

Конфуций таълимоти пайдо бўлаётган даврда Хитойда майда-майда давлатчаларни бирлаштирилиб, ягона марказий ҳокимият қарор топаётган эди. Жамиятнинг бир шаклидан, иккинчисига ўтаётган даври нисбатан анча қийин кечади ва узоқ давом этади. Бу жараён кучларнинг ўзаро қураши ва ҳатто урушлар билан кечади. Хитойда юз бераётган бундай жараёнлардан аҳолининг катта қисми ҳалокат, дунёнинг охири яқинлашаётганидан жуда ташвишга тушиб қолади. Осмон, яъни худо хоҳиши билан доно ва тadbиркор одамларга раҳм-шафқат қилувчи ҳукмдорлар ҳокимиятга келишини ҳоҳлаб қолган аҳоли кенг табақасининг самовий қудратга ишончи ортиб борар эди.

Конфуций дунёдаги барча мавжудот сингари инсоннинг тақдири ҳам самовий қудратга боғлиқ деб уқтириб, тақдирга ишониш масаласини қаттиқ қилиб қўяди, одамларнинг олижаноблиги ёки тубанлигини, юқори ёки паст табақага мансуб эканлигини ўзгартириб бўлмайди, деб таълим беради. Унинг асосий мақсади ҳукмрон тузумни сақлаб қолишга қаратилган бўлиб, таълимотидан подшо-подшолигича, фуқаро-фуқаролигича қолаверади, яъни жамиятни ўзгартириб бўлмайди, тақдирда нима ёзилган бўлса, шу бўлади, деган маъно келиб чиқар эди. Шунинг учун ҳам конфуцийчилик энг аввал бошданок ҳукмрон синф манфаатларини ҳимоя қилиш, одамларни мавжуд тартиб-қоидаларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашни мақсад қилиб қўйган қараш сифатида вужудга келган.

Жамиятнинг қандай бўлиши кўпинча инсон ҳатти-ҳаракатига боғлиқ,-дейлади Конфуций таълимотида. У ҳамма қусурлардан холи бўлган инсон идеалини яратиб, барчани ана шу юксак инсондай яшашга даъват этган. Бундай одам инсонпарварлик ва ўз бурчини адо этишдек юксак фазилатга эга бўлиши керак. Одамларга инсонпарварлик қонунини Осмон («жень») юборади, жамият аъзолари уни ўрганиб олиш учун ахлоқ меъёрларига, қоидаларига, урф-одат, маросимларга амал қилиши, жамиятда эгаллаб турган мавқеига қараб иш тутиши керак.

Конфуцийлик белгиланган диний тартибларни қаттиқ туриб бажаришни талаб қилган. Конфуцийнинг ўзи ҳаётлигида диний қоидаларни сидқидилдан бажарган. Шу асосда ҳар бир оиланинг ўз ибодатхонаси бўлиб, унга аждодларининг тимсоли бўлган «Чжу» тасвирини жойлаштирган ва унинг ёнига қурбонликлар қўйиб, диний маросимларни бажарган.

Конфуцийликда ижтимоий-ахлоқий масалаларга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, инсонларнинг ҳатти-ҳаракатлари, ҳаёт тарзи анъанавий беш муносабатдан иборат деб белгиланган. Булар:

- - давлат бошлиғи билан амалдорлар ўртасидаги;
- - ота-оналар билан болалар ўртасидаги;
- - эр билан хотин ўртасидаги;
- - ака-укалар ўртасидаги;
- - дўст-биродарлар ўртасидаги муносабатлардир.

Юқоридаги муносабатлардан биттаси, яъни ота-она билан болалар ўртасидаги муносабатни олиб кўрсак, унда бола олдида 5 та вазифа юклатилган.

- - Ҳар доим ота-онани тўла ҳурмат қилиш;
- - Уларга энг суюкли таомлар келтириш;
- - Ота-она бетоб бўлиб қолганида чуқур қайғуриш;
- - Ота-она вафот этганида юрак-юракдан ачиниш.;
- - Улар хотирасига тантанали равишда қурбонликлар қилиш.

Конфуцийлик дини ўзига қадар мавжуд бўлган анъаналарни, уруғ-қабилавий маросимларни мустаҳкамлашдан иборат бўлиб, Конфуцийнинг ўзи ҳеч қандай янги таълимот яратмагани, фақат эски тартиб-қоидаларга, маросимлар ва кўрсатмаларга қаттиқ амал қилганини айтган. “Дафн этиш ва қурбонлик қилиш маросимини йўқ қилинг-чи, деган эди у, - унда болалар вафот этган ота-оналари хотираси ҳақида ўйламай, тирикларига эса хизмат қилмай қўядилар. Пин-Цзинь маросимини йўқ қилинг-чи, унда подшо билан амалдорлар ўртасидаги фарқ йўқолиб кетади, кичик-кичик князчалар ўзбошимчалик қила бошлайдилар, натижада таъқиб этиш ва зўравонлик бошланади»

Хитойликлар учун эркак томонидан фарзандсизлик бўлиш энг ёмон фожеа ҳисобланган. Демак, авлод қолдириш масаласига катта эътибор берилган.

Конфуцийлик дини жамиятни табақаларга бўлинишини оқлаб, император олий худонинг ердаги вакили деб ҳисоблаган. Демак, унинг таълимоти императорлик ҳокимиятини ҳимоя қилган.

Конфуцийлик динининг «Си-шу» (тўрт китоб) ва «У-Цзин» (беш китоб) деган муқаддас китоблари бор, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам диний китоблар эмас. Уларда сеҳргарлик, дуолар, афсонавий императорлар тарихи, маросимлар, ҳикматли сўзлар, табақаларга бўлиниш ҳақидаги қарашлар ўз ифодасини топган. Ушбу китоблардан дин маросимларининг император томонидан тайинланадиган мансабдорларнинг амалга ошириши, дин билан давлат ишлари бир шахс қўлида бўлганлигини, ва бундай тартиблар ҳукмрон доираларни бутунлай қанотлантиргани маълум бўлади. Давлат амалдори бўлишнинг шартларидан бири-конфуцийлик дини асосларини мукамал билиш бўлган. Бу динда руҳонийлар қатлами бўлмаган, ҳамма маросимлар давлат амалдорлари томонидан адо этилган.

Синтоизм (шинтоизм)- “синто”- япончада «худо йўли» деган маънони билдириб, у милодий VI-VIII асрларда шаклланган. Бу диннинг вужудга келишида буддавийликнинг таъсири жуда катта. Буддавийлик ибодатхонасига тақлид қилиб синтоийлик ибодатхоналари ҳам қурила бошлаган, худолар тасвирлари ясалган. Японияда икки дин бир-бири билан яқинлашиб, буддавийлар ибодатхоналари ичида синтоийлик худолари учун бурчаклар ташкил этилди. Бу худолар «ками» деб аталиб, баъзан улар буддавийлик худолари билан тенглаштирилган. Айни пайтда синтоийлик худолари дафнхоналари буддавийлик худолари билан тўлдирилган. Япония императорлари шу жойларга дафн қилинган.

IX асрга келиб иккала дин руҳонийлари биргаликда яшаш-ребу-синто (икки бирлик) модулини ишлаб чиқдилар. Унга кўра иккала диннинг қўшилиб кетиши кўзда тутилган эди. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда Японияда соф буддавий ёки синтоийлик динидаги одам камдан кам учрайди.

Синтоийликнинг давлат дини сифатида тан олинishiда Мейдзи ислоҳоти натижалари катта аҳамиятга эга бўлди. Маълумки, XIII асрнинг охирида Японияда ҳарбий-феодал зодагонлар императорни давлатни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этишиб, ҳокимиятни ўз қўлларига оладилар ва мамлакатда бир неча аср давомида ўзаро феодал курашлари давом этади. XVI асрга келиб йирик феодал хонадонлар христианлик динидан нажот топмоқчи бўлишди ва католик динидагилар билан яқинлаша бошлайдилар. Бироқ XVII асрга келиб Япония ягона давлатга бирлаштирилади, христианлар мамлакатдан ҳайдаб чиқарилади.

1867-1868 йиллардаги Мейдзи ислоҳоти натижасида Японияда императорнинг дунёвий ҳокимияти тикланиб синтоийлик давлат динига айлантирилади. Шу муносабат билан император буддавийликни ман этишга уриниб кўради, лекин буддавийлик дини японлар ҳаётига чуқур кириб кетганлиги учун бу ҳаракат натижасиз қолади. Мақсади амалга ошмагач, ҳукмрон доирлар бу икки динни бир-биридан ажратиб ташлашга уриниб кўрдилар ва синтоийлик ибодатхоналаридан буддавийликка оид тасвирлар, буюмларни чиқариб ташлайдилар. Лекин бу ҳам тўла охирига етказилмади. 1869 йилда Японияда диний эътиқод эркинлиги эълон қилинади. Шундан кейин ҳаётий маросимлар (чақалокка дуо ўқиш, никоҳ) синтоийлар ибодатхонасида, дафн, хотирлаш маросимлари буддавийлик ибодатхоналарида ўтказиладиган

бўлди. Синтоийлик 1946 йил 1-январда император ҳокимиятининг илоҳийлиги ва японларнинг бошқа халқлардан устунлиги тўғрисидаги аввалги давлат доктринасини қораловчи хатни эълон қилди.

Синтоийлик кўп худолик дини бўлиб, унда қуёш худоси (Аматэрасу), Бўрон худоси (Сусано-во) ва дехқончилик худоси (Инари) бор. Синтоийлик ақидалари буддавийликка нисбатан анча соддалиги билан ажралиб туради. Бу дин ер юзидаги мавжуд дунё масалалари билан шуғулланади. Унда нариги дунёга қизиқиш кам учрайди.

Синтоийлик таълимотининг асосини-император ҳокимиятининг илоҳийлиги тўғрисидаги ақида ташкил этади. Император саройи муқаддас жой ҳисобланади. Улар дафн этилган жой эъзозланиб, муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган маросимлар ва байрамлар уларни хотирлаш кунига боғлаб ўтказилади.

Дин талабига кўра, оила бошлиғи ҳар куни ибодат қилади ва қурбонлик келтиради. Ҳар бир оилада меҳроб бўлиб, ундаги кичкина қутичага вафот этган оила аъзоларининг номи ёзиб борилади.

Синтоийлик маросимлари жуда содда бўлиб, унда дуо сўзлари ўқилади, гуруч, сабзавот, балиқ кабилар қурбонлик қилинади. Бу динда тозалик, покликка жуда катта эътибор берилади. Ҳар йили 30 июл ва 31 декабрда умумхалқ покланиш тадбирлари ўтказилади. Японияда диний фанатизм ва диний зиддиятлар кам учрайди. Ҳозирги пайтда японлар ўртасида синтоийликнинг таъсири унчалик қучли эмас.

АДАБИЁТЛАР:

1. Жўраев У ва Саиджонов Й. “Дунё динлари тарихи” -Т.: Шарқ, 1998.
2. Асқаров А. Ўзбекистон тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1995.
3. Диншунослик. Маърузалар матни. –Т.: 2000.
4. Васильев Л.С. История религий Востока. –М.: Выс. школа, 1988.
5. Открытие Индии философский и эстетические воззрения в Индии XX века. –М.: Худ. лит-ра., 1987.
6. Бхагаван Шри Раджниш (Ошо) Дао путь без пути. –М.: 1994.
7. История китайской философии. –М: Прогресс, 1989.
8. Конфуций. Жизнь Учение Мысли Изречения Афоризмы. –Мн.: Совр. слово, 1998.

12-МАВЗУ: ЗАРДУШТИЙЛИК РЕЖА

1. Зардуштийликнинг вужудга келиши.

2.Зардуштийликнинг таълимоти

3.Авесто-зардуштийликнинг муқаддас китоби

4.Авесто ва унинг таркибий қисмлари

Вужудга келиши. Зардуштийлик мил. ав. II-I минг йилликларда Марказий Осиёда вужудга келган диндир. Зардуштийлик таълимотига кўра, бу дин *вахй* орқали нозил бўлган. У инсониятга бошқа барча динларга нисбатан бевосита ва билвосита энг кўп таъсир ўтказган диндир. Инсоният тарихида ҳар бир киши устидан илоҳий ҳукм амалга оширилиши, жаннат ва жаҳаннам, қиёмат-қойим, унда таналарнинг қайта тирилиши, тана ва руҳ қайта бирлашиб мангу яшаши ҳақида биринчи бор шу дин доирасида фикр юритилди. Кейинги асрларда бу ғоялар яҳудийлик, христианлик ва бошқа динлар тарафидан ўзлаштирилди. Айтиб ўтиш жоизки, ушбу дин пайдо бўлган давр ва унинг ватани – ҳали фанда охиригача тўлиқ ечилган масалалар эмас. Зардуштийлик дини пайғамбар Зардушт номига нисбат берилиб, шартли равишда шундай атаб келинади. Аслида эса у мазкур диннинг муқаддас китоби ҳисобланмиш Авестода «Маздаясна» дини деб аталган. Бу сўзни «Маздага сиғинмоқ» деб таржима қилиш мумкин. «Мазда» сўзи «дониш, донишманд, оқил» каби талқин этилади.

Зардуштийлик яна «Беҳдин», яъни «Энг яхши дин» деб ҳам улуғланган. Унинг таълимотига кўра, барча эзгу борлиқ Мазданинг иродаси билан яратилган. «Мазда» сўзи олдида улуғлаш маъносини англатувчи «Ахура» қўшилиб, зардуштийликнинг илоҳиёти – Ахура-Мазда номи пайдо бўлган. Бу – «Жаноб Мазда» ёки «Илоҳ» демакдир.

Зардушт номи тадқиқотларда Заратуштра, Зардуст, Зороастр кўринишларида ҳам ишлатилади. Тадқиқотчилар ўртасида Зардуштнинг тарихида бўлган ёки бўлмаганлиги борасида турли фикрлар

мавжуд. Баъзилар уни тарихий шахс деб билсалар, бошқалар афсонавий шахс деб ҳисоблайдилар. Манбаларнинг хабар беришича, у тахминан мил. ав. 1200-570 йиллар орасида яшаган илоҳиётчи, файласуф, шоирдир. Тадқиқотчи М. Бойс таъкидлашича, у мил. ав. 1500-1200 йиллар орасида яшаган. Зардушт Марказий Осиё ҳудудида мавжуд бўлган кўпхудоликка негизланган қадимий диний тасаввур ва эътиқодларни ислоҳ қилиб, янги динга асос солди.

Зардуштнинг туғилган ва илк диний фаолиятини бошлаган жой хусусида икки хил қараш бор.

Биринчиси – «Ғарб назарияси» бўлиб, унга кўра Мидия (ҳозирги Эрон ҳудудида) Зардуштнинг ватани ва зардуштийликнинг илк тарқалган жойи ҳисобланади. Бу фикр тарафдорларининг далили шуки, биринчидан, зардуштийликнинг Қадимги Эрон ҳудудларида кенг тарқалганлиги бўлса, иккинчидан, зардуштийликнинг муқаддас китоби саналмиш Авестога кейин ёзилган шарҳларнинг қадимий эрон-пахлавий тилида бўлганлигидир. Эътибордан чиқармаслик керакки, зардуштийлик уч буюк Эрон империяси – Аҳамонийлар, Аршакийлар ва Сосонийлар даврларида, яъни мил. ав. VI асрдан то мил. VIII асригача кетма-кет айнан Яқин ва Ўрта Шарқда давлат дини мақомида бўлган.

Иккинчиси, «Шарқ назарияси» бўлиб, унга кўра, Зардушт ватани ва зардуштийликнинг илк тарқалган жойи Хоразм ҳисобланади. Кўпчилик манбашунослар иккинчи назария тарафдорларидирлар. Хоразм зардуштийликнинг муқаддас олови Озархурра биринчи бор ёкилган ва энг буюк худо – Ахура-Мазданинг Зардушт билан боғланган жойи ҳисобланади. Зардуштийликнинг асосий манбаси Авестода: «Биринчи бор муқаддас олов – «Озархурра» «Аирианем-Ваэжа» (баъзи манбаларда – «Эран-веж»)да ёкилди», - дейилади.

«Аирианем-Ваэжа»нинг географик ва иқлимий тавсифи Хоразмниқига тўғри келади. Авестода Ахура-Мазда томонидан яратилган «Баракат ва нажот» соҳиби бўлган бир қатор мамлакатлар зикр этилади ва уларнинг энг биринчиси, «дунёда ҳеч нарса чиройига тенг кела олмас Аирианем-Ваэжа», кейин эса «одамлар ва чорва подаларига мўл» Суғд, «кудратли ва муқаддас» Моуру (Марв), «баланд кўтарилган байроқлар мамлақати» Бахди (Бақтрия) зикр этилади.

Зардуштийлик таълимоти. Зардуштийлик таълимоти Марказий Осиёда ибтидоий даврда мавжуд бўлган табиат кучларини илоҳийлаштирувчи эътиқодларга (Марказий Осиё қадимги аҳолисининг «эски дини»га) нисбатан монотеистик таълимотдир. У беҳуда қон тўкувчи қурбонликлар, ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик урушларини қоралаб, ўтроқ, осойишта ҳаёт кечиришга, меҳнатга, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга даъват этади.

Моддий ҳаётни яхшилашга уринишни ёвузликка қарши кураш деб ҳисоблайди. Зардуштийлик динида кўриқ ер очиб, уни боғу роғга айлантирган одам илоҳиёт раҳматига учрайди. Аксинча, боғлар, экинзорларни, суғориш иншоотларини бузганлар катта гуноҳга қоладилар. Зардушт инсонларга тинч-тотув яшашни, ҳалол меҳнат қилишни ўргатмоқчи бўлади. Бунга кўра инсоннинг бу дунёдаги ҳаётига яраша нариги дунёдаги тақдири ҳам бўлажак, ҳар бир инсон ўлгандан сўнг ўзининг бу дунёдаги қилмишига яраша абадий роҳат – жаннатга ёки ёмон ишлари кўп бўлса, на хурсандлик ва на ҳафалик кўрмайдиган аросат жой – *мисвонгату*га тушади.

Зардуштийлик негизида оламнинг қарама-қаршиликлари кураши асосига қурилгани туради: яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, ҳаёт ва ўлим ўртасида абадий кураш давом этади. Барча яхшиликларни Ахура-Мазда ва барча ёмонликларни Анхрамайню (ёки Ахриман) ифодалайди.

Ахура-Мазда инсонларга эзгу ишларни баён этиб уларга амал қилишни буюради, ёмон ишлардан сақланишга чақиради.

Зардуштийликда имон учта нарсага асосланади: фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги. Ҳар бир зардуштий кунига беш марта ювиниб, покланиб, қуёшга қараб, уни олқишлаб сиғиниши шарт.

Зардуштийлик ибодатхоналарида доимий равишда олов ёниб туради. Уларда дунёдаги тўрт унсур – сув, олов, ер ва ҳаво улуғланади.

Зардуштийлик дафн маросими ўзига хос бўлиб, ўлганлар бир неча паст, баланд «сукут миноралари» – *дахмалар*га солинади, у ерда мурдаларнинг гўштларини қушлар еб, суяқларини тозалайди. Гўштдан тозаланган суяқлар махсус сопол идишларга солиниб, минора ўртасидаги қудуққа сочиб юборилади. Бунда *поклик* билан *нопоклик*нинг бир-бирига яқинлашмаслигига эришилади.

Зардуштийлик дини дунёдаги энг қадимий динлардан бири ҳисобланиб, мил. ав. XIII – VI асрларда Марказий Осиё, Озарбайжон, Эрон ва Кичик Осиё халқлари унга эътиқод қилганлар. Эронда Сосонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида унинг муқаддас китоби Авесто руҳонийлар

томонидан оғзаки ривоятдан йиғилиб, биринчи марта китоб шаклига келтирилган. Айрим қисмларига, айниқса, «Видевдат» бўлимига ўзгартиришлар киритилиб, қайта ишланган.

ВИИИ асрда Ўрта Осиёга ислом дини кириб келиб кенг тарқалгунига қадар зардуштийлик маҳаллий халқларнинг асосий дини ҳисобланган. Буни, жумладан, археологик тадқиқотлар исботлайди.

Ҳозирги кунда зардуштийликка эътиқод қилувчи диний жамоалар мавжуд. Улар Ҳиндистоннинг Мумбай (Бомбей, Ғужарот штатларида 115 минг кишига яқин), Покистон, Шри Ланка, Буюк Британия, Канада, АҚШ, Австралия ва Эроннинг (Техронда 19 минг кишидан ортиқ) баъзи чекка вилоятларида сақланиб қолган. Эрон Ислом Республикасида зардуштийлик динига эътиқод қилиш қонун томонидан рухсат этилган. Мумбайда зардуштийларнинг маданий маркази Кома номидаги институт фаолият олиб боради. Ундан ташқари Мумбайда ҳомий Дхалла раислигида дунё зардуштийлари маданияти фонди ишлаб турибди. 1960 йилда зардуштийларнинг И умумжаҳон конгресси Техронда ўтказилди. Кейинги конгресслар Бомбейда ўтказилди.

Авесто. Авесто зардуштийликнинг асосий манбаси ва муқаддас китоби ҳисобланади. У Апастак, Овисто, Овусто, Абисто, Авасто каби шаклларда ҳам ишлатиб келинган. Авесто Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг исломгача даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятини ўрганишда муҳим ва ягона манбадир. Унинг таркибидаги материаллар қарийб икки минг йил давомида вужудга келиб, авлоддан-авлодга оғзаки тарзда узатилиб келинган.

Зардуштийлик дини расмий тус олгунига қадар Авестонинг бўлаклари Турон ва Эрон замини халқлари орасида тарқалган. Ушбу – Ахура-Мазданинг Зардушт орқали юборилган илоҳий хабарлари деб ҳисобланган бўлақлар турли диний дуолар, мадҳиялар сифатида йиғила бошланган. Булар Зардуштнинг ўлимидан кейин китоб ҳолида жамланган ва «Авесто» – «Ўрнатилган, қатъий қилиб белгиланган қонун-қоидалар» деб ном олган.

Бу қадимий ёзма манба бизгача тўлиқ ҳолда етиб келмаган. Авесто ҳақида Абу Райҳон Беруний (ваф. 1048 й.) шундай ёзади: «Йилнома китобларида бундай дейилган: подшоҳ Доро ибн Доро ҳазинасида [Абистонинг] 12 минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни қуйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтда Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди».

Авестонинг Александр Македонский томонидан Грецияга олиб кетилгани, зарур жойларини таржима эттириб, қолганини қуйдиртириб юборгани, 12 минг қорамол терисига тилло матн ҳақида (ат-Табарийда – 12000 пергамент) кейинги даврларда яратилган зардуштийлик адабиётида («Бундаҳишн», «Шаҳриҳои Эрон», «Динкард»; IX аср, «Арда Вираф-намак»; IX аср, «Тансар хатлари», ал-Масъудийнинг «Муруж аз-заҳаб», «Форс-нома» ва бошқаларда) маълумотлар бор. Бу асарларда юнонлар оташхоналарни вайрон қилганлари, ибодатхоналар бойликларини талон-тарож этганлари, дин арбобларини ўлдириб, асир олиб кетганликлари ҳақида ёзилади. Ҳозир бизгача етиб келган Авесто, Берунийнинг ёзишича, аслининг бешдан икки қисми холос. У «Авесто 30 «наск» эди, мажусийлар (зардуштийлар) қўлида 12 наск чамаси қолди» деб ёзган.

Ёзма манбаларга кўра, ҳақиқатан ҳам Авестони *мўбад*лар авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга олиб ўтиб, асрлар оша сақлаганлар. Бунинг сабаби *мўбадлар* мағлуб халқлар (Яқин ва Шарқ халқлари) ёзувини *ҳаром* ҳисоблаб, *муқаддас хабарни* унда ифодалашга узоқ вақт журъат этмаганлар. Даставвал (мил. II ёки III асрларида), Аршакийлар даврида Авесто қисмларини тўплаш бошланган. Кейинчалик Сосоний Ардашер Попакон (227-243) даврида, айниқса, Шопур (243-273) даврида астрология, табобат, риёзиёт ва фалсафага оид қисмлари ёзиб олиниб, ҳамма қисмлари тартибга келтирилган, сўнг бу асосий матн тўлдириб борилган. Авестонинг ана шу тўлдирилган нусхасининг икки тўлиқ қўлёзмаси Ҳиндистонда сақланади – бири Мумбайда зардуштийларнинг маданий маркази бўлмиш Кома номидаги институтда, иккинчиси – Калькуттадаги давлат кутубхонасида.

Авестонинг энг қадимий қисмларида Зардушт туғилган ва ўз фаолиятини бошлаган юрт ҳақида маълумот берилган. Унда айтилишича, «бу мамлакатнинг кўп сонли лашкарларини ботир саркардалар бошқарадилар, баланд тоғлари бор, яйлов ва сувлари билан гўзал, чорвачилик учун барча нарса мухайё, сувга мўл, чуқур қўллари, кенг қирғоқли ва кема юрар дарёлари ўз тўлқинларини Иската (Скифия), Паурута, Моуру (Марв), Харайва (Арея), Гава (суғдлар яшайдиган юрт), Хваразм (Хоразм) мамлакатлари томон элтувчи дарёлари бор».

Шубҳасиз, «кенг қирғоқли, кема юрар дарёлар» бу Амударё ва Сирдарё бўлиб, Авесто тасвирлаган мазкур шаҳарлар Ўрта Осиё шаҳарларининг бу икки дарё қирғоқларида жойлашганларидир.

Шунга асосланиб, биз Зардуштнинг ватани, зардуштийликнинг илк макони ва Авестонинг келиб чиқиш жойи деб – Хоразм, тарқалиш йўналиши деб – Хоразм-Марғиёна-Бақтрияни айта оламиз.

Авестонинг «Ясна» китобида баён этилишича, Зардуштнинг ватандошлари унга ишонмай, унинг таълимотини қабул қилмаганлар. Зардушт ватанни тарк этиб, қўшни давлатга кетади, у ернинг маликаси Хутаоса ва шоҳ Кави Виштаспанинг хайрихоҳлигига эришади. Улар Зардушт таълимотини қабул қиладилар. Натижада қўшни давлат билан уруш бошланиб, Виштаспа ғалаба қозонади. Шундан сўнг бу таълимот халқлар ўртасида кенг тарқала бошлаган. Кейинги давр ривоятига қўра, Шоҳ Кави Виштаспа фармони билан Авесто китоби ўн икки минг мол терисига ёзиб олиниб, оташкадага топширилган.

Авестонинг таркибий қисмлари. Авесто зардуштийлик муқаддас китобларининг мажмуидир. У – мураккаб тўплам. Авестонинг сақланиб қолган тўртта китобидан биринчисининг номи «Видевдат» (ви-даеводатам – «Девларга қарши қонун») деб аталади. Ушбу китоб Авестонинг сақланиб қолган китоблари орасида энг муқаммали ҳисобланади. У йигирма икки боб бўлиб, боблари *фрагард* деб номланган. *Фрагард*ларнинг маъноси, вазифаси, услубий тузилиши турлича: биринчи *фрагард* – одамлар яшайдиган барча юртларни Ахура-Мазда қандай яратгани тўғрисида бўлиб, улар орасида Хоразм, Суғд, Марғиёна, Бахди (Балх) ва бошқалар бор; иккинчи *фрагард*да Жамшид подшолиги – касаллик, ўлим, азоб-укубатлар бўлмаган замон ҳақида, яъни инсониятнинг олтин асри ҳақида гап боради; учинчи *фрагард* деҳқончиликнинг савобли шарофатлари ва ҳ.к. ҳақида. Шунингдек, Видевдатнинг бошқа *фрагардларидан* Зардушт билан Ахура-Мазданинг савол-жавоблари ва мулоқотлари ҳам ўрин олган.

Иккинчи китоб «Ясна» деб аталиб, Авестонинг эътиборли бўлими саналади. Ясна – яз ўзагидан бўлиб, «сажда, топинч, намоз» маъноларини ифодалайди. Ясна 72 бобдан иборат бўлган. Боблари *ҳа*, *ҳаитий* деб аталган. Ҳар бир *ҳа* зарур ўрнига қараб маросимларда, ибодатларда қўшинлар томонидан ўқилган, қавмлар унга эргшиб ибодат қилганлар. Ясна китоби (*наск*) таркибига Зардушт ўзи ижод қилган тарғибот шеърлари ҳам кирган. Улар Яснанинг 28-34, 43-46, 47-50, 51, 53-жами бўлиб, 17 та ҳасини ташкил қилади. Зардушт шеърлари илмий адабиётда *гаталар* деб атаб келинади. *Ҳа* – «башорат» демакдир. Яснанинг 35-42-ҳалари айниқса, юксак қадрланган. Бу етти *ҳа* *Ҳаптанхати Ясна* – «Етти боб Ясна» деб номланган. Улар орасида оловнинг муқаддаслиги ҳақида боб бўлиб, зардуштийлик урф-одатлари орасида оловга эътиқод қилиш, диннинг эса «оташпарастлик» деб аталиши шунга боғлиқ. Бинобарин, олов Ахура-Мазда нурунинг қуёшда намоёнлиги ва унинг ердаги зарраси деб ҳисобланган. Олий ҳақиқат *Арта* ҳам оловда ўз ифодасини топган. Олов ҳақни ноҳақдан, энг олий гуноҳ ҳисобланмиш ёлғонни ростдан ажратиб берган. Ёлғон эса чин эътиқодга хиёнат деб қораланган. *Арта* сўзи фонетик ўзгариб, дастлаб *атар*, ҳозир эса *отаи* шаклида ишлатилиб келмоқда.

Учинчи китоб «Висперед» деб номланган. У 24 бобдан ташкил топган ва ҳар бир боб алоҳида *карде* деб аталиб, маъбудлар шаънига ўқилган дуолар ва ибодат устида уларга мурожаатлар ҳамда оламни билишга доир панд-насихатлардан иборатдир. Уни ибодат намозлари йиғиндиси ҳам дейишади. Айни пайтда у Яснага қўшимча ҳисобланади.

Тўртинчи китоб «Яшт» (гимн) деб аталади. У Авестонинг энг қадимий қатлами бўлиб, 22 бобдан иборат. Ҳар бир боб Ахура-Маздадан бошлаб, у яратган ва унинг маълум вазифаларини бажарувчи маъбудлар шаънига айтилган мадҳиялардан иборат.

Авестонинг бизгача етиб келмаган китобларидан баъзи қисмлари унинг йиғма парчалар тўплами «Хўрдак Авесто» китобида жамланган. Масалан, Эҳрпатастан китобидан *мўбадлар* (қўшинлар) учун қонун-қоидалар, диний бошқарув тизимига хос маълумотларга оид қисмлари, Нирангастан – диний-мавсумий, ижтимоий маросимлар тартиб-қоидалари қисми, 20-*наск*да жоннинг у дунёдаги аҳволи ҳақидаги қисми ва бошқалар шу китобда сақланган.

Авесто ҳақида энг муҳим манба IX асрга оид «Динкард» (дин амаллари) асаридир. Унда Авестонинг 21 китоби тўла таърифлаб берилган. Бу таърифлар савобли ишлар йўриқномаси; диний маросимлар ва расм-русумлар қондаси; зардуштийлик таълимоти асослари; дунёнинг Ахура-Мазда томонидан яратилиши; охират куни ва ундаги ҳисоб-китоб; фалакиёт; ижтимоий-ҳуқуқий қонун-қоидалар; Зардуштнинг туғилиши ва болалиги; ҳақ йўлини тутиш; жамият аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқлари; девлар, жинлар каби ёвуз кучларга қарши ўқиладиган дуолар, амаллар ва бошқалардан иборатдир.

Зардуштийлик дини ҳақида француз олими Анкетиль-Дюперрон жуда қимматли маълумотлар қолдирган. Масалан, Анкетиль-Дюперрон 1755 йилда Ҳиндистонга илмий сафар қилиб, у ердаги зардуштийлар орасида уч йил яшаган, уларнинг ибодатлари, урф-одатларини яхши ўрганган ва

Авестони француз тилига таржима қилган. Уч жилдлик таржима 1771 йилда нашр этилган. Айни пайтда, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, олимларимизнинг фикрича, Авесто Ғарбий Европа, Эрон ва Ҳиндистон тиллари орқали бизга етиб келгани учун ундаги номлар, атамалар аксарият ҳолларда аслига тўғри келмайди. Авестода туркона жиҳатлар кам қолган.

Зардуштийликни ўрганиш ҳозирги кунларда ҳам фаол олиб борилмоқда. Таъкидлаш керакки, бу соҳадаги тадқиқотлар Ўзбекистон учун алоҳида аҳамият касб этади. Чунки миллий қадриятлар ва кўп қатламли диний тажрибада мазкур диннинг тутган ўрни бекиёсдир.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Зардуштнинг ватани қаерда?
2. Зардуштийлик қандай даврда юзага келди?
3. Зардуштийликнинг муқаддас китоби нима?
4. Ҳозирги пайтда зардуштийлик динига эътиқод қилувчилар қаерларда мавжуд?
5. Зардуштийлик таълимоти асослари нималардан ташкил топган?
6. Зардуштийлик амалиёти нималардан иборат?
7. Зардуштий дафн маросимлари қандай?
8. Етти пок ва етти нопок унсурлар қайсилар?

Адабиётлар

1. «Авесто» китоби – тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи» мавзуидаги илмий-амалий семинар материаллари. Т., 2000.
2. Исҳоқов М.М. Халқ даҳосининг қадимги илдизлари ва илк куртаклари (Зардуштийлик, Зардушт ва Авесто ҳақида) // «Тил ва адабиёт таълими» журнали, 1992, № 2, б. 3-12.
3. Маҳмудов Т. «Авесто» ҳақида. Т., 2000.
4. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т., 1997.
5. Авеста в русских переводах (1861-1996) / Составитель И.В. Рак. Изд. 2-е, исправ. Санкт-Петербург, 1998.
6. Авеста: Избранные гимны... Перевод с авест. И.М. Стеблин-Каменского. Душанбе, 1990.
7. Авеста: Избранные гимны. Из Видевдата / перевод с авест. И.М. Стеблин-Каменского. М., 1993.
8. Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи. 2-е издание, исправ. М., 1988; 3-е издание, полностью перераб. Санкт-Петербург, 1994.
9. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности: Тексты и исследования / Отв. ред. А.Н. Кононов. М.-Л., 1951.
10. Мифы народов мира. В 2-х томах. М., 1991.
11. Рак И.В. Мифы древнего и раннесредневекового Ирана. Санкт-Петербург-М., 1998.
12. Хеннинг W. А Библиографхй он Олд Ираниан Субжестс. Техеран, 1946.

13.Мавзу: Буддавийлик

Режа:

1. Буддавийликнинг вужудга келиши ва унинг жаҳон динига айланиши.
2. Сиддхартга Гаутама – буддавийлик асосчиси.
3. Буддавийлик таълимоти.
4. Буддавийлик дининининг тарқалиши.

Илмий адабиётларда буддавийлик, христианлик ва ислом жаҳон динлари сифатида ўрганилади. Жуғрофий нуқтаи назардан ушбу динлар тарқалмаган ўлка, мамлакат деярли учрамайди. Ушбу жаҳон динлари асосланган ва илгари сурадиган умуминсоний ахлоқий-фалсафий қарашлар жаҳондаги турли таълимотларга, тузумлар ва таълим-тарбия тизимларига таъсир этиб келадики, бу омил уларни жаҳонда кенг тарқалган динлар сифатида қарашга ундайди.

Буддавийлик эр.ав. VI-V асрларда Ҳиндистонда юзага келган. Ўша пайтларда Ҳиндистонда уруғ-қабилачилик муносабатлари емирилиб, кулдорлик муносабатлари шаклланаётган эди.

Маълумки, ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши кишилар ҳаётига ё ижобий ёки акс таъсир кўрсатади, уларнинг ўз даврига муносабатларини ё чуқурлаштиради ёки кескинлаштиради. Ана шундай ўзгаришлар даврида турли ижодий, фалсафий, диний ва сиёсий оқимлар, қарашлар юзага келади ва улар келгуси тараққиётни белгилаб беради.

Ҳиндистонда кенг тарқалган брахмонлик давр талабларига жавоб бермай қўяди. Ундаги табақавий ёндашиш, тоат-ибодатларнинг тор доирадаги кишилар томонидан халққа тушунарсиз тилда олиб борилиши каби омиллар брахмонликни ёт эътиқодга айлантиради.

Бундан ташқари Ҳиндистонда турли князликлар мавжуд бўлиб, улар ўртасида тез-тез тўқнашувлар, урушлар содир бўлиб турар, ушбу низолардан эса оддий халқ, хунарманд ва деҳқонлар азоб тортарди. Демак, ушбу князликларни бирлаштиришга объектив эҳтиёж мавжуд эди.

Баъзи адабиётларда буддавийлик қулдорлик тузуми дини сифатида юзага келган деган фикр учрайди. Бу фикрни асослаш учун буддавийликдаги «ёмонликка қарши бош кўтармаслик керак» деган ғоя келтирилади. Халқларни, кишиларни бирлаштириш ғояси деярли барча динларда мавжуд. Юқоридаги фикр қулдорларни қўллаб-қувватлашга, уларга итоат этиб яшашга эмас, балки кишилар психологиясини яхши билган кишининг ўзаро муроса қилиб, муроса йўллариини излаб яшашга даъватидир. Шунинг учун буддавийликнинг юзага келиши негизида Будда изланишларининг хусусиятлари, ўзига хос талқинлари ва янги ғояларни илгари суриш усуллари ётади. Унинг аввало Шарқий Ҳиндистон, кейин Ҳиндистон ва бошқа минтақаларга кенг тарқалиши эса, шаклланаётган янги муносабатлар ва давр эҳтиёжларининг натижасидир.

Буддавийликнинг асосчиси Шакья князлиги ҳукмдорининг ўғли Сидхарта Гаутамадир. «Будда» эса унинг «ҳақиқат нажоткори» деган кейинги номидир. Баъзан уни «нурланган», «софланган», «камолот йўлини топган» деган сўзлар билан ҳам аташади.

Будданинг дунёга келиши ҳақида турли ҳикоялар, ривоятлар мавжуд. Баъзан унинг туғилишини ер қимирлаши, мамақалдиروқлар гумбурлаши, чақмоқлар чакиб бутун оламга комил бир зот келганидан хабар берувчи овозлар эшитилган, дейишади. Ҳатто Будда онасидан чордона қурган ҳолда туғилган, шунинг учун хайкалларда у чордона куриб ўтиради, деган ғайритабиий фикрлар юради. Хуллас, илоҳий зотларнинг туғилиши ҳам илоҳийона афсоналар билан йўғрилган бўлади.

Шакья қабиласининг ҳукмдори Шуддходана фолбинни ўз олдига чақириб, ўғли келгусида ким бўлишини билиб беришини сўрайди. Фолбин, ўғлинг истаса шоҳ, йирик давлатнинг ҳукмдори, истаса кишиларнинг маънавий ҳаётига йўлбошчи бўлиши мумкин, деб башорат қилади. Подшоҳ ўғлини ўз меросхўри бўлишини, давлатни мустаҳкамлаб, уни идора этишини истарди. Шунинг учун у Сидхартхани дунё ишларига жалб этиш учун ҳамма чораларни кўради. Аммо шаҳзода катта бўлгач, ҳаётдаги лаззатлардан тўла баҳраманд бўлиб, ҳамма нарсанинг ўткинчи эканини англаб етгач, кишиларни азоб-уқубатлардан халос этиш йўллариини топишга аҳд қилади. Суюкли фарзанди ва хотинидан, шоҳона яшашдан воз кечиб зоҳидлик йўлига киради. Етти йил ўрмон ичида ҳаёт азоб-уқубатлари, машаққатлари ва улардан кишиларни халос этиш йўллари ҳақида бош котиради. Оч, юпун яшайди, бутун борлиғи билан нажот йўллариини излайди.

Будданинг ҳаёти «Абнихишкрамансутра» (1 аср), «Ниданакатха» (1 аср) «Махавсоту» (2 аср) «Лалитавистара» (1-2 асрлар) каби асарларда ўз аксини топган. Худди шунингдек Будда ҳаёти ҳақида фалсафий, бадиий асарлар ҳам ёзилган.

Будда ўз таълимотини 40 йил тарғиб этди, аммо у кишиларни маънавий-ахлоқий камолга эриштириш жуда қийин иш, асло амалга ошириб бўлмайдиган вазифа эканлигини умрининг охирида англаб етади. Топган ҳақиқатларини одамларга етказди, камол топган киши сифатида обрў топди, шогирдлар орттирди, лекин давлат, тахт, ер учун курашаётган шоҳлараро низоларни тўхтаолмади. Умринг охирида ўзаро урушдан вайрон бўлган юртини кўриб, ридоси билан бошини беркитганича ерга тиз чўқади. «Ҳаммаси ўткинчи, ҳаммаси ўтар» деган афсус-надоматларга тўла сўзлари унинг ҳаёти ва изланишларининг ўзига хос якуни бўлди.

Буддавийликда тушкунлик етакчи ўринда туради, у кишини борлиқдан, ҳаётдан кечиб яшашга ундайди деган фикр мавжуд. Ҳақиқатан ҳам динда тушкунликка мойил фикрлар, қарашлар бор, аммо у маънавий-ахлоқий камол топиш йўллари йўқ дегани эмас. Буддавийликда кишини ахлоқий камолотга етаклаш бош ғоядир.

Илк буддавийликда «тўрт олий ҳақиқат» ёки «тўрт йўл» ҳақида фикр юритилади. Улар:

1. Ҳаёт азоб-уқубатлардан иборат;
2. Ушбу азоб-уқубатларнинг сабаблари мавжуд;
3. Азоб-уқубатлардан қутулиш мумкин;
4. Азоб-уқубатлардан қутулиш йўллари дидир.

Туғилиш азоб, касаллик азоб, яқин кишиларининг йўқотиш азоб, демак, ҳаёт азоб-уқубатлардан иборатдир. “Ушбу азоб-уқубатларнинг,- дейди Будда,- сабаблари, боислари мавжуд. Улар нафс, хоҳиш-истак, яшашга берилиш, ҳирс, меҳр ва б. Ушбу сабаблар боис киши бу дунёга ўзини

боғлайди, агар истаклар қондирилмаса азият, азоб тортади, зўравонликка, ахлоқсизликка йўл тутаети. Бирок бу боислар, истаклар киши устидан мутлақ ҳукмрон эмас, уларни бартараф этиш, улардан қутулиш мумкин. Улар бир-бирига боғлиқ «саккизлик»дан иборатдир.

1. Такводорлик этикоди.
2. Такводорлик қатъияти.
3. Такводорлик сўзи.
4. Такводорлик ҳаракати, фаолияти.
5. Такводорлик турмуши.
6. Такводорликка интилиш.
7. Такводорликни орзу қилиш.
8. Такводорлик ўйи билан яшаш.

Диққат билан кузатсак, ушбу йўллар ўртасида бир-бирига яқинлик кўп. Уларнинг ҳаммасида ҳаром-ҳаришдан, ёмон ишлардан сақланиш, пок яшашга даъват бор. Ушбу йўлларни босиб ўтган одам нажот топади, азоб-уқубатлардан халос бўлади ва нирванага етади.

Будда ушбу такводорлик йўллари осонлик билан, шахснинг ўз истаклари билангина амалга ошади, деб ўйлашдан узоқ бўлган. У, «ўзинг ўзингга халоскорсан, ўзинг ўзингга нажоткорсан, нажотни яқка ўзингдан изла», десада, шахс мураккаб ижтимоий муносабатларга банди эканлигини унутмаган. Будда асос солган сангха ҳам аслида иттифоқ бўлиб, ижтимо тарзда комиллик йўлларини қидиришга қаратилган эди. Ибодатхонада яшаганларнинг тилаб топганларининг бир қисмини йиртқич ҳайвонларга, иккинчи қисмини етим-есирларга, учинчи қисмини ожиз ҳаммаслакларига бўлиб бериши зарурлиги ҳам зоҳидона камол топиш мумкин эмаслигини кўрсатади.

Будда таълимотига кўра, олам уч поғонадан иборат. Пастки поғонада одамлар ва ҳайвонлар яшайдилар. Бу поғонада руҳ қафасда бўлиб, у тинмай ташқарига, юқори поғонага интилади. Одам эзгу ишларни қилса, хирсга, нафсга берилмаса, Будда таълимотига амал қилиб яшаса, руҳ навбатдаги поғонага кўтарилиши мумкин. Қуйи поғонада ёмон ниятли ва ёмон ишларни қиладиган одамлар яшайди. Улар ҳаёт азоб-уқубатларини тортиш учун яна ва яна туғилаверади.

Иккинчи поғонада ҳаёт азоб-уқубатларидан холос бўлган, аммо учинчи поғона-нирванага етолмаган кишилар яшайди. Улар авлиёлар, покланиш йўлига кирган кишилардир. Ушбу поғона «бодисатва» деб аталади.

Учинчи поғона нирванадир. Унда азоб-уқубатлардан мутлақ озод бўлган, нурланган, покланганлар яшайдилар. Улар хирсдан, нафсдан, ердаги одамларни ўзига банди этадиган ташвишлардан холидирлар. Мутлақ осойишталик уларнинг шод, бахтиёр яшашини таъминлайди. Жон, руҳ қайта туғилмайди, у мутлақ ором қўйиладир.

Нирванага етиш, ҳатто киши гуноҳлардан ўзини тийган бўлса ҳам, қийин. Айрим манбаларга қараганда нирванага етган кишилар кўп эмас.

Будда юқоридаги такводорлик йўлларига амал қилишни ахлоқий талаблар билан ҳам қўшишга интилади. Худди шунинг учун ҳам буддавийликка дин эмас, балки ахлоқий-фалсафий таълимот сифатида қараш мавжуд. Ушбу ахлоқий талаблар қуйидагилардан иборатдир.

1. Ҳеч бир тирик мавжудотни ўлдирмаслик.
2. Ҳеч кимнинг мол-мулкига кўз тикмаслик.
3. Аёлларга меҳр қўймаслик.
4. Алданмаслик.
5. Ичкилик ичмаслик.

Ушбу ахлоқий талабларнинг айримларини христианлик ва исломда ҳам учратамиз. Масалан, «бировнинг молига, хотинига, кўз олайтирма», дейди Исо алайҳиссалом. Ислом эса ёлғон гапиришни, ичкилик ичишни гуноҳ деб билади.

Буддавийлик ИИИ асрга келиб Ҳиндистон доирасидан чиқиб, Афғонистон, Эрон ва Ўрта Осиё ҳудудларига ҳам тарқалди. Подшо Ашока (мил.авв. 273-232йй.) эса уни ўз давлатининг расмий дини деб эълон қилди. Будда таълимотига оид манбаларни, китобларни, халқ ичидаги афсона, ривоят ва Будда ҳаётига оид ҳикояларни тўплаттирди. Кушонлар давлатида ҳам расмий дин даражасига кўтарилди. Буддавийликнинг бундай кенг тарқалиши унда хинаяна (кичик доира) ва махаяна (катта доира) оқимларини юзага келтирди.

Хинаяна тарафдорлари Будда тириклигида ишлаб чиқилган тартибларни, ижтимо бўлиб нажот топиш усуллари (сангха)ни ёқлайдилар. Улар нирванага фақат буддавийлик руҳонийлари

етишиши мумкин деб ҳисоблашади. Бу ақида нирвана таълимотини тор тушуниш натижасида юзага келган бўлса ажаб эмас.

Махаяна тарафдорлари Буддани худо деб қарашади. Улар нирванага ахлоқий талабларга амал қилган ҳар қандай киши Будда таълимотига етишиши мумкин, деган фикрни илгари суришади. Бу эса буддавийликнинг ахлоқий нормаларига мос келади.

Худди шунингдек, махаяна тарафдорлари буддавийликка жаннат ҳақидаги догмани ҳам олиб кирдилар. Бу Сиддхартханинг тириклик даврида йўқ эди. Умуман Будда худо, жон, рух ҳақида фикр юритишдан қочган. Унинг учун камолот йўли инсоннинг ахлоқидадир.

Махаянанинг энг муҳим оқимларидан бири ламаизм ҳисобланади. У XIV-XV асрларда Тибетда шаклланган. «Лама» сўзи тибетча бўлиб энг улуғ будда роҳиби деган маънони билдиради. Худди шунингдек буддавийликда дзэн-буддизм, Нитирэн, Тхеравада, «Соф Замин» сохта оқимлари ҳам мавжуд.

Буддавийлик таълимотига оид кўпгина манбалар сақланиб қолган. Улардан энг асосийси «Трипиатка» (“уч сават”) ҳисобланади. Ундаги баёнлар уч боб (қисм)дан иборат. Биринчи боб (қисм) Винайпитака деб аталади. У ҳам уч боб (қисм)дан иборат. Унда сангха (ибодатхона)да яшовчиларнинг ахлоқига, юриш-туришига, кийинишига оид тартиблар баён қилинади.

Иккинчи босқич (қисм) Абхидханма-питакадир. У етти қисмдан ташкил топган бўлиб, унда буддавийликнинг фалсафий, психологик масалалари баён этилади.

Учинчи боб (қисм) Сутта-питака деб аталади. Будданинг ҳикматли сўзлари, ўғитлари ҳамда афсона, ибратли суҳбатларидан иборатдир. Кенг доирадаги кишиларга мўлжаллангани учун уни «буддавийлик энциклопедияси» деб ҳам аташади.

Худди шунингдек Будда таълимоти «Дхаммапада», «Сутта-нипата», «Жатака» каби бир қатор манбаларда ҳам ўз аксини топган.

Ушбу асарларда диний, мистика ёки спиритуализмдан кўра реал ҳаёт билан боғлиқ ахлоқий, сиёсий, ижтимоий ва кишилараро муносабатларга оид фикрлар, қарашлар жамланган.

Афғонистон худудида кушонлар давридан қолган буддавийликнинг ўлмас ёдгорлиги сақланиб келинаётган эди. Бу жуда катта муқаддас жой толибларнинг ваҳшийлиги туфайли 2001 йил бошларида портлатиб юборилди ва улар бу билан нақадар жаҳолат ботқоғига ботганларини кўрсатдилар.

Ҳозир ер юзидан 500 миллиондан зиёдроқ одам буддавийликка эътиқод қилади. Буддавийликнинг тарафдорлари Марказий, Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё, Европа, шимолий Америка, Россияда тарқалган. Шри-Ланка, Бирма, Таиланд, Лаос, Камбоджа, Вьетнам, Тибет, Бутан ва Японияда у асосий дин ҳисобланади. Ҳиндистонда мил.авв. VI асрда пайдо бўлган буддавийлик Хитой, Корея ва Индонезия давлатларида ўзига зарур тарихий шарт-шароитлар топди ва шу давлатлар халқларнинг асосий диний эътиқодига айланди.

Буддавийлик қадимий ҳинд диний фалсафий таълимотлари асосида вужудга келган. Унинг асосини “Ҳаёт бу азоб –уқубатдир”, ва “нажот йўли мавжуд” деган ғоя ташкил этади. Унинг таълимотига кўра, инсон ўзига мослашган мавжудот бўлиб, ўзидан туғилади, ўзини ўзи ҳалок этади ёки қутқаради. Булар Будданинг илк даъватида мужассамлашган 4 ҳақиқатда ўз ифодасини топган.

1. 1. Азоб-уқубатлар мавжудлиги ҳақидаги таълимот бўлиб ҳар бир тирик жон уни бошидан кечиради, шунинг учун ҳар қандай ҳаёт азоб –уқубатдир. Демак туғилмоқ, яшамок, касаллик, ўлим ва бошқалар азоб-уқубатлардир. Дунё тузилишининг асосий қонуни бир-бирига боғлиқлик. Ҳеч бир нарса сабабсиз бўлмайди, лекин унинг сабабини билиш мумкин эмас. Буддавийлик дунё қандай бўлса, уни шундайлигича қабул қилишга чақиради. Буддавийлик таълимотига асосан худо бор нарса, хох у моддий бўлсин ёки маънавий, у дхарма (элемент)лардан тузилган. Улар ҳаракатсиз бўлиб, уларни ҳаракатлантирувчи куч инсон ҳаёллари ва сўзларидир. Инсонни ташкил этувчи 5 та шакл яъни тана, сезги, ҳис-туйғу, ҳаракат ва англаш бўлиб, инсон улар орқали яшайди ва борлиқ билан алоқада бўлади.
2. Азоб-уқубат, қийноқларнинг сабаби мавжудлиги ҳақидаги таълимот бўлиб, инсон моддий нарсалар ва маънавий қадриятлардан фойдаланиб, уларни ҳақиқий ва доимий деб ҳисоблайди ва уларга эга бўлиш учун доимо ҳаракат қилади. Будда манбаларида: “Ташналикдан меҳрибонлик келиб чиқади, меҳрибонликдан борлиқ юзага келади, борлиқдан туғилиш юзага келади, туғилишдан эса қарилик ва ўлим, бахтсизлик, ғам-ғусса, азоб-уқубат, хўрлик, умидсизлик пайдо бўлади. Демак, қайта туғилиш ва янгидан қийноқларга дучор бўлиш давом этади” дейилган.

3. Азоб-укубат, қийноқларни бартараф этиш ҳақидаги таълимот. Ҳар қандай ҳаёт,- дейилади Будда таълимотида, -барча мавжудотга азоб берувчи ёмонликдир. Ёмонлик ва қийноқларнинг сабаби –инсон ва барча тирик мавжудотлар бу дунёга боғланганлиги, кўнгил қўйганлигидир”. Демак, азоб-укубат ва қийноқлардан қутилиш учун кишилар ўзларининг истак ва нафсларини жиловлаб олишлари керак.
4. Азоб-укубат ва қийноқлардан қутилишнинг нажот йўли борлиги ҳақидаги таълимот ўз мазмунини қуйидаги 8 та олижаноб йўлда мужассам этади.
 - 1) тўғри маслак, тўғри нуктаи –назар –бу доноликдир.
 - 2) Тўғри ният. Бу барча мавжудотга дўстона муносабатда бўлишни, ҳар қандай шароитда ҳам руҳан вазмин бўлишни англатади.
 - 3) Тўғри юриш-туриш. Ўғирлик қилмаслик, тирик мавжудотни ўлдирмаслик, ноқонуний никоҳда бўлмаслик, маст бўлмаслик, ёлғон гапирмаслик.
 - 4) Тўғри сўз. Ёлғон гапиришдан, фиску-фасод суҳбатлардан, бўҳтонлардан, миш-мишлардан ўзини тийиш.
 - 5) Яшашнинг тўғри даромад манбаига эга бўлиш.
 - 6) Тўғри хатти-ҳаракат. Ёмон фикрламаслик, фойдали ўй-фикрлар билан яшаш.
 - 7) Тўғри хотирлаш. Бу Будданинг ахлоқ нормаларига амал қилиб яшашида муҳим аҳамиятга эгадир.
 - 8) Фикр-этиборни тўғри нарсаларга қаратиш. Бу инсонга Будда таълимоти қоидаларидан чалғимаёй яшаш имконини беради.

Будда азоб-укубатлар мутлақо тўхтамайдиган нарса, борлиқнинг ҳаммаси азоб-укубатдан қийноқлардан иборат, - деб таълим беради. Нажотнинг 8 йўли тақводорлик-монахлик йўлини ихтиёр қилганларга насиб этади. Монахлар –бу дунё лаззатлари ва ҳаётий эҳтиёжларидан воз кечиб яшовчилардир.

Будда ҳаётлик чоғида монахлик жамоасини тузган ва у “сангха” деб аталган. Ҳаёт лаззатларидан воз кечиб яшаш учун нақадар қийин бўлсада, лекин буддада монахлик қатлами жуда юқори ва тез суръатлар билан тарқалган. Буларнинг 2 та сабаби бор.

Биринчиси буддавийлик кастачилик тартибларини инкор этганлиги; Иккинчиси тарки дунё қилганлар билан дунёвий ҳаёт кечирувчилар бир-биридан ажратиб ташланмаганлиги. Дунёвий ҳаёт кечирганлар монахларга ҳар томонлама ёрдам берганлар. Бой-бодавлат кишилар уларни боқишган, уй-жойлар куриб беришган.

Нажотнинг олижаноб “саккизлик йўли”га амал қилганлар охир-оқибатда юксак камолотга эришганлар. 4 ҳақиқатни англаб етган монах авлиё деб тушунилган. Улар архат дейилган. Ана шундай монах авлиё –нирванага ўта олган.

Буддавийлик дини ҳар доим замонга мослашиб борган. Лекин будда таълимотидан ўзаги сақланган. Бу ўзак унинг ушбу сўзларида ўз аксини топган: “Океан суви битта таъмга –шўр таъмга эга бўлганидек, менинг таълимотим ҳам бир йўсинга қутқаришга мўлжалланган. Одам бажарадиган энг муҳим вазифа –атроф –муҳитни итоатдан қутқаришга эришишдир.”

Буддавийликнинг асосий мақсади –фақат одамзотнинг озод бўлишига йўл-йўриқ кўрсатибгина қолмай, балки бутун нарсани қутқаришга мўлжалланган. Иродага эга бўлиш ва уни бирдан –бир мақсадга бўйсундира олиш –буддавийлик идеалидир.

Будданинг шогирдларига айтган сўнгги васияти: Ҳирсу –ҳавас жамийки бахтсизликларнинг сабабчиси. Вақт ўтиши билан ҳамма нарса ўзгаради, шунинг учун ҳеч нарсага кўнгил боғламанглар. Бунинг ўрнига кўнгилни тоза тутинглар. Ҳаракат ва абадий бахт изланглар!

Буддавийликнинг маросим ва байрамлари

Эрталабки ва кечки ибодат ҳар куни адо этилади. Бунда дуолар ўқилади ва сажда қилинади. Ибодат Будда тасвирига қараб бажарилади. Тасвир атрофига тароват тарқатувчи гуллар қўйилади, шамлар ёқилади. Гулларнинг қуриши дунёнинг ўткинчи эканлиги, шам нури дунёнинг нурланганлиги рамзидир.

Дунёвий ҳаёт кечирувчи буддавийлар монахларга егулик келтирадилар.

Бир ойда 2 марта “тийилиш куни” ўтказилади. Бунда ҳақиқатнинг 8 лик йўли талаблари такрорланади. Монахлар дунёвий ҳаёт кечирувчи диндорлар устига сув сепадилар. Улар эса ерга сув сепадилар.

Буддавийликда яна дунёга келишни, балоғат ёшини нишонлаш, никоҳ, янги уйга кўчиб ўтиш, аждодларни хотирлаш, дафн этиш каби маросимлар бор.

Буддавийлик байрамлари –янги йил, Будда туғилган куни, нурланган ва вафот этган кунлари байрам қилинади. Янги йил байрами апрелнинг ўрталарида 2-3 кун нишонланади. Бу кунлари буддавийлар Буддани, авлиёларни, аждодларни эслайдилар. Бунда томчилятиб сув сепилади. Бу айни вақтда ёмғир чакириш ва хотиржам ҳаёт белгиси ҳисобланади.

Буддавийликнинг тарқалиши.

Унинг тарқалишида сангха буддавийлик жамоаларининг роли катта бўлган. Улар йилнинг об-ҳавоси яхши бўлган 9 ойи мобайнида шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юришиб будда таълимотини ўрганишган. Фақат ёгингарчилик кучли бўлган 3 ой ибодатхоналарда ибодат қилиш билан шуғулланишган.

Мил. Авв. 273-232 йилларда ҳукмронлик қилган Ашока даврида буддавийлик кенг тарқалган. У бутун Ҳиндистонни ягона давлатга бирлаштириб, буддавийлик ҳаракатининг кучайишига ҳомийлик қилган ва умрининг охирида ўзи ҳам монахликни қабул қилган.

Буддавийлик милодий II асрда Ҳитойга, IV асрда Кореяга, VI асрда Японияга, XV-II-XVIII асрларда Бурятстон ва Тувага, XIX-XX асрларда Америка ва Европага тарқалган.

Ҳитой маълумотларига қараганда, буддавийликнинг Ҳитойга кириб боришида Ўрта Осиёдан борган будда олимларининг ҳиссаси катта бўлган. Тахминан 30 га яқин даъватчи олимлар Ҳитойнинг турли шаҳарларида Будда таълимотини ёйганлар.

Буддавийликнинг кенг тарқалишининг яна бир сабаби – у бошқа худоларга сиғинишни ҳеч қачон таъқиқламаган. Будда тимсоли билан бирга бошқа худолар ва муқаддас шахсларнинг рамзлари ҳам ибодатхоналардан жой олган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Диншунослик. Маърузалар матни. –Т.: 2000.
2. Открытие Индии. Философские и эстетические воззрения в Индии XX века. –М.: Худ. лит-ра, 1987.
3. Будда. Жизнь Учение Мысли Изречения Афоризмы. –Мн.: Совр. 22слово, 1998.Радхакришнан С. Индийская философия. –М.: Изд-во иностр. лит-ры, т.1, 1956.
4. Рерих Е.И. Основы буддизма. –Улан-Удэ, Бурят. книж. изд-во, 1991.

14-Мавзу. Христианлик.

РЕЖА:

1. Христианликнинг вужудга келишидаги тарихий шарт-шароитлар.
2. Христианликнинг таълимоти.
3. Христианликдаги оқимлар: католик, православ, протестант.
4. “Библия” – христианликнинг муқаддас китоби.

Ҳамма динлар ўз давридаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатларнинг таъсирида, жамият маънавий ҳаётидаги ўзгаришларга, талабларга жавоб тарзида юзага келган. Худди шунингдек, ҳеч бир дин соф тарзда пайдо бўлмаган, унинг негизида бир томондан ибтидоий диний, иккинчи томондан ўз давридаги ижтимоий-фалсафий, ахлокий қарашлар ётади. Демак, ҳамма динларда ворисийлик анъанаси мавжуд.

Дунёда кенг тарқалган динлардан бири (унга 2 млрд. дан зиёд киши эътиқод қилади) христианликдир. У Америка, Европа ва Австралияда ягона диний эътиқод сифатида тарқалган. Шу билан бирга, кейинги тарқалиши нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, христианликни Фарб ҳодисаси, дини деб қарашади. Бу ўринда христианликни Европа халқларининг эътиқоди сифатида шаклланишини назарда тутишади. Аслида христианликнинг келиб чиқиши Шарқ билан боғлиқдир.

Христианлик милоднинг бошларида Фаластин ерларида пайдо бўлган. Диний эътиқод сифатида шаклланиши ва тарқалиши Вифлеем қишлоғида туғилган Иешуа (Иисус) номи билан боғлиқдир.

Иисус ҳақидаги баҳслар ханузгача давом этиб келади. Маълум бир оқим тарафдорлари (тарихий оқим) Иисуснинг реал шахс бўлгани, у амалга оширган мўъжизалар, тарихий ҳодисалардан иборатлигини ёқлайдилар. Айниқса христиан теологлари Иисусни нафақат тарихий, шу билан бирга уни илоҳий сифатларга эга бўлган реал шахс сифатида тарғиб

қиладилар. Кейинги йилларда Иисуснинг ҳаёти, ўлими ва қайта тирилишига оид айрим манбалар, далиллар (Қумрон ғорида топилган Библия ва Иисус ҳаётига оид ёзувлар) тарихий оқим ва христиан теологларининг мавқеини мустаҳкамлади.

Тарихий оқимга зид тарзда мифологик оқим ҳам мавжуд. Ушбу оқим тарафдорлари Иисуснинг тарихий шахс эмаслигини, унинг таълимоти Яқин Шарқда кенг тарқалган ҳамда стоиклар қарашлари билан чатишиб кетадиган афсона, ривоятлар -мифлардир, деган фикрни илгари сурадилар. Агар Қадимги Миср, Икки дарё оралиғи, Бобил, Месопотамияда учрайдиган мифларга назар ташласак, уларда Инжил (Библия)га яқин, гоҳо айнан мифларга дуч келамиз. Масалан, Иисуснинг илоҳий таъсир билан бокира Марямдан туғилиши, қатл этилгандан кейин қайта тирилиши, сувни шаробга айлантириши, ўликларни тирилтириши ва бошқа мифлар шулар жумласидандир. Бундай баҳслар яна давом этиши турган гап, чунки, бир томондан илм- фан, техниканинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти ошиб ғайриҳаётий тасвирларга ўрин қолдирмаса, иккинчи томондан, инсон қалби, руҳи, ҳатто ўзини алдаб бўлса ҳам буюк, мусаффо ва олийжаноб ўйларга, тасаввур ва фикрларга интилаверади. Христианликда, теологлар ибораси билан айтганда, инсон руҳидаги бепоен чексизлик ва сермаъно ҳикматга талпинувчи куч мавжуд экан, христианлар Иисус Христосни халоскор сифатида тилга олаверадилар.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, христианлик Форс кўрфази атрофида юзага келган, кейинчалик бутун Рим империясига тарқалган бўлиб, унга яҳудийлик дини, стоиклар, айниқса Қадим Юнон файласуфи Сенека таълимоти таъсир қилган деб ҳисоблашади. Христианликка Платон идеализмининг таъсири катта бўлганлиги илмий адабиётларда асослаб берилган.

Ўрта Ер денгизи атрофларида, кенг тарқалган яҳудийлик ўз бошидан таназул ҳолатларини кечирмокда эди. Римга итоат эттирилган Иуда вилояти ички ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам қарама-қаршиликлар авж олиб, Ирод ҳокимиятининг обрўси кетган, қожинларнинг оммага таъсири сусайган эди. Кишилар ўртасида янги бир халоскор келиши зарур деган фикр кенг тарқалган. Миссия-халоскор (Христос сўзининг эквиваленти)нинг келиши ҳақидаги фикр кишилар онгини шунчалик эгаллаб олган эдики, бундан айрим шахслар фойдаланишга интилганлар. Масалан, ўнга яқин шахс ўзини халқ кутаётган ўша халоскор деб эълон қилган. Натижада миссия ҳақидаги ҳар қандай фикр ёки унга даъвогар шубҳа остига олинган. Иисуснинг қатл этилишига ҳам мана шу шубҳа сабаб бўлган.

Христианликнинг тарқалишига энг аввало ижтимоий-сиёсий ва диний кучлар қаршилик кўрсатган. Иисус (Исо) туғилиш арафасидаёқ жоҳилликка ботган динпарастлар Рим прокуратори Понтий Пилатга Вифлеем қишлоғида бир гўдак-халоскор туғилишини, келгусида у ҳокимиятни қўлга олиши мумкинлигини етказишади. Пилат қуролланган кишиларини Вифлеемга юбориб барча чақалоқларни тигдан ўтказишга буйруқ беради. Илоҳий куч ёрдамида Биби Марям ва унинг бўлажак эри Иосиф қутқариб қолинади. Иисуснинг қатл этилишини ҳам ана шу ижтимоий-сиёсий ва диний кучлар уюштирган.

Христианлик динидаги энг асосий ғоя - гуноҳ кишиларнинг халос этилишидир. Библияга кўра худо олти кунда дунёни, охириги куни эса ўз қиёфасига монанд одамни яратган. Жаннатни унга макон қилиб берибди ва олма дарахтини кўрсатиб, бунинг мевасидан ейишни ман қилибди. У билиш, эзгулик ва ёмонликни англаш дарахти экан. Иблиснинг ва хотини Момо Ҳавонинг гапига кириб Одам Ато тақиқланган мевани ебди. Одам Атонинг кўзи очилибди (шундан бери у билишга ташна, эзгулик ва ёмонлик билан яшайди). Тақиқни бузгани учун худо Одам Ато ва Момо Ҳавони жаннатдан қувибди. Христианлик таълимотига кўра Одам Ато ва Момо Ҳавонинг ушбу гуноҳи уларнинг авлодларига ҳам ўтиб келади. Ҳатто унда дастлабки одамлар 800-900 ҳатто минг йилдан умр кўргани, аммо улар илк гуноҳини ювиш ўрнига гуноҳ устига гуноҳ қилишда давом этганлиги, натижада уларнинг ёши қисқариб-қисқариб 60-70 йилга тушиб қолганлиги нақл қилинади. Ҳозир ҳам христиан теологлари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, экологик, маънавий инқирозларни ҳам инсонларда ошиб бораётган гуноҳлар таъсиридан деб қарайдилар.

Христианлик инсонни гуноҳга ботиб қолаётганини, шу билан бирга уни халос этиш йўллари ҳам кўрсатади. Бунинг учун эса кишилар энг аввало худо олдида гуноҳкор эканлигини ҳис этиб, унга тоат-ибодат этиб яшаши, Иисуснинг худо ўғли ва халоскор эканлигини тан олиши, барча ҳатти-ҳаракатларида христианликдаги ахлоқий нормаларга риоя қилиши зарур. Хуллас христианлик диний эътиқодида киши худо (Яратувчи-Ота)- Исо (Яратилган-ўғил) –Рух (Муқаддас Рух) бирлигига ишониши лозим.

Илк бор христианлик мазлумлар, “ҳақоратланган ва ҳўрланганлар” дини эди. У аҳолининг ушбу қатламини ўз атрофида бирлаштиришга, дунёга, бойликка меҳр қўймасликка даъват этиши билан ўзини ҳукмдорларга қарши қўйди. Унда мавжуд тузумни ўзгартиришга очик даъват йўқ,

хукмдорларга қарши чиқиш ҳақида фикр ҳам йўқ, балки христианликда “чап чеккангга урса, ўнг чеккангни ҳам тутиб бер”, “зўравонликни зўравонлик билан эмас, балки зўравонликни кечириб енгиш мумкин” деган ғоялар илгари сурилади.

Милодий 140-150 йиллар христианликнинг уюшган диний ташкилот, оқим сифатида шаклланиши даври бўлди. Агар милоднинг бошларида айрим олган, гоҳо бошқа динларга эътиқод қилганлар ҳам, христианликни тарғиб қилган бўлсалар, энди ушбу тарқоқ гуруҳлар уюшиб уни ўз тартибларига, урф-одатларига эга дин сифатида қарай бошладилар.

Одатда илк христианлар ҳар якшанба куни эътиқод қилувчилардан бирининг уйида эрталаб йиғилганлар. Айниқса аёллар христианликни тарғиб қилишда фаол иштирок қилишган. Кейинчалик ушбу вазифани махсус черков ходимлари дьяконлар бажарганлар. Дьяконлар эса епископлар томонидан тайинланган. Тоат-ибодат қилувчиларнинг кўпайиши билан христианликда поғонама-поғона бошқариш усули юзага келади. Натижада ИВ асрга келиб Иерусалим, (Куддус) Антиохия (Сурия), Искандария (Миср) ва Римда черков идоралари шаклланади. Вилоятлардаги черков ишларини эса патриархлар олиб борганлар. Бу эса христианларни Рим расмий динига қарши чиқувчи кучга айланишидан далолат беради.

Расмий дин тарафдорларининг тазйиқи остида Рим императори Нерон (54-68йй.) христианларни таъқибга олади. Улар Дециос (249-251йй.), Диоклетин (284-285йй.) ва Галерин (305-311йй.) ҳукмронлиги давларида ҳам қувғин қилинган. Аммо ушбу қувғинлар ва таъқиблар христианларни янада кучли бирлашишга, расмий ҳукмдорга қарши туришга ундаган. Натижада ушбу қувғинлар ва таъқиблар даврида жазога ҳукм қилинганлар ёки расмий динга қарши чиққанлар, диний эътиқод учун жабрланганлар сифатида авлиёлар деб қараладиган бўлди.

Христианликнинг император Константин даври Римда расмий дин сифатида тан олиниши унда зоҳидлар (монахлар) оқимини юзага келтирди. Монахлар христианликни давлат, жамият ишлари билан қўшилишига қарши оқим эди. Христианликни давлат, жамият ишларига аралашини Август Блаженный қўллаб чиқди. У ўзининг диний-фалсафий асарларида илоҳий ҳокимият азалий, одамлар интиладиган дунёвий ҳокимият ўткинчи деган фикрларни илгари сурди. Бу фикрлар расмий черков учун айна муддао эди. Шу тариқа давлатни динга, черковга итоат эттириш бошланди.

Константиннинг пойтахтни Константинопол (Истамбул)га кўчириши билан христианликда маркази Константинопол бўлган шарқий ва маркази Рим бўлган ғарбий оқимлар (черковлар) юзага келди. Римдаги христиан черковини бошқарувчи епископлар, патриархлар «папа» деб аталадиган бўлди. Константинопол черковини эса патриарх бошқарди. Тез орада шарқий ва ғарбий черковлар ўртасида бир-бирини инкор этувчи қарашлар вужудга келади. Рим папаси ўзини бутун христианлар дунёсини бошқариши, барча давлатлар, подшоҳлар унга бўйсунуши зарур деган ғояни илгари сура бошлади. Шарқ черкови ва Константинопол императори эса ҳар ким ўз ишини қилиши, дин, черков кишиларни худо билан муносабатларини йўлга қўйиб бориши лозим, деган фикрда эди. Император христианликка эътиқод қилсада, черковнинг давлатни бошқариш ишларига аралашинишига йўл қўймасликка интилди.

Римга юқоридан, Европа томонидан турли қабилаларнинг бостириб келиши натижасида папа европаликлар билан алоқаларини кенгайтиришга мажбур бўлди. Бу эса кейинчалик христианликни Фарб халқларининг диний эътиқодига айланишига замин тайёрлади.

1X асрга келиб православ (Константинопол) черковининг таъсири Болқон ярим ороли ва Рус давлатига тарқалди. 1054 йили Рим папаси Константинопол черковини ўз таъсирига олиш ниятида элчиларни (легатлар) юборади. Патриарх Михаил Керулларий папа одамларини совуқ кутиб олади. Бундан норози элчилар София соборига бориб папа номидан патриархни черковдан четлатилган деб эълон қиладилар. Патриарх ҳам собор чақириб элчиларнинг ўзини черковдан четлаштиришга муваффақ бўлади. Ушбу зиддиятдан кейин Рим черкови билан Константинопол черкови ўртасидаги алоқалар расмий узилади. Шарқий христианлар православлар (чин эътиқодчилар), ғарбий христианлар католиклар (бутун дунё) деб аталадиган бўлади.

Кейинги асрларда христианликда Фарбий черковда ҳам, шарқий черковда ҳам турли оқимлар юзага келади. Фарбда протестантлар, калвинчилар, шарқда эса грек, рус, серб, арман, сурияликлар каби оқимлар шулар жумласидандир.

Христианлик тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, Рим папаси давлатлар ишига аралашиниш, ижтимоий-сиёсий ҳаётга ўз таъсирини ўтказиш йўлидан борган. Айниқса франклар шоҳи Хлодвигнинг 496 йили христианликни расмий қабул қилиши, уни лашкар билан қўллаб-қувватлагани христианликни Европада кенг тарқалишини таъминлади.

Буюк Карл даврида черков ишлари ва христианликни ёйишда тартиблар ўрнатилди. Масалан, барча епископлар Муқаддас китобларни ўқиши, кишиларни ишонтириш йўли билан динга олиб кириши, мактаблар очиши, хайр-эҳсонлар қилиши кабилар шулар жумласидандир. Натижада Муқаддас китобларни кўчириб ёзиш, кутубхоналар очиш кенг тарқалди. Бу хизматлари учун Рим папаси Лев 111 Буюк Карлни Рим императори деб эълон қилди. Бу эса Муқаддас Рим империясининг юзага келганидан далолат беради.

Православ черкови эса давлат ишларига аралашидан кўра ўзининг диний ишлари билан кўпроқ машғул бўлди. Бироқ бу православ черковининг давлатдан бутунлай айрича яшади дегани эмас. Православ динининг йирик намоёндалари эътиқод этувчиларнинг маънавий-руҳий тарбиясига эътибор берганларидек, уларнинг давлат ва жамият ишларида ҳам садоқатли, мурувватли, имонли бўлишга даъват этади.

Ўрта асрлар Уйғониш даври, Реформация каби ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ўзгаришларни ўз ичига олади. Айнан бу даврларда христианлик дунёни маънавий-руҳий нуқтаи назардан ўзгартириш тўғрисидаги ранг-баранг қарашларни юзага келтирди. Шу даврлардан бошлаб деярли барча файласуфлар, тарихчилар, ўзини интеллектуал соҳага оид деб қаровчи кишилар Исо таълимотини у ёки бу даражада таҳлил қилишга, ундан озиқ олишга интидилар. Санъат, адабиёт, архитектура, фалсафа, ҳатто ижтимоий-сиёсий соҳаларда христианлик ижодий кучларни рўёбга чиқаришга даъват этувчи маънавий куч сифатида намоён бўлади. Европада университетлар юзага келиб, теологияни ўқитиш йўлга қўйилди.

Фома Аквинский Аристотелнинг қарашларига таянди. Тана билан жон, рух бир-бирига диалектик боғлиқ, билим эса кишининг амалий тажрибаси натижасидир, деган хулосага келди. Бу эса айрим теологлар (Августин Блаженный)нинг ҳамма нарса худодан, шу жумладан билиш ҳам, деган назарияларига қарши эди.

Католик оқими. Исо пайғамбарнинг ўз издошларига даъватларидан бирида «Боринг, барча халқларга ўргатинг» дейилади. Бу аслида «бутун дунё»га христианликни тарқатишга чақирик эди. «Католик» атамаси ва оқими шу даъватдан келиб чиққан. Аслида ушбу даъват тагида христианликни универсал, яъни ҳар томонлама тушуниш ётган.

Католик оқими дунёда кенг тарқалган. Христианларнинг 60% га яқини католицизмга эътиқод қилади. Унда Исо пайтида кўрсатилган иерархик яъни поғонали бошқариш усули мавжуд. Рим папаси католик оқимида энг юқори лавозим ҳисобланади. Кейинги маълумотларга қараганда, Рим папасига дунёдаги 4 мингдан зиёд епископлар итоат этади.

Узоқ ривожланиш жараёнида католик оқими турли ўзгаришларни бошидан кечирди. Бир қарашдагина Рим папаси бошчилиги ва кардиналлар иштирокида тузилган ўзгармас идора усуллари таянган черков гавдаланади. Агар асрнинг бошларида у христиан доктринасини яратиш учун курашган бўлса, кейинги даврларда давлатлар билан алоқалар ўрнатиш, улар сиёсий ҳаётида қатнашиш, ҳатто ҳокимият учун кураш рўй беради. ВИИ асрда ислом билан тўқнашди, Африка ва Яқин Шарқда ўз таъсирини йўқотди. Салб юришлари ва Реформация католикликни янада ижтимоий ҳаёт талабларига мослашишга мажбур этди. Реформация даврида ундан Англия черкови, лютеранлар ва Франция католиклари ажралиб чиқди.

1962-1965 йиллардаги Иккинчи Ватикан Собори католицизмнинг ижтимоий талабларга мувофиқ ўзгариб яшашини кўрсатди. Айниқса биринчи ва иккинчи жаҳон урушларининг Европа христианлари ташаббусқори бўлгани дин шахсий эътиқод доирасида қололмаслигини кўрсатди. Католиклик жамият маънавий ҳаёти учун масъул эканлигини тан олди ва ҳар бир католикни ана шу масъулият билан яшашга даъват этди.

Собор христианликни тарғиб қилишда нафақат лотин, балки маҳаллий тиллардан фойдаланиш мумкинлигини эътироф этди.

Собор ҳар ким эътиқод эркинлигига, эътиқод ҳуқуқига эга эканлигини тан олди. Маълумки, католиклик нафақат христианликка ишонмаганларни, худди шунингдек унга бефарқ қараган ёки ижодий изланишлари билан черков қотиб қолган ақидаларини шубҳа остига олганлар (Галилей, Коперник, Бруно)ни ҳам бешафқат жазолаган. Динда эътиқод эркинлигини тан олиш католикнинг янги давр талаблари билан муроасага келишидан далолат беради.

Яна бир муҳим томони шундаки, Собор турли диний эътиқодлар бўлишини тан олиш билан бирга баҳсда, мунозарада ёки эътиқодий изланишларда қарашларни, доктриналарни, аммо киши, шахсни қоралаш мумкин эмаслигини таъкидлади. Бу ўринда католикнинг 1948 йили қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари декларацияси талабларидан келиб чиққани кўриниб турибди.

Католиклик Иисуснинг черковда қолишига, Илоҳий Рухнинг унда қатнашишига ишонади. Ҳатто унда черков Мистик Вужуд ёки Иисуснинг Қайлиғи, илоҳий куч томондан яратилган деб қаралади.

Черков одам зотининг мукамал эмаслигини, ҳатто у Муқаддас китобни ёддан билганида ҳам адашиши, хатога йўл қўйиши мумкинилигини яхши билади. Шунинг учун католик оқими ўз ақидаларини ишлаб чиққан. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Иисус қиёфасидаги Одам Худодир.
2. Иисус бошқалар каби одам эмас.
3. Иисус бокира аёл-Марямдан туғилган.
4. Папа гуноҳсиздир.
5. Бокира Марям вафотидан кейин арши аълога қўтарилган.

Католикликда, худди православиёдаги каби қуйидаги сеҳрли урф-одатлар бор.

1. Чўқинтириш.

Одатда бу маросим чақалоқ туғилгандан кейин ўтказилади ва боланинг черковга, христианликка кирганини англатади. Агар бола оғир ҳолатда бўлса уни истаган бир католик чўқинтириши мумкин. Католик гўдак пешонасига сув суртиб «Мен сени Ота-Худо, ўғил-Худо ва Илоҳий Рух номидан чўқинтираман» дейди. Агар бу маросим черковда ўтказилса у барча тартиблар, қоидаларга мувофиқ бажарилган ҳисобланади.

1. Конфирмация. У боланинг 10 ёшида онгли ҳаётга қадам қўйганида ўтказиладиган маросимдир. Бу маълум бир ибтидоий инициацияни эслатади. Ушбу маросимдан ўтган бола Илоҳий Рухдан совға олади. Уни одатда черковда епископ ўтказди.
2. Евхаристия. Ушбу маросим болага Иисуснинг ўз ҳаворийлари билан охириги марта овқатланишини эслатади. Унда Иисус ўз издошларига қарата: нон ва винони кўрсатиб дейди: -Олинглар, енглар, бу менинг танимдир. Косани олиб дейди: - Бундан ҳам ичинглар, чунки бу кўпларнинг гуноҳи кечирилиши учун тўкиладиган Менинг қонимдир. (Инжил, Стокгольм, 1992.-70б.) Нон ва вино чўқинтириладиган учун маънавий озуқа, Иисуснинг ўзидир.
3. Никоҳ. Христианликда никоҳ сеҳрли ёшларнинг худо олдида амалга ошириладиган иттифоқни бузиши гуноҳ ҳисобланади. У фақат Ватикандаги «Рот Роман» суди ҳукми билангина бузилиши мумкин.
4. Тавба. Ушбу маросим диндорни ўз айбига иқдор бўлишини ва худодан мурувват, кечирим сўрашини англатади. Бу маросим ҳеч бўлмаса йилда бир марта -Пасха кунлари черковда ёки руҳоний олдида амалга оширилади.

Одамнинг худо олдида гуноҳкор эканлиги христианликдаги асосий ғоялардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Иисус Мен дунёни ҳалок эмас, ҳалос этиш учун келганман деган.

5. Оғир ётган ёки ўлаётган киши ҳақида дуо қилиш маросими, бунда асосан руҳонийлардан бири касалнинг баданига зайтун мойи суради ва унинг ҳақида худодан кечирим сўраб дуо қилади.

Шу кунгача католикликда Ватиканни 264 папа бошқарган. Католиклик дунёдаги ўзининг марказлашган давлатига эга бўлган ягона диндир. Ватикан 1929 йилдан бери шаҳар-давлат ҳисобланади. Унинг худуди 44 гектарни ташкил этади. Католикликнинг бош черкови-Петр собори ва папанинг расмий қароргоҳи –Сикстин капелласи жойлашган ҳаворийлар саройи ҳам ўша шаҳардадир.

Рим папаси мутлақ монархия ҳокимиятига эга. Ҳозирги кунда ушбу вазифани поляк Иоан Павел II бажармоқда. Унгача 1523 йилдан бери ушбу вазифага италияликлар сайланган эди.

Католиклик асосан Италия, Фарбий Европа, Лотин Америкаси, Польша, Венгрия, Чехия, Словакия, Куба, Болтиқбўйи давлатларида кенг тарқалган. Католикларнинг диний уюшмалари Россия, Беларус, ва Фарбий Украинада ҳам учрайди. Ҳозирги кунда унга 800 миллиондан зиёд киши эътиқод қилади.

Православие оқими. Православ (чин эътиқод) оқимига мансуб христианлар учун черков шартлидир, чунки улар асосий черковни Иисусда ва тавсия этган янги ҳаётда деб биладилар. Шунинг учун католикдаги папанинг беғуноҳлигини ва Иисуснинг бокира Марямдан туғилгани ҳақидаги ақидага шубҳа билан қарайдилар.

Православие черкови эътиқоддагиларнинг ҳиссига таъсир этиш, уларда меҳр-муҳаббат, мурувват, ҳамдардлик каби инсоний туйғуларни шакллантиришга интилади. Черков ва

монастирдаги ҳаёт асосан диний ишларни адо этиш билан чекланади. У католиклик каби давлатни ўзига итоат эттиришдек сиёсий ишларга аралашавермайди.

Православие маросимлари ва байрамлари кўплиги ва тантанали ўтказилиши билан кишиларда хайрихоҳлик уйғотади.

Православлар илоҳий учликдан ташқари иконага ҳам ибодат қилишади, аммо уни сиғиниш объекти сифатида эмас, балки илоҳий учлик тасвирлангани учун қадрлашади.

Православие оқимининг асосий диний таълимоти 325 йилги Никей ва 381 йилги жаҳон Соборлари (Константинопол) да қабул қилинган тартибларда ўз аксини топган.

Православие ичида ҳам турли оқимлар мавжуд. Улар қаторига старообрядчилар, армян, Кипр ва Эфиопия, Финляндия, Александрия (Миср) черковлари кабилар киради. Ҳозирги кунда православиеда 15 автокафел, яъни мустақил черковлар мавжуд.

ХВИИ асрнинг 2 ярмида рус черкови патриархи христиан маросимларини ислоҳ қилади. У кўпгина маросимларни грек анъаналарига мувофиқлаштирмоқчи бўлади. Бу эса ўрнатилган маросимлар тарафдорларида норозилик уйғотади. 1666 йили уларни ажратувчилар (раскольники) деб эълон қилишади, аммо халқ орасида улар старообрядчилар, яъни эски маросимлар тарафдорлари деган ном олишади.

Старообрядчилар расмий черковни инкор қила бошладилар. Россияга ғарб анъаналарини олиб кирган Петр 1 ни антихрист (Иисусга қарши, христианлик душмани) деб эълон қилдилар. Уларнинг айримлари православие ва протестантликдаги айрим оқимлар билан бирлашиб янги оқимни юзага келтирдилар, баптистлар бунга мисол бўлиши мумкин. «Эътиқод курашчилари» (Духоборци) эса ўзини-ўзи идора этадиган ижтимо яратишга интилди. Аммо бу оқимлар христианликда умумий тартибларни, ақидаларни ўзгартиролмади, балки улар динда хурфиқрликнинг тарқалишига ҳисса қўшдилар.

Православиеда илоҳий учликка (Ота-Худо, Иисус-Худо, Илоҳий Рух) ишонилади. Шу боис унда бош, кўрсаткич ва ўрта бармоқларни бирлаштириб чўқиниш одати бор.

Православие таълимотига кўра борликни ва нариги дунёни яратган Иисус унинг ўғлидир. У Отасининг амри билан бокира Марямдан туғилган. Одамларнинг гуноҳини ювиш учун дунёга келган. Аммо уни Рим ноиби Понтий Пилат салбга михлаб ўлдиришга ҳукм этади. Мўъжиза рўй беради, Иисус тирилиб арши аълога кетади. У барча ўлик ва тирикларни сўроқ қилиш, уларнинг қилмишларини мувофиқ тақдирлаш учун қайта тирилиб келади.

Православиеда илоҳий учликдан ташқари авлиёлар, фаришталар, турли кароматлар кўрсатувчиларнинг кучларига ишонишга даъват этувчи фикрлар ҳам учрайди.

Миср (Коптлар) православие черкови монофистик карашларни илгари суради. Унинг аъзолари Иисусда илоҳий сифатлар мавжуд, шунинг учун уни одам сифатида караш нотўғри деган фикрни ёқлайдилар. Монофистик карашлар грегориан-арман черковига ҳам хосдир.

Несторчилар (Константинопол епископи христианликда сезиларли из қолдирган Нестор (451 йили вафот этган)нинг издошлари православие динини Эрон, Монғолия ҳатто Хитойгача ёйишга муваффақ бўлдилар. Ҳукмдорлар томонидан қувғинга учраган несторчилар Шарқ давлатларида маълум эътибор қозондилар.

Константинопол черкови католикликдан фарқли ўлароқ давлатни ўзига итоат эттиришга эмас, балки у билан ҳамкорлик қилишга, ёнма-ён яшашга интилди. Тўғри ХУ11 асрда патриарх Никон черковни давлатдан юқори қўйишга уриниб кўрди, лекин унинг бу ҳаракати бирор натижага олиб келмади.

Православлар католиклардан бир оз фарқ қилган ҳолда, Илоҳий рух Худо-Отадан келади, жаннат билан дўзах ўртасида аъроф-покланадиган жой йўқ деб қарайдилар.

Православиеда замонавий демократик бошқариш усуллари ҳам борлигини кузатамиз. Масалан, Миср (коптлар) черкови патриархи диндорлар томонидан сайланади ва Миср ҳукумати томонидан тасдиқланади. Энг эътиборлиси шундаки, ислом кенг тарқалган пайтда ҳам Миср христианлари ўз эътиқодини сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. 751 йили араб халифаси Миср христианларини мусулмонлардан ажралиб туришлари учун қора кийиб, бўйнига 2 кило келадиган крестни осиб юришга мажбур қилган бўлсада, улар христианликдан воз кечмадилар. Ҳозирги кунда ҳам Мисрнинг 10-12% аҳолиси христианликка эътиқод этади.

Эфиопия православ черкови ўз атрофига 20 миллион диндорни бирлаштирган. Бу мамлакат аҳолисининг 45% фоизи демакдир. Аммо у ерда христианлик турли ибтидоий дин кўринишлари, маҳаллий одатлар ва маросимлар билан қоришиб кетган.

Протестантлик оқими. Протестантлик оқими католик черкови рухонийлари, коҳинлари ва хизматчилари томонидан таъмагирлик, порахўрлик, ўз манфаатини ўйлаш, бирор мансабни эгаллаш учун ҳар қандай нопок ишлардан қайтмаслик каби иллатларга қарши кураш сифатида Европада юзага келди. Протестантлар черков ролини инкор этиб, христианликнинг асл илдизига қайтиш зарур деган ғоя билан Рим черковига қарши чиқдилар. Бу ҳаракатнинг асосчилари Германияда Мартин Лютер (1483-1546 йй.), Швейцарияда Кальвин (1509-1564 йй.) ва Цвингли (1484-1531йй.) эди.

Протестантларда католиклардан фаркли равишда, Марямни улуғлаш, черков таълимотининг тўғрилиги, папа шахсини бегуноҳ деб қарашлар мавжуд. Улар фикрига кўра, Марям қанчалик пок ва улуғ бўлсада унга сиғинмаслик керак. Фақат худога сиғиниш мумкин. Шунинг учун протестантлар ибодатхоналарида Марямнинг ва бошқа авлиёлар тасвирланган иконалар йўқ. Баъзи рационал фикрловчи протестантлар эса Иисуснинг бокира Марямдан туғилишига ҳам ишонқирамай қарашади.

Сеҳрли маросимлардан фақат чўқинтириш ва евхаристияни тан олишади холос. Айниқса кальвинчилар Рим черковининг сеҳрли маросимларини қатъий рад этадилар. Худди шунингдек, протестантлар черков ва папанинг улуғлиги ҳақидаги ақидаларга қатъий қаршилиқ кўрсатадилар.

Ҳозирги пайтда турли мамлакатларда (Скандинавия, Германия, Польша, Англия, Франция, Швеция, Венгрия ва б.) протестантликнинг ранг-баранг кўринишлари, гуруҳлари учрайди. Улар анабаптистлар, англиканлар, лютеранлар, кальвинчилар, кўҳна католиклар, Иегово шоҳидлари, кимбангучилар, харризм тарафдорлари, мармонлар кабилардир.

Христианлик таълимоти «Библия»да ўз аксини топган. Шунинг учун уни христианлар муқаддас китоб деб билишади. «Библия» грекча сўз бўлиб, китоблар демакдир. У икки қисмдан – “Эски аҳд” ва “Янги аҳд”дан иборат. Агар “Эски аҳд” да Мусо (иудаизм) қарашлари ўз аксини топган бўлса, “Янги аҳд” да Иисус Христоснинг диний таълимоти мужассамлашган. “Аҳд” сўзининг маъносида худонинг инсонлар билан махсус алоқалари назарда тутилади.

“Эски аҳд” Худо томонидан олам ва одамнинг яратилиши, Исроил халқининг тарихи ҳақидаги ҳикоялари, Сулаймон пайғамбарнинг маталлари, Аюб, Забур номли китобларни ўз ичига олади. “Янги аҳд”да эса Иисус Христоснинг туғилиши, ҳаёти ва диний фаолияти, қатл этилиш ва тирилиб ғойиб бўлиши ҳамда қарашлари ўз аксини топган.

“Библия” дунёдаги машҳур ношир Гугенберг томонидан чоп этилган биринчи босма китобдир. У биринчи марта 1452-1455 йилларда босилиб чиқди.

“Библия” ер юзидаги 1980 тилга таржима қилинган. Дунё аҳолисининг 98% уни ўз она тилида ўқийди. Нашр нусхаси нуктаи назаридан “Библия” дунёда биринчи ўринда туради. 1973-1991 йиллари ўзбек тилига таржима қилиниб 1992 йили Стокгольмдаги Библияни таржима қилиш институти томонидан нашр этилди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Инжил. –Стокгольм, 1983.
2. Диншунослик асослари. –Т.: Университет, 1994.
3. Диншунослик. Маърузалар матни. –Т.: 2000.
4. Жўраев У, Саиджанов Й. Дунё динлари тарихи. –Т.: Шарқ, 1998.
5. Мень А. Истоки религии. Брюссель, 1991.
6. Мень А. Сын человеческий. – Брюссель, 1992.
7. Васильев Л.С. История религий Востока. –М.: Вис. Шк., 1988.
8. Жаббаров И. Жаҳолатдан маърифатга. –Т.: Ўқитувчи, 1979.
9. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. – Т.: 2000.

15-Мавзу. Ислом.

Режа:

1. **Ислом дини вужудга келишидаги тарихий шарт-шароитлар.**
2. **Мухаммад ибн Абдуллоҳ ҳаётлари.**
3. **Ислом таълимоти.**
4. **Мадинада ислом давлатини вужудга келиши.**
5. **Исломнинг жаҳон динига айланиш.**

Ислом ВИИ асрда Арабистон ярим оролида, ҳозирги Саудия Арабистони худудида пайдо бўлган.

Қадимдан Арабистон ярим оролида яшаган араблар Сомий қавмига мансуб бўлган. Арабларнинг кўпчилиги чўл ва даштларда яшовчи кўчманчи чорвадор бўлиб, улар «бадавийлар» деб аталган. Воҳаларда деҳқончилик, шаҳарларда эса савдо-сотиқ ва майда хунармандчилик билан кун кечирувчи аҳоли яшаган. ВИ асрнинг охири ВИИ асрнинг бошларида араб жамоаларида уруғ-аймоқчилик ва қулдорлик муносабатлари ҳали кучли, феодал муносабатлари эндигина вужудга келмоқда эди.

Ямандан шимолга йўналган карвон йўли Ҳижоз ўлкаси ҳамда Макка ва Мадина шаҳарлари орқали ўтиб, мамлакатни Миср, Византия ва Шом (Сурия) билан боғлар эди. Шаҳар аҳолисининг кўчманчи чорвадорлар билан олиб борган савдо-сотиқ алоқалари кенг бўлган. Бироқ мамлакатда ҳукм сурган сиёсий тарқоқлик, бадавий қабилалар ўртасидаги тўхтовсиз ўзаро низолар, тотемистик ва анимистик эътиқодлар асосидаги бутпарастлик, маҳдудлик, карвон йўлларида авж олиб кетган талончилик ички ва ташқи савдо алоқаларининг кенгайишига тўсқинлик қилган. Бу зодагон савдогар табаканинг манфаатларига зид бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий юксалишига катта путур етказётган эди.

Арабистон ярим оролида яшаётган қабилаларнинг асосий қисми уларга қўшни Миср, Византия, Эрон, Месопотамия каби қадимий маданият марказларига қараганда тарихий тараққиётнинг анча қуйи босқичида эди.

Арабистон ярим оролининг ғарбий қисмида Қизил денгиз соҳилида жуғрофий қулай бир ҳудудда жойлашган Ҳижоз тумани иқтисодий тараққиётда бирмунча илгарилаб кетганди. Карвон савдо йўллари бу ҳудудни жанубда Яман орқали Ҳабашистон ва Ҳиндистон, шимолда Шом юрти (Сурия) орқали Миср, Византия ва Сосонийлар Эрони билан боғлар эди. Ўз даврида катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ҳудуднинг маркази Макка шаҳри бўлиб, бу ерда ёз ва киш фаслларида катта карвонлар ташкил этилган (тарихчи Табарий берган маълумотларга қараганда, баъзан бу карвонлар 2000 туягача етган). Бу карвонларнинг шимолга ва жанубга юборилиб тургани Қуръони Каримнинг 106 «Қурайш» сурасида қайд этилган.

Савдо карвони йўлида жойлашган Маккадан ташқари яна Ясриб (кейинчалик Мадина), Тоиф, Хайбар каби шаҳарлар ҳам ривожланиб, кенгайиб аҳамияти ошиб борди ва ВИИ асрларга келиб улар гавжум савдо марказларига айланди. Албатта бу даврда Макка шаҳри билан рақобатлашадиган савдо маркази ҳали йўқ эди. Араб қабилалари ўртасида Макканинг диний марказ сифатида ҳам ўрни анча юқори бўлган. Исломшунос олим А.Ҳасанов ўз китобида: «Маккадаги Зам-зам қудуғи қадим замонлардан бери атрофидаги кўчмачи қабилаларнинг ва савдогарлар эътиборини қозонган. Ривоятларга қараганда, Маккада қурилган биринчи бино – Каъба ҳар бир арабларнинг муқаддас жойига айланганини ҳисобга олсак, Макканинг шуҳрат қозониши учун омиллар етарли бўлганини қўрамыз»^[1], деб ёзади. (Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи. –Т., Мехнат, 1992. 9 б.) Қуръоннинг 108-«Кавсар» (Чашма, Булоқ) сурасида арабларнинг Каъба зиёратига келиб, қурбонлик сўйиш одатлари ўз ифодасини топган. Хуллас, Макка шаҳри араб қабилаларини бирлаштиришда марказий ўрин тута борган.

Арабистон ярим оролининг айрим туманларида яҳудийлар ва насронийлар яшаган. Шу боис яҳудийлик яман араблари ўртасида қадимдан кенг тарқалган. Яҳудийликка эътиқод қилувчи қабилалар Марказий ва Фарбий Арабистоннинг айрим воҳаларида ҳам яшаганлар. Насроний дини эса асосан ярим оролнинг шимолий қисмида Шом юрти, Фаластин, Месопотамияда яшаган араб қабилаларнинг баъзилари ўртасида тарқалган эди.

Муҳаммад алайҳиссалом ғоявий таълимотининг асосини ташкил этган яккахудолилик ислом динига қадар ҳам бўлган ва Муҳаммад алайҳиссалом даврида ҳам бу ғояни байроқ қилиб курашганлар бор эди. А.Ҳасанов «Макка ва Мадина тарихи»да Ямомада – Мусайлима, Яманда – Асад, Марказий Арабистонда – Сажжох исми бир аёл ва Тулаха, Мадина (Ясриб)да ибн Сайёдлар» пайғамбарликка даъвогар бўлганлар, деб кўрсатади. Муҳаммад алайҳиссалом йўли ғалаба қозонгач, фақат унинг набийлиги (пайғамбарлиги) эътироф этилиб, бошқалар эса мусулмон тарихчилигида мутанаббийлик (яъни сохта пайғамбарлар) деб ном олдилар.

Аллоҳ Расули (элчиси) ва пайғамбари, Ислом динининг асосчиси - Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдумутталиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф обрўли қурайиш қабиласидан бўлиб, милодий 571 йилнинг 21 апрелида Арабистон ярим оролининг Макка шаҳрида туғилди. 40 ёшларида пайғамбарликни бошлаганлар, 23 йил пайғамбарлик, 19 марта жиҳод, 4 марта умра ва бир марта ҳаж қилганлар.

Шажараси (аждодлари): оталари – Абдуллоҳ, оналари Омина.

Ҳазрат Исмоил алайҳиссаломнинг оталари – Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом пайғамбарларнинг энг буюкларидан бири, учала дин аҳли-яхудийлар, насронийлар ва мусулмонлар бирдек эъзозлаб ҳурмат қиладиган пайғамбардир. Иброҳим алайҳиссалом ханиф эдилар, у зот яккахудоиликни, Аллоҳнинг бирлиги тўғрисидаги эътиқодини Ироқ, Сурия, Миср ва Фаластинда тарғиб қилганлар.

Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломнинг икки нафар ўғли Исмоил ва Исҳоқ бўлиб, улар ҳам пайғамбар бўлганлар. Тўнғич ўғиллари Исмоилнинг онаси – Ҳожар, Исҳоқнинг волидаси эса Сора эди. Исмоил укаси Исҳоқдан 14 ёш катта эди.

Иброҳим алайҳиссаломнинг кичик ўғиллари Исҳоқ Фаластинда катта бўлади. Унинг ҳам икки нафар ўғли бўлган. Каттаси Эсов, кичиги Яъқуб. Яъқубга ҳам пайғамбарлик келиб, у кейинчалик яхудийларнинг тарихий отаси деб ҳисобланадиган бўлди. Яъқубдан 12 ўғил ва бир қиз дунёга келган.

Яъқуб алайҳиссаломнинг иккинчи исми Исроил бўлиб, унинг 12 ўғлидан тарқалган халқ – яхудий миллатининг бир қисми «Бани Исроил» деб атала бошланди.

Исҳоқ алайҳиссаломдан кейинги барча пайғамбарлар (пайғамбаримиздан ташқари) – Яъқуб, Юсуф, Мусо, Ҳорун, Довуд, Сулаймон, Юнус, Закарий, Яҳё, Исо ва бошқа пайғамбарлар ҳазрати Исҳоқ алайҳи-с-салом авлодларидир.

Иброҳим алайҳиссаломнинг тўнғич ўғли – Исмоил 21 ёшида Журхум қабиласидан миллати араб бўлган Аммора деган қизга уйланади ва ундан араб тилини ўрганади. Шундан кейин унинг авлоди араблашиб кетади. Ҳазрати Исмоил алайҳиссаломнинг тили иброний (яхудий) бўлса-да, у арабча сўзлашишга ниҳоятда уста бўлади ва авлодлари ҳам арабча сўзлашишни одат қиладилар. Шу сабабли бу зотнинг авлодлари «муствариба» (яъни асли араб бўлмай, арабликни қабул қилиб араб бўлувчи) деб аталади. Хуллас, исломнинг асосчиси Муҳаммад алайҳиссалом Исмоил авлодидандирлар.

Муҳаммад алайҳиссалом бир неча йиллар мобайнида диний тафаккур ва ибодат билан муттасил шуғулланганлар, тақводорлик билан ҳаёт кечирганлар. У киши ҳар доим Макка яқинидаги Хиро ғорига бориб ибодат қилганлар, озик-овқат ва сув олиб кетиб, ғорда бир неча кунлар қолиб ибодат қилиш одатлари бўлган. Диний манбаларда таъкидланишича, Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбарлик фаолиятини 40 ёшида 610 йилда бошлаганлар. Ваҳийнинг бошланиши тўғрисида «Сират ур-Русулulloҳ» асарида келтирилган ривоятга қараганда, Муҳаммад алайҳиссалом Хиро тоғида тунаб қолган кечаларидан бирида осмондан нидо келган. Фаришта Жаброил «Ўқи!» деб буюрган. Муҳаммад «Мен ўқишни билмайман» деб жавоб берганлар. Жаброил у кишини кўтариб бир сиқиб қўяди-да яна «Ўқи!» дейди. Ҳеч жойда таълим олмаган Муҳаммад «Мен ўқишни билмайман» деб яна жавоб қайтардилар. Шу ҳолат уч марта такрорлангач, Жаброил унга кўрсатиб турган «Алақ» сураси аввалидаги бир неча оятларни ўқитиб унга эшиттиради ва бу оятлар Муҳаммад қалбига ўрнашиб, ёд бўлиб қолади. Бу ҳолатни кўриб ваҳимага тушган Муҳаммад титраган ҳолда аёллари Хадича олдида келадилар ва бўлган воқеани баён этадилар. Хадича у кишини юпатиб, таскин беради: «Сизни ҳеч қачон Аллоҳ хор этмайди. Чунки сиз қариндошларга меҳрибон, камбағалларга ёрдам берувчи, одамлар машаққатини осон қилувчи кишисиз» дейди. У киши Муҳаммадни «Инжил»ни билган христианлик динидаги амакисининг ўғли кекса Варақа ибн Нафал ҳузурига бошлаб боради. Бўлган воқеани унга баён этадилар. Шунда Варақа хурсанд бўлиб, Жаброил Муҳаммад алайҳиссаломга келган фаришта эканлигини айтади.

Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётда биринчи рўй берган ваҳий ҳодисасининг вақти ҳақидаги барча илк ислом манбаларидаги маълумотлар Қуръоннинг 97- «Қадр» сурасидаги маълумотларга асосланган. У «Лайлатул қадр» кечаси деб аталади. Тарихда бу кеча Ҳижратдан 12 йил илгари Рамазон ойининг 26-кунидан 27-кунига ўтар кечаси, милодий ҳисоб билан 610 йил 15 августдан 16 августга ўтар кечасига тўғри келади. Дунёдаги барча мусулмонлар бу кечани тоат-ибодат билан ўтказадилар. Муҳаммад алайҳиссалом яккахудоликка асосланган ислом дини ғоясини халқ ўртасида тарғиб қилишни бошлаганида жуда катта қаршиликларга ва тўсиқларга дуч келган. Унинг тарғиботига ишониб исломни биринчилар қаторида қабул қилган Хадича, Абу Бакр, Али, Зайд ибн-Хориса, Абу ур-Раҳмон ибн Авф, Зубайр ибн Авом, Амир Ҳамза, Усмон ибн Аффон ва бошқалардир.

Муҳаммад алайҳиссалом таълимотига қурайишларнинг уммавийлар хонадонига мансуб бўлган ва Маккада сиёсий ҳокимият тепасида турган задагонлар каттиқ қаршилик кўрсатганлар. Икки ўртадаги низолар кескинлашгач, исломга хайрихоҳ бўлган ва Макка ҳукмронлари билан рақобатлашиб келган Ясрибдаги Авс ва Ҳазрат қабилалари юртига Муҳаммад алайҳиссалом кўчиб

борадилар. «Хижрат» деб аталган мазкур воқеа 622 йил 24 сентябрда юз берган. Маккадан Ясрибга кўчиб борганлар ислом тарихида «муҳожирлар» («кўчиб келганлар»), исломни қабул қилган ясрибликлар эса «ансорлар» («ёрдамчилар») деб ном оладилар. Шу даврдан эътиборан Ясриб шаҳри Мадина («пайғамбар шаҳри») номи билан аталадиган бўлди. Мусулмон йил тақвими ҳам ана шу санадан бошланади. Кейинчалик ислом адабиётида Макка ва Мадина исломнинг муқаддас марказлари сифатида «Маккаи Мукаррама» ва «Мадинаи Мунаввара» деб аталадиган бўлди.

623-630 йилларда Муҳаммад алайҳиссалом Макка шаҳри учун бир неча бор ўз рақиблирига қарши урушлар олиб борди. У 630 йилда Маккага 10 минг кишилик қўшин билан босиб боради. Макка сардори Абу Суфён ночорликдан таслим бўлиб, ислом динини қабул қилади. Унинг ўғли Муофия пайғамбарнинг ноибларидан бири бўлди. 632 йил 25 январда Маккаи Мукаррамага сўнгги ҳажга сафар қилган Муҳаммад қаттиқ бетоб бўлиб қоладилар. У киши бетоблигида Каъба масжидида имомликни ўташни қайноталари Абу Бакрга топширдилар. (622 йилда Хадича вафотидан сўнг Муҳаммад алайҳиссалом Абу Бакрнинг қизи Ойшага уйланган эдилар.) Муҳаммад алайҳиссалом ўлими олдида куйидагиларни айтган: «Дунёда барча инсонлар баробардир. Насб, ранг ёки ирқ ўз-ўзига инсонни яхши ёки ёмони этаолмағай. Мен сизга уч нарсани мерос қолдирдим: булар – менинг оилам, Қуръони Карим ва кўрсатган ибратларимдир. Шуларни маҳкам тутсангиз ҳеч қачон кам бўлмайсиз». (Муҳаммад Пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т. «Камалак», 1991 йил, 47-б.)

Муҳаммад алайҳиссалом 632 йилнинг 27 майида 63 ёшида Мадинада вафот этади ва шу ерга дафн этилади.

Муҳаммад пайғамбар умрининг сўнгги йилларида кучли мусулмон давлати вужудга келган эди. Бу давлат Ямандан Сино ярим оролигача, Қизил денгиз соҳилларидан Марказий Қум саҳросигача чўзилган майдонни эгаллаган эди. 632 йилдан бошлаб бу давлатни Пайғамбарнинг ўринбосарлари, яъни халифалар бошқарганлар ва шунинг учун ҳам Араб халифалиги деб юритилади. Ислом динида асосан илк тўрт халифа алоҳида аҳамиятга эга. Улар – Абу Бакр (632-634), Умар (634-644), Усмон (644-656), Ҳазрати Али (656-661). Халифа Умар даврида араблар Фаластин ва Сурия, Миср ва Ливия, шунингдек Эроннинг катта қисмини босиб олдилар. Халифа Усмон ҳукмронлиги даврида эса Эрон тўла босиб олиниб, исломлаштирила бошланди. Ислом лашкарлари Доғистонни забт этишиб, Амударё бўйларигача етиб келдилар. Бу дастлабки босқинчилик, талон-тарож мақсадида қилинган ҳужумлар эди.

30 йилдан озроқ муддат ичида араб халифалиги Амударё соҳилларидан Шимолий Африкагача, Тбилиси ва Дарбанддан Яман ҳамда Уммонгача бўлган ҳудудларда янги империя сифатида ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Араб қўшинлари бадавийлар ва бошқа турли қабилалардан тузилган бўлиб, ўз замонасининг ҳарбий санъати ва техникасидан анча орқада бўлсада, атрофдаги давлатларнинг тарқоқ ва кучсизлигидан фойдаланиб, осонлик билан босиб олдилар. Византия ва Эрон каби империялар ўзаро урушиб кучсизланиб қолган эди. Шимолий Ҳиндистон, Марказий Осиё ва Кавказда ҳам йирик давлатлар йўқ эди. Шунинг учун араблар жуда катта ҳудудларни босиб олиб, у ерларда исломни ёя бошладилар.

661-750 йилларда халифаликни Уммавийлар сулоласи бошқарди. Араблар ВИИИ аср бошларида Шимолий Африкани бўйсундирдилар. Улар 711 йилда Испанияни кейинчалик Франциянинг Бордо шаҳригача бўлган ерларни ўзларига бўйсундирдилар. Фақат 732 йили франклар араблар ҳужумларига барҳам бердилар.

Шундай қилиб ВИИИ-ИХ асрларга келиб Араб халифалиги кучайди. Айниқса аббосийлар ҳукмронлиги даврида халифалик жуда ҳам гуллаб яшнади. Айниқса, Жаъфар Ал-Мансур (754-775), Ҳорун ар-Рашид (786-809) ал-Маъмун (813-833) каби кучли ва тадбиркор халифалар араб маданияти ва фани ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Халифаликнинг марказий шаҳарлари, айниқса Бағдод иқтисодий ва маданий жиҳатдан энг ривожланган шаҳар бўлиб қолди. Бу даврда илм-фаннинг ривожланиши ва тарихан унча катта бўлмаган даврда маданиятнинг гуллаб яшнаши Бағдодда биринчи академия ташкил топишига олиб келди. Халифа Маъмун номи билан аталган академияда илм-фанга оид мунозараларда шахсан халифанинг ўзи қатнашарди. Унда ижтимоий, диний фанлар билан бирга дунёвий аниқ фанлар ҳам ўрганилар эди. Янги ислом маданияти Осиё ва Европага катта таъсир кўрсатди.

Араб халифалиги 632 йилдан 1258 йилгача яъни 627 йил давом этди. Ундан кейин Миср Аббосий халифалиги 1261 йилдан 1517 йилгача, Усмонлилар халифалиги 1517 йилдан 1924 йилгача давом этган. Ўша йили Туркия Республикасининг раҳбари Мустафо Камол Отатурк

бошчилигидаги Миллий Мажлис Усмонлилар халифалигини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

Уммавийлар ҳукмронлиги йилларида араблар истилосининг 2-даври бошланди. Араблар Убайдуллоҳ ибн Зиёд бошчилигида ВИИ асрнинг 70 йилларида Ўрта Осиёни босиб олишга киришганлар. Улар Бухоро ва Пойкандни босиб олиб, кўп миқдордаги ўлжаларни Марвга олиб кетдилар.

Арабларнинг Ўрта Осиёни босиб олишининг 2-даври 705 йилдан бошланиб, у Хуросон ҳокими Қутайба ибн Муслим номи билан боғлиқдир. 715 йилгача деярли бутун Мовароуннахрни босиб олиб, маҳаллий халқ қонини дарё қилиб оқизди. Арабларга қарши Муқанна, Гурак, Диваштич бошчилигида катта-катта қўзғолонлар бўлиб ўтди. Араб истилочилари Ўрта Осиё халқлари маданиятини ер билан яксон қилдилар, сўғд, хоразмий ёзувлари, китоблари йўқ қилинди, билимли кишиларнинг боши кесилди. Моддий бойликлар, оташпарастлик ибодатхоналари бузиб ташланди.

Арабларнинг Мовароуннахр халқлари ўртасида исломни сингдириш ниҳоятда қийин кечди. Улар исломни қабул қилганларни хирож ва жизья солиқларидан озод қилдилар, масжидларга борганларга 2 дирҳамдан пул ҳам берганлар. Исломни қабул қилмаганларни қаттиқ жазолаганлар. Наршахийнинг ёзишича, Бухорода ким урушга яроқли бўлса, ҳаммаси ўлдирилган. Араблар ислом динини аҳоли ўртасида тез тарқатиш, халқ онига сингдириш учун зўрлаш ва мажбурлашнинг турли усулларида фойдалаганлар. Улар оташпарастликка қарши қаттиқ кураш олиб бориб, ибодатхоналар ўрнига масжидларни бино қилдилар, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда мусулмон ҳуқуқини жорий эта бошладилар.

Ўрта Осиё аҳолисининг мусулмончиликка тўла ўтиши бир неча ўн ва ҳатто юз йилликларни ўз ичига олади. Бу мураккаб жараён қарийб бир ярим аср давом этган. Ўрта Осиёда ИХ аср ўрталарига келиб ислом таълимоти тўла ҳукмрон бўлди.

Ислом дини ИХ-Х асрларда Татаристонда, Х-ХИИ асрларда Бошқирдистонда тарқалди. Шимолий Кавказ халқлари ўртасида ислом дини ХИВ асрда (кабардин ва балқарлар), ХИХ асрда чеченлар ва ингушлар орасида ёйилди. Қозоғистон ва Қирғизистонда исломнинг тарқалиши ХИХ асрда ҳам давом этган.

Шундай қилиб ислом дини дунёда кенг тарқалган жаҳон динларидан бири бўлиб қолди ва бугунги кунда ислом омили таъсири ортиб бормоқда. Ислом араб дунёси ва Осиёдаги ўнлаб давлатлар билан бирга Европада, Америка, Африка, Шимолий Кавказ, Волгабўйи, Ғарбий Сибирь ва бошқа минтақалардаги аҳолининг бир қисми онгида ва турмушида чуқур из қолдирмоқда.

Ислом мукамал диний- ғоявий тизим сифатида асосан заминимиздан чиққан алломаларнинг машаққатли ижоди ва фаолиятлари туфайли тўлиқ шаклланди. Қуръондан сўнг аҳамияти жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган Имом ал-Бухорийнинг “Ал-жомеъ -ас-саҳиҳ”и, Аз-Замахшарийнинг араб тили грамматикасини тўлиқ ўз ичига олган “Ал-Муфасссал”и, Бурҳониддин Марғилонийнинг мусулмон ҳуқуқшунослиги тўғрисидаги “Ҳидоя” асари ҳозир ҳам ислом оламида бош манба сифатида машҳур.

АДАБИЁТЛАР:

1. Қуръони Карим. –Т.: Чўлпон, 1992.
2. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. –Т.: 2000.
4. Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи. –Т.: 1992.
5. Жўраев У. Саиджанов Й. Дунё динлари тарихи. –Т.: Шарқ, 1998.
6. Сағуний А. Тарихи Муҳаммадий. –Т.: 1991.
7. Усмон Кески ўғли. Ҳазрати Пайғамбар ҳаёти. Т.: 1992.
8. Мусулмоннома. Т.: 1992.
9. Хусниддинов З. Ислом: оқимлар, йўналишлар, мазҳаблар. –Т.: 2000

16-мавзу. Исломнинг асосий манбалари. Исломдаги мазҳаблар ва ғоявий-сиёсий оқимлар.

Режа:

1. Қуръон – ислом динининг асосий манбаси.
2. Қуръоннинг таркиби ва жамланиши.

3. Тошкентдаги «Мусхафи Усманий» тарихи.
4. Ҳадисларнинг жамланиши ва машхур тўпламлари.
5. Исломдаги йўналишлар.
6. Фундаментализмнинг вужудга келиши.

Олимларнинг ва буюк уломаларнинг фикрига кўра, Қуръон ва унга асосланган ислом бугунги Дунё маънавий маданиятининг муҳим бир бўлагини ташкил этади. Қуръонда илгари ўтган халқлар ҳақидаги қиссалар, тарих, география, астраномия ва бошқа билимларга оид ғоялар кўп учрайди. Қуръон ҳидоят китоби, яъни инсонларни тўғри йўлга бошловчи китоб деб ҳисобланади. Ибн Сино, Фаробий, Беруний, Абу Мусо Ал Хоразмий ва бошқаларнинг бой илмий меросларида ҳам Қуръон оятларидан унга боғлиқ малумотлардан кенг фойдаланилган. Шоирларимиз Яссавийдан тортиб Сўфи Оллаёргача унданг сўнг инқлобгача ва инқилоб даврида ўтган кўплаб қалам аҳиллари ижодида Қуръоннинг катта таъсири бор. Уларнинг асарларида Қуръон оятларига ишора кўп учрайди.

Қуръон мусулмон халқларининг фалсафий, ахлоқий ва ҳуқуқий қарашларига муайян таъсир кўрсатган. Қуръон бой тарихий ва адабий ёдгорлик ҳам дир Хозирги даврда Республикамизда кишиларимиз қалбига хурфикирлилик, виждон эркинлиги, миллий муносабатларни такомиллаштириш, ўтмиш маданий меросига ҳурмат, диний таълимотларга ҳолисона муносабатларни қарор топтираётган демократия Қуръон ва бошқа диний ёзувларни ўрганиш ҳаракатига зўр таъсир кўрсатмоқда.

Қуръон - исломнинг асоси, диний маросимлар дастури бўлиш билан бирга ахлоқий даъват, ҳуқуқий меърларни, маросим ва анъаналарни, миллионлаб инсон ҳаёти ва яшаш тарзининг энг муҳим жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган ёзувдир.

“Қуръон” – арабча “ара’а” (ўқимок) фаълидан олинган. Қуръон сураларидан иборат. Сура Қуръондан бир бўлак бўлиб, энг қами учта ва ундан ортиқ оятларни ўз ичига олади. Қуръонда жами 114 та сура мавжуд. Оятлар сони эса, Қуръон матинларини тақсимлашнинг турли йўлларида кўра кўра, 6204 та 6232 та, ҳатто 6666 тегача белгиланган. Бу нарса Қуръон нусхаларининг бир-биридан фарқи эканлигини эмас, балки ундаги оятларнинг турлича тақсимланганлигини билдиради.

Суралар Қуръонда ўз мазмунини изчиллигича ёки ўқилган вақтига, яъни хронологик тартибига қараб эмас, балки ҳажмига кўра –аввал катта суралар, ундан сўнг кичик суралар тартиби Мухаммад с.а.в. кўрсатмаларига биноан жойланган. Сураларнинг ҳажми ҳам ҳар-ҳал: энг катта ҳажмга эга бўлган 2-сурада 286 оят бор, энг кичик суралар фақат 2 оятдангина иборат.

Исломшунослик ва Қуръоншунослик ҳулосалари асосида сураларнинг хронологик тартибини қуйдагича шаклда тасаввур қилиш мумкин.

1. Макка даври (610-615 йиллар). Европа олимлари бу даврда нозил бўлган сураларга «Назмий суралар» деб ном берганлар.
2. Макка даври (616-619 йиллар), Мухаммад с.а.в. ва уларнинг издошлари доимий таъкиб остида яшаган ва кўпчилик Ҳабашистонга кўчиб кетган муҳитда нозил бўлган. Бу сураларда Оллоҳнинг “Раҳмон” сифатида кўп тилаг олинганлиги сабабли Европа олимлари Уларни “Раҳмон суралари” деб атаганлар.
3. Макка даври (610 йил бошларидан 622 йил сентябригача). Бу даврда ҳам Мухаммад с.а.в. ва саҳобалари таъкиб остида яшаганлар, махфий равишда, кўпинча шаҳардан ташқарида ибодатга тўпланганлар. Бу давр сураларида исломнинг ақоидаси кенг ўрин берилган.

Тарихий воқеалар аниқроқ кўзда тутилган ҳолда Мадина даврига оид 24 та сурани беш даврга ажратиш мақулоқдир:

1. Мадина даври (622 йил октябридан 624 йилгача). Мухаммад с.а.в. Мадинага кўчиб кенгаларидан маккаликлар билан биринчи йирик тўқнашув – Бадр жангигача нозил бўлган 4 сура бу даврга қиради.
2. Мадина даври (624 йил мартайдан 625 йил мартаигача). Бадр жангидан кейин Уҳуд жангигача ўтган бир йил ичида нозил бўлган 3 сурани ўз ичига олади.
3. Мадина даври (625 йил мартайдан 627 йил мартаигача). Уҳуд жангидаги талофатдан кейин Хандақ жангигача ўтган икки йил ичида 5 сура нозил бўлган.
4. Мадина даври (627 йил апрелидан 630 йил январигача). Хандақ жангидан сўнг Маккиннинг олинишигача ўтган салкам уч йил ичида нозил болган 8 сура шу даврга қиради.

5. Мадина даври (630 йил февралдан 632 йил майигача). Макка фатҳ қилинганидан кейин Мухаммад с.а.в. вафотларигача ўтган икки йилдан ортиқроқ давр ичида нозил бўлган 4та сура шу даврга киради.

Мухаммад алайҳиссалом ҳаётлик чоғларида Яна ваҳй тушиб қолар деган умидда Қуръон жамланиб, китоб ҳолига келтирилмаган эди. Пайғамбар вофотларидан кейин Қуръон кишиларнинг хотирасида ва ёзган нарсаларида сақланиб қолди. Пайғамбардан сўнг мусулмонларга Абу Бакр (572-634) бошлиқ этиб сайланди. Унинг халифалик даврида (632-634) муъминлар ва муртад (дивдан қайтган) Лар ўртасида шиддатли жанглар бўлиб ўтди. Ушбу жангларда Қуръонни тўлиқ ёд олган қорилар кўплаб шаҳид бўлдилар. Шунда Умар ибн ал-Хаттоб (585-644) Абу Бакр “барча қорилар шу заилда ўлиб кетаверса Қуръон нуқсонли бўлиб қолиши мумкин, шу сабабли уни жамлаб китоб ҳолига келтириш зарур” деган маслаҳатини беради. Аввалига Абу Бакр иккиланиб туради. Чунки бу иш Пайғамбар ҳаётлик пайитларида қилинмаган эди. Кейинроқ Абу Бакр Қуръонни китоб шаклига келтириб қўйиш зарурлигини англаб етади ва Зайд ибн Собит исмли саҳобани чақириб бу ишни унга топширади. Чунки, Зайд Пайғамбар алайҳис-салом билан жуда кўп бирга бўлган, Қуръонни жуда ҳам ё долган ва Расулulloҳ ҳузурларида ёзган. Пайғамбар умирларининг сўнги йилида фаришта Жаброил алейҳис-саломга Қуръонни аввалидан охиригача ўқиб берганларида бирга бўлган эди. Шундай қилиб, Зайд ва Умар машаққатлиуринишлардан кейин Қуръонни кийик терисидане бўлган саҳифаларга ёзиб чиқдилар ва боғлаб Абу Бакрнинг уйида сақлаб қўйдилар. Бу “Сухуф”-саҳифалар деб номланди. Абу Бакр оламдан ўтгандан кейин саҳифалар Умар ибн ал-Хаттоб уйига, у оламдан ўтганданг сўнг, унинг қизи – Пайғамбар алайҳис – салом аёллари Ҳафсада қолди.

Вақт ўтиши билан кўплаб халқлар мусулмонликни қабул қилиши натижасида мусулмонларнинг сони кўпая борди. Турли тиллар ва шевалар ўртасидаги фарқларга кўра Қуръонни қандай ўқиш кераклилиги борасида ихтилофлар чика бошлади. Бу ҳолатни кўрган ўша вақтда халифалик қилган Усмон ибн Аффон (644-656) Ҳафса бинти Умардан Абу Бакр ва Умар давридаги сухуфпарни сўраб олиб ундан нусха кўчиришга буйруқ беради.

Халифа Усмон ибн Аффон топшириғига биноан Зайд ибн Собит барча Қуръон сураларини йиғиб, таққослаб чиқиб қайтадан Қуръон матнини жамлаган. Қуръоннинг биринчи расмий нусхаси 651 йил тақдим этилди У асл нусха ҳисобланиб яна учта, баъзи манбаларга кўра 7 та нусха кўчиртирилиб, йирик шаҳарлардан – Басра , Дамашқ, Куфага жўнатилади. “Имон” деб номланган асл нусха эса мадинада, халифа Усмон ҳузурда қолди. Кўчирилган нучхалар “Мусхафи Ўсмон ” деб аталади.

Нусхалар тайёр бўлгандан сўнг мусулмонлар яшайдиган диёрлардаги марказий шаҳарларга биттадан нусхага бита қори қўшиб жўнатдилар ва ҳаммага фаҳат Қуръоннинг шу нусхасидан кўчиршига буйруқ беради.

Мазкур Қуръон 5553 varaқдан иборат бўлиб, varaқлар иборат бўлиб, varaқлар ўлчами 68x53 см.,матн ҳажми 50x44см.дир. Саҳафалар кийик терисидан ишланган бўлиб, хар бирига 12 қатордан чиройли куфий хатида ёзув битилган. Кўп varaқлари йўқолган ва кейинчалик қоғоз саҳифалар Билан тўлатилган.

Татаристонлик ислом олими Шиҳобуддин ал-Маржонийнинг (1818-1889) айтишича, Қуръонни қайта тиклаш Самарқандда жойлашган “Муғак масжиди” имоми Абдулрахим ибн Усмоғ (ваф. 1838й.) тарафидан бажарилган.

Араб тарихчиларининг хабар беришларича, халифа Усмон Қуръонни мутола қилиб ўтирганларида ўлдирилган. У кишининг қони Қуръонга тўкилган. Шу туфайли ҳам Усмон Қуръонни асл нусхалиги ва халифа қони тўкилганлиги билан мусулмон дунёсида муқаддас китоб ҳисобланиб, алоҳида эътиборга сазовордир. Биздаги, яъни Тошкент шаҳридаги Усмон Қуръонида ҳам қон излари бўлиб, шу нусха халифа усмонга тегишли деган фикрлар мавжуд.

Усмон Қуръони руслар Ўрта Осиёни босиб олгунча Самарқандда, Хўжа Ахрор мадрасасида сақланар эди. Қуръоннинг Самарқандга келтирилиши ҳақида ҳам халқ ўртасида хар –хил ривоятлар мавжуд. Улардан бирида муқаддас китобни Абу Бакр ал- Каффол аш- Шоший Боғдоддан олиб келган деб хикоя қилинади. Авлодлар Оша Абу Бакр Каффол меросхўрларидан Хўжа Ахрор кўлига ўтган ва у китобни ўзи қурдирган мадрасага қўйдирган. Иккинчи бир ривоятда эса Хўжа Ахрор муридларидан бири маккадан хаж қайт қилиб қайтаётганларида Истамбулга киради ва бориб султонни оғир хасталикдан даволайди. Султон миноддарчилик билдириб унга Қуръонни тортиқ қилади.

Бизнинг ва арабшунос олимларининг фикрича бу Қуръон Соҳиб Қирон Тимур томонидан Басрадан кўплаб қўлёзма китоблар ва бошқа ўлжалар билан бирга Самарқандга келтирилган ва машҳур Темур кутибхонасига қўйдирилган. Тимурийлар давридаги ўзаро келишмовчиликларда темур кутибхонаси ёндирилиб юборилган, тасодифан шу нусха омон қолган.

Қуръонни чуқур илмий таф-тиш этган Санкт-Петербурглик Шарқшунос олим А.Б. Шебунинг фикрича, Қуръон Басрада Соҳибқирон Темур томонидан Самарқандга келтирилган, чунки, Шебунинг Париж, Берлин ва Маккадаги ва бошқа нусхаларга солиштириб, биздаги Қуръоннинг Басра нусхаси эканлигини исботлаб берди. 400 йил давомида бу муқаддас китоб Самарқандда сақланди.

Минг афеуслар бўлсин ким, 1868 йилда рус аскарларининг Самарқандга бостириб кириши билан халқимизнинг моддий, маънавий бойликларига тажовуз бошланди. Албатта бу тажоваздан мусулмонларнинг шохона мулки Усмон Мусхафи ҳам четга қолмади. Мусулмонлар Қуръонини тезликда бекитиб Бухорога жўнатмоқчи бўладилар. Бироқ бу хабар Зарафшон ўлкасининг бошлиғи генерал Абрамов қулоғига етиб фан учун бундай нодир, бебаҳо, қадимий ёдгорликни қўлдан чиқармаслик учун ҳамма чора кўрилсин” деб палковник Серовга буйруқ беради. Серов Қуръонни генерал Абрамовга келтиради. Абрамов эса уни зудлик билан 1869 йил Петербургга – император кутибхонасига алоҳида кузатувчилар билан юборади.

Рус ишбилармонлари қулай фурсатдан фойдаланиб Қуръон туфайли бойлик ортириш йўлига ўтдилар. Масалан: 1895 йили 2000 нусхада Қуръоннинг бир варағи чоп этилди. 1905 йили эса Илёс ибн Аҳмад шох “Ёсин” сурасини фото нусхасини чиқарди. Шу йили С. Писарев Қуръонни факсимилда 50 нусха чоп этиб, 25 нусхасини сотишга чиқарди. Хар бир нусхасига 500 сўм баҳо қўйилди. У Қуръонни асл нусхасига ўхшатиш учун хажмини ҳам эскича қолдирди. Хозир бу нусхадан Республикамизда икта бўлиб, бири Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг асосий кутибхонасида, иккинчиси Тимурийлар тарихи музейида сақланади.

Октябр тўнтаришидан сўнг Бутунроссия мусулмонлар жамияти номидан Усмон Тўқумбоев РСФСР халқ комиссарлари советига мурожаат қилиб, муқаддас Усмон Қуръонини ўз эгаларига топширилишини талаб қилади РСФСР Х К С томонидан мусулмонларнинг талаби қондирилиб Қуръон улар ихтиёрига берилади. 1917 йил 29 декабр куни Петербургдаги подшо кутубхонасининг “нодир қўлёзмалар” бўлимида олиниб Бутунроссия мусулмонлар жамияти раиси У.Туқумбоев жавобгарлиги остида УФА шахрига жўнатилади. 1923 йил 23 июлда Бутун иттифоқ Марказий ижрокоми Усмон Қуръонини Туркистонга қайтаришга қарор қилади. Муқаддас ёдгорликни УФАдан Тошкентга Махсус комиссия кузатувида олиб келинади. 1923 йил 18 августда Тошкентдан Сирдарё диний идорасига қарашли Хўжа Ахрор Жомеъ масжидига топширилади. Қуръонга шарқнинг жуда кўп олимлари томонидан турли тафсирлар ёзилган. Қуръон ХИИ асрдан бошлаб Европа халқлари тилларига, жумладан лотин тилига таржима қилини бошлаган. ХВИИ аср бошларида Европа халқлари тилларида, ХИХ аср ўрталарида арабча асл нусхасидан рус тилига таржима қилинган. Г.С.Саблуковнинг арабчадан даслабки таржимаси Қозонда уч марта (1878,1894,1907) нашр қилинган. Академик И.Ю. Крачковский томонидан амалга оширилган Қуръоннинг илмий изохлари билан рус тилидаги адекват таржимаси машҳурдир. (1962,1986)

Мамлакатимиз мустақил бўлганидан сўнг ўзбек тилига давлат мақоми берилди. Давлат иш қоғозлари, кўплаб дарслик ва қўлламалар ўзбек тилида ёзила бошланди.

Шу катори Қуръонни ҳам ўзбек тилига таржима қилишга киришилди. 1992 йилда Қуръон ўзбек тилига Алоуддин Мансур тарафида таржима қилинди ва “Чўлпон” нашриётида кўп нусхада нашр қилинди.

Мухаммад алайхиссаломнинг айтган сузлари, қилган ишлари еки у кишига берилган сифатларни ўзида мужассам қилган ривоятлар ҳадислар деб аталади.”Ҳадис»сўзининг луғавий маъноси –янги ,хабар,хикоя ,сўз бўлиб тўлиқ кўриниши –ал-ҳадис ан-Набавий (пайғамбар сўзлари)дир.

Ҳадислар икки қисмдан :айнан хабар бервчи матн ва уни ривоят қилган ровийлар занжири исноддан иборат.

Ҳадислар Исломи динининг Қуръондан кейинги иккинчи манбаси ҳисобланиб,кўпгина фикҳий масалаларни ҳал этишда уларга асосланилади.

Ҳадис икки ҳилдир :

-ал-ҳадис ал-қудсий(бу каби ҳадисда ,маъно Оллоҳдан ,лафз эса Пайғамбарники бўлади);

ал-ҳадис ан-набавий(бунисидаэса,маъно ҳам ,лафз ҳам Пайғамбарникидир).

Маълумки, ҳадислар асосан Муҳаммад вафотидан кейин езила бошлаган. Пайғамбар сафдошлари-саҳобалар оятларни махсус саҳифаларга езиб борганлар. Уларнинг баъзилари пайғамбарнинг айтган сўзи ва ҳатти-ҳаракатларини ҳам еза бошлаганда пайғамбар бу ишни давом эттиришни таъқиқлаган ва бунга улар Куръон Билан суннани ажратолмай қолишларидан чўчишлигини сабаб қилиб кўрсатган.

Абу Ҳурайрадан мисол келтирилади-Пайғамбар “Оллоҳнинг китоби –Куръондан бошқа яна қандай китоб истайсиз? Сиздан бошқа миллатлар Оллоҳнинг китобидан ташқари. Яна бошқа китоблар езганлари учун залолатга кетдилар-ку!” деган экан.

Илк езилган ҳадислар қаторига Муҳаммад с.а.в.нинг хорижий-ўлкаларга –Византияга императорига Эрон шоҳига, Миср ҳамда Ҳабашистон ҳукмдорларига йўлланган мактублари ҳам кирази. Ундан ташқари кўплаб бошқа ҳужжатлар ҳам бўлганки, улар ҳам илк бор ёзилган ҳадислардан ҳисобланиб, уларда исломга даъват этиш, муаян вазифаларга тайинлаш, ер ва ундан олинадиган солиқлар, имон ва тавсия мактублари, пайғамбарларга келган хатларга жавоблар ўрин олган.

XI-XII асрларга келиб Мовороуннахрда ҳадис соҳасида анча олға силжишлар бўлди. Бу даврда яшаган олимлар фақатгина маълум бир чегараланган доирада ижод қилиш билан қифояланмай, балки имкон қадар илмнинг кўпроқ қирраларига эга бўлишга интилганлар. Шунга кўра бирон-бир олим масалан, фақатгина муфассир ёки факихнинг ўзи эмас, балки бир вақтнинг ўзида муҳаддис ҳам бўлганлар. Чунки бу даврда, юқорида айтиб ўтилганидек, диний ихтилофлар кучайган эди. Шунга кўра уламолар бу ихтилофларни олдини олиш, бартараф этиш учун ҳар тарфлама кучли билимга эга бўлишлари лозим эди.

7-аср охири 8-аср бошларида тафсир илми билан бир қаторда ҳадис илмида муснадлар ёзила бошлади. Ислоннинг аввалги вақтида фақатгина оятлар ёзма ҳолида сақланиб келинган бўлса, кейинчалик турли даражадаги сохта ҳадислар ҳам мусулмонлар орасига сингиб кетди. Бу эса олимлар олдида катта маъсулиятли вазифани, яъни мана шу “мавзу” тўқима ҳадисларни ва “сахих” ишончлиларини ажратиб бериш вазифасини қўйди. “Саҳих”, “Ҳасан”, “Заъиф” каби уч қисмга бўлиб ўрганила бошланди. “Сихоҳ ас-ситта”(олти ишончли тўплам)номли ҳадислар мажмуаси пайдо бўлди. Уларнинг асосчилари:

-Имом Абу Абд Аллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғира ибн Бардабех ал-Бухорий(194/810 йилда Бухорода туғилган, 256/870 йили Самарқанднинг Ҳартанг қишлоғида вафот этган), у “сахих ал-Бухорий” ёки “ал-Жоми ас-Саҳих” номли асар муаллифидир.

-Имом Абул-Ҳусайн Муслим Нишопурий (202-261/817-875), у “Сунан” асари муаллифидир.

-Имом Абу Довуд Сулаймон ибн Жоруд ибн Ашас Сижистоний(Сийстоний) (202-275/817-889), у “Сунани Аби Довуд” асари муаллифидир.

-Имом Абу Абд ар-Роҳман ибн Али ибн Шаъбий Насоий(215-303/830-915), у “Сунани Насоий” асари муаллифидир.

-Имом Абу Абд Аллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ибн Можжа(209-273/825-887), у “Сунан ибн Можжа” асари муаллифидир.

-Имом Абу Исо ат-Термизий (ваф.279/893 й.), у “Сунан ат-Термизий” асарининг муаллифидир.

Яна бу муҳаддислар қаторида Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон ад-Доримий ас-Самарқандийни(181/798-255/869) ҳам айтиб ўтиш лозим. У “Сунан ад-Доримий” асари муаллифидир. Имом Доримий ҳадис илмини Самарқандда ривожлантиришда ўзининг ката ҳиссасини қўшган.

XI-XII асрларга келиб Мовороуннахрда ҳадис соҳасида анча олға силжишлар бўлди. Бу даврда яшаган олимлар фақатгина маълум бир чегараланган доира ижод қилиш билан қифояланмай, балки имкон қадар илмнинг кўпроқ қирраларига эга бўлишга интилганлар. Шунга кўра бирон-бир олим масалан, фақатгина муфассир ёки факихнинг ўзи эмас, балки бир вақтнинг ўзида муҳаддис ҳам бўлганлар. Чунки бу даврда, юқорида айтиб ўтилганидек, диний ихтилофлар кучайган эди. Шунга кўра уламолар бу ихтилофларни олдини олиш, бартараф этиш учун ҳар тарфлама кучли билимга эга бўлишлари лозим эди.

Ислонда илоҳиёт масалалари бўйича турли ғоявий мазҳаблар шаклланди.



Суннийлик мазҳаблари Суннийлик-бу исломда изчил, собитқадам йўналиш ҳисобланади. Мусулмонларнинг жуда кўпчилик қисми-92,5 фоизи суннийликка этикод қилади. Қолган 7,5 фоизини шиалар, ибодийлар ва хорижийлар ташкил қиладилар. Сунна арабча одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи деган маъноларни билдиради. Суннийлик деган сўз арабча «Сунна»-«муқаддас ривоят», яъни Муҳаммад тўғрисидаги ривоятлар ва унинг ҳадислари тўплами деган тушунчадан олинган. Яна Сунна фарздан фарқли равишда бажарилиши ихтиёрий бўлган кўрсатмалар, амалларидир.

Суннийлар уммавийлар сулоласидан бўлган халифаларнинг олий ҳокимиятга бўлган ҳуқуқини тан олганлар. Суннийликда Сунна Куръондан кейинги асосий муқаддас манба, ҳадислар тўплами деб қаралади. У VII аср ўрталарида шакллана бошлаган. Унда халифаликдаги синфий муносабатлар, ижтимоий зиддиятлар, ислом мафкуриси атрофидаги кураш ўз ифодасини топган. Уни тўплаш, шарҳлаш ва нашр қилишда ватандошларимиз Исмоил Бухорий, Имом ат-Термизий асосий рол ўйнаганлар.

Суннийлик қисман Эрон, Жанубий Ироқ, Яман, Марказий Осиё, Кавказ, Волга бўйи, Сибирь, Ўрол, Кичик Осиё, Миср ва Шимолий Африка, Индонезия, Малайзияда кенг тарқалган. Унинг муқаддас шаҳарлари Макка ва Мадинадир. Унда тўртта шариат мактаби-ҳанафийлар, моликийлар, шофиъийлар, ҳанбалӣлар мазҳаблари бор.

1. **Ҳанафия** (Имоми Аъзам) мазҳаби. Бунга Абу Ҳанифа таҳаллуси Имоми Аъзам-буюк имом-(699-767) асос солган. У энг йирик ҳуқуқшунослардан бири бўлиб, шариат ҳуқуқини тартибга солган, қиёсни татбиқ этган, истиҳсон тартиб усулини (манбалар асосида чиқариш мумкин бўлган хулоса ёки ҳукмлардан мусулмонлар жамоаси учун мақбулроғини қабул қилиб) ишлаб чиққан, маҳаллий халқ ҳуқуқ-қоидаларини-одатни шариат билан келтириб қўлланишни жорий этган ҳуқуқшуносликдан оқилона фойдаланиш унсурларини киритган.

Истиҳсон (араб.-яхшилаш, маъқуллаш) шариатнинг чалкаш, мураккаб масалаларига қиёсини қўлланишнинг йўли билан мусулмон жамоаси ёки давлати учун мумкин қадар яхшироқ, фойдалироқ, маъқулроғини қўллаш тарзи ҳисобланади. Бу икки ёки ундан ортиқроқ имконияти мавжуд бўлган мантикий хулосалардан фойдалироғи, маъқулларини ажратиб олишдир.

Ҳанафийлар маҳаллий зодагон ва ҳукмдорлар қабул қилган низом ва қонунлар, маҳаллий урф-одатларга таянган одатий анъаналар ҳамда маҳаллий элатларнинг урф-одати асосида келиб чиққан одат мақомига кенг таянишлари исломнинг кўчманчилари орасида ҳам тез тарқалишга олиб келган. Чунки булар ўзларининг ибтидоий урф-одатларини ҳисобга олган исломни, хусусан

ҳанафия мазҳабини ўзларига маъқул топганлар. Абу Ҳанафия фикҳнинг асосчиси ва улўсифат илоҳиёт мутахассиси бўлган. «Агар диний эътиқод Зухрогача йироқлашиб кетса ҳам, уни имом Абу Ҳанифа ерга қайтариб келади»⁹, дейишарди. Унинг «Ал-Фикҳ ал-Акбар» асари бошқа мазҳаб мухлислари орасида ҳам машҳур бўлган. Олимнинг ёзишича, у ҳуқуқий масалаларга оид 500 мингдан ортиқ мисоллар яратган ва диний ибодат ҳамда ҳуқуқ масалаларига оид 64 фатво нашр этган. Абу Ҳанифа зўр тақводор киши бўлиб, зоҳидликда яшаган. У ҳақда махсус ривоятлар яратилган.

Мужтаҳид имом Шофиъий айтганидек, агар Имом Аъзам бирор нарсани олтин деб аташни хоҳласа, уни исбот этиш учун унинг маҳорати ҳам, истеъдоди ҳам етарди. Умуман ҳанафия бошқа шариат мазҳабларига қараганда христиан ва яҳудийларга нисбатан мўътадиллик нуқтаи назарида турган.

Ҳанафия мазҳаби қонунлари Абу Юсуф Ёқуб (ваф. 795), аш-Шайбоний (ваф. 804), Қодирий (ваф. 1036) асарларида ҳам ишлаб чиқилган. Ҳамюртимиз Марғинович ар-Риштон (ваф. 1157)нинг фикҳга оид асарларидан энг машҳури «Ҳидоя фи-л-фурур-Шариат соҳалари бўйича қўлланма» ҳанафия мазҳаблари томонидан қонунлар мажмуаси (кодекс) сифатида фойдаланилган. Марғиновичнинг «Ҳидоя»си форс, инглиз ва рус тилларига таржима қилинган бўлиб, ҳозир ҳам Шарқ мамлакатларида (Ҳиндистон, Туркия ва б.) ҳанафия мазҳаби шариат соҳасидаги асосий қўлланма ҳисобланади.

Ҳанафия мазҳаби суннийлик йўналишига мансуб бўлган мусулмонларнинг 47 фоизини ўз ичига олади. Ҳозир ҳам республика тупроғидаги суннийларнинг оила, никоҳ, талоқ ва бошқа масалаларида шу мазҳабга таянадилар.

2. Шофиъий мазҳаби. Унинг асосчиси имом аш-Шофиъий (767-820) кучли илоҳиётчи фақиҳлардан бири бўлган; Маккада яшаган, Яманда қозилик қилган. Али авлодлари билан яқинлашганлиги учун 803 йилда қамоққа олинган. Авф этилганидан сўнг Мисрга келиб, Молиқнинг шоғирди сифатида фаолият бошлаган. 810 йилдан Боғдодда ўз таълимотини тарғиб қилган. Унинг «Китоб ал-умм» тўплами ислом ҳуқуқини анъанавий тартиб-қоидалар билан боғлашга қаратилган, фикҳ асосларига тўла тавсиф бериб, ижмоъдан фойдаланишга алоҳида эътибор қилинган.

Шофиъия мазҳабининг усули ҳанафия ва моликия усуллариининг ўзаро муросасига тарафдорлик қилишга уринган бўлса ҳамки, асосан моликияга мойил эди. Улар қиёсининг қўлланишида муайян чегарага йўл қўярдилар. Истихсон усули кўп ҳулосавий имкониятларни яратиш ва у шахсий (ғаразли) фикрларга асосланган ҳукмларга олиб боришидан ҳадиксирардилар. Шунинг учун улар қиёсга таяниб истихсоҳ-муайян ҳолатнинг қўлланишига мувофиқ равшан исботини берувчи, фикҳ қоидасини ишлаб чиққанлар. Масалан, сафарда бўлган шахснинг ўлик ёки тириклигини билмасдан унинг мол-мулкига меросхўрлик эгалик қилишлари мумкинми, деган саволга шофиъийлар рад жавобини берардилар. Бунга сабаб мерос эгасининг ўлими ҳақида исботловчи далилнинг йўқлигидир. Сурия ва Мисрда шаклланган бу мазҳаб ҳозирги вақтда Индонезия, Шарқий Африканинг баъзи мамлакатларида, жанубий араб султонликлари мусулмонлари орасида тарқалган бўлиб, суннийликдаги мусулмонларнинг 27 фоизини ташкил этади.

3. Моликия мактаби. Асосчиси Молиқ ибн Онас (713-795) «Асҳоб ал-Ҳадис» (Ҳадис тарафдорлари) оқимининг йирик намояндаси бўлиб, Муҳаммад давридаги диний ҳуқуқ тартибини ёқлаб чиққан. Ўзининг «Ал-Муваттоъ» (Оммавий, Барчага тушунарли) асарида Қуръон ва Суннани ақлга асосланган ҳолда талқин қилишга қарши чиққан. У муҳофазакор илоҳиётчи фақиҳлардан бири эди. Бу мазҳаб тарафдорлари ўзларининг номўътадиллиги билан ажралиб турарди. Улар ҳанафийларга нисбатан қиёсни қўллашда анча чек қўйишарди. Аммо ўзларининг истислоҳ қоидалари билан ҳанафиянинг истихсонига яқин турардилар. Ҳозирги даврда Моликия мазҳаби Тунис, Жазоир, Марокаш, Ливия ва бошқа мамлакатларда тарқалган бўлиб, суннийликдаги мусулмонларнинг 17 фоизини ташкил этади.

4. Ҳанбалия мазҳаби асосчиси имом Аҳмад ибн Ҳанбал ибн Хилол ибн Асад аз-Зухайлий ал-Шайбоний 780 йили Боғдодда туғилиб, шу ерда 855 йил вафот этган. Ҳадис тўплаш ниятида Сурия, Ҳижоз Яман, Куфа ва Басрага кўп саёҳат қилган ва 40 мингдан ортиқ ҳадисни жам этган ояти жилдлик «Муснад ал-Имом Аҳмад» (Имом Аҳмадни таянчи) асарини яратган. У мустаҳкам эътиқодли суннийлик нуқтаи назаридан халифа Маъмун даврида давлат дини бўлмиш муътазийликка қарши курашгани учун бир неча бор қамалган ва жазоланган. Унинг ҳуқуқ

⁹ Керимов Г.М. Шариат и его социальная сущность.-М., Наук, 1978. -С. 15.

тартиботи ўта торлиги, диний масалаларда Қуръон ва Суннага қаттиқ риоя қилишлиги, эркин фикр юритиш ва талқин этишга, ҳар қандай янгиликка қаршилиги, шариат тартиб-қоидаларига риоя этишда қатъий мутаассиблиги билан ажралиб турарди.

Ҳанбалия мазҳаби тарафдорлари авваллари фақатгина Қуръон ва Суннагагина таяниб, шариий ҳукмлар чиқарсалар, кейинроқ қиёс ва ижмони қўлланишда ҳам улар танҳо Муҳаммаднинг сафдошлари бўлмиш саҳобаларнинг ҳамжиҳатлигидан келиб чиққан ҳукмларнигина инобатга олар эдилар. Бунда улар тобеъийларнинг ҳам, улардан кейинги эътиборли диний арбобларнинг ҳам фикрларини тан олмас эдилар. Қуръон ва ҳадислардан эса ҳеч қандай далил тополмаган тақдирда ноилож қиёсга мурожаат этардилар. Бу мазҳаб диний масалаларда ҳеч қандай эркин фикрни тан олмай, шариат қонун ва маросимларини ижро этишда ўта жиддийлик кўрсатувчи, диннинг ўтакетган фидойилари эдилар. Уларнинг расмийчилиги, ўтакетган мутаассиблиги, жонли тарихий ҳақиқатдан узоқ турган қарашлари, ижтимоий ҳаёт ва турмуш тарзидаги ҳар қандай янгиликларга зид эканлиги сабабли-бу мазҳаб XII асрларгача кенг тарқалмаган. X асрда Эронда, XI-XV асрларда Сурия ва Фаластинда Ҳанбалиянинг издошлари бўлган.

XVIII асрга келиб, ибн Ҳанбал таълимоти ҳозирги Саудия Арабистондаги ваҳобийларнинг шаклланишига асос солган. У ерда Ҳанбалиянинг илк исломга хос қонунлари ҳозир ҳам амалда.

Ислом тарихида ва ҳозирги пайтда ҳам юқорида зикр қилинган мазҳаб суннийлар орасида тенг ҳуқуқли ҳисобланган ва улардан бирортаси ҳам дин асосларига зид ҳисобланмаган. Қоҳирадаги ал-Азҳор дорилфунунида ислом фикри тўрт мазҳаб бўйича ўрганилади. Ҳанбалия мазҳаби суннийликдаги энг кичкина, яъни 1,5 фоизни ташкил этувчи мусулмонлар бўлсаларда, улар «соф» ислом учун курашиш байроғи остида, XVIII асрдан то ҳозиргача турли мамлакатларда ваҳобийлик ҳаракати орқали катта зарар келтирмоқдалар.

Бундан кўриниб турибдики, ислом ҳуқуқи вақтига, ўринга, шароитга қараб муайян хилдаги ўзгаришларга учраган, ҳар хил шарҳларга дучор бўлган.

Юқоридаги мазҳабларнинг фаолиятида фақатгина соф ҳуқуқий масалалар билан чекланмаганликлари туфайли булар шариат қонунларининг кенг тарқалишига олиб келган. Улар қонунчилик тартиб-қоидалари мажмуига нафақат ҳуқуқий масалаларни, балки диний маросимчилик, савдо ва солиқ, ҳуқ-атвор масалаларини ҳам киритганлар. Ислом ҳуқуқшунослари шариат қозиларидан бошқа судловчи ташкилотлар бўлмаганидан, мусулмон ҳуқуқшунослари барча ҳуқуқий ва диний масалаларни ўзлари ҳал этардилар.

Кейинчалик ислом ҳудудида ривожланган давлатларнинг мураккаб тараққиёти жараёнида уларнинг манфаатларини кўриқловчи турли-туман дунёвий қонунлар вужудга кела бошлаган. Қуръонда турли-туман жоиз ва тақиқларнинг бир туркуми мавжуд. Улар кейинчалик кенгайтирган ва бу элементлардан қонунлар мажмуи ёки ислом ҳуқуқи таркиб топган. Амалда шариатнинг асосий йўналиши ҳаётнинг турли масалаларига диний нуқтаи назардан баҳо беришдир. Соф юридик қарашлар унга кейинчалик киритилган.

Шиалик: секта, мазҳаблар ва маънавият.

Шиалик. Гуруҳ, партия, тарафдорлари деган маъноларни берадиган арабча «шиа» сўзидан келиб чиққан. Шиалик ўз аҳамияти ва тарафдорлари сонига кўра исломдаги иккинчи йўналишдир. У VII асрнинг иккинчи ярмида мусулмонларнинг махсус ва сиёсий гуруҳи сифатида юзага келган. У чорёрларнинг тўртинчиси Али тарафдорларини бирлаштирган. У жуда кўп секталарга бўлиниб кетган. Булар орасида исмоилийлар ҳозир 35 миллионга яқин тарафдорга эга бўлиб, огаҳонлар бошчилигида ҳозир ҳам ислом доирасида катта рол ўйнамоқда.

Шиалар Арабистонда пайдо бўлган теократик давлат-халифаликдаги олий ҳокимият учун олиб борилган кескин кураш жараёнида келиб чиққан. Халифаликнинг барча бош лавозимлари 644 йилдан бошлаб қурайш қабиласига мансуб бўлган халифа Усмон бошлиқ маккалик оқсуяклар-муҳожирлар қўлига ўтган.

Исломда жабр-зулм қораланса-да, барибир, улар исломга бўйсундирилган бошқа халқлардан ташқари мусулмон арабларнинг ўзларини ҳам қаттиқ эксплуатация қилишаверади. Бундан норози бўлган араблар Халифа Усмонга қарши қўзғалон кўтариб, уни Мадинада ўлдиришган. Халифалик лавозимига Али кўтарилган. Бироқ, у ўз ҳокимиятини қурайш оқсуякларидан ҳимоя қилишга мажбур эди. Али тарафдорлари у пайғамбарнинг амакиваччаси ва куёви бўлганлиги учун мусулмонларнинг бошлиғи бўлиши керак, унинг вафотидан кейин эса бу лавозим унинг авлодларига мерос бўлиб ўтиши керак, деб чиқишган. Бироқ тахт учун курашда Сурия ҳокими Муовия бошлиқ қурайш зодагонлари ғолиб чиққан. Али тириклик чоғидаёқ Муовия халифа деб эълон қилинган.

Шиалар Алидан бошқа барча сунний халифаларнинг узурпаторлар, яъни сиёсий ҳокимиятни зўравонлик билан қўлган олган кишилар деб ҳисоблайдилар. Булар Алининг авлоди бўлган 12 имомдан иборат ўз сулолаларини уларга қарши қўйганлар. Улар Алини, унинг ўғиллари-Ҳасан ва Ҳусайнни ҳамда уларнинг авлодларини шаҳид, деб ҳисоблашган.

Ислом тарқалган мамлакатлардаги иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар натижасида турли даврларда мусулмонларнинг ҳар хил гуруҳлари, айниқса кўпроқ секталар пайдо бўла бошлаган. Булар сунний ва шиа йўналишларидан ажралиб чиққан бўлиб, мусулмон секталари дейилади. Буларнинг исломдаги ҳанафий, ҳанбалий, шофиъий, моликий каби мазҳаблар билан аралаштирмаслик керак.

Ислом секталари мусулмонларнинг диний уюшмалари бўлиб, уларнинг сони жуда кўп, ислом мамлакатларининг деярли ҳаммасида мавжуд. Чунончи, аҳмадий, алавий, ибодий, идрисий, қодирий, муридий, рашидий, тижоний, ҳамолий, шодий ва бошқалар суннийлар йўналишидан ажралиб чиққан секталардир. Хорижий, исмоилий, зайдий, низорий, ионаашарий, друз, баҳоний ва бошқа мазҳаблар эса шиалар оқимидан ажралиб чиққан. Уларнинг кўплари тарқаб кетган. Ислом секталаридан баъзиларига қисқача тўхталамиз.

Зайдилар. Феодал низолар заминидан VIII аср ўрталарида шиа мусулмонлари сафидан яна бир гуруҳ ажралиб чиқиб, мустақил зайдилар сектасини ташкил этган. Бу секта – Алининг эвараси, Ҳусайннинг набираси 740 йили Куфада уммавийлар сулоласидан бўлган халифа Хишомга қарши халқ қўзғалониға бошчилик қилган Зайд ибн Али номи билан аталган ва шиаларнинг учинчи имоми Зайд халифа қўшинлари билан бўлган жангда ўз тарафдорлари билан бирга ҳалок бўлган.

Зайдилар 864 йили Эроннинг шимолида ўз давлатларини тузишган. 901 йили эса улар Яманда давлат ҳокимиятини қўлга олишган. Бу давлат 300 йилча яшаган. Зайдилар диний таълимотнинг шаклланишига ишонишни, Қуръон «азалдан» мавжудлигини, ирода эркинлиги мавжудлигини, диний эътиқодни амалий ҳаракат билан мустаҳкамлаш зарурлигини тан олганлар. Улар кўпгина шиа маросимларига амал қилишган, бироқ ўз турмуш тарзига кўра суннийларга ҳам яқин турган.

Исмоилийлар. Бу мазҳаб тарафдорлари шиалар орасида энг кўпчиликни ташкил этган. Исмоилий мазҳаби VIII асрнинг 2-ярмида Боғдод халифалигида пайдо бўлган ва имом Жафар Содиқнинг катта ўғли Исмоил номи билан аталган. Исмоилийлар диний таълимотида бутун оламни яратган «дунёвий ақл» ва «дунёвий рух»га эътиқод этиш асосий ўринни эгаллаган. Уларнинг таълимотида неоплатончилар фалсафаси ва буддавийликнинг катта таъсири сезиларди. Исмоилийлар турли даврларда халқларга турли пайғамбарларнинг юборилиши-«дунёвий ақл»нинг ерда намоён бўлишидир деб ҳисоблашарди. Улар етти пайғамбарни-Одам Ато, Нух, Иброҳим, Исмоил, Мусо, Исо ва Муҳаммад (с.а.в.)ни тан олишади. Уларнинг фикрича, имомлар пайғамбарларнинг ворислари ҳисобланади. XI асрдан бошлаб исмоилийлар синфий зиддиятларнинг кучайиши натижасида турли қисмларга бўлиниб кетган. Ҳозирги пайтда исмоилийлар Ўрта Шарқ мамлакатларида, Ҳиндистон, Уганда, Кения, Танзания, Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон вилоятида мавжуд.

Друзлар. Ўз таълимотига кўра, бу секта исмоилийлардан ажралиб чиққан. Друзлар ваҳдониятга-Аллоҳнинг ягоналигига эътиқод этадилар ва 998-1021 йилларда ҳукмронлик қилган фотимийлар халифаси ҳакимни ҳалоскор сифатида ерга иккинчи марта келади, деб ҳисоблайдилар. Улар ўзларининг «муқаддас» ёзувларига эга. Уларда диний маросимлар унчалик ривож топмаган, шу сабабли масжиди ҳам йўқ. Барча секталар каби, друзлар ҳам шариатни, шиа имомларини тан оладилар.

Карматий мазҳаби. Карматийлар ҳам исмоилийлардан ажралиб чиққан шахобчалардан бири бўлиб, IX аср охирида Ироқда ўз фаолиятини бошлагандан сўнг Сурия ва Яманга тарқалган. Кўчманчи бадавийлар, деҳқонлар ва ҳунармандлардан ташкил топган бу мазҳаб ислом таълимотини Аллоҳга ва пайғамбар Муҳаммадга эътиқод қилишдан ташқари бошқа нарса ва буюмларга сиғинишни қоралаганлар. Шу ғояни ўз тарафдорларига сингдирган карматийлар мусулмонлар зиёратгоҳи Каъбадаги Қора тош зиёратини, унга сиғинишни, бидъат, бутпарастлик деб ҳисоблаб, X асрнинг бошларида (930 йили) ҳаж вақтида Маккага бостириб кириб, бир неча минг ҳожиларни ва Макка шаҳри аҳолисини қатл этиб, асрга олганлар. Шаҳарни ва Каъбани вайрон қилиб, қора тошни иккига бўлиб, ўз давлатлари Баҳраинга олиб кетганлар.

Қарматийларнинг бундай ҳаракатларини аксарият мусулмонлар жамоаси қоралаган. Макка ва Шаҳарни таъмирлаш ишлари амалга оширилиб 20 йилдан сўнг қора тошни қарматийлардан катта тўлов эвазига қайтариб олганлар.

Жаъфарий мазхаби. Бу мазхаб шиалик йўналишидаги имомат йўналишига (яъни 12 имомга эътиқод қилиш) қирувчи асосий мазхаблардан биридир. Шиаликдаги 6-имом Жаъфар ас-Сидикни Исмоилийлар фикҳ тизимини асосчиси деб тан оладилар. Ислом тарихидан маълумки, фикҳга оид бу тизим IX-X асрларда бир қатор илоҳиётчилар томонидан яратилган. Бунда имом Жаъфарнинг иштироки бор ёки йўқлигини белгиловчи далил қолмаган. Чунки, ундан ҳеч қандай ёзма асар қолмаган. Аммо шиаликдаги диний-ҳуқуқийликка оид таълимот жаъфария номи билан аталади.

Жаъфария мазхаби ўрта асрларда Эронда ҳукмрон диний-ҳуқуқ тизимини ташкил этган. Бу мазхаб ҳозирда ҳам Эрон ва Ироқда шиалар ўртасида ўз таъсирини йўқотмаган.

Ислом пайдо бўлган даврдан бошлаб, унинг турли минтақаларга тарқалиш жараёни, хусусан диний таълимотни талқин қилиш билан боғлиқ давлатни идора қилиш масалалари, ҳокимиятни эгаллаш ҳаракати ҳамда халифалик даврларда вужудга келган ички зиддиятлар натижасида исломда йўналишлар ва бир қанча мазхабларни шаклланишига олиб келди. Аммо бу йўналиш ва мазхаблар қайси минтақаларда мавжудлигидан қатъий назар ислом манбалари бўлмиш Қуръони карим ва ҳадис шарифга амал қилган. Бундай эътиқодга эга бўлган ҳар бир мусулмон қалбида у Аллоҳнинг бандаси эканлигини ҳис қилиб турган, гуноҳ ишларига қўл урушдан ўзини тийган, тоат-ибодат орқали ўз маънавий-ахлоқий киёфасини шакллантиришга ҳаракат қилган.

Исломдаги йўналишлар ва мазхабларнинг шаклланиши жараёнида вужудга келган диний эътиқод ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид зиддиятлар туфайли содир бўлган қурбонлар, талон-тароҷлар, исломнинг тарихий жараёни бўлиб, вақт ўтиши билан уларнинг кўпчилигига ўз таъсир кучини йўқота борган, асосан мусулмонлар томонидан эътироф этилган йўналишлар, мазхаблар ҳозирги Шарқда ҳам Марказий Осиё минтақасида ҳам сақланиб қолган. Уларнинг аксарияти ислом таълимотига амал қилиб, асрлар оша мусулмон халқлари ҳаётида ижобий рол ўйнаб, унинг айниқса маънавий-ахлоқий қадриятлари бу динга эътиқод қилувчи киши қалбига эзгулик уруғини сочмоқда.

Мотуридия. Абу Мансур ал-Мотуридий ўзтаъсир кучини асрлар оша сақлаб қолган ашъариядан кейинги иккинчи сунний калом мактабининг асосчиси дир.

Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мотуридий тахминан 870 йилда ёки ундан сал олдин туғилган, деган хулосалар мавжуд. У Самарқандцаги Мотурид (ёки Мотурит) маҳалласидатугилган. Ал-Мотуридий Абу Бақр Аҳмад ал-Жузжоний, Абу Наср Аҳмад ал-Ийодий каби фикҳ ва калом олимларидан дарс олган.

Ал-Мотуридий услуб жиҳатидан мукаммал калом таълимотини яратди. Унинг фикрлари «Китоб ат-тавҳид» ва «Китоб ат-таъвилот» асарларида баён этилиб, бизгача етиб келди.

Унинг тафаккури мавжуд турли таълимотлардан синтез йўли билан янги назарияни ишлаб чиқишнинг ноёб намунасидир. Ал-Мотуридий Мовароуннаҳрдаги илоҳиёт тараққиётида бурилиш нуқтасини белгилаб берди. У асосан муътазилийлар ва дуалистик динлар вакилларига қарши ғоят соғлом ва эҳтиёткор тарзда курашиб, ўзига хос синтез илоҳиётининг асосини яратди.

Унинг шогирдлари — Абу-л-Ҳасан Али ибн Саъид ар-Рустуфағний, Абу Аҳмад ал-Ийодий, Абдулқарим ал-Паз-давий ва Абу Исма ал-Бухорийлар.

Ханафия мазхаби илоҳиётини баён этиб берган ал-Мотуридий ва унинг шогирдлари мазкур соҳада кўплаб асарлар ёздилар.

Ал-Мотуридий Абу Ҳанифанинг «ар-Рисола ило Усмон ал-Баттий», Абу Мутиъ ал-Балхийнинг «ал-Фикҳ ал-абсат», Абу Муқотил ас-Самарқандийнинг «ал-Олим ва-л-мутаъ-аллим» китобларидаги таълимотни анъанавий таърифлар ёрдамида қайтариш ва таъкидлаш билангина чекланмайди. У ўзи сўз юритаётган масалаларни асослаб беришга интилади, имкон бор ерда бир фикрни иккинчисидан келтириб чиқаришга ҳаракат қилади. У аниқ таркибга эга бўлган эпистемология, яъни билиш назариясига эга эдики, унинг ёрдамида олим ўз фикрларини таҳлил этар ҳамда билиш-нинг турли манбаларини англаб, улар ҳақида сўз юритади эди. Унинг усули муҳим масалаларда доимо (қарама-қарши илоҳий қарашлар ўртасида) оралиқ йўлни танлашни ҳамда турли даъволар (*ваҳй* ва ақл, Аллоҳ ва инсон, Аллоҳ ва олам) ўртасида мантиқий мутаносиблик мавжуд бўлишини такозо этади. Бирор диний ҳукм чиқариш лозим бўлган ҳолларда ал-Мотуридий турли жиҳатлар мутаносиблиги талабини амалга киритган.

Ал-Мотуридий 333 ҳижрий/944-45 милодий йил Самар-қандда вафот этган бўлиб, уламолар кўйиладиган Чокардиза қабристонида дафн этилган.

Ашъария. Ашъария исломдаги аҳд ас-сунна ва-л-жамоа доирасидаги икки йирик эътиқодий мактабнинг биридир. Унинг асосчиси басралик Абу-л-Ҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарийдир. У

биринчилардан бўлиб калом билан ислом ақидаларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилган. Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий таълимотини асослашда суннийликдаги тўрт мазҳабнинг иккиси — шофиъия ва моликияга суянар эди. Шунингдек, у калом борасида турли хил зиддиятлар орасида фаолият кўрсатганлиги маълум. Унинг ҳаётини икки босқичга бўлиш мумкин:

- 1) муътазила мактабининг вакили Абу Али ал-Жуббоъ-ийдан таълим олиб, 40 йил ушбу таълимоттарафдори сифатида ўтган ҳаёти;
- 2) 912-13 йил муътазиладан ажралиб чиқиб, ўзи учун янги йўл топган даврдаги ҳаёти.

Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий кўп асарлар тасниф этган бўлиб, уларнинг асосийлари «Мақолог ал-исломийин» ва «ал-Лумаъ» китобларидир. У 934-35 йили Бағдодда вафот этди.

Ал-Ашъарий ал-Мотуридийдан фаркли ўлароқ, билиш назарияси, оламнинг тузилиши, Аллоҳнинг зоти ва таъсири, инсонга такдим этилган хатти-ҳаракат масалаларида бошқача мулоҳаза юритган. Ашъария илоҳиёти ўз назариясига энг ифодали, ҳатто айтиш мумкинки, радикал таъриф излаган. У каломни ва унинг далиллаш шакллари юксак даражада билади. Аммо ал-Ашъарий улардан моҳият эътибори билан сунний анъанавийчилигига мувофиқ келувчи фикрларни ҳимоя қилиш мақсадида фойдаланади.

Ашъарийларнинг асосий таянадиган манбалари Куръони карим, сунна ва калом илми қоидаларидир. Улар оҳод ҳадисларга ақида бобида таянмайдилар.

Улар Аллоҳнинг зоти ҳақида шундай эътиқод қиладилар:

— Аллоҳнинг бирлиги, унинг тенги ва ўхшаши йўқлиги;

— Куръонда зикр қилинган Аллоҳнинг «юзи», «икки қўли», «кўзи» каби сўзларнинг ўзига хос талқини (*таъвили*) мавжудлиги;

— инсон балоғатга етганда унинг аввалги вазифаси фикрлаш, сўнгра эса имон келтириш эканлиги;

— имон ва тоат — Аллоҳнинг тавфиқи билан, кофир бўлиш ва гуноҳкорлик эса Аллоҳнинг хор қилиши сабабидан эканлиги;

— Аллоҳни қиёматда кўз билан кўриш мумкинлиги;

— *гуноҳи кабира* қилган инсон *тавбасиз* вафот этса, унинг ҳукми Аллоҳга ҳавола эканлиги;

— охират, қайтатирилиш, маҳшар, тарози, сирот кўприги, шафоат, жаннат, дўзах ва шу каби ғайбий нарсаларга имон келтириш шартлиги;

— саҳобалар барча ишларини умматнинг манфаатини кўзлаб қилганликлари учун улар ҳақида ёмон сўз айтиш мумкин эмаслиги.

Фикҳ илмининг мусулмонлар учун амалий диний қоидаларни ишлаб чиқувчи «фуруъ ал-фикҳ» («фикҳ тармоқлари») ва сакрал манбалардан амалий қоидаларни чиқариш (*истинбот*) услубларини тадқиқ этувчи «усул ал-фикҳ» («фикҳ асослари») деган асосий соҳалари мавжуд.

Фикҳ илми умманинголим кишилари орасида шакллана бошлади. Аввал у *Илоҳий Китобни* ақлий тушуниш ва изох, беришни англатган. Бу маънода илк даврда *фиқҳ* (ақлий тушуниш) *илм* (нақлий тушуниш) нинг аксини билдирган. Аста-секин исломнинг амалий масалаларидан баҳс этувчи фан шаклланиб, унга *илм ал-фиқҳ* номи берилди. Пайғамбар вафотидан кейинги даврда араб давлати ҳудудлари тез суръатлар билан кенгая борди. Унинг таркибига Андалус (Испания), Шимолий Африка, Миср, Сурия, Ироқ, Эрон, Хуросон, Мовароуннаҳр, Ҳиндистон ва бошқа ўлкалар киритилди. Фикҳнинг минтақавий мактабларида ислом амалиёти масалалари тезлик билан ишлаб чиқиладиган бўлди. Уларнинг аъёнлари ўзлари фаолият олиб бораётган муҳит ва маҳаллий маданият таъсири остида бир-биридан фарқ қилар эди. Бир-биридан узоқбўлган ерларда мустақил фикҳ марказлари пайдо бўлди. Улар орасида катта араб қўшинлари турган Ироқ (Куфа, Басра), Миср, Шом, Ҳижознинг (Мадина, Макка) аҳамияти юқори бўлди. Мазкур маҳаллий марказларнинг урф-одатлари, эҳтиёж ва шарт-шароитлари турлича эди. Янги кўтарилган масалаларга киришилганда (*ижтиҳод*), ҳар бир фақиҳ турли ечим (*фатво*) қабул қиларди. Буларнинг бариси маълум ўлкаларда турли мазҳабларнинг пайдо бўлишига замин яратди.

Илк ривожланиш даврида фикҳга доир бўлган масалалар миқёси, уларни муайян боблар ва фаслларга бўлиб ўрганиш аъёнлари шаклланиб улгурди. Шу даврнинг ўзидаёқ фикҳ ислом фанлари орасида ўз ўрнини олди.

Муҳаддислар (традиционализм) ҳаракатининг бошланиши фикҳ илмининг ривожланишида янги даврни очиб берди. Факат Пайғамбардан махсус техника (муҳаддислар техникаси) асосида нақл қилинган хабаргина муқаддас (диний) аҳамиятга эга эканлиги ҳақидаги фикр диний илмлар соҳасида эски қоидаларни зудлик билан ўзгартирди. Традиционализмнинг VIII аср мобайнида кучайиб бориши калом ва фикҳ соҳасида кескин бурилиш ясади. Бундан аввал қабул қилинган қоидалар янги талаблар асосида кўриб чиқишни тақозо этди. Бу ишларни амалга оширишда аш-

Шофиъийнинг «ар-Рисола» асари муҳим ролни ўйнади. Унда *нақлий* ва *ақлий* услублар, муқаддас матнлар ўзаро муносабатлари ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилувчи методология асослаб берилди. Бу билан усул ал-фикҳ фани дунёга келди. «Ар-Рисола» фикҳ олимлари орасида шу давргача олиб борилган «Ахл ал-ҳадис» ва «Ахл ар-раъй» гуруҳларининг зиддият ва ихтилофларига барҳам берди. Минтақавий мактаблардан персоналашган мазҳабларга ўтиш бошланди. IX—Хасрларда муайян сунний мазҳабларнинг сони камайиб, XII—XIII асрларда уламоларнинг ўзаро келишуви (*ижмо*) асосида улар тўртта деб эълон қилинди. Шу билан бир қаторда *ижтиҳод дарвозалари* ёпилганлиги ҳақидаги нореал фикр ҳам тарқатилди.

Хаворижнинг келиб чиқиши. Али билан Муъовия ўртасида тузилган битимдан Куфа яқинида турган 12 минг кишидан иборат қўшиннинг бир қисми норози бўлди. Улар «хукм чиқариш фақат Аллоҳнинг қўлидадир», деган шиор билан қўшинни тарқ этиб, Куфа яқинидаги Ҳарура қишлоғига кетдилар. Бу фирқанинг Куфадаги «хуруж» (бўйсун- маслик) воқеаси уларнинг «хавориж» (қарши чиқувчи- лар) номини олишларига сабаб бўлди. Бу воқеа Ҳарура қишлоғида юз берганлиги боис аввалига уларни «ҳару- рийлар» деб ҳам атаганлар. Улар ўзларини «Шурот» («жонларини Аллоҳ йўлида тиккан кишилар») деб номлаганлар. Яна уларнинг «Муҳаккима» («хукм Аллоҳнинг қўлида» дегувчилар) деган номлари ҳам бўлган.

Хаворижлар ўзларига Абдуллоҳ ибн Ваҳб ар-Росибийни *амир* этиб сайлаб, Али ва Муъовияни йўқ қилиш пайига тушдилар. Халифа Алини 660 йилда хорижий Абдуллаҳмон ибн Мулжам ўлдиргач, хаворижлар икки фирқага бўлиниб, бири Ироқда қолди, иккинчиси Арабистон ярим оролига кс-тди. Умавийлар даврида хаворижларга қарши кескин кураш олиб борилди. Чунки улар Умавийлар давлатига катта хавф солардилар. Будаврда хаворижлар кучайиб, Кирмон, Форс, Ямома, Ҳадрамавт, Тоиф ва Яман каби шаҳар ва ўлкаларни эгалладилар.

Ҳокимият Умавийлардан Аббосийлар сулоласи (749— 1258) қўлига ўтганидан кейин ҳам бу тоифа бир муддат ўз кучини йўқотмади. Бироқ Аббосийлар узоқ вақт уларга қарши узлуксиз олиб борган курашларидан сўнггина хаворижлар инқирозга юз тутди.

Хаворижлар таълимотлари асоси қуйидагилардан иборат: —улар гуноҳкорни «кофир» деб эълон қилдилар. Шунга қўра халифа Усмонни Абу Бакр ва Умар йўлидан юрмагани учун кофир дейишади. Али, Муъовия, Абу Мусо ал-Ашъарий, Амр ибн ал-Ослар муҳолиф гуруҳларда қатнашганлари учун улар наздида кофирлар;

—«золим» подшоҳга қўлда қилич билан қарши чиқишни диний вазифа (*вожиб*) деб биладилар. Ўз эътиқодини яшириш тамойили (*тақийа*)ни рад этадилар. Ўзлари ҳарбий жихатдан заиф бўлсалар ҳам қудратли «золим» подшоҳга қарши чиқиш *вожиб* бўлаверади, деб ҳисоблайдилар;

—халифаликка ҳар қандай одам, Қурайш қабиласидан ёки араб бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар, мусулмонлар томонидан сайланиши мумкин. Халифалик, шиалар айтга- нидек, маълум жамоат (сулола) ичида чекланмаган;

—намоз, рўза, закот ва бошқа амалларни имоннинг бир бўлаги, деб ҳисоблайдилар. Киши то барча амалларни бажармагунча, дили билан тасдиқлаб, тили билан айтиши мусулмон деб тан олинishi учун кифоя эмас.

Хавориж оқимлари. VII аср иккинчи ярмида хаворижлар орасида йигирмага яқин турли гуруҳлар пайдо бўлди. Улар ичида энг йириклари — ибодийлар, азракийлар ҳамда суфрийлар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз йўлбошчилари номи билан шундай аталганлар.

Ибодия. Ибодия бошқа хавориж гуруҳлари орасида энг мўътадили ҳисобланиб, бизнинг давримизгача сақданиб қолган ягона хавориж фирқасидир. Бу мазҳабнинг асосчиси умавий халифа Абдулмалик ибн Марвон (685—705) даврида вафот этган Абдуллоҳ ибн Ибод (ёки Абод)дир. Мазкур мазҳабнинг таълимоти мўътадил бўлиб, у қолган мусулмонлар билан қиз олиб- қиз беришдан, улар билан мерос улашишдан қайтар- майди. Шунингдек, уларнинг таълимоти хужжат ва исбот келтириб эълон қилгандан сўнггина бошқа мусулмонларга қарши уруш очишга ижозат беради. Бунингакси ўлароқ, бошқа хаворижлар ўзларидан бошқа оқимдаги мусулмонлардан уйланишни, улар сўйган ҳайвон гўштини ейишни, улар билан ўзаро мерос улашишни ман этиб, эълонсиз уларга қарши уруш очишни жоиз деб билишади. Гуноҳи *кабира* (катта гуноҳ) қилган одамни кофир деб, *жизйа* (жон солиғи)ни тўлаб юрган бошқа дин вакиллари (*ахл аз-зимма*)ни ўлдиришни ва мол- мулкни тортиб олишни мумкин деб билишади.

Ал-Ибодия фикҳий мазҳаби ахл ас-сунна мазҳаби билан кўплаб амалий диний (*фурӯъ*) масалаларда ўзаро келишади. Бу мазҳабнинг таълимоти кўплаб қўлёзма ва босма китобларда жамланган. Энг муҳим чоп этилган китоби Муҳаммад ибн Юсуф ибн Утфойнинг ўн жилдли «Шарҳ ан-нил» асаридир. Мазкур мазҳаб вакиллари Марокаш, Умонда истиқомат қиладилар.

Азракия. Азракийлар (азориқа) гуруҳининг асосчиси Нофиъ ибн ал-Азракдир (ваф. 685 й.). Хавориж гуруҳлари орасида энг мурасасиз ва бешафқат саналган бу жамоа ҳозирги кунгача етиб келмаган.

Азракийлик таълимотига хос бўлган жиҳатлар қуйидагилар: —халифа Алини **«кофир»** деб ҳисоблаганлар; —гуноҳи **кабира** қилган мусулмонларни **кофир** деб эълон қилганлар;

—азракийлардан бўлмаган мусулмонлар, уларнинг қариялари, аёл ва болалари қонини тўкишни **ҳалол** деб ҳисоблаганлар;

—ҳайз кўрган аёлларга ҳам намоз ўқиш ва рўза тутишни фарз деб ҳисоблаганлар;

—майда ўғрилик учун ҳам қўлни бутунлай елкадан кесиб ташлашни буюрганлар.

Суфрия. Суфрия ҳам хаворижларнингбир гуруҳи бўлиб, Зиёд ибн ал-Асфар деган киши номи билан аталган.

Суфрийлар таълимоти ўзининг нисбатан мўътадиллиги билан ажралиб туради. Бу гуруҳнинг ажралиб чиқишига хаворижлар орасида кўтарилган **имон** масаласидаги торти- шувлар сабаб бўлган. Улар азракийлардан фарқи ўлароқ, кўзғолонларда қатнашмаган ўз диндошларини кофирга чиқармаганлар. Рақибларининг қария, аёл ва болаларини Улдиришдан қайтарганлар. Онгли равишда **тақийага** — ўз имоиниш амалда эмас, фақат оғзаки равишда яширишга йўл берганлар. Бу фирқа VIII асргача ўз фаолиятини давом эттирганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Нақшбандия ғарикати. Унинг иккинчи номи Хўжагон йўналиши бўлиб, у шаҳар ва шаҳар атрофларида ривожланган ва халқ орасида кенг тарқалган. Бу оқимга Хўжа Юсуф ал-Хамадонийнинг машхур шогирди Хўжа Абдулхолиқ ал- Ғиждувоний (ваф.1179 ёки 1220й.) муршидлик қилган. Кейинчалик бу оқимга Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд (1318— 1389) муршидлик қилган ва шудаврдан эътиборан нақшбандия тариқати бугун ислом оламигатарқалабошлаган.Осиё заминида энг кенг тарқалган тасаввуф тариқатларидан бири-нақшбандиядир. Унинг ҳақиқий асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд бўлиб, у Бухоро яқинидаги Қасри Орифон қишлоғида дунёга келди. Баҳоуддин Нақшбандни ёшлигида Хожагон тариқати шайхларидан Мухаммад Бобо- йи Самосий маънавий фарзандликка қабул қилди. Бир муддатдан кейин Самосий унинг тарбиясини Амир Кулолга топширди. Шубиланбирга Баҳоуддин Нақшбанднингҳақиқий шайхи - *увайсия* йўлида тарбиялаган Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳисобланади. Маълум муддат Самарқандда яшаб, у ердаги шайхларнинг *суҳбат* ва *таважжужуҳпарига* мушарраф бўлди. Амир Кулолдан халифаликни олгач, Косим шайх, Халил ота ва Мавлоно Ориф каби ясавия шайхларининг ҳузурида куп йиллар қолиб, улардан илму файз олишга муяссар бўлди. Икки маротаба ҳажга бориб келган Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётинингхирги йилларини Бухорода ўтказди. Ислом оламида жуда катта обрў-эътиборга эга бўлган Нақшбанднинг ҳаёти *маноқибларга* тўла бўлиб, бугунгача унинг ҳаёти ва тариқатини ифодаловчи жуда кўплаб асарлар битилган.

Нақшбандия тариқатининг энг машхур шохобчалари: *аҳрория*, *мазҳария*, *муҷаддидия* ва *хolidия*. Муҷаддидия- нинг асосчиси Аҳмад ас-Сирҳиндий Ибн Арабийнинг *ваҳдат ал-вужуд* фалсафасини танқид қилиб, *ваҳдати аш- шухуд*ни ёқдаб чиққан. Суннийлик ақидасига зид келмайдиган тасаввуфий тушунчага эга бўлган Имом Раббонийнинг энг машхур асари «Мактубот» туркчага илк бор Мустақимзода Сулаймон Саъиддин томонидан ўғирилган ва Истамбулда нашр этилган.

Ясавия тариқати. Шайх Аҳмад Ясавий (ваф. 1166-67 й.) ва унинг шогирдлари номи билан боғлиқдир. Аҳмад Ясавий суфийлик тариқатининг тарғиботчиси бўлиши билан бирга шоир ҳам эди. Ясавий ғоялари бир неча маротаба турли таҳрирда нашр этилган «Девони ҳикмат»да жамланган. Аммо тадқиқотчилар орасидаунингЯсавийгатааллуқлилиги илмий муаммо сифатида баҳс этилаяпти. Унинг фикрича, дунё- нинг ноз-неъматларини сўраган киши суфий эмас, балки *зуҳд* ва *тақвои* ихтиёр этиб, умрини тоат-ибодатда ҳамда йиғи билан ўтказган киши асл суфийдир. Унинг «Ҳикматлар»и халқорасида кенгтарқалган.

Бу тариқат асосчиси Хожа Аҳмад Ясавий бугунги Қозоғистоннинг жанубидаги Чимкент вилояти Сайрам қишлоғида дунёга келган. Баъзи манбаларга қараганда, у Ясида (ҳозирги Туркистон) таваллуд топган. Ривоятларга кўра, бу ерда у Арслон-боб исмли машхур шайхнинг хайрли дуосига эришган. Оддий халқ оммаси англайдиган услубда суфиёна ҳикматлари, шеърлари билан атрофдаги одамларни ҳақ йўлга чакиради, уларнинг маънавиятига кучли таъсир кўрсатади.

Ясавия тариқатида *жаҳрий зикр* ижро этилади. Зикр чоғида дарвешнинг томоғидан арранинг товуши каби овоз чиққани учун Ясавия зикрига «*зикри арра*», «*зикри миншрий*» дейилади. Бу зикр қуйидагича ижро этилади: дарвеш икки қўлини тиззаси устига қўйиб, нафасини қорнига чиқариб «ҳа» деб, яна қорни томонидан нафас олиб бош, бел, елка қимирламаган ҳолда «ҳайй» дейди ва

зикр шу тарзда давом этади. Зикрининг 12 зарб тури маълумдир. Ясавийликда *хилватга* ҳам катта аҳамият берилади.

Бу тариқатда муҳим ўрин тутган асослар қуйидагилардан иборат: Аллоҳни таниш (*маърифатуллоҳ*), мутлақ жўмардлик, ростгўйлик, ўзини Аллоҳга топшириш (*таваккул*) ва теран тафаккур.

Ясавия тариқати, асосан, сунний эътиқодига амал қилиш билан бирга Хуросон *маломатия* мактабидан бир оз таъсирлангани сабабли терма маданият асосига эга. Унинг хусусиятлари кейинчалик юзага келган кўплаб тариқатларда акс этган. Ҳатто нақшбандияни ясавиянинг бир шохобчаси деб билувчилар ҳам бор. Аҳмад Ясавийнинг энг машҳур халифаларидан Сулаймон Ҳаким ота Боқирғоний (ваф. 1186 й.), Суфий Муҳаммад Дониужманд аз-Зарнуқий ва бошқалар маълум.

Кубравия тариқати. Бу тариқатнинг асосчиси — шайх Нажмиддин Кубро ал-Хивакий (ваф. 1221 й.) бўлиб, тасаввуф тарихидаги энг ёрқин сиймолардан биридир. Хивада туғилган. Ёшлигида диний илмларни эгаллаган. Айниқса, ҳадис илмида тенги йўқ эди. Турли ўлкаларни кезган. Мисрда шайх Рузбихон ал-Мисрий билан танишиб, унга мурид бўлган. Каттиқ риёзатлар натижасида муршидининг таважжуҳига эришиб, унинг кизига уйланган. Бундан кейин у Аммор Ёсирга мурид бўлган, унинг тавсияси билан эса Исмоил Касрий даргоҳига кирган ва у ердан «*хирқаи табаррук*» кийган. Яна Мисрда — шайхининг ёнига қайтган Кубро шайхи томонидан ўз ватани Хоразмга *ириод* вазифаси билан жўнатилади. Кубро Хоразмга кўчиб бориб, кубравия-заҳабия тариқатига асос солган. Қисқа вақт ичида атрофдагиларнинг муҳаббатини қозонди, шогирдлар тарбиялаб, вояга етказди. Чунончи, Фаридиддин Атторнинг устози — шайх Нажмуддин ал-Бағдодий билан «Мирсод ал-ибод» асари муаллифи машҳур Нажмуддин Доя Кубро шогирдлари жумласидандир. Нажмиддин Кубро мўғуллар билан бўлган жангда ҳалок бўлган.

Ёзган асарлари орасида энг машҳури «Усули ашара» рисоласи бўлиб, бу асар барча тариқатларга ўз таъсирини кўрсатган. Исмоил Ҳаққий Бурсавий томонидан шарҳ этилган. «Фавоихул жамол» асари эса тасаввуф руҳшунослиги мавзуидадир. Кубронинг асарлари Эрон, Кичик Осиё ва Ҳиндистондаги тариқат мухитларига кучли таъсир қилган. Чунончи, бу тариқат нақшбандия ва мавлавия тариқатларига ҳам таъсир кўрсатган.

Кубравия кўпроқ Ўрта Осиё, Россия ва Эрон мамлакатларида кенг тарқалган. Кубравиянинг ўзига хос жиҳатлари чордона қуриб, жаҳрий зикр қилиш. Унинг тариқат силсиласи Али ибн Аби Толибга бориб уланади. Тариқат асослари «Усули ашара» асарида тавсиф этилган. Кубравиянинг машҳур шохобчалари қуйидагилар: баҳоъия хилватия, фирдавсия, нурия, рукния, ҳамадония, нурбахшия, барзанжия.

Диний экстремизм - муайян диний конфессия ва ташкилотлардаги ашаддий мутаассиб, фанатик унсурларнинг фаолияти мафкураси. Фанатизм ўз ақидасининг шак-шубҳасиз тўғрилигига ишониб, бошқа фирқа ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда уларни тан олмаслик, балки уларни диний асосларни бузишда айблаб, уларга қарши уруш очишга олиб борадиган омиллардандир. Диний фанатизм диний экстремизм ва терроризмга замин тайёрлайди.

Фундаментализм - маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин деган фикрни илгари сурувчиларнинг йўналиши. Диний фундаментализм - ақиданинг ўзгармаслигини ҳимоя қиладиган, ваҳй ва мўъжизаларнинг муқаддас китоблардаги баёнининг ҳарфий талқини тарафдори, уларнинг ҳар қандай мажозий талқинига муросасиз, сўзма-сўз талқинга асосланган эътиқодни ақлга таянган мантикий далиллардан устун қўядиган, муайян диний эътиқод шаклланишининг бошланғич даврида белгиланган барча йўл-йўриқларни қатъий ва оғишмай бажарилишини талаб қиладиган диний оқимларни ифодалашда қўлланиладиган истилоҳдир.

Фундаментализм ибораси биринчи бор II Жаҳон уруши арафасида вужудга келган протестантизмдаги ортодоксал оқимларни ифодалаш учун ишлатилган. Бу оқим 1910 йилдан кейин шу ном билан атала бошлаган. Фундаменталистлар христианликнинг анъанавий ақидаларига, айниқса Библиянинг мутлақо мукамаллигига ишонишни мустаҳкамлашни, уни сўзма-сўз шарҳлашга қатъий риоя қилишни талаб қилдилар. Бу оқим кейинчалик Америкада кенг тарқалиб кетди. 1919 йили Филадельфияда Жаҳон христиан фундаменталистлари ассоциациясига асос солинди.

Асримизнинг 70-йилларидан бошлаб эса, бу сўз исломга нисбатан қўлланила бошланди. Ислом фундаментализми замонавий исломдаги уч йўналишдан биридир (қолган иккитаси - традиционализм ва модернизм). Ислом фундаментализмининг асосий ғояси - «соф ислом» принципларига қайтиш, мақсади «исломий тараққиёт» йўлини жорий этишдир.

Ўзбекистонга нисбатан ислом фундаментализмининг таҳдиди ақидапарастликни ёйиш, бу йўл билан мусулмонларни ислоҳотчи давлатга ишончини йўқотишга уринишда ўзини намоён этмоқда. Бундай гуруҳлар мустаҳкамланиб бораётган умуммиллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликка раҳна солишга ҳаракат қилмоқдалар. Демократия ва дунёвий давлат тушунчаларини, эътикод эркинлигига асосланган кўп конфессияли дунёвий жамиятни обрўсизлантиришга йўналтирилган сазй-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган.

Бинобарин дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Уларни поклаб, юксалтирган. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган. Умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан авлодга етказишга ёрдамга келган.

Диннинг юксак ролини эътироф этиш билан бирга диний дунёқараш тафаккурнинг, инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш мумкин. Дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам у билан ёнма-ён, у билан тенг яшаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ривожланиб келган».

Кейинги йилларда юртимизда миллий ва диний қадриятларнинг тикланишига катта эътибор берилиб, бу нарса ҳукуматимизнинг устувор сиёсатига айланди. Кўплаб диний байрамларга оммавий тус берилди, телевидение ва матбуот томонидан диний масалалар тез-тез ёритила бошланди. Фуқаролар ўртасида диний илм ва анъаналарга қизиқиш кучайди. Бундан фойдаланиб, баъзи ғаразли шахслар маълум манфаатлар эвазига чет элдан юртимизга суқулиб қирмоқчи бўлган экстремистик оқимлар «даъватчи»ларига айландилар. Улар хорижликлар томонидан истаганларича маблағ ва диний адабиётлар билан таъминландилар. Бу ҳаракатлар тезда ўз оқибатини кўрсатди. Фарғона водийси ва Тошкент шаҳрида уя қуриб олган «Ваҳхобийчилик» ҳаракати, жумҳуриятимизнинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларига етиб боришга улгурган «Ҳизбут таҳрир» каби гуруҳларнинг кейинги йилларда Ватанимизнинг турли жойларида уюштирган фитна-фасод ҳаракатлари шундан дарак беради.

Модомики, биз ёшларимизни, Президентиз айтганидек Имом Бухорийлар, Нақшбандийлар ва Яссавийлар таълимоти асосида тарбиялар эканмиз, биз уларни турли ислом ниқоби остидаги ғаразли гуруҳлар билан буюк аждодаларимиз амал қилган ва бизларга ҳам тавсия этган мусаффо ислом ўртасини ажрата оладиган даражада билимли қилишимиз зарур бўлади.

Ваҳхобийлик. Ваҳхобийлик XVIII асрда Арабистон ярим оролида вужудга келган дини-сиёсий оқимдир. Унинг асосчиси Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳхоб 1703 йили Арабистон ярим ороли Нажд ўлкасининг ал-Уйайна деган жойида таваллуд топган. Бу даврда унинг отаси Абд ал-Ваҳхоб ибн Сулаймон мустақил маҳаллий амир ҳокимиятида қозилик лавозимида хизмат қилар эди. Муҳаммад ёшлигидан диний илмларни ўз отаси раҳбарлигида ўргана бошлади. У анъанага кўра, Қуръонни ёд олди, тафсир ва ҳадис илмлари билан таниша бошлади. Бир неча бор Миср, Сурия, Курдистон, Ироқ, Эрон мамлакатларида бўлиб, кўпинча уламолар суҳбатида ўзининг жанжалкашлиги ва мутаассиблиги билан ажралиб турган. У ўз тарғботчилик фаолиятини 1730 йилларда бошлаб, биринчи мақсади ўзига муносиб ҳомий топиш бўлди.

1745 йили Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳхоб ад-Диръийя водийсига унинг амири Муҳаммад ибн Саъуд таклифига биноан кўчиб ўтди. Бу билан Муҳаммад ибн Саъуд ўз ҳокимиятини кучайтиришда ваҳхобийликдек мафкуравий қуролга эга бўлди. Ваҳхобийлар ўзлари хоҳлаган жамоани куфрда ёки ширкда айблашлари ва унга қарши жиҳод эълон қилишлари мумкин эди. Ибн Саъуд эса бу жиҳодни амалга ошириб, ўз ҳокимияти чегараларини кенгайтиришни бошлади. Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳхоб 1792 йили вафот этди. Ибн Саъуд ва унинг сулоласи ваҳхобийлик байроғи остида олиб борган урушлари 1932 йилда Саудия Арабистони давлатининг тузилиши билан якунланди.

Ваҳхобийлик таълимоти диний масалаларда дин фундаменти, яъни Пайғамбар даври воқеийликларига қайтишни талаб этди. Улар барча муҳолифларини бидъатчиликда, яъни динга янгилик киритганликда айбладилар, ўзларининг сиёсий душманларини эса мушрикликда айблаб, уларга қарши жиҳод олиб боришга фатво бердилар. Ахлокий масалаларда назарий жиҳатдан, гарчи шахсий камтарлик, мол-мулкка хирс қўймаслик, дунёвий ҳаётда тоат-ибодатга аксарият вақтни сарфлашни тарғиб қилсаларда, лекин амалда сарой аҳлининг босқинчилик урушлари қўшни қабилалар мол-мулкларини талаш оқибатида гап билан амал ўртасида зиддият пайдо бўлди.

Ваҳхобийлик ҳаракатлари Усмонийлар империяси (1453-1924) ҳудудларида вужудга келганлиги ва империя билан бу ҳаракат ўртасида бир неча қонли тўқнашувлар юз берганлиги туфайли бу

оқимда турк исломига қарши бўлган кучли кайфият ўз аксини топди. Империянинг марказий ҳудудларида ҳанафийлик мазҳаби мутлақ ҳукмрон мавқега эга бўлганлиги учун мазкур мактаб қоидалари қаттиқ танқид қилинди.

Шунингдек, ваҳхобийлик ҳаракати мафқурасининг марказида аввалига Арабистон ерларини бирлаштириш орқали, кейинчалик бутун ислом дунёсида ислом давлатини шакллантириш ғояси ҳам мавжуд эди. Улар бу мақсад йўлида ҳар қандай қурбонликларга тайёр эдилар.

Ваҳхобийларнинг чет элларда кўплаб ташкилотлари бўлиб, улар фаол ҳаракат олиб борадилар. Уларнинг кўпчилиги яширин сиёсий фаолият олиб боради. Иш услублари - диний ҳиссиётлари кучли бўлган фуқароларни жамиятларига тортиб, уларни қайта тарбиялаш, сўнг улардан ташвиқот ва ижтимоий тартиббузарлик, экстремистик ҳаракатларда фойдаланиш. Бу ишларга, айниқса, ёшларни, болаларни, ҳаёт тарзидан норози бўлган шахсларни жалб қиладилар. Хайрия фондлари орқали майиб-мажруҳларга, етим-есирларга ёрдам, диний таълим бериш, турли диний адабиётларни тарқатиш каби йўллар билан кенг тарғибот ишларини олиб борадилар. Кишиларга фанатизм, мурасасизлик, ўзгалар фикрлари ва манфаатларига ҳурматсизлик руҳини сингдиришга уринадилар.

Ал-Ихвон ал-муслимун. XIX аср дастлабки йилларидан ислом дини тарқалган мамлакатлар иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётида катта тарихий ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу ўзгараётган янги шароитларга диний-фалсафий, ҳуқуқий нормаларнинг XIX аср ярмидан бошланган мослашуви фанда «Исломий ислохотлар» номини олди. Лекин бу жараён ҳаддан ташқари чўзилиб кетди ва кўп соҳаларда зиддиятли ҳолларни келтириб чиқарди. Улар орасида панисламизм ва мусулмон жамоаларининг бошқа конфессиялардан ажратиш ғоясини айтишимиз мумкин. Панисламизм ғоясини биринчи бўлиб илгари сурган Жамолиддин ал-Афғоний (1839-1897) ҳисобланади. У диний-сиёсий арбоб бўлиб, 1884 йили Парижда Муҳаммад Абдух (1849-1905) билан биргаликда «ал-Урват ал-вусқо» журналинини нашр этди ва унда панисламизм ғояларини тарғиб қила бошлади. Афғонийнинг ғояларини кейинчалик «Мусулмон биродарлар» («ал-Ихвон ал-муслимун») радикал шаклларида ривожлантирилди.

Ал-Ихвон ал-муслимун - 1928 йили Мисрнинг Исмоилия шаҳрида Мисрлик шайх Ҳасан ал-Банно томонидан ташкил этилган диний-сиёсий ташкилот. Ҳасан ал-Банно Жамолиддин ал-Афғоний, Муҳаммад Абдух, Рашид Ризо асарларидан таъсирланиб, панисламизм ғоясида «жиҳод», «исломий миллатчилик», «исломий давлат» таълимотларини ишлаб чиқди. Ал-Ихвон ал-муслимун бу таълимотлар асосида ислом дини тарқалган мамлакатларда Куръон ва шариатда ифодаланган қоидаларга тўлиқ риоя қилувчи, «исломий адолат» принциплари ўрнатилган жамият қуриш учун сиёсий курашни бошлаб юборди.

Ал-Ихвон ал-муслимун ўз тарихида бир неча босқичларни босиб ўтди. 1928-1936 йиллардаги даврни хайрия ва маърифатчилик босқичи деб атаса бўлади. Кейинчалик у кураш услуби сифатида террорни қўллаш даражасига етган сиёсий ташкилот сифатида майдонга чиқди. Кўплаб давлатларда унинг фаолияти тақиқланди. Кейинги даврда ал-ихвон ал-муслимун орасида бўлиниш юз бериб, улар 3 йўналишга бўлиниб кетди:

- 1) «мўътадиллар» - Ҳасан ал-Банно ва Саййид Қутб тарафдорлари;
- 2) «ислом демократлари» - «ислом социализми» таълимоти тарафдорлари;
- 3) «ат-Такфир ва-л-ҳижра», «ал-Жиҳод», «Ҳизб ат-Таҳрир ал-исломий» каби террор услубини қўлловчи ташкилотлар.

Ҳизб ат-Таҳрир ал-исломий (Ҳизбут таҳрир). Ҳизбут таҳрир 1952 йили Қуддус шаҳрида фаластинлик илоҳиётчи Тақий ад-дин ан-Набаҳоний (1909-1979) томонидан асос солинган диний-сиёсий партия. У Ҳайфада туғилиб ўсган, Қоҳирадаги «ал-Азҳар» университетига таълим олган.

Ҳизбнинг асосий мақсади - аввал араб давлатлари микёсида, кейин ислом дунёси микёсида ва ниҳоят жаҳон микёсида халифалик шаклидаги ислом давлатини тузиш. Уларнинг асосий даъвоси - Мустафо Камол Отатурк томонидан 1924 йили Усмоний халифа Иккинчи Абдулмажид (1922-1924) халифаликдан ғайриқонуний четлатилди. Давлат диний-исломий қонунлар асосида халифа томонидан идора этилиши лозим. Ҳизб дастури 187 банддан иборат бўлиб, асосий мақсади - ҳокимиятга эришиш. Бундаги асосий йўл - исломий фикрловчи шахсларни шакллантириш. Уларга исломий таълим-тарбия бериш икки босқичдан иборат: 1) у билан ислом таълимотини ўргатиш йўлида маданий-маърифий ишлар олиб бориш; 2) сиёсий фаолиятга тортиш.

Мақсадга эришиш учун кураш уч босқичдан иборат:

- ғоявий-фикрий кураш;
- жамиятда ғоявий инқилобни амалга ошириш;
- ҳокимиятга фақатгина умма - жамоанинг тўлиқ розилигидан сўнг келиш.

Ҳизбут таҳрир тарафдорлари кўпгина мусулмон давлатлари, жумладан Тунис, Ироқ, Жазоир, Судан, Яман ва бошқаларда ўз фаолиятларини яширин олиб бормоқдалар. Унинг ҳозирги кундаги раҳбари Абд ал-Қадим аз-Заллумдир.

Ҳизбут таҳрир тузилиш жихатидан пирамида шаклидадир. Ҳар бир гуруҳ (ҳалқа) алоҳида-алоҳида бўлиб, 5-6 кишидан иборат. Гуруҳларнинг ўқув ишига «мушриф» раҳбарлик қилади. Ундан ташқари гуруҳда яна бир раҳбар - «амир» бўлиб, у мушрифга машғулотларни ўтказишда бевосита ёрдам кўрсатади. Мушриф бир вақтнинг ўзида бир неча гуруҳда таълим ишларини олиб бориши мумкин. Ўқиш давомида тингловчилар диний мавзудаги машғулотлар билан бирга сиёсий, жумладан, мусулмон давлатларида содир бўлаётган воқеаларни диққат билан ўрганадилар.

Ўзбекистон ҳудудида 1992 йилдан бошлаб партиянинг бошланғич бўлинмалари ташкил этила бошлаган. Ҳизб сафига кирувчилар ўз партиялари ҳақидаги маълумотларни ҳеч қачон ошкор этмасликка ўз мушрифи буюрган вазифаларни сўзсиз бажаришга Қуръон билан қасам ичадилар. Ҳизб мутасаддилари ўз тарафдорларини кўпроқ зиёлилар, илмий ходимлар, талаба ёшлар орасидан қидирадилар.

Етарли таълим олган шахслар кейинчалик ўзлари мустақил гуруҳ тузишлари лозим. Таҳрирчиларнинг таълими босқичма-босқич олиб борилади. Биринчи босқичда «Ислом низоми» ва «Иззат ва шараф сари» китоблари бўйича ўқитилади, «ал-Ваъй» журнаליдаги маълумотлар муҳокама қилинади. Кейинги босқичларда «Демократия куфр низоми», «Сиёсий онг», «Халифаликнинг тугатилиши», «Ҳизбут таҳрир тушунчалари», «Исломий даъватни ёйиш вазифалари ва сифатлари» каби китоблари ўқитилади. Бу адабиётлар партия манфаатларини кўзлаб, Қуръон оятлари ва ҳадисларни нотўғри талқин қилиб диндорлар онгига таъсир қилиш мўлжалланган. Ушбу нашрлар диндорларни сиёсийлаштирилган исломга тарғиб этиб, уларни фуқаровий бўйсунмасликка ва муомаладаги умумий қоидаларни инкор этишга чақиради.

Ҳозирги замон ислом уламолари – Юсуф Қарзовий, Сайид Мухаммад ат-Тантовий, Носир ад-дин ал-Албонийлар Ҳизбут таҳрирни оҳод ҳадисларга, қабр азобиға, *сирот* кўпригига ишонмасликлари учун уларни *аҳл ас-сунна ва-л-жамоа* сафидан чиққан ҳисоблайдилар.

Акромийлар. Республикамиз ҳудудида ташкил топиб, ҳозирда фаолияти деярли тўхтатилган ноанъанавий ҳам ислом таълимотига ҳам конституциявий давлатчилик асосларига зид бўлган гуруҳ «Акромийлар»дир.

Акромийлар 1996-1997 йилларда Андижонда ташкил топиб, унинг номи гуруҳ асосчиси - 1963 йилда туғилган Йўлдошев Ақром номи билан боғлиқ. А. Йўлдошев Ҳизбут таҳрирнинг етакчиси ан-Набахоний ғоялари асосида 12 дарсга мўлжалланган «Имонга йўл» рисоласини ёзган. Шу сабабдан акромийларни «Имончилар» деб ҳам юритилади.

Акромийлар ҳам давлат тепасига чиқиш каби ғаразли мақсадларни кўзлайдилар. Бироқ, улар таҳрирчилардан фарқли ўлароқ, халифалик давлатини маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, аввало Андижонда, сўнг Фарғона водийсида амалга оширолмаслиги бўлди. Акромийлар сиёсий ҳокимиятга эришишнинг 5 босқичини режалаштирганлар - «сирли», «моддий», «узвий», «майдон» ва «охират». Тўртинчи ва бешинчи босқичлар тамомила исломлаштириш даври тугагач бошланиши ва очиқдан-очиқ ҳокимият учун кураш босқичлари бўлмоғи лозим эди.

Бу гуруҳ аъзолари асосан ҳунармандлардан иборат бўлиб, улар расмий ишхоналардан бўшаб, жамоа маъқуллаган меҳнат фаолияти билан шуғулланганлар. Зарурат туғилганда «биродарлари»га «жамоа банки»дан моддий ёрдам берганлар. Ундан ташқари жамоа аъзоларига ташкилий равишда озиқ-овқат моллари тарқатиб турилган. Қуда-андачилик фақат «биродарлар» ўртасида амалга оширилган.

Адабиётлар:

1. Қуръони Карим. Т., 1992.
2. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т., 1999.
3. Имом ал-Бухорий. “Ал-жомеъ -ас-саҳиҳ” 4-жилд. Т. 1996.
4. Ат-Термизий. Шамоили Мухаммадия/Сайид Махмуд Тарозий Алихон тўра таржимаси. Т: Меҳнат нашр, 1991 й.
5. Исмоил Маҳдум. Тошкентдаги «Мусҳафи Усманий» тарихи Т. 1996 й.
6. Уватов У. Мухаддислар Имоми.-Т. Маънавият, 1998.
7. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. 2004й
8. Диншунослик. Т., 2000 й.

17-мавзу. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар. Миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий оқибатлари.

РЕЖА:

- 1. “Виждон эркинлиги ва дини ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши.**
- 2. Ўзбекистон Республикасида давлат ва дин муносабатлари.**
- 3. Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотлар фаолияти.**
- 4. Миссионерликнинг келиб чиқиши.**
- 5. Прозелитизм келтириб чиқараётган салбий оқибатлар.**

Фуқароларнинг виждон эркинлиги ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш, диний ташкилотлар фаолиятини қонунларга мувофиқ олиб борилишини таъминлаш давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Дунёдаги бирорта ҳам давлат ушбу масалаларга бефарқ қарамайди, дунёвий кадриятларга таянадиган, илм, фан, тафаккур ва маданиятни ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган ҳар бир давлат фуқароларининг соғлом маънавий муҳитда яшашидан, тараққийпарвар ва инсонпарвар эътиқодий қарашларга эга бўлишдан манфаатдордир.

Ўзбекистон Республикаси ҳам фуқароларнинг виждон эркинлигини ҳимоя қилиш, диний ташкилотларнинг халқ ва давлат иродаси ифода этилган қонунларга мувофиқ фаолият олиб борилишини таъминлаш мақсадида 1991 йил 14 июнда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» қонун қабул қилди. Ушбу қонун диний муносабатларни янгича асосда тартибга солувчи кодекслаштирилган йирик қонуний- ҳуқуқий ҳужжатдир. Бироқ қонун қабул қилингандан кейинги 7-8 йил ичида диний ҳаётда, диний ташкилотлар билан давлат идоралари ўртасидаги муносабатларни янада ойдинлаштиришни тақозо этувчи ўзгаришлар содир бўлди. Айниқса диний фундаментализм ва дин ниқоби остида кенг ҳаракат қилишга интилаётган халқаро экстремизмнинг авж олиши мавжуд қонунларга тўлдиришлар киритишни талаб этди. Натижада объектив ва субъектив омиллар боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1998 йил 1 майда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририни қабул қилди.

Қонун Республикамиз эътироф этган халқаро ҳужжатлар ва давлатимизнинг Асосий Қонуни-Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ нормаларидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам қонуннинг 3-моддасида «Виждон эркинлиги-фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат қарор қилишнинг Конституциявий ҳуқуқидир» деб таъкидланади.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятини ташкил этишга оид қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларга:

1. Ўзбекистон Республикасининг ва Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциялари ва қонунлари;

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари;
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қарорлари;
3. Вазирликлар, маҳкамалар, ҳокимликлар ва ўзини ўзи бошқариш идораларининг махсус актлари қиради.

Демак, Ўзбекистонда фуқароларнинг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолияти энг аввало қонунлар, кейин эса қонун ости ёки тармоқ-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали амалга оширилади.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақидаги қонунлар икки қисмдан иборат. Биринчи қисмга виждон эркинлигини ҳимоя қилиш, таъминлашга қаратилган Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар қиради. Юридик адабиётларда улар виждон эркинлиги тўғрисидаги қонунлар деб аталади. Иккинчи қисмга диний ташкилотларни ташкил этиш тартибларини белгилаб берувчи қонунлар қиради. Ушбу қонунлар ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ишлаб чиқилади ва ҳаётга киритилади.

Виждон эркинлиги ҳуқуқий-фалсафий тушунчадир. Ушбу тушунча фуқаронинг у ёки бу динга эътиқод этиш ёки эътиқод этмаслик ҳуқуқи унинг ихтиёрида эканлигини ифода этади. Агар «виждон» ахлоқий-фалсафий тушунча бўлса, «эрк», «эркинлик» норматив ҳужжатларда «ҳуқуқ», яъни юридик атама тарзида қўлланилади.

Қайси динга эътиқод қилиш ёки бирорта ҳам динга эътиқод қилмаслик ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқидир. Шунинг учун ҳам қонунда эътиқод муносабатларида мажбур этишга

йўл қўйилмайди, деб қатъий белгилаб қўйилган. Худди шунингдек, вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда диний ўқишларга йўл қўйилмайди (3-модда). Ушбу таъкид тарбия, маърифат ва илм ўчоқлари, ёшлар ташкилотлари учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки республикамиз ёшларининг деярли барчаси у ёки бу кўламда ушбу ташкилотлар билан муносабатда бўлади, уларда таълим, тарбия, билим олади. Бироқ айрим жойларда ёшлар тарбиясига кам эътибор берилгани сабабли акромийлар, ваҳхобийлар ва «Ҳизбут таҳрир ал-исломий» каби экстремистик диний ташкилотлар бир қатор ёшларни ўз сафига тортишга муваффақ бўлган. Масалан, Тоҳир Йўлдошев бошчилигидаги ваҳхобийлар махсус лагерларда ёшларни қўпоровчилик ишларига тайёрлов, эъдод (тайёрлаш, мослаштириш, махфий ҳаракат қилиш) билан шуғулланиб, Ўзбекистонга жиход эълон қилишган. Лагерларда ёшлар ислом дини ниқоби остида давлатга қарши ҳаракат қилишга, шаҳид кетиш, ота-она, яқинларининг ҳаётини қурбон қилиш орқали бўлсада, ислом давлати куриш мафкурасини илгари сурадилар. (Қаранг: Закурлаев А. Фоялар кураши. –Т.: Мовароуннаҳр, 2000, -28 б.).

Қонунга мувофиқ Республикамизда яшаётган чет эллик фуқаролар ҳам истаган динларига эътиқод қилиши мумкин ва уларнинг ушбу фуқаролик ҳуқуқи ҳимоя қилинади. Бироқ улар ўз эътиқодларини бошқаларга зўрлаб ўтказиши ёки уларни ўз динларидан воз кечишга ундашлари, шу тариқа фуқаролар ва диний конфессиялар ўртасида низолар, тўқнашувлар келтириб чиқармасликлари зарур. Ўзбекистон фуқаролари каби улар ҳам қонун олдида тенгдирлар.

Расмий ҳужжатларда, масалан, паспорт, туғилганлик шаходатномаси, шахсий варақаларда фуқаронинг қайси динга эътиқод қилишини кўрсатишига йўл қўйилмайди. Ҳеч ким эътиқодини рўкач қилиб давлат олдидаги ижтимоий ва мажбурий бурчларини адо этишдан бўйин товлаши мумкин эмас. Баъзан оммавий ахборот воситаларида айниқса телевидениеда, айрим ёшларнинг диний эътиқодини рўкач қилиб ҳарбий хизматдан бўйин товлаши ҳоллари намойиш қилинади. Қонуний нуктаи назардан маълум бир ёшга етган ҳар бир йигит ватан олдидаги ҳарбий хизмат қилиш бурчини ўташи зарур. Фақат махсус комиссиянинг ҳулосасига кўра (бу ҳулосани врачлар чиқариб беради) ҳарбий хизматни ўташдан озод қилиниши ёки у бошқа бир хизмат тури билан алмаштирилиши мумкин. Агар айрим фуқароларнинг диний эътиқоди ҳарбий мажбурият (масалан, қурол ишлатиш билан боғлиқ хизмат)ни тўла ҳажмда бажаришга тўсқинлик қилса, бундай пайтда ўша ёш қурол ишлатмайдиган бошқа хизматга жалб этилиши мумкин.

Бу тартиб Хельсинки жараёни доирасидаги инсоний мезонлар Конференциясининг 1989 йилги Париж Кенгашида қабул қилинган махсус халқаро ҳужжатдан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасида дин ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилган. Ҳеч бир диний ташкилот бошқа диний ташкилотлардан устун қўйилмайди ёки унга алоҳида имтиёзлар берилмайди. Барча диний ташкилотлар қонун олдида тенгдирлар. Давлат улар ўртасида адоват, бир-бирларининг ҳуқуқларини камситиш ёки эътиқодий қарашларини ҳақоратлашга йўл қўймайди. Бундай ҳаракатлар махсус қонунларга мувофиқ жазоланади.

Республикамизда диний ташкилотлар билан давлат идоралари ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш, мувофиқлаштириб бориш ва қонунлар ижросини назорат қилиб бориш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита тузилган. Қўмитанинг вазифалари ва ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом билан белгиланган. Жойлардаги давлат идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари қонунга тўла риоя этилишини таъминлашда жавобгардирлар.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг вазифаларини юкламайди ва уларнинг ички фаолиятига, агар у давлат сиёсати ва жамият осойишталигига хавф солмаса, аралашмайди. Шунинг учун диний ташкилотлар давлатнинг вазифаларини бажаришга жалб этилмайди, давлат уларга моддий маблағлар ажратиб тарғибот ишларига ёрдам бермайди. Бироқ бу диний ташкилотлар давлат назоратидан холи, улар ўз билганича ва истаганича фаолият олиб боради дегани эмас. Диндорлар ва диний ташкилотларнинг фаолияти жамиятда, одамлар даврасида кечар экан улар ушбу муносабатларида қўпчилик (жамият, давлат, халқ) қабул қилган ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларга итоат этишлари шарт.

Диний ташкилотларнинг тадқиқот, таълим-тарбия, тарғибот ишларига ҳам давлат аралашмайди, уларни зарур маблағлар билан таъминлашни ўз устига олмайди. Улар ҳам бу изланишлар давомида эришган ютуқларини оммалаштириши мумкин эмас. Ушбу ишлардан диний ташкилотлар ва диндорларнинг ўзлари манфаатдордирлар. Шунинг учун ушбу ишлар уларнинг шахсан ўзига тааллуқлидир деб қараш ўринлидир.

Диний ташкилотлар ва диндорлар ижтимоий ҳаётда қатнашиш ҳуқуқларига эгадирлар. Биринчидан, улар давлатимиз фуқароларидир. Бу уларга ўзининг конституциявий ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш имконини беради. Иккинчидан, улар жамиятимизда фаолият кўрсатадилар, жамиятимиз аъзоси сифатида ижтимоий муаммоларни ҳал этишда қатнашишлари зарур. Динга эътиқод ҳеч кимни ўзининг фуқаролик ва ижтимоий бурчини тўла адо этишдан озод қилмайди.

Ўзбекистонда диний-сиёсий партиялар тузиш ёки диний ташкилотларнинг сиёсий партиялар фаолиятига аралашishi, биргаликда ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар уюштириши тақиқланади.

Ҳозир Ўзбекистонда 15 турдаги 170 дан зиёд ноисломий диний ташкилотлар мавжуд. 1999 йили Тошкент ислом университети ташкил этилди. Ҳар йили унга юздан зиёд талабалар ўқишга қабул қилинади. Университет қошида Исломунослик илмий тадқиқот маркази, манбалар хазинаси ва академик лицей фаолият кўрсатади.

Диний ташкилотларни тузишнинг ҳуқуқий механизмлари, тартиблари мавжуд. Қонуннинг 8-моддасига кўра, диний ташкилот Ўзбекистоннинг Республикасининг 18 ёшга тўлган ва республика ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқароларнинг ташаббуси билан тузилади. У Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади. Тегишли диний маълумотга эга фуқаро диний ташкилотга раҳбарлик қилиши мумкин. Диний ташкилотларнинг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиб қўйилади.

Диний ташкилотлар рўйхатдан ўтиш учун қуйидаги ҳужжатларни тегишли органларга тақдим этадилар.

1. Диний ташкилот тузиш ташаббускорларининг имзо чеккан аризаси.
2. Диний ташкилот низоми.
3. Таъсис йиғилишининг баёни.
4. Диний ташкилот манзилгоҳини тасдиқловчи ҳужжат.

Диний ташкилотларни бирлаштирган Марказий бошқарув органи эса ўзини рўйхатдан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади.

1. Таъсис йиғилиши ёки конференциясининг раиси ва котиби имзо қўйган ариза.
2. Марказий орган низоми.
3. Таъсис йиғилишининг ёки конференциясининг баёни.
4. Таъсисчилар ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар.
5. Марказий орган манзилгоҳини тасдиқловчи ҳужжат.
6. Рўйхатга олиш йўғими тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат.

Аризалар бир ой муддат ичида кўриб чиқилиши зарур. Адлия Вазирлиги ёки уларнинг жойлардаги идоралари рўйхатдан ўтказиш пайтида қўшимча материаллар талаб қилиб олишга, улар бўйича экспертлар ҳулосасини олишга ҳақли. Диний ташкилотлар фаолиятининг қонунийлигини назорат қилиб бориш уларни рўйхатдан ўтказган идора зиммасига юклатилган.

Диний ташкилотлар ички фаолиятини белгилаб берувчи уставлар қуйидаги маълумотлардан иборат бўлиши талаб этилади.

1. Диний ташкилотнинг номи, тури, жойлашган манзили, қайси динга мансублиги.
2. Диний ташкилотнинг мақсади, вазифалари ва фаолиятининг асосий турлари.
3. Диний ташкилот фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш тартиби.
4. Диний ташкилотнинг ички тузилиши ва бошқарув органлари.
5. Маблағларнинг манбаи ҳамда ушбу ташкилот ичидаги, шунингдек ундан ташқаридаги мулкый муносабатлар.
6. Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тартиблари.
7. Ушбу ташкилотга тааллуқли бўлган бошқа маълумотлар.

Агар диний ташкилотлар ўзининг марказий органига эга бўлса, уставни тузишда ва унда акс эттириладиган вазифаларни белгилаб олишда у билан келишилади.

Диний ташкилотлар ихтиёрий тарзда тузилади, унинг фаолиятини ўзини ўзи бошқариш асосида олиб борилади. Улар ўз аъзоларининг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётда фаол қатнашишларига тўсиқ бўлолмайди.

Диний ташкилотларнинг ўзини ўзи бошқаришга асосланган ихтиёрий уюшма эканлигини, яъни ундан киши истаган пайтда чиқиб кетиш ҳуқуқига ҳам эга эканлигини унутмаслик керак.

Диний ташкилотларнинг уставлари ва вазифалари Конституция талабларига ҳамда қонунларда белгилаб қўйилган тартибларга зид бўлса, улар рўйхатдан ўтказилмайди. Рад этган

идора ўз қарорини ёзма тарзда аризачига етказди. Агар мавжуд камчиликлар тугатилса, аризачилар ўз ташкилотини рўйхатдан ўтказишни сўраб ёзма равишда ўша идораларга яна мурожаат қилиш ҳуқуқларига эгадирлар. Қонунда кўрсатилган тартиблар идоралар томонидан бузилса, диндорлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишлари мумкин. Диний ташкилотлар ўзини - ўзи тарқатиб юборганида ёки Ўзбекистон Республикасининг қонунлари бузганида тугатилади. Ушбу қарорни диний ташкилотни рўйхатдан ўтказган идора қабул қилади.

Ўзбекистонда мактаб диндан ажратилган. Қонуннинг 7-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган, таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаролар ўз ихтиёрларига қараб истаган тилда ва истаган диний таълимларни олишлари мумкин, бироқ бу таълимлар нафақат Конституция ва бошқа қонун нормаларига мос келиши, шу билан бирга ён-атрофдаги кишиларга ҳалақит бермаслиги ҳамда шахснинг саломатлигига, эркин ривожланишига акс таъсир этмаслиги лозим. Болаларни фақат мактаб ёшига етганда, мактабдаги машғулотларидан бўш вақтларида ота-оналарининг ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг ёзма розилиги билан, балоғат ёшига етганларни эса ўз хоҳишларига кўра ташкилий равишда диний таълимотга ўргатишга йўл қўйилади.

Диний таълим берувчилар диний маълумотларга эга бўлишлари зарур ва диний таълимни марказий идоранинг рухсати билан амалга оширадилар. Хусусий ёки яширин тарзда диний таълим бериш тақиқланади.

Диний таълим диний ўқув юртларига берилган биноларда, хоналарда олиб борилади. Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ диний ўқув юртларини диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари тузишга ҳақли. Диний ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, тегишли лицензия олганидан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўладилар. Олий ва ўрта диний ўқув юртларига талабалар умумий мажбурий ўрта таълим олганидан кейингина қабул қилинадилар. Улар ҳам ҳарбий хизматни ўташни кечиктириш, солиқ тўлаш, таълим олиш даврини меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш юзасидан давлат ўқув юртларининг талабалари учун белгилаб қўйилган ҳуқуқлар ва имтиёзлардан фойдаланадилар.

Диний ташкилотлар расм-русмлар, маросимлар ўтказиш учун қулай жойлар ташкил этиш ва зиёратгоҳларни сақлаб туриш ҳуқуқига эга. Ибодат, диний расм-русм ва маросимлар диний ташкилотлар жойлашган манзиллардаги ибодатхоналарда ва уларга тегишли ҳудудларда, зиёратгоҳларда, қабристонларда, зарур ҳолларда фуқароларнинг ихтиёрига мувофиқ уларнинг уйларида ўтказилади. Фуқароларнинг, диний ташкилот хизматдагилар бундан мустасно, жамоат жойларида ибодат либосларида юриши тақиқланади. Худди шунингдек, диний ташкилотлар мажбурий пул йиғимлари, тўловлари ундиришга ҳақли эмас (14-модда).

Диний ташкилотлар ўз мулкига эгадирлар. Улар давлатнинг маълум бир биноларидан шартнома асосида фойдаланишлари мумкин (15-16-моддалар).

Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ диний ташкилотлар ноширлик, ишлаб чиқариш, таъмирлаш-қуриш, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналар, етимхоналар, шифохоналар таъсис этишга ҳақлидирлар.

Агар диний ташкилотлар тугатилса, уларнинг мол-мулки устав ва қонунларга мувофиқ эгаларига қайтарилади, ҳуқуқий ворислари бўлмаган мол-мулклар эса давлат ихтиёрига ўтказилади (18-модда).

Диний ташкилотлар хайрия тadbирлари ўтказиш, уларда иштирок этиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро алоқалар ўрнатиш ва олиб бориш ҳуқуқларига эга.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар» қонунига кўра фуқароларнинг динга эътиқод қилиш ҳуқуқларини бузганлар, мансабдор шахслар маъмурий, моддий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Миссионерлик - бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бирдинни тарғиб қилиш. Прозелитизм - бу тўғридан-тўғрибирон бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабулқилишга мажбур қилиш. Миссионерлик ва прозелитизм дин билан боғлиқ ҳолда шаклланган ва мутаассибликка асосланган ҳодисалар ҳисобланади. Миссионерлик сўзи латин тилидаги «missio» феълидан олинган бўлиб, «юбориш», «вазифа топшириш», миссионер эса “вазифани бажарувчи” деган маъноларни англатади. Миссионерлик бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш билан боғлиқ назарий ва амалий фаолиятни билдиради.

Миссионерлик ўзига хос ва узоқ тарихга эга. Жумладан, бундай ҳаракат дастлаб

буддавийлик доирасида милоддан аввалги III асрдан бошлаб ёйилган. Бугунги кунда эса миссионерлик фаолияти билан фаол шуғулланишга ҳаракат қилаётганлар орасида баҳоийлар, кришначилар билан бир қаторда янги пайдо бўлган секталар борлигини ҳам таъкидлаш зарур. Миссионерликнинг узвий қисми бўлган прозелитизм - тўғридан-тўғри бирон бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилишни англатади. Дин миллий маънавиятнинг таркибий қисми, миллатни бирлаштириб турувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бир тилда гаплашадиган, умумий тарих ва ягона давлатга эга бўлган, аммо турли динлар ёки конфессияларга эътиқод қиладиган миллатлар ҳамон ички бирликни таъминлай олмаётгани, кичкина бир сабаб қайта-қайта низоли вазиятлар ва фуқаролар урушининг келиб чиқишига замин яратаётгани ва мамлакатлар ўз тараққиётида ўнлаб йилларга орқада қолиб кетаётгани ҳам шундай ҳулоса чиқариш имконини беради.

Ливан аҳолисининг 90 фоиздан ортиғини араблар ташкил этади. Расмий тил араб тили ҳисобланади. Аммо ливанликларнинг бир қисми исломга (сунний, шиа, друз), қолган қисми христианликка (мароний, православ, католик) эътиқод қилиши натижасида миллий бирликни таъминлаш қийин кечмоқда. Мамлакатнинг амалдаги қонунчилигида давлат бошқарув идораларининг диний белгилар асосида шакллантирилиши мустаҳкамлаб қўйилгани эса, кўпгина ҳолларда хилма-хил омиллар таъсирида унинг тўлақонли фаолиятига тўсиқ бўлмоқда. Мусулмонлар ва христианлар ўртасида вақти-вақти билан келиб чиқаётган фуқаролар уруши эса бу бирликни таъминлашни янада мушкуллаштирмоқда.

Миссионерлик ҳаракатлари ортида диний заминда миллатни ичидан бўлиб ташлашга қаратилган ғаразли сиёсий мақсадлар ётганини ва у келтириб чиқарадиган фожиаларни англаб етиш мумкин. Бу, миссионерлар ўз мақсадларига эришадиган бўлсалар улар фаолият олиб бораётган мамлакатда низо ва жанжалларнинг авж олиши, душманлик ҳиссиётларининг пайдо бўлиши орқали динлараро низоларнинг келиб чиқишига замин яратилиши, халқнинг парокандаликка юз тутиши ва маънавий таназзулнинг келиб чиқиши мумкинлиги ҳақида ҳулоса чиқариш имконини беради.

Миссионерларнинг бугунги кундаги фаолияти ҳеч бир минтақа, ҳеч бир давлат бундай таҳдиддан ҳоли эмаслигини кўрсатади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун эса миссионерликнинг моҳиятини тўғри ва чуқурроқ англаш, уни бартараф этиш йўлида мақсадли, тизимли ва тадрижий фаолият олиб бориш зарур бўлади. Бугунги кунда фаол миссионерлик билан турли йўналишдаги ташкилотлар шуғулланаётган экан, бундай ҳаракатларнинг ғоявий-ақидавий асосларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, христианлар “Миссионерлик ҳар бир диндор учун шарт”, -деб ҳисоблайдилар. Бундай фикрларнинг асоси ва манбаини «Инжил»дан топиш мумкин. Жумладан, “Инжил”да Исо Масихнинг ўзига 12 ҳаворийни танлаб олиши ва уларни Исроилнинг қишлоқлари бўйлаб даъват қилиш учун юборгани қайд этилган. Бу ҳақда Маркдан ривоят қилинган “Инжил”да «Исо шогирдларига деди: “Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушхабарини тарғиб қилинглар”, Маттодан ривоят қилинган «Инжил»да эса “...барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан чўқинтиринглар. Мен сизларга буюрган ҳамма нарсаларга амал қилишни уларга ўргатинглар...”, -деган даъватларни ўқиш мумкин. Шу ўринда адолат юзасидан бир фикрни алоҳида қайд этиш лозим. Кўпчилик ҳолларда муайян динда доирасида шаклланган у ёки бу кўрсатмалар, ақидалар конкрет тарихий шарт-шароит билан боғлиқ бўлади ва ўз даври учун тўғри ҳисобланади. Вақт, шароит ўзгариши билан ўзининг бирламчи аҳамиятини йўқотган бундай кўрсатмалар ўша даврдаги тарихий вазиятни тушуниш ва баҳолашда қимматдорлик касб этади. “Инжил”дан келтирилган юқоридаги сўзлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Зеро, Исо Масих томонидан қилинган бундай даъватлар кўп ҳудудлилик ўрнига яқка ҳудудликни тарғиб қилиш билан боғлиқ эди.

Бугунги кунда жаҳон аҳолисининг мутлақ кўпчилиги яккахудоликка асосланган ўз динларига эътиқод қилади. Шундай экан, қайд этилган кўрсатмаларни миссионерлик билан шуғулланиш учун ғоявий асос қилиб олиш тарих ҳақиқатига зид эканини таъкидлаш зарур. Замонавий миссионерлик ташкилотлари Дастлабки халқаро христиан миссиялари, 1910 йилда Шотландиянинг Эдинбург шаҳрида пайдо бўлган эди. Бугунги кунда юзлаб шундай мақомга эга миссиялар фаолият кўрсатмоқда. Уларни янада ривожлантириш, етарли моддий, маънавий ва инсон ресурслари билан таъминлаш жуда яхши йўлга қўйилган. Одатда, халқаро миссияни ташкиллаштиришда маълум бир конфессиянинг барча шахобчалари қатнашади. Ташкилотнинг наشريёти уни тегишли адабиётлар билан таъминласа, тадқиқот маркази муайян мамлакат аҳолиси, унинг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, заиф томонлари ҳақидаги маълумотларни йиғиш ва диний адабиётларни маҳаллий тилларга таржима қилиш билан шуғулланади. Миссияни моддий-молиявий таъминлашда ишлаб чиқариш тузулмаларининг, миссионер кадрлар тайёрлаш ва кўнгилли ҳомийларни топишда миссионерлик базаларининг аҳамияти беқиёсдир. Мана шундай куч ва тайёргарлик билан халқаро миссия исталган мамлакатда тегишли тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ташкил этишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Бугунги кунда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида миссионерликнинг муҳим таркибий қисми сифатида кўплаб халқаро христиан миссиялари фаолият олиб бормоқда. Миссионерлик ривожига “Ибодат Ҳаракати-2000”, “Жаҳон Ибодат Маркази” ва “Халқаро Ҳаворийлар Коалицияси” каби ўнлаб ташкилотлар ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқда. Уларнинг ичида Патрик Джонстоун томонидан асос солинган “Дунё операцияси” миссияси глобал миқёсда фаолият юритаётган энг йирик миссия ҳисобланади.

Бугунги кунда муайян молиявий имкониятларга эга ва ўзи мансуб бўлган конфессия таълимотини дунё бўйлаб ёйишга ҳисса қўшишни муқаддас бурч, деб биладиган алоҳида диндорлар томонидан ташкил этиладиган “хусусий миссия”лар пайдо бўлганини ҳам қайд этиш лозим. Одатда бундай фаол диндорлар маълум мамлакатга келиб у ерда ўз номларидаги миссия ва параллел равишда хайрия жамғармаси тузиб, миссионерлик билан шуғулланадилар. Ҳозирда МДХ ҳудудида Канада фуқароси Кеннет Коупленд томонидан ташкил этилган “Кеннет Коупленд”, АҚШлик аёл Жойс Майер тузган “Жойс Майер” миссиялари фаолият юритаётгани фикримизнинг исботи бўла олади. Халқаро миссионерлик ташкилотлари христианликдан бошқа динлар доирасида ҳам мавжуд. Жумладан, буддавийлик доирасида юзага келган Сока Гаккай, Фогуаншанг ва Вон каби ташкилотларни шу қаторга қўшиш мумкин. Улар ўз миссионерлик фаолиятида асосан адабиётлар тарқатиш ва хайрия тадбирларини ўтказиш амалиётидан фойдаланадилар.

Бугунги кунда Марказий Осиё ҳам христиан миссияларининг диққат-эътибори қаратилган ҳудудлардан бирига айланганини алоҳида қайд этиш лозим. Ушбу ҳудудни ўзлаштириш учун бир қатор режалар ишлаб чиқилган. 2000 йилга бориб дунёдаги черковлар сонини 7 миллионга етказиш кўзда тутилган “Тонг - 2000” дастури доирасида минтақамизда черковлар сонини бир неча баробарга ошириш назарда тутилгани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Фаол миссионерлик билан шуғулланаётган “Еттинчи кун адвентистлари” жамоаси томонидан Марказий Осиёдаги фаолиятни кучайтиришга қаратилган махсус бўлим тузилгани ҳам яқин истиқболда минтақамизда “чин эътиқодни” тарғиб қилиш йўлидаги ҳаракатлар янада кенгроқ кўлам касб этиши мумкинлигидан далолат беради. Миссионерлар ўзлари фаолият олиб борадиган мамлакатга хос хусусиятларни ҳамиша эътиборга олишган. Масалан, ижтимоий мазмунга эга кўплаб тадбирларга “ўз лушларини қўшишга” ва ўзларининг беғаразлигини иддао қилган ҳолда мухтож оилаларга моддий ёрдам беришга ҳаракат қилишлари ҳам шундай ҳулоса чиқариш имконини беради. Айни пайтда, миссионерлар ҳудудий ўзига хосликларини инобатга ҳолда фаолият олиб боришга ҳаракат қилишини ҳам таъкидлаш зарур. Чунончи, конкрет вазият ва шароитни

инобатга олиб, миссионерлар ўз ҳамкорлари бўлган хорижий халқаро ташкилотлар билан биргаликда “ичимлик сувининг сифатини яхшилаш”, “экологик вазиятни барқарорлаштириш”, “болалар ва оналар саломатлигини мустаҳкамлаш”, “қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни оқилona ташкил этиш” деган турли шиорлар ва тамойиллар остида иш олиб боришга ҳаракат қилишларини алоҳида қайд этиш лозим.

Миссионерлар макон ва замонга мослашган ҳолда ўз услуб ва воситаларини доимий такомиллаштириб келганлар. Хусусан, сўнгги вақтларда улар маълум бир ижтимоий қатламни ажратиб олиб, мақсадли иш олиб боришга интиломоқдалар. Жумладан, миссионерлар асосий эътиборни аралаш миллат вакилларида иборат оилаларнинг аъзолари, илгари ҳеч бир динга эътиқод қилмаган, оғир ҳасталикка, жудоликка, моддий қийинчиликка дуч келган, ахлоқ тузатиш муассасаларидан чиқиб келган, яъни моддий ва маънавий кўмакка муҳтож кишиларга қаратмоқдалар. Миссионерлар саноат корхоналари жойлашган ҳудудларда ишчилар ва вақтинча ишсизлар ҳамда хусусий тадбиркорлар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор бера бошлаганларини таъкидлаш зарур. Зиёлиларнинг турли қатламлари ичида санъат соҳаси ходимлари, кутубхоначилар, ўрта мактаб ўқитувчилари, турли идоралар хизматчилари фаол миссионерлик тарғиботи объекти сифатида танланаётганини ҳам қайд этиш лозим. Бундай ёндашувда ўзига хос мантиқ бор. Масалан, прозелит санъаткор санъатнинг ҳиссий-эмоционал таъсир қувватидан фойдаланиб, эътиқодий босим ўтказишда юқори самарадорликка эришиши мумкин бўлса, эътиқодини ўзгартирган кутубхоначида эса “ўлжа” сифатида танланганлар билан якка тартибда ишлаш имконияти мавжуд бўлади. Миссионерларга табиатан ишонувчан, ташқи таъсирга мойил бўлган ва айна пайтда, ҳаётда сабр-бардошли ва фидоий бўлиш билан бир қаторда ҳамиша маънавий-руҳий кўмакка, қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезадиган аёлларга ҳам алоҳида эътибор билан қарамоқдалар. Миллатнинг бирлиги ва жипслиги, мамлакатдаги барқарорлик ва тараққиёт оиладаги яқдиллик ва аҳиллика боғлиқ. Бу прозелит аёлни тарбиялашга интилиш ортида жамиятда беқарорликни келтириб чиқариш, ижтимоий ва миллий тотувлик асосларига раҳна солишдек мақсад-муддаолар ётганини кўрсатади. Оила - миллат ва мамлакатнинг келажаги бўлган ёшлар тарбияси амалга ошириладиган кутлуғ маскан. Шу нуқтаи назардан қараганда, миссионерларнинг аёлларга бўлган эътибори уларнинг эътиқодини ўзгартириш орқали фарзандлари дунёқарашини ҳам тегишли йўналишда шакллантириш, миллат, жамиятнинг эртанги кунини муайян йўсинга солишга бўлган интилиш билан белгиланишини ҳам таъкидлаш зарур.

Миссионерлар ҳар қандай киши ва жамият ҳаётида учрайдиган ижтимоий-иқтисодий муаммолардан ўзларининг мақсадларида йўлида фойдаланиб қолишга доимий эътибор бериб келганлар. Улар бугунги кунда ҳам моддий-молиявий ёрдам кўрсатишнинг турли шаклларида усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг “Кўзи ожизлар жамияти”, “Меҳрибонлик уйи” каби ташкилотларга хайрия сифатида молиявий кўмак беришга, “Қариялар уйлари” ташкилий ва моддий (озик-овқат олиб бориш, муҳтож кексаларни овқатлантириш) шаклида ёрдам беришга интилаётганлари ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Умуман олганда, миссионерлар турли хил ижтимоий-маърифий тадбирларни тез-тез ўтказишдан ўз фаолиятлари ҳақида ижобий тасаввурни шакллантириш, ўзаро муносабатлар ва алоқаларни яхшилашдек мақсадларни кўзлайдилар. Зилзила, тошқин, очарчилик каби турли офатларнинг ф р содир бўлиши миссионерлар учун айна муддао ҳисобланади. Қаерда шундай ҳодиса рўй берса ўша ерга биринчи бўлиб миссионерлар етиб боради. Дастлаб улар ўзларини беғараз ёрдам кўрсатаётганларини кўз-кўз қилиб, аста-секин асл мақсадларини намойиш этадилар. Аслида эса миссионерлар ҳеч қачон, ҳеч кимга беғараз ёрдам кўрсатмаганликларини ва кўрсатмасликларини унутмаслик лозим.

Миссионерлар тил ва компьютер ўргатиш марказлари, ҳатто мактаб ёшигача бўлган болалар учун ихтисослашган боғчалар очиш орқали ҳам ёшлар орасида тегишли

тарғиботни ташкил этишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунда ота-оналарнинг ўз фарзандларини ёшликдан бир неча тилга ўргатиш, компьютер саводхонлигини оширишга бўлган интилиши ва ёшларда бундай соҳаларга бўлган қизиқишлардан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилинаётганини кўриш мумкин. Миссионерлар бундай марказлар ва боғчаларда тил ва компьютер ўргатишни яхши йўлга қўйиш, пул тўловларини нисбатан арзон қилишга алоҳида эътибор берадилар. Аҳоли ўртасида ўз фаолиятлари ҳақида ижобий тасаввурни шакллантириш эса миссионерликни амалга ошириш учун ниқоб бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР :

1. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. // Халқ сўзи, 1998 йил, 2 май.
2. Азимов А. Ислом ва ҳозирги замон. –Т.: 1992.
3. Ражабова М. Диний экстремизм ва террорчилик. –Т.: Янги аср авлоди, 2000.
4. Саидов А.Х. Юнусова А.Т. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига шарҳлар.” –Т.: Адолат, 1993.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. –Т.: Адолат, 1998.
6. Закурлаев А. Ғоялар кураши. –Т.: Мовароуннаҳр, 2000.
7. Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик. –Т.: 1998.
8. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Тошкент ислом университети. Т., 2005.
9. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга - юз жавоб). –Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 200 б.

АННОТАЦИЯ

Маънавият асослари. Диншунослик фани бўйича мазкур ўқув-ишчи дастурни тузишда Ўзбекистон Республикаси ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан бакалавр таълим йўналишларига мўлжаллаб тайёрланган намунавий дастур (Маънавият асослари. Диншунослик. Тошкент - 2011) асос қилиб олинди.

НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР:

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни;
- 1.2. Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури (1997 йил 29 август);

3. Низомлар ва йўриқномалар:

- 2.1. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси;
- 2.2. Кафедра Низоми;
- 2.3. Олий таълим муассаси талаба билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш бўйича йўриқнома;
- 2.4. Олий таълим муассаси ички тартиб-қоидалари.
- 2.5. Дарс жадвалини шакллантириш йўриқномаси.

«МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ. ДИНШУНОСЛИК» КУРСИДАН РЕЙТИНГ ТИЗИМИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ КЎРСАТМА АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

“Маънавият асослари. Диншунослик” курси бўйича тайёрланган мазкур услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сонли буйруғи билан амалга киритилган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом” асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу услубий кўрсатмадан университет бакалавр босқичининг барча таълим йўналишлари 2-курсига ўқитиладиган “Маънавият асослари. Диншунослик” фанидан талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланиш тавсия этилади.

Шунингдек, услубий кўрсатмада “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом”да келтирилган асосий вазифаларнинг қуйидагилари қамраб олинган:

- ❖ талабаларда Давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиш;
- ❖ талабалар билими, кўникма ва малакаларини ҳаққонийлик, ишончлилиқ ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш;
- ❖ фанни талабалар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш;
- ❖ талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;
- ❖ талабаларнинг фан бўйича комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш.

Йўналиш ишчи ўқув режасида фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси 92 соат бўлиб, шундан маъруза машғулотларига 34 соат, семинар машғулотларга 18 соат ва мустақил иш учун 40 соат ҳажмида режалаштирилган.

и. Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби

“Маънавият асослари. Диншунослик” курси бўйича талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини аниқлаш ҳамда уларнинг ўзлаштириш даражаларини Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади:

1) Жорий назорат – талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат мазкур фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, машғулотларда қуйидагича амалга оширилади.

Талабанинг:

- ❖ мавзу бўйича қўйилган оғзаки саволларга (интерфаол шаклда) берган жавоби ва фаоллигини баҳолаш;
- ❖ олаётган билими, ўрганаётган ўқув материаллари ва вазифаларни бажариб бораётганлигини қайд қилиш мақсадида юритаётган конспектини текшириш;
- ❖ мавзулар бўйича мантиқий боғланган уй вазифаси ва топшириқларнинг бажарилганлигини текшириш;
- ❖ мустақил фикрлашга ҳамда аналитик қобилиятни шакллантиришга хизмат қиладиган ёзма иш ва рефератларни ҳимоя қилдириш;
- ❖ тестлар олиш;
- ❖ ўқув лойиҳалар ёки амалий топшириқ (масалалар)ларнинг ечими ва тақдимотини амалга ошириш.

2) Оралиқ назорат – университет ўқув жараёни жадвалига биноан ўтказиладиган, фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган, яъни фан ўқув дастурининг тегишли бўлими тугаллангандан сўнг талабанинг билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Ушбу фан бўйича оралиқ назорат тест шаклида бўлиб, талабалар

билимини баҳолаш учун тарқатиладиган вариантда ун бешта тест саволига жавоб бериши лозим, ҳар бир тест саволи жавобига **1** балл ажратилади.

Оралиқ назорат тестлари янги ўқув йили бошида кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан тузилиб, кафедра мажлисида муҳокама қилинади ва тасдиқланади. Тасдиқланган оралиқ назорат тестлари олдиндан талабаларга тарқатилади.

Оралиқ назоратни ўтказиш жараёни кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштирокида даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиби бузилган ҳолларда, оралиқ назорат натижалари бекор қилинади ҳамда оралиқ назорат қайта ўтказилади.

3) Якуний назорат – семестр якунида муайян фан бўйича назарий ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш усули. Мазкур фан бўйича якуний назорат семестрнинг охириг икки ҳафтаси мобайнида Ўқув-услубий бошқарма томонидан тузилган қатъий жадвал асосида белгиланган аудиторияда “тест” шаклида ўтказилади.

п. Баҳолаш тартиби ва мезонлари

“Маънавият асослари. Диншунослик” курсидан талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакалари назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида балларда ифодаланади.

Талаба мазкур фан бўйича йиғиши мумкин бўлган максимал балл – 100 балл бўлиб, у қуйидагича тақсимот қилинади:

- **жорий назорат – 40 балл;**
- **оралиқ назорат – 30 балл;**
- **якуний назорат – 30 балл.**

Фан бўйича жорий ва оралиқ назоратларга ажратилган умумий баллнинг 55 фоизи саралаш балл ҳисобланади. Ушбу фоиздан (55 фоиз) кам балл тўплаган талабалар якуний назоратга қўйилмайди.

Жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича 55 ва ундан юқори бални тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб ҳисобланади ва ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига ҳам йўл қўйилади.

Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йиғиндисига тенг.

«Маънавият асослари. Диншунослик» фанидан рейтинг назорати жадвали ва баҳолаш мезонлари 1. Рейтинг назорат жадвали

№	Назорат тури	Шакли	Сони	Балл	МБ	СБ	Жами балл
1	Ж.Н. 1.1. Семинар машғулоти учун 1.2. ТМИ-реферат	Оғзаки Ёзма	15 100	2 100x0,1	30 10	16,5 5,5	30 10
2	О.Н. 2.1. Ёзма 2.2. Тест	Ёзма Тест	1 1	3x5 1x15	15 15	8,3 8,3	15 15
3	Я.Н. 3.1. Тест	Тест		1x30	30	16,5	30
4	Жами						100

1. Баҳолаш мезонлари

1.1. Семинар режаси саволларига ёзма жавоб тайёрлаб, муҳокамада...

- иждодий фикрласа- 1,7 - 2 балл
- мохиятини тушунса- 1,4 – 1,6 балл
- тасаввури бўлса- 1,1 – 1,3 балл
- билмаслиги учун- 0-1.0 балл

1.2. Талаба мустақил иши учун берилган мавзулар бўйича реферат мавзуларини химоя қилиши лозим. Бунга 10 балл ажратилган.

- реферат мазмуни ва хажми сифатли бўлса - 8,6 -10 балл
- реферат меъёрий хужжат талабларига мос бўлса - 7,1 - 8,5 балл
- реферат мазмунида хатолар учраса - 5,5 – 7,0 балл
- реферат мазмунидан четга чиқиш бўлса - 0-5,4 балл

2.1. Биринчи О.Н. 11 мавзудан сўнг ёзма шаклда ўтказилади. Вариантда 3 та савол бўлиб ҳар бири учун 5 балл ажратилган жами 15 балл.

- мазмун тўлиқ очилса -4,3- 5 балл
- мазмун умумий очилса -3,5 -4,2 балл
- мазмунда камчиликлар бўлса -2,7 -3,4 балл
- мазмунда четга чиқиш бўлса -0 -2,6 балл

2.2.Иккинчи О.Н. 21-мавзудан сўнг тест шаклида ўтказилади. Талаба 15 та саволга жавоб бериши лозим. Ҳар бир савол учун 1 балл ажратилган.

- аъло баҳо- 13-15 балл
- яхши баҳо- 10-12 балл
- қониқарли баҳо- 8-10 балл
- қониқарсиз баҳо- 0-7 балл

3. Я.Н. деканат графиги асосида семестрнинг охириги 2 ҳафтасида ўтказилади. Талабадан 30 та тест саволларига жавоб бериш сўралади. Ҳар бир тест учун 1 балл ажратилган.

- 26-30 тага 26-30 балл
- 22-25 тага 22-25 балл
- 17-21 тага 17-21 балл
- 0-16 тага 0-16 балл

Изоҳ: Қайдномага баллар бутун сонлар билан расмийлаштирилади.

86-100 балл -5 баҳо

71-85 балл – 4 баҳо

55-70 балл-3 баҳо

0-54 балл қониқарсиз

Талабанинг Ж.Н., О.Н. турлари бўйича тўплаган баллари ушбу назорат турлари умумий балининг 55% дан кам бўлса у талаба академ қарздор ҳисобланади.

Семестр охирида Ж.Н., О.Н. ва Я.Н. турлари бўйича тўплаган баллар йиғиндиси 55 баллдан кам бўлса у академ қарздор ҳисобланади.

Ж.Н. ва О.Н. турлари бўйича 55 ва ундан юқори балл тўплаган талаба фанни ўзлаштирган ҳисобланади ва ушбу фан бўйича Я.Н. га кирмаслигига йўл қўйилади.

Изоҳ: Талабанинг маъруза машғулотларида фаол иштироки учунгина балл берилади. Шунчаки келиб кетаётган талабаларга балл қўйилмайди. Уларга фақатгина дарсга келиб ўтирганликлари учун “+” ишораси қўйилади.

**“Маънавият асослари. Диншунослик” фанидан ишчи дастур
бажарилишининг календар тематик режаси**

№	Мавзу номлари	Машғулот тури	Ажратилган вақт	Талаба мустақил иши мавзуси ва мазмуни	Ҳисобот шакли	Бажарилиш ҳақида маълумот		Ўқитувчи имзоси
						Соат	Ой, кун	
1	Маънавият тушунчаси, предмети, мақсади ва вазифалари. Президент Ислом Каримовнинг маънавият, унинг мезонлари ва миллий-маънавий тикланиш ҳақидаги концепциялари.	М а ъ р у з а	2	Режада кўрсатилган мавзулар бўйича реферат тайёрлаш	ёзма	2		
2	Маънавиятнинг таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро муносабатлари. Маънавият ва маърифат, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда инсон камолотидаги аҳамияти. Маънавият, иқтисодиёт ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.		2			2		
3	Маънавиятнинг сиёсат, ҳуқуқ ва ҳокимиятдаги ўрни. Манавиятда миллийлик ва умуминсонийлик.		2			2		
4	Қадимги Марказий Осиё халқлари маънавиятининг шаклланиш жараёнлари.		1			1		
5	Ислом динида маънавият ва шахс маънавий қиёфасининг талқини. Марказий Осиё фалсафий тафаккурида маънавият ва маърифат масалалари.		1			1		
6	Амир Темур ва темурийлар даврида маънавият ва маърифат.		1			1		
7	Жадидчиларнинг маърифатпарварлик ҳаракатлари ва унинг халқ маънавиятини кўтаришда тугган ўрни.		1			1		
8	Мустамлакачилик ва қарамлик шароитида маънавият. Маънавий баркамол, комил инсон тушунчалари ва уларнинг Шарқона таърифи.		2			2		
9	Шахс маънавияти мезонлари. Миллий ўзликни англаш, миллатлараро тотувликни таъминлаш, ҳуқуқий саводхонлик, давлат тизимида ҳурмат, фуқаролик бурчига садоқат - шахс маънавий баркамоллиги мезонлари. Шахс маънавий фазилатлари.		1			1		
10	Маънавий жасорат-шахс маънавий фазилати. Шахс маънавий фазилатлари.							
11	Шахс маънавиятини ривожлантириш омиллари ва воситалари. Энг буюк жасорат – маънавий жасоратдир.		1			1		
12	Диншунослик фанига кириш		1			1		
13	Диннинг ибтидоий шакллари		1			1		
14	Миллий динлар		2			2		
15	Буддавийлик		2			2		
16	Христианлик		2			2		
17	Ислом		2			2		
18	Исломнинг асосий манбалари		1			1		

19	Исломдаги мазҳаблар ва ғоявий-сиёсий оқимлар		1			1		
20	Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар		1			1		
21	Миссионерлик ва прозелитизимнинг салбий оқибатлари		1			1		
	ЖАМИ		28			28		
1	Маънавият тушунчаси, предмети, мақсади ва вазифалари. Президент Ислом Каримовнинг маънавият, унинг мезонлари ва миллий-маънавий тикланиш ҳақидаги концепциялари.		2	Семинар машғулотларидаги вазифалар буйича берилган мустакил ишларнинг бажарилиши	оғзаки	2		
2	Маънавиятнинг сиёсат, ҳуқуқ ва ҳокимиятдаги ўрни. Манавиятда миллийлик ва умуминсонийлик.		2			2		
3	Қадимги Марказий Осиё халқлари маънавиятининг шаклланиш жараёнлари. Ислом динида маънавият ва шахс маънавий қиёфасининг талқини. Марказий Осиё фалсафий тафаккурида маънавият ва маърифат масалалари.		2			2		
4	Амир Темур ва темурийлар даврида маънавият ва маърифат. Жаҳидчиларнинг маърифатпарварлик ҳаракатлари ва унинг халқ маънавиятини кўтаришда тутган ўрни.		2			2		
5	Мустамлакачилик ва қарамлик шароитида маънавият. Маънавий баркамол, комил инсон тушунчалари ва уларнинг Шарқона таърифи.		2			2		
6	Маънавий жасорат-шахс маънавий фазилати. Шахс маънавий фазилатлари.		2			2		
7	Шахс маънавиятини ривожлантириш омиллари ва воситалари. Энг буюк жасорат – маънавий жасоратдир.		2			2		
8	Диншунослик фанига кириш		1			1		
9	Диннинг ибтидоий шакллари		1			1		
10	Миллий динлар		2			2		
11	Буддавийлик		2			2		
12	Христианлик		2			2		
	Ислом		2			2		
13	Исломнинг асосий манбалари		1			1		
14	Исломдаги мазҳаблар ва ғоявий-сиёсий оқимлар		1			1		
15	Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар		2			2		
16	Миссионерлик ва прозелитизимнинг салбий оқибатлари		2			2		
	ЖАМИ		30			30		
	ҲАММАСИ		58			58		

М У Н Д А Р И Ж А

1.	Фаннинг ўқув дастури.	
2.	Фаннинг ишчи ўқув дастури.	
3.	Маъруза ва семинар машғулотларда ўқитиш технология-ларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари.	
4.	Маъруза машғулотининг технологик харитаси	
5.	Семинар машғулотлари технологик харитаси	
6.	Тест саволлари.	
7.	Назорат турлари (ЖН, ОН, ЯН) учун тайёрланган топшириқлар вариантлари.	
8.	Таркатма материаллар.....	
9.	Изоҳли-луғат глоссарий.....	
10.	Реферат мавзулари.	
11.	мустақил иш, реферат, оғзаки ва ёзма ишларнинг бажарилиши юзасидан услубий кўрсатмалар.	
12.	Адабиётлар рўйхати.	
13.	Ўқув материаллари (Маъруза матни).....	
14.	Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш концепцияси ва унинг муваққилликни тиклаш-даги аҳамияти Маънавиятнинг предмети, тушун-чалари, уларнинг ўзаро муносабатлари ва хусусиятлари.	
15.	Маънавиятнинг таркибий қисмлари, уларнинг ўзаро муносабатлари ва ривожланиш хусусият-лари. Маънавият, иқтисодиёт ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.	
16.	Маънавиятнинг сиёсат, ҳуқуқ ва ҳокимиятдаги ўрни. Манавиятда миллийлик ва умуминсонийлик.....	
17.	Қадимги Марказий Осиё халқлари маънавияти-нинг шаклланиш жараёнлари. Ислом динида маънавият ва шахс маънавий қиёфасининг талқини.....	
18.	Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида маънавият. Жаҳидларнинг маърифатпарварлик ҳаракати ва унинг халқ маънавиятини кўтаришда тутган ўрни.	
19.	Мустамлакачилик ва қарамлик шароитида маънавият.Маънавий баркамол инсон тушунчаси, унинг шарқона таърифи.	
20.	Ватанпарварлик, инсонпарварлик ва ўз миллатига садоқат шахс маънавияти муҳим мезонлари. Иймон, диёнат, адолат, меҳр-шафқат ва эътиқод, поклик, ҳалоллик ва вафодорлик шахс маънавий фазилатлари.	
21.	Миллий ўзликни англаш, миллатлараро тотувликни таъминлаш шахс маънавияти белгилари. Ҳуқуқий саводхонлик, қонунга итоаткорлик давлат тизимида ҳурмат ва фуқаролик бурчига садоқат-шахс маънавий баркамоллиги мезонлари. Шахс маънавиятини ривожлантириш омиллари ва воситалари.	
22.	Диншунослик фанига кириш.....	
23.	Диннинг ибтидоий шакллари	
24.	Миллий динлар	
25.	Зардуштийлик	
26.	Буддавийлик	
27.	Христианлик.....	
28.	Ислом	
29.	Исломнинг асосий манбаалари	
30.	Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар.....	
31.	Норматив ҳужжатлар.....	
32.	Рейтинг тизими асосида талабалар билимини баҳолаш бўйича услубий кўрсатма.....	
33.	Баҳолаш мезонлари.	
34.	Ишчи дастур бажарилишининг календар тематик режаси.....	

